



ALISHER
NAVOIY

ҒАРОЙИБ
УС-СИҒАР

4 ЖИЛД

84(37)1

15a

А 50 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ

Алишер Навоий

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

Ўн жилдлик

4-ЖИЛД

Монография

ТОШКЕНТ
“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти
2020

УЎК: 821.512.133-14

КБК: 84(5Ў)1

А 50

Масъул муҳаррир:

Тўхлиев Б. – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Жабборов Н. – Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ профессори,
филология фанлари доктори

Омонов Қ. – ТДШУ профессори, филология фанлари доктори

А 50

Тўхлиев Б., Комилов Н., Юсупова Д., Муллахўжаева К., Эргашев Қ.,
Давлатов О., Тожибоева М., Мамадалиева З.;

Алишер Навоий. “Ғаройиб ус-сиғар”. Ғазалларнинг шарҳ ва
изоҳлари. Ўн жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020. –
258 б.

Таҳрир ҳайъати:

Давлатов О., Имомназаров М., Маннонов А.М., Маҳмудов Н.М.,
Мухиддинов М., Омонов Қ., Раҳмонов Н., Рихсиева Г.Ш., Содиқов Қ.,
Сирожибдинов Ш.С., Тўхлиев Б., Қуронбеков А., Ҳаққулов И.Ч.


Монография Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазаллар шарҳига бағишланган. Шарҳлар адиб ғазалларининг матни, уларнинг вазн кўрсаткичлари, луғат ва насрий баён билан таъминланган.

Девондаги ғазалларнинг яхлит ва изчил илмий шарҳи биринчи марта амалга оширилмоқда.

Китоб илмий тадқиқотчилар, таълимнинг турли босқичларида фаолият юритаётган ўқитувчи ва мураббийлар, талаба ва ўқувчилар, шунингдек, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Монография ПЗ-20170930393 “Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазалларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги илмий изоҳ ва шарҳларини яратиш” грант лойиҳаси асосида яратилган ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университети Илмий кенгашининг 2020 йил 26 ноябрдаги 4-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6858-8-8



© ТДШУ, 2020

© “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020

ШАРҲ ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Алишер Навоий ўзбек адабиётини мислсиз даражада юқори кўтарди, унинг ривожига бебаҳо ҳисса қўшди. Ўзбек лирикаси Алишер Навоий шарофати билан жаҳоний довруқ қозонди. “Хамса” туркий дунёдагина эмас, бутун Шарқда машҳур бўлди. Фақат ғазалларнинг ўзиёқ том маъноси билан “маънолар хазинаси”га айланди. Мутафаккир адиб ғазалнинг мавзу қамровини беҳад кенгайтириб юборди, ифода йўсинига қўплаб янгиликларни киритди.

Адиб ғазалиётининг бош мавзуси ишқ-муҳаббатдир. Бу мавзу ижодкорга олам ва одам ҳақидаги ўзига хос яхлит қарашлари ифодасини бериш учун имкон яратган. Бу ғазалларда ёрнинг тенгсиз гўзаллиги, ҳусну малоҳати, нозу карашмалари, бетакрор хатти-ҳаракатлари инсонни ҳайратга соладиган гўзал ва таъсирчан ифодаларда акс этган.

Ошиқ эса Навоий шеъриятида чек-чегарасиз сабру бардоши, собит матонати, аҳдидаги қатъияти билан ажралиб туради.

*Кўнглум ўртансун агар ғайрингга нарво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким, сенинг шавқунгни пайдо айласа...*

*Ўзгалар ҳуснун томошо айласам чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни томошо айласа.*

Бу ердаги ошиқ садоқатининг ифодасига тан бермаслик мумкин эмас. Айни пайтда ундаги ёрнинг бошқалардан қизганиш даражаси ҳам таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, уларнинг туб-тубига сингдирилган самимият ва қизғинлик китобхон

учун яширин эмас. Бундай туйғулар ифодасининг юкумли ва таъсирчан бўлишига шубҳа йўқ.

Куйидаги байт ҳам ошиқ тасвирига оид. Унда ошиқнинг ҳаракат ва ҳолатлари тасвири етакчи мавқе тутади. Улар ошиқ ҳаёти ва ҳаёлидаги ҳақиқатларни акс эттириш учун қўл келган. Ҳаёл ҳақиқатида эҳтимоллик, ҳаёт ҳақиқатида эса аниқлик устувор:

*Васлингга етай дедиму ҳажрингга йўлуқтум,
Умид ила келдим, вале армон била бордим.*

Эътибор берилса, байтда феъллар асосий урғу олаётган сўз туркуми сифатида кўзга ташланади. “Етай демоқ” кўмакчи феълли бирикма амалга ошмаган истак ва ҳаракатнинг ифодаси. “Йўлуқтум”, “келдим”, “бордим” феълларининг барчаси ўтган замонда, улар ҳаракатнинг аниқ ва тугал ҳолда амалга ошганини билдириб туради. Натижада, китобхон ошиқнинг ҳозирги ҳолатини аниқ тасаввур қилиш имконига эга бўлади. Айни ҳаракатнинг такрорий тарзда юзага келаётгани синтактик параллелизм воситасида қайд этилган. Дастлабки мисрада амалга ошмай қолган ният васл ва ҳижрон зиддияти орқали кўрсатилса, кейинги мисрада худди шу ҳолат кўзланган умиднинг амалга ошмай қолиши натижасида армонга айланиш жараёнини таъкидлаш билан ифодаланган.

“Васлинг”, – “ҳажринг”, “умид” – “армон”, “келдим” – “кетдим” каби тазодлар силсиласи мана шу ҳолатнинг сабабларини ойдинлаштирадиган сўзлар сифатида кўринади.

Ҳазалларда ёрнинг турли қиёфалари кўз олдимизга келади. Ёр – ой, қуёш, гул, гули раъно, санубар, шаҳ (подшоҳ); пари, парипайкар, ой, ҳилол, қуёш, меҳр, хуршид, қотил, хунхор; унинг қомати – сарв, алиф; сочи – сунбул, анбар, мушк; қоши – ёй, камон, араб алифбосидаги “ё” ҳарфи, кўзи – наргис, тимсоллари билан ифодаланади. У гоҳ “қош уюб”, “юз ёшуруб”, гоҳ “шитоб кўргузуб” намоён бўлади, Ошиқ назаридан ёрнинг “учук чиққан лаби”, “бемор кўзи” ҳам четда қолмайди.

Мана шу силсилада лирик қахрамон ёрнинг ноз илмини аъло даражада ўзлаштирганига тан бергани ҳолда, унинг вафосизлиги шунчаки қайд этилади, холос. Вафосизлик ёрнинг айби эмас, унинг одатий хусусиятларидан биригина деб талқин этилади. Шунда ҳам айб унда бўлмайди:

*Ул мактаб ароким ўқудунг ноз румузин,
Гўёки вафо илмин унутмиш эди устод.*

Навоий шеъриятини кузатиб, “ёрнинг хусни, ошиқнинг ишқида нуқсон мавжуд бўлмаган”идан қаноат ва ҳузур туйилади.

Тасвирларда ошиқ “булбул”, “зоғ; “девона”, “расво”, “саргашта”, унинг юзи “беҳи ранг”, “заъфарон”, “барги хазон”, кўнгли “чок”, “синиқ”, “шикаста”, “ёра”, “ғамгин”, “нолон”, “мунглуғ” сифатлари билан бирга намоён бўлади.

Ҳазалларда “кўз юмуб очкунча”, “чок айлармен яқо”, “кўзим чиқсун”, “Ҳар кишига бўлмасун, ё раб, манга бўлғон бало”, “не сих куймиш, не кабоб”, “жони оғзига етмоқ”, “қон ютмоқ” каби ибора ва айтимларнинг қўлланиши, бир томондан, улардаги тасвир маромини, халқ тилига яқинликни таминласа, иккинчи томондан, бадиий таъсирчанликни оширади.

Висол давлати, ҳажр ғуссаси, ғам сипоҳи, дарду ғам бўстони, даврон боғи, кўнгул қуши, жон қуши, ийди рухсор, ғам туни, кўнгил ўти, дунё аруси, умр нахли, фироқ илги, Чин кийиги сингари истиоралар ҳам ҳазаллардаги етакчи образларни тасвирлашда фаол қўлланади.

Ошиқ эса ҳамиша содиқ, вафодор, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз сўзининг устидан чиқишга тайёр шахс. Унга “эгасиз ит”, “телба ит”, “куюк бағрида қон”, “саргашта” сингари сифатлар берилган.

Бадиий асослаш фавқулодда гўзал ва ноодатийлиги билан киши руҳига таъсир қилади. Бир мисол. Агар атрофда чанг бўлса, ғубор - тўзон кўтарилса, табиийки, сув сепилади. Сепилган сув ғуборни йўқотади, чангни босади. Ошиқ кўнглидаги ғубор

қандай пасайтирилади? Бу саволга Навоийнинг лирик қаҳрамони шундай жавоб беради:

*Кўюнг, йиғлайки кўнглумнинг ғубори пастроқ бўлсун,
Ки, манъи гард этар ногаҳ ҳавода бўлса нам пайдо.*

Агар ҳавода нам пайдо бўлса, яъни ёғингарчилик бошланса, ўз-ўзидан “манъи гард” – чанг-ғуборнинг босилиши юзага келади. “Ғубор”сўзининг кўчма маънода қўлланиши билан “кўнгилнинг ғубори” бирикмасидаги кўнгил мулкида юзага келган безовталиқ, жунбуш ва тўс-тўполонни ифодалар экан, юқоридаги ҳаётий мантиқ силсиласида уни босиш учун сув – намлик зарурати англашилади. Кўнгил учун муносиб бўлган сув эса кўздан келади. Аниқроғи, ошиқнинг йиғлаб фарёд чекиши мана шу руҳий пўртаналар оқибати ва уни енгиллаштириш воситаси сифатида баҳоланади. Ифодадаги бундай ўзига хосликнинг киши руҳиятига таъсири очик сезилади.

*Кўзу оғзингдин кетарга бору йўқ ошубу ранж
Сабру ишқим садқа, яъниким, йўқу борим фидо.*

Ифодаларда таъдид ва тақсим санъатининг гўзал намунаси мужассамлашган. Таъдид поэтик мақсад йўлида нарса ва ҳодисаларни санаб кўрсатишдан иборат. Мазкур байтда “кўз” ва “оғиз”, “бор” ва “йўқ”, “сабр” ва “ишқ”, “йўқ” ва “бор” сўзлари мана шундай санок оҳангига эга. Бу ерда кўз ва оғиз билан алоқадор бўлган қатор сўз ва тушунчалар мавжуд. Улардан икkitаси шу мисранинг ўзида берилган: дастлабкиси “бору йўқ”, кейингиси “ошубу ранж”дир (“ошуб” ғавғо, фитна, тўполон; кўрқинч, ҳаяжон, ташвиш маъноларини англатади). Кўзнинг “бор”лиги ва оғизнинг “йўқ”лиги мумтоз адабиётимиздаги гўзаллик тасвирининг ўзига хос ўлчов бирликларидан бири ҳисобланади. Аслида бу жуфтлик “ошубу ранж”га алоқадор. Шунга қарамай, мантиқан, улар кўз билан оғизни ҳам сифатлаш учун хизмат қилади (яъни, кўз – бор, оғиз – йўқ). Бу силсилага

кейинги мисрада сабр билан ишқ ҳам қўшилади. Агар уларни олдинги мисрадаги бору йўқ сўзларининг тартиби билан уйғунлаштирсак, мантиққа бир озгина путур етади, яъни сабр бору ишқ йўққа айланади. Ваҳоланки, ҳақиқат ундай эмас. Аслида лирик қаҳрамон сабри қолмаётгани ва ишқининг кучайиб бораётганини таъкидламоқчи. Худди шунинг учун ҳам адиб байт охирида биринчи мисрадаги жуфтликни уларнинг жойларини алмаштирган ҳолда қўллайди. Шу тарзда “йўқ”нинг сабрга, “бор”нинг ишққа дахлдорлиги яна бир марта, махсус тарзда уқтирилади. Айни мана шу ҳолатнинг ўзи жамъу тақсим санъатини ҳам юзага чиқарган.

Қуйидаги байтда ҳам тақсим санъатининг жуда гўзал бир намунаси яратилган:

*Эй Навоий, халқ дер: жон бер ва ё кеч ишқидин,
Гарчи бу душвор эрур, лек ул осондур манга.*

Бу ўриндаги тақсим кейинги мисрадаги олмошлар: “бу” ва “ул”ни тақсимлаб бериш билан алоқадор. Олмошлар олдинги мисрадаги жон ва ишқ сўзларининг ўрнида қўлланган. Аммо қайси олмош қайси бир сўз (от)ни англатади. Агар уларни қўлланиш тартибига кўра ўзгаришсиз “тақсимласак”, “бу” олмоши “жон бермоқ”қа, “ул” эса “ишқдин кеч”моққа алоқадор бўлиб қолади. Ваҳоланки, шоир унинг аксини назарда тутган. Бу ҳолни олмошларнинг мантиқий урғу олиб тургани ҳам исботлайди. Гап шундаки, “бу” олмоши мантиқан яқин бўлган вақт, жой, ҳодисани, “ул” эса нисбатан узоқроқ масофа, вақт, ҳодисани кўрсатади. Демак, “жон бермоқ” ва “ишқдин кечмоқ”нинг ёзувдаги, яъни, ўқилишдаги, аниқроғи, матндаги ҳолатлари, тартиблари ҳам уларнинг яқин-узоқлигини белгилаб турибди. Агар байтнинг насрий баёнини тузадиган бўлсак, тахминан қуйидаги манзарани кўришимиз мумкин: “Эй Навоий, халқ: жон бер ёки ишқдан воз кеч дейдиган бўлса, ишқдан воз кечишим қийин, лекин жон бериш мен учун осон бўлади”. Ана

шунда Навоий кўзда тутган маъно нисбатан тўла ва тўғри англа-
ланган бўлади.

Аллоҳ инсоннинг фикру хаёлида яшайди, аммо уни ақлу
фаросат билан топиш осон эмас:

*Топмоқ ажиб фикру таҳайюл била сени,
Етмак маҳол ақлу фаросат билан сенга.*

Навоий ғазалларидаги “ёр” жуда мураккаб ва серталқин об-
раз сифатида кўзга ташланади. Унда реал маҳбуба ҳам, илоҳий
руҳоният ҳам, оллоҳнинг ўзи ҳам мужассамлашган. Бу йўна-
лишларнинг алоҳида-алоҳида шеърлардаги кўринишлари ҳам,
битта шеърда бирлашган тарздаги ҳолати ҳам учрайди.

*Сени топмоқ басе мушкулдурур, топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо.*

Бир қарашда бу шеър оддий одам – лирик қаҳрамон инти-
лаётган маъшуқа қиёфасида гавдаланиши мумкин. Уни инсон
руҳи излаётган гўзал бир ҳолат сифатида тасаввур этиш имко-
нияти ҳам мавжуд. Айни пайтда унинг ҳақ ва ҳақиқат тасвири-
га бағишланганини ҳам инкор этиб бўлмайди. “Ашрақат мин
акси шамсил...”, “Ўн саккиз минг олам”, “Кўргали ҳуснунгни
зору мубтало бўлдум санга” сингари кўплаб ғазалларни шу си-
рага киритиш мумкин. Адиб шеърияти мана шундай кўпмаъ-
нолилиги билан ҳам такрорланмасдир.

Энди мана бу байтни қузатайлик.

*Эй Навоий, неча оз-озгина май мадрасада,
Дайр аро кирки, ичар шайх тўла, шоб тўла.*

Бир қарашда бу байт мазмуни “ғалатироқ” туюлиши мум-
кин. Уни ҳатто “Эй Навоий, мадрасада май жуда оз, озгина
(бўлади), (ваҳоланки) майхонага кирсанг шайх ҳам, йигит-
лар ҳам (қадахларни) тўла-тўла (қилиб) ичишмоқда” тарзида

изоҳланиши мумкин. Аслида яхлит ҳолда рамзийликка таянган ушбу мисраларда мадрасаларда ҳам билим берилади, лекин улар жуда оз миқдорда, холос. Ҳақиқий билим илоҳиёт дарсида бўлади (“дайр аро кир”), ана шундагина унинг бутун мазмун-моҳиятини ҳамма: катталар (“шайх”) ҳам, кичиклар (шоб) ҳам англаб етишлари мумкин, деган маъно яширинган. Шунга кўра, “дайр” “роҳиблар турадиган жой, бутхона; монастир” ёки “майхона” деб ҳам, “дунё”, “жаҳон” деб ҳам талқин этилади. Ҳозирги мисолда эса у “илоҳий билимларни олиш имконини берадиган маскан” маъносини англатмоқда. Агар унинг билимларни “оз-озгина” берадиган “мадраса”га зид кўйилган ҳолда келтирилаётгани назарга олинса, бу ерда унинг “тўла” ҳолда олинishi эътиборга моликдир. Албатта, бу ерда илоҳий (ирфоний) билимлар кўзда тутилади. “Дайр”да бошлиқ бор. У “Пир” ёки “Пири дайр” дейилади:

*Фано майини агар пири дайрдин топсақ,
Синуқ сафол кўп ортуққи, жоми Жам бизга.*

Демак, пири дайр оддий билим (“май”)ни эмас, балки ҳақ ва ҳақиқатни англашга имкон берадиган билимлар (“фано майи”)ни тутқазади. Худди шунинг учун ҳам бундай билим берадиган имкон ва шароит дастлаб ноқулай (“синуқ сафол”) бўлса-да, барибир, у барча имкониятларни бирданига муҳайё этадиган имкон (“жоми Жам”)дан афзал туюлаверади.

Зеро, луғатларда бу сўз тасаввуфий тушунча сифатида “инсонлик олами”, “ориф ва авлиёлар жам бўлган маскан” сифатида тавсифланади. Ушбу силсилада “муғ”, “муғбача” образлари ҳам ўзига хос ўрин тутати:

*Карам айлаб, эй муғ, манга бода туттунг,
Қачон шайх кўргузди мундоқ каромат!*

*Эй Навоий, муғтанамдур пири дайру муғбача
Ким, биридин етмаса, етар биридин бор файз.*

Насрий баён: Эй Навоий, пири дайр ҳам, муғбача ҳам ғаниматдир, зеро, уларнинг биридан бўлмаса, бошқасидан (албатта) файз етишади.

Лугатларда “муғ”нинг оташпараст, мажусий, майфуруш сифатида, шунингдек, “дин вакили”, “содиқ ва самимий мурид”, “толиби илм”, “ошиқ” рамзларини англатиши қайд этилган. “Муғбача” эса май ташувчи, муғнинг ёрдамчиси, маъшуқа сингари маъноларга эга.

*Боқиб табассум этар пири дайру муғбача ҳам,
Бу дайр аро кулар алқисса шайху шоб манга.*

Пир, пири дайр, муғ, муғбача, пири муғон, ёр, рақиб, қадах, май, мумтоз адабиётимиздаги ўзига хос фаол образлар силсиласига мансуб. Бу санокда Рақиб ҳам мавжуд. У ёр ва ошиқ орасидаги салбий куч сифатида талқин этилади. Ошиқ учун рақиб ёр ҳузуридаги ортиқча одам бўлса, сўфийнинг рақиб дунё ва шайтон сифатида тақдим этилади.

Навоий лирикасидаги ошиқ образи ҳам мутлақо ўзига хосдир. Мана бу мисралар Навоий лирикасидаги ошиқ образининг ўзига хос тавсифини бера олади:

*Дема, мендин айрил, доғи умр сур,
Ки ул умр ўлумдин батардур манга.*

Навоий ғазалчиликда ҳам ўзбек, ҳам форс-тожик адабиётидаги тажрибаларни яхши ўрганади. Айни пайтда унинг ўзи бу соҳада катта муваффақиятларни қўлга киритади. Навоийгача бўлган давр ғазалчилигида асосан ишқ мавзуси етакчилик қилган бўлса, Навоий ғазалларига фалсафий, ижтимоий мазмун кўпроқ сингдирилгани билан эътиборлидир.

Шоир оламда одам деган номга сазовор бўлишнинг душворлигини кўп бор ва турли шаклларда уқтиради. Жумладан, у инсон кўнглининг бой бўлиши унинг бахту саодати эканини англатишга интилади:

*Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил,
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.*

Биринчи мисрада оламда шод ва масрур яшамоқ (“шоҳлиғ истар эсанг”) маъқуллангани ҳолда, кейинги мисрада уни таъмин этадиган иккита ҳодиса айтилмоқда. Буларнинг биринчиси “гадолиғ нониға хурсанд” бўлиш. Агар бунинг ёнида “шаҳға ҳожатманд”ликдан ҳам фориғ бўлинсагина олдин айтилган даражага етиш мумкин бўлади.

Бошқа бир ғазалда эса лирик қаҳрамон “таъма тухмин” (таъманинг уруғини) куйдиришга даъват этади.

Олам фақат яхшилардангина иборат эмас. Унда меҳрсиз, қаҳри қаттиқ, ишёқмас, ёлғончи, манфаатпараст, юлғич, зolimлар ҳам керагича топилади. Шунинг учун ҳам Навоий баъзан “Кимса ҳаргиз кўрмади аҳли даврондин вафо” сингари кескин хулосаларни ҳам айтади.

Китобдаги таҳлилларни ғазалларнинг матни бошлаб беради. Сўнг унинг вазн кўрсаткичлари, луғат ва насрий баён илова қилинади. Шундан кейин ғазалнинг асосий шарҳлари бошланади.

Биз буни “Ҳар куни оқшомгача ҳажрингда манга зорлиқ ишқ” ғазали мисолида тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

1. Ғазал ҳақида умумий маълумот берилади:

Ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девониг киритилган. Мазмунига кўра у ошиқона ғазаллар силсиласига мансуб. У ишқий кечинмаларнинг ўзига хос тасвирига бағишланган. Асосий муддао ҳижронда яшаётган ошиқ изтиробларининг ўзига хос тасвирини яратишдан иборат.

2. Асар поэтикасига дахлдор маълумотлар кўрсатилади:

Асар қофия тизимини (зорлиғ: бедорлиғ: жафокорлиғ: хорлиғ: дилозорлиғ: хамморлиғ: ёрлиғ: дилафгорлиғ) унинг таянч сўзлари сифатида белгилаш мумкин. Мана шу сўзларнинг ўзиёқ икки қутб: ошиқ ва маъшуқа табиатидаги асосий хусусиятларни кўрсатишга имкон бера оади. Хусусан, ошиқ учун

зорлиғ, бедорлиғ, хорлиғ, дилафгорлиғ хос бўлса, маъшукани жафокорлиғ ва дилозорлиғ сўзлари тавсифлаб бера олади.

3. Унинг матлаъ ва мақтасидаги ўзига хосликлар кўрсатиб ўтилади. Ҳар бир байтнинг шакли ва мазмунидаги алоҳидаликларга эътибор қаратилади:

Ҳазал “умумий вазият”ни тавсифлаш билан бошланади:

*Ҳар кун оқшомғача ҳажрингда манга зорлиғ иш,
Кеча тонг отқуча андуҳ ила бедорлиғ иш.*

Ошиқ ёрга, ёрига зор. У ҳижрон азобида ўртанаётган бир ҳолатда. Изтиробнинг узлуксизлиги, давомийлиги асосий эътиборда турибди. “Ҳар кун оқшомғача” мана шу жараённинг давомийлигини кўрсатишга қаратилган. “Зорлиғ” кундуз қилинадиган иш – фаолиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. Ҳижронда қолган ошиқнинг умумий ҳолати мана шу. “Манга” олмошининг қўлланиши бу изтиробларнинг эгасини кўрсатмоқда. У сўзловчи – лирик қаҳрамоннинг алоҳида таъкидланишига имкон берган.

Тун ҳам шу жараённинг мантикий давоми бўлади: фақат ундаги изтиробларнинг номи бошқача, холос. Улар “андуҳ” ҳамда “бедорлиғ” сўзлари билан ифодаланган. Бу изтиробларнинг давомийлиги ҳам (“кеча тонг отқуча”) алоҳида таъкидланади. “Ҳар кун оқшомғача” ва “кеча тонг отқуча” биргаликда ҳар доим, узлуксиз, мунтазам деган тушуналарни юзага келтирадики, булар яхлит ҳолда ошиқ кечинмаларининг кучи ва қамровини, залворини жуда кучли тарзда таъкидланиши учун хизмат қилади. “А” товушининг ўн бир марта ҳамда “о” ва “и” товушларининг олти мартадан такрорланиши мана шу изтироб оғрикларининг моддий жиҳатдан киши қўз олдида гавдаланирилиши учун ҳам тегишли ҳисса қўшиб турганлиги аниқ.

4. Мумкин бўлган даражада байтлараро мантикий алоқадорлик, боғланишларнинг даражалари қайд этиб борилади:

Мана шу “муқаддима”дан кейин изтиробга сабаб бўлаётган объект – ёрга мурожаат қилиш мумкин бўлади. Унинг номи

хам изтироб чекаётган ошиққа нисбатан муносабатига кўра (“вафосиз”) белгиланади:

*Иш вафо қилмоқ эрур, гар қила олсангки эмас,
Эй вафосиз, бу жаҳон ичра жафокорлиғ иш.*

Бу байтдаги асосий маъно ва мазмун зид маъноли тушунчалар (иш – иш эмас; вафо – жафокорлиғ) зиммасига юкланади. Ўзакдош сўзлар – иштиқоқ санъатининг қўлланиши (вафо, вафосиз; қилмоқ, қила олсангки) эса мантиқий марказнинг қаерда турганлигини урғулаш учун хизмат қилмоқда. Ёрга ўз номи билан эмас, балки ошиқ дилидаги изтироблар кучи натижасида истиоравий берилган ном (вафосиз) билан мурожаат этиш нидо санъатини ҳосил қилган. Бу фикр йўналишини аниқ кўратиб бериши билан алоҳида аҳамият касб этади.

5. Муаллиф маҳоратига, ўзига хосликларига урғу бериб ўтилади:

Бундай ҳолатларда ошиқнинг энг садоқатли ва доимий йўлдоши – кўнгилнинг майдонга келиши тасодифий эмас. Навоий мана шу усулни қўлайди ва унга мурожаат қилади:

*Ишқ аро қочма, кўнгул, хору забунлуғдин ким,
Ошиқ ўлганга забунлуқ бўлуру хорлиғ иш.*

Байтдаги такрорланмас жаранг, ўзига хос муסיқийлик илганади. Уни рўёбга чиқараётган воситалар арабий, форсий ва туркий ўзакдош сўзларга таянаётган иштиқоқ (ишқ, ошиқ; хор, хорлиғ; забунлуғ, забунлуғдин; ўлганга, бўлур), рухий ҳолат ифодаси учун хизмат қилаётган сўзлар шодасининг кетма-кет санаб келтирилиши (хору забунлуғ; забунлуқ бўлуру хорлиғ иш) – таъдид, шунингдек, шу туйғулар ифодачиси бўлган сўзлар ўрнининг алмаштирган ҳолдаги такрорланиши (хору забунлуғ – забунлуқ бўлуру хорлиғ) – тарде акслардан иборатдир.

6. Байтларнинг алмашилиши билан ўзгариб бораётган ёки давом этаётган туйғулар тасвиридаги ўзгачаликларга изоҳ берилади:

Кўнгилдан кейин яна ёрга мурожаат этиш ҳам ўринлидир. Энди унга икки оғиз “панду ўғит” лозим кўринади. Бу ҳам йўқ ердан пайдо қилинмайди. Балки ёрнинг ўзига хослигидан, унинг ошиқ учун оддий одамлар тоифасидан саналмасдан, алоҳида хилқат тоифасига – “парийвашларга” киритилишидан келиб чиқилади.

*Лутфу дилжўлуғ эрур хўб парийвашларга,
Эй парий, билки, эмас жавру дилозорлиғ иш,*

Парийвашларга ярашадиган иш “лутфу дилжўлиғ”дир. Уларда “жавру дилозорлиғ” “хўб” кўринмайди. Бундай ҳаракат улар, яъни парилар қиладиган “иш эмас”. Насихат руҳининг етказилишида яна таъдид асосий юкни кўтарган. Таъдид туфайли “яхши” ва “ёмон”хусусият ва фазилатларнинг тўрттаси кетма-кет санаб кўрсатилган. Улардан икkitаси парийларга мос ва муносиб сифатида (лутфу дилжўлуғ) “амалиётда қўллаш учун” тавсия этилса, икkitаси (жавру дилозорлиғ) номуносиб хусусият сифатида “истеъмолдан чиқарилишига” умид тутилмоқда.

7. Умумий ва хусусий ҳолатлар алоҳида кўрсатилади.

Навоий ғазалларининг асосий қисмида барча байтлар орасида кучли мантикий алоқадорлик амал қиладди. Шунга қарамасдан, уларнинг бир қисми пароканда байтлардан ҳам ташкил топган. Мазкур ғазал ҳам ана шу сирага киради. Шунинг учун ҳам унда таҳлил ва тасвир объектининг ўзгариб туриши, ранг-баранглик касб этиши мумкин. Худди мана шу мантиқ ғазалда қуйидаги икки байт ҳам пайдо бўлган. Уларнинг биринчиси тақво аҳли ҳақидаги кузатиш, икинчиси олам аҳлига ўзига хос мурожаат шаклида юзага келган.

*Тақво аҳлига билинса эди чарх авзоғи,
Айлагайлар эди бу дайрда хамморлиғ иш.*

8. Зарур ҳолатларда қўшимча манбаларга, луғат ва мутахассисларга ҳаволалар берилади:

9. Ҳар бир ғазалдаги маърифий жиҳатларнинг, ундаги тарбиявий томонининг имкони борича юзага чиқарилишига эътибор берилади:

Навбатдаги байтда Алишер Навоий ижодидаги энг олий даражадаги инсонпарварлик, ватанпарварлик ғоялари гўзал бадиий ифодасини топган. Мутафаккир бутун оламдаги жами инсониятга мурожаат этади. Бу мурожаат заминиде эса сулҳпарварлик, тинч ва хотиржам яшашга, ўзаро уруш ва хусуматларга мутлақо чек қўйиш сингари буюк бир даъват ўз аксини топган:

*Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш.*

10. Якунловчи мулоҳазалар билдирилади.

Асосий фикрнинг таъкиди бир неча усуллар билан амалга оширилмоқда. Дастлаб у нидо шеър санъатининг қўлланиши билан урғуланади. “Олам аҳли” ифодаси сўзловчининг нутқи қаратилган шахс – тингловчининг қамровини ҳам кўрсатиб турибди. Ундан кейин келган бўлак эса тўлдирувчи эргаш гапнинг бир қисми кесимнинг ўзинигина акс эттириш билан таъкид маъносини яна бир карра кучайтирмоқда. Гапнинг бундай қурилиши, ўз-ўзидан “нимани билиш керак”лиги устида бош қотиришга ундаб туради. Табиийки, “душманлиғнинг иш эмас”лиги ҳамда “ёрлиғ иш” эканлиги мана шу таъкидалар замирида янада кучлироқ ва очикроқ намоён бўлади. Сўз ва тушунчалар маъносидаги зиддият (“душманлиғ – ёрлиғ”; эмас – эрур) мағзини чақиб кўриш адиб кўзда тутган маънонининг таъкидига ҳам, таъсирчанлигига ҳам муносиб ҳисса қўшиб турибди.

Айнан мана шундай ғояларнинг нодир бадиий ифодалари учун ҳам буюк мутафаккир мангу эътиқод, шон ва шараф ҳамда эътирофларга тўла муносибдир. Худди шунинг учун ҳам у асрлар давомида жаҳон халқларининг ардоғида бўлиб келаётган бўлса ажаб эмас.

Ғазал охирида шоир яна ўз фикрлар оқимига қайтади. Яна ёрга кўнгил изҳорларини очишда давом этади, уни шафқат ва муроса йўлига киришидан умидворлик билдиради:

*Хаста кўнглини Навоийнинг олиб асраки, бор
Санга дилдорлиғ иш, бизга дилафзорлиғ иш.*

Модомики, кўнгил хаста экан, унинг “асралмоғи” ҳам табиийдир. Бу яна бир табиий жараён фонида мутлақо табиий ва самимий бўлиб кўзга ташланади. Яъники, ҳар ким ўз имкониятидаги иш билан шуғулланса, натижа кўнгилдагидек бўлаверади. Фаолият имконияти эса маъшуқа учун “дилдорлиғ”, ошиқ учун эса “дилафкорлиғ”дан иборатдир.

Хулосалар:

1. Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазалларнинг барчасини ҳозирги адабиётшунослигимиз ютуқлари асосида тўла таҳлил қилиш, уларнинг насрий баёни ва илмий изоҳини амалга ошириш жуда катта маърифий ҳамда адабий-назарий аҳамиятга эга. Бу ҳозирги авлодни Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан яқинлаштиришда ўзига хос муносиб қадамлардан бири бўлишига шубҳа йўқ.

2. Ҳозирги адабий таълим олдида бир қатор жиддий вазифалар мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари сифатида қуйидагиларни санаш мумкин:

1) маънавий қадриятлар моҳиятини ўрганиш ва ўзлаштириш;

2) мунтазам тарзда бадиий-эстетик дидни ривожлантириб бориш;

3) ўқувчилардаги ижодий қобилият имкониятларини топиш ва ўстириш;

4) уларда мустақил ахлоқий-маънавий нуқтаи назарни шакллантириш;

5) ўқувчилардаги китобхонлик маданияти асосида уларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқ малакаларини баркамол даражага кўтариш ва бошқалар.

Мумтоз адабиётимиз, хусусан, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан ғазалларида мужассамлашган сўз санъатининг олий даражадаги намуналари айни мана шу йўналишларда, миллий маданиятимиз ҳамда маънавий қадриятларимизни ўргатишда жуда бой манба ва материаллар бериши билан ажралиб туради.

Ғазаллар шарҳи замондошларимизни, хусусан, ёш авлодни Алишер Навоий асарларининг асл мағиз-моҳиятини тўла ва тўғри тушунишларига, уларга муҳаббатларининг ортишида муносиб омил бўлади.

Боқижон ТЎХЛИЕВ



“Ғаройиб ус-сиғар”

“Ёп ул юз ойинасин чекса моҳи дард олуд...”

Ёп ул юз ойинасин чекса моҳи дард олуд,
Бу важҳдинки, қилурмайл хўблар сари дуд.

Жаҳонки, оҳим ила тийрадур эмас мумкин,
Бу шом дафъи юзунг субҳи бўлмайин мавжуд.

Юзунгда ҳар саридин эгма қош эрур ёҳуд
Бут оллида ики ҳиндуға воқия ӯлди сужуд.

Май ичти деб мени ёзғурманг, эй мусулмонлар,
Ки раҳматидин эмас ноумидга бружухуд.

Қадаҳки дайрда истармен, ушбу кўзгудин,
Билингки, муғбача акси эрур манга мақсуд.

Қоварлар итлари ул кўй аро фиғонимдин,
Не итки, кўп улуса, эл аро бўлур мардуд.

Дедимки суд қилай, жон бериб висоли учун,
Навоиё, чу фироқида умр кечти, не суд.

V- V- VV-- V- V- VV ~ (- ~)

мафоилун фаилотун мафоилун фаилон (фаълон)
мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур (мақтуъи мусаббағ)

Луғат

Важҳ – сабаб
Дуд – тутун
Сужуд – саждалар
Габр – оташпараст
Мардуд – қувилган, ҳайдалган
Суд – фойда

Насрий баён

1. Дарддан оҳ чексам агар, кўзгудек порлоқ юзингни ёп, чунки тутун ҳам яхшилар томонга мойил бўлади.

2. Олам менинг оҳим тутунидан зимзиё бўлди, агар сенинг тонгдек юзинг зиёси бўлмаса, бу тундек зулматни ёритмоқ имконсиз.

3. Юзингдаги икки эгма қошларингми, ёхуд бутни кўриб саждага борган икки ҳиндуми?!

4. Эй мусулмонлар, мени май ичди деб маломат қилманглар. Унинг раҳматидан оташпарастлар ва жуҳудлар ҳам умидвордир.

5. Дайрда кўзгудек порлоқ қадах истаганимдан мақсад – муғбача чехрасининг аксини унда мушоҳада этмоқчиман.

6. Ёрнинг кўйидаги итлари мени кўп фиғон чекканимдан қувиб солдилар. Ҳа, кўп улийдиган итни одамлар ҳайдаб соладилар.

7. Висоли эвазига жон бериб, шу тариқа фойда қилмоқчи эдим. Эй Навоий, фироқида умр ҳам поёнига етди, энди бу интилишлардан не фойда?!

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ғазалнавислиқдаги икки устози – Ҳожа Ҳофиз Шерозий ҳамда Абдурахмон Жомий девонларида ҳам айни шу вазн ва қофия тизими асосида яратилган ғазал мавжуд. Ҳожа

Ҳофиз Шерозийнинг ғазали қуйидаги матлаъ билан бошланиб,
мазмун эътибори билан мадҳ ғазаллар туркумига дахлдор:

Кунун, ки дар чаман омад гул аз адам ба вуҷуд,
Бунафша дар қадами ў ниҳод сар ба сужуд.

Ҳофизнинг ғазали шоҳ Шужоънинг вазири Имодиддин Маҳмуд
мадҳида ёзилган бўлса, унга издошлик қилган Мавлоно Жомий ўз
мамдуҳининг сифатини матлаънинг ўзидаёқ келтириб, унинг ма-
дихаси султонга бағишланганини маълум қилган:

Таронаҳои таҳийят, сурудҳои дуруд,
Нисори мажлиси султони оқибатмаҳмуд.

Навоийнинг ғазали эса, салафлариникидан фарқли ўлароқ
муҳаббат мавзусида битилган. Муҳаббат дарди ва иштиёқнинг
шиддати ва кўлами ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун
фалаккача ўрлаб, бутун оламни зимистонга айлантиришга қодир
бўлган ошиқнинг оҳ тутуни ҳақида сўз боради дастлабки ғазалда:

Ён ул юз ойинасин чекса моҳидард олуд,
Бу важҳдинки, қилурмайл хўблар сари дуд.

Умуман, ишқ жодасида оҳ чекишга алоҳида аҳамият беради-
лар. Дунёдаги жамийки ширин сўзлар, совға-саломлар, қаҳрамон-
лик ва фидоийликлардан кўра чин қўнгилдан чеккан бир оҳнинг
таъсири ва натижаси ўзгача бўлишини билганлар валийлик мақо-
мига эришган. “Тазкират ул-авлиё”да келтирилишича, бир куни
Шайх Суфён Саврий ҳузурида бир йигит:

– Бу йил ҳажга боролмадим. Ҳар йили борардим, бу йил йўқ
бўлди, – деб оҳ урарди.

Шайх деди:

– Мен умрим давомида тўрт марта ҳаж қилибман, унинг саво-
бини сенга берайин, сен бу чеккан “оҳ”нинг савобини менга бер-
гил!

Йигит қабул қилди. Кечаси Суфён Саврий тушида дедилар:

– Эй шайх, кўп фойдалар қилдинг, агар у “оҳ”нинг савобини тарозига солиб тортсалар, Арафот тоғида тавоф қилганларнинг савобидан оғир келарди! (216-217 бет)

Ошиқнинг бутун вужудини Ишқ дардига айлантирган бу муҳаббат ҳақиқатга элтувчи кўприк бўлиб хизмат қилади. Маҳбубанинг тонг каби мусаффо ва пок чехраси ошиқнинг оҳидан зулмотга айланган жаҳонга яна нур ва зиё бағишлайди, умид чароғини ёқиб, ҳақиқий муҳаббат мазҳари – қуёшдан мужда келтиради:

Жаҳонки, оҳим ила тийрадур эмас мумкин,
Бу шом дафъи юзунг субҳи бўлмайин мавжуд.

Май васфига бағишланган икки байтни ўзаро вобасталикда изоҳлаш мақсадга мувофиқ. Биринчи байтда май ичгани учун аҳли исломдан узр сўраб, Аллоҳ таолонинг раҳматидан ҳаттоки оташпарастрлар ва яхудийлар ҳам умидвор эканини узрини окловчи далил сифатида келтиради. Бу далиллаш аслида Қуръонни каримнинг “Зумар” сурасидаги қуйидаги оятининг мазмунига ишорадир: Ло тақнату мин раҳматиллоҳ...

Аммо бу байтнинг зоҳирий маъносига таяниб, Навоий чоғир ичгани учун замондош мусулмонлар қўлига тушиб, узрхоҳлик қилган, деб ўйламаслик керак. Негаки, кейинги байтда у ичган шароб аслида маърифат шароби экани, шароб солинган қадаҳ (ориф қалби)да у муғбача акси, Ҳақ таоло нурининг тажаллийсини мушоҳада этиш унинг асл мақсади эканини айтиб, сўз биз “гумон қилгандан ўзга жому май” ҳақида кетаётганини аниқ билдириб ўтган:

Май ичти деб мени ёзгурманг, эй мусулмонлар,
Ки раҳматидин эмас ноумид габру жуҳуд.

Қадаҳки дайрда истармен, ушбу кўзгудин
Билингки, муғбача акси эрур манга мақсуд.

Кейинги байтда ҳусни таълил санъатининг ёрқин намунасини учратишимиз мумкин. Кўп ҳуриган итни одамлар қувиб солиши

далилини келтириш орқали шоир ўз ёрининг кўйидаги итлар билан элдош, бир қавмдан эканлигига нозик ишора қилиб ўтган. Ит мумтоз шеърятда вафо ва садоқат тимсоли ҳам ҳисобланиб, вафодорлиги учун эгасидан ҳеч нарса талаб қилмаслиги хислати билан ишқу ошиқлик арсасининг қаҳрамонларидан бирига айланган. Ит ёрнинг остонасида хорлик билан кун кечирса ҳамки, унинг кўйини ёмон кўзлар ва ёмон каслардан асрайди, унинг муҳофизи бўлади, зарурат бўлганда жонини ҳам фидо қилади. Фироқда ҳаёт кечириб, дийдоридан бенасиб бўлган ошиқ учун ёрнинг кўйидаги ити бўлиб ҳам яшаш улў саодат. Шунга ҳам эришмагандан кейин, висолга етишмоқ учун Фарҳоду Мажнундан жондан кечиш афзал:

Дедимки суд қилай, жон бериб висоли учун,
Навоиё, чу фироқида умр кечти, не суд.

Олимжон ДАВЛАТОВ



“Ёп ул юз ойинасин чексам оҳи дардолуд...”



Ёп ул юз ойинасин чексам оҳи дардолуд,
Бу важҳдинки, қилур майл хўблар сари дуд.

Жаҳонки, оҳим ила тийрадур эмас мумкин,
Бу шом дафъи юзунг субҳи бўлмайин мавжуд.

Юзунгда ҳар саридин эгма қош эрур ёҳуд
Бут оллида ики ҳиндуға воқиъ ўлди сужуд.

Май ичти деб мени ёзгурманг, эй мусулмонлар
Ки, раҳматидин эмас ноумид габру жухуд.

Қадахки, дайрда истармен ушбу кўзгудин,
Билингки, муғбача акси эрур манга мақсуд.

Қоварлар итлари ул кўй аро фиғонимдин,
Не итки, кўп улуса, эл аро бўлур мардуд.

Дедимки: суд қилай жон бериб висоли учун,
Навоиё, чу фироқида умр кечти, не суд?!

V – V – V V – – V – V – – ~

Мафоилун фаилотун мафоилун фаълон
Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ

Луғат

Оҳи дардолуд – дардли оҳ

Важҳ – сабаб

Ҳўблар – гўзаллар, мажозан комил зотлар

Тийра – қоронғу

Субҳ – тонг

Габр – оташпараст

Жухуд – яхудий

Дайр – оташпарастлар ибодатхонаси, мажозан майхона

Мардуд – рад этилган

Суд – фойда

Насрий баён

Мен ҳар қачонким оҳ тортадиган бўлсам, гўзаллар томонга тугун майл этади, шунинг учун уларнинг ойна каби юзини ёпинглар.

Қачонки висолинг тонги мавжуд бўлмаса, жаҳон оҳу нолам қоронғулигидан шом бўлиб тураверади.

Юзингга икки томондан эгилиб турадиган қошинг, гўё бут – санам қаршисида сажда қилаётган икки ҳиндуга ўхшайди.

Эй, мусулмонлар, мени “май ичди”, – деб койимангки, ҳатто оташпараст ва яҳудий динидагилар ҳам Тангрининг раҳматидан ноумид эмас.

Майхонада шундай қадаҳ истайманки, гўё у кўзгу бўлсин-у, унда менинг мақсадим бўлган муғбачанинг акси жилолансин.

Унинг итлари кўчасида кўп нола қилганимдан мени қувишди, бу ажабланарли эмас, чунки кўп улиган ит одамларга ёқмаслиги табиий-ку, ахир.

Эй Навоий, энди висол учун жон бериб шундан фойда қилайки, фироқда кечган умрдан не фойда, ахир?!

Шарҳ ва изоҳлар

Ёп ул юз ойинасин чексам оҳи дардолуд,
Бу важҳдинки, қилур майл хўблар сари дуд.

Матладанок юзни ойнага ташбеҳ этилгани (ўхшатилгани) ға-залнинг орифона эканлигини кўрсатиб турибди. Чунки тасаввуф адабиётида дунё ва инсоннинг Илоҳий жамолни акс эттирувчи ойна сифатида тасаввур этилиши анъанавий ҳодиса ҳисобланади. Оҳ эса ишқ гулғуласининг тил билан ифодалаб бўлмайдиган авж лаҳзасидир. Демак, Навоийнинг лирик қаҳрамони маъшукнинг юзини илоҳий жамолнинг ойнаси сифатида талқин этиб, ўзини илоҳий ишқдан беҳудлик ҳолида оҳ чекишини ойнага тутун тегиши мисолида ҳусни таълил санъатидан фойдаланган ҳолда чиройли далиллаяпти.

Жаҳонки, оҳим ила тийрадур, эмас мумкин,
Бу шом дафъи юзунг субҳи бўлмайин мавжуд.

Ёр дийдорини ойнага қиёслаш билан кифояланмай, уни соф ва покиза тонгга, ўзининг нола-оҳини эса шом қоронғулигига қиёс этган Навоий муболағанинг энг юқори даражаси – гулувга мурожаат қилмоқда. Тонг – тасаввуф адабиётида ошиқ қалбидан мосувонинг тарк этилиши маъносида ҳам қўлланишига эътибор берадиган бўлсак, маъшуқи мажозийнинг пайдо бўлиши ошиққа

ҳақиқий ишқдан дарак бермоқда. Зеро, “Фарҳод ва Ширин”да Суқрот ҳаким Фарҳодга таълим бераётиб, мажозий ишқни тонгга, ҳақиқий ишқни қуёшга ўхшатиб, аввал тонг отади, сўнгра қуёш чиқади, дейди:

Ангаким қолди ғам шомига жовид,
Бурун субҳ ўлди толеъ, сўнгра хуршед.

Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар.

Навбатдаги байтда гўзал ва оҳорли ташбеҳга дуч келамиз:

Юзунгда ҳар саридин эгма қош эрур ёхуд
Бут оллида ики ҳиндуға воқеъ ўлди сужуд.

Мумтоз адабиётда ёр қошларини меҳробга ўхшатиш анъанавий ташбеҳлардан ҳисобланиб, бу ташбеҳдан кўпгина сўз устозлари каби Навоий ҳам унумли фойдаланган. Навбатдаги байтда эса Навоий ёрнинг қошларини сажда қилаётган икки ҳиндуға ўхшатиб, ҳам уларнинг қоралигига, ҳам эгилиб турганлигига ишора қилмоқда. Унинг юзини эса ҳиндулар ибодатхонларидаги гўзал ҳайкал – санамларга қиёс этган шоир яна ҳусни таълил санъатидан фойдаланмоқда.

Май ичти деб мени ёзғурманг, эй мусулмонлар
Ки, раҳматидин эмас ноумид габру жуҳуд.

Ёрнинг юзини турли ташбеҳлар воситасида мадҳ этаётган шоир энди ўз аҳволига мурожаат қилмоқда: Эй, мусулмонлар, мени “май ичди”, – деб қойимангки, ҳатто оташпараст ва яҳудий динидагилар ҳам Тангрининг раҳматидан ноумид эмас. Байтда мусулмон, габр, жуҳуд сўзларидан таносиб санъатлари ҳосил этилмоқда.

Қадаҳки, дайрда истармен ушбу кўзгудин,
Билингки, муғбача акси эрур манга мақсуд.

Юқоридаги байтнинг бевосита давоми бўлган ушбу байтда Навоий яна кўзгу образига мурожаат этади. Бироқ энди мақсад ёр васфи эмас, бир қараганда ҳатто ундан анча узоқ бўлган май, қадах ва муғбача таърифи. Байтда асосий мотив бўлиб муғбача образи иштирок этмоқда. Муғбача – тасаввуфий истилоҳ бўйича ориф инсон, пири комил вакили, қадах – солиқ кўнгли, дайр (майхона) – илоҳий мажлислар ўтказиладиган маърифат маскани, май эса – илоҳий маърифат маъносида қўлланилади. Демак, ушбу байт юқоридаги байтнинг изоҳи ҳам бўла олади. Юқоридаги ва ушбу байтларнинг ботиний маъноси: Илоҳий билимларни талаб қилди, деб койиманг, эй мусулмонлар, нафақат мен, балки бу илоҳий бодадан Ҳақ йўлидан адашган жухуд ҳам, мажусий оташпараст ҳам ўзича умидвор-ку, ахир.

Мен орифлар суҳбатида шундай йўлбошчи истайманки, унинг кўнглимга солган илоҳий билимлари орқали қалбимда унинг сиймоси жилолансин.

Демак, Навоий бу байт билан нақшбандия тариқатида ёқланадиган ва бевосита қўлланадиган фано фиш-шайх ҳамда увайсийлик назарияларига ишора қилмоқда. Ушбу назариялар талаби бўйича, мурид аввал комил пирга фано бўлиши, яъни қалбан доимо у билан бирга юргандек ҳис қилиши, ундан ботиний таълим олиши, кейин эса у орқали Ҳаққа фано бўлиши керак бўлади.

Қоварлар итлари ул кўй аро фиғонимдин,
Не итки, кўп улуса, эл аро бўлур мардуд.

Навоийнинг лирик қаҳрамони яна орифликдан ошиқлик даъвосига қайтди. Яъни майу майхона баҳсини қўйиб, ёки муғбача акси жилоланадиган қадахдан май ичгандан кейин маъшук кўчасига келиб шундай нола-фиғон тортдики, натижада унинг кўчасидаги итлар бечора ошиқни қувиб юборишди. Бироқ садоқатли ошиқ бундан ранжиш ўрнига ҳатто ҳайрон ҳам қолмаяпти. Ўзини ўша итлардан ҳам паст олган ҳолда кўп улиган итни эл қувиб солиши табиий, деб ҳисоблаяпти.

Маълумки, ит тасаввуф ва умуман мумтоз адабиётда ҳокисорлик ва садоқат белгиси ҳисобланади.

Дедимки: суд қилай жон бериб висоли учун,
Навоиё, чу фироқида умр кечти, не суд.

Пароканда кўринишдаги орифона ғазалнинг лирик қахрамони ҳар бир байтда қалбидан кечган маълум кечинмани образлар воситасида тасвирлар экан, мақтаёда одатдагидек унга умумлашма хулоса чиқаради. Ҳақ йўлида, унинг висоли учун жонни фидо этайки, бу ундан айрилиқда, яъни худосизликда кечган умрдан минг марта аълодир.

Бу хулоса инсонни ўз жонига қасд қилишга, худкушликка эмас, балки умрнинг ҳар лаҳзасини ҳушёрлик билан, Ҳақ ёди билан ўтказишга даъватдир!

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд...”

Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.

Ичимда ишқдин юз барку дам урмоққа захрам йўқ,
Уй ичра ўт солиб, ваҳ, мушқил эрмиш асрамоғлиғ дуд.

Яда тошига қон етгач ёғин ёғқондек, эй соқий,
Ёғар ёмғурдек ашқим чун бўлур лаълинг шароболуд.

Чу қўйдунг доғ тиндурдунг кўнгулни дардинг истардин,
Дирам бирла гадони уйлаким, қилгай киши хушнуд.

Жунун бу бўлсаким ёғди парийваш тифллар тоши,
Муносибдур бу тошлар ақл эшигин қилғали масдуд.

Тўкулди гул, фиғон бас қилди булбул, шўкрим, боре
Сенинг ҳуснунг, менинг ишқимда нуқсон бўлмади мавжуд.

Туну анжум дема давронға роҳат қилмасун деб майл
Қазо гулмихлар қоқти қилиб гардунни кийрандуд.

Хароботу муножот аҳлининг матлуби сендурсен,
Манга кўрсатмасанг йўл, билмайин қай соридур беҳбуд.

Навоий, Каъба зикрин қўйки, биздайри фано истаб
Заҳабноводиял-мақсад, важадномоҳувал-мақсуд.

V--- V--- V--- V---
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилон
ҳазажи мусаммани мусаббағ

Луғат

Суд – фойда

Барқ – чақин, яшин

Заҳра – журъат

Яда тоши – ёмғир чақириниш учун қўлланиладиган сеҳрли тош

Доғ қўймоқ – қуллар баданига қизиган темир билан қуллик
тамғасини куйдириб қўймоқ

Масдуд – тўсилган

Анжум – юлдузлар

Гардун – фалак, осмон

Қийрандуд –

Беҳбуд – яхшилик

Мисра таржимаси: Мақсад водийсини кездик ва тилагани-
мизни топдик

Насрий баён

1. Висолингга етишганлар меҳробдек эгма қошингни мақсуд
қибласи айламиш. Мен ҳажрингда қолгач, бошимни юз марта
ерга урсам ҳам, не фойда?!

2. Ичимда муҳаббатнинг юзлаб чақинлари чақнаб турибди, аммо бир нарса дейишга журъатим етмас. Уй ичига ўт солиб, ту-тунини чиқармаслик жуда мушкул иш экан.

3. Эй соқий, яда тошига қон тўкилиб, ёмғирни чақиргандек қачонки сенинг лаълдек лабингга шароб тегса, менинг кўз ёшларим ёмғир каби равон бўлади.

4. Қўллик тамғасини кўнглимга қўйиб, уни дардингни истамакдан тиндирдинг. Гўёки, гадога бир дирам бериб, уни ўзингдан хушнуд этдинг.

5. Гўзал ёш болалар бошимга ёққан тошлари жунунимнинг нишонаси бўлса, бу тошлар билан ақл эшикларини буткул ёпиш муносибдир.

6. Гул хазон бўлиб, япроқлари тўкилди, булбул ҳам оҳу нолаларини бас қилди. Шукурларким, сенинг ҳуснинг ва менинг ишқимда бирор нуқсон кўринмади.

7. Сен буларни тун ичра юлдузлар дема, балки тақдир бу замон аҳли роҳат-фароғатга майл қилмасин деб, фалакни қир билан суваб, юлдузлардан гулмих қоқиб қўйди.

8. Майхона ва хонақо аҳлининг талаб ва истаги Сенсен. Ўзинг йўл кўрсатмасанг, мен қай томонда яхшилик борлигини билмайман.

9. Эй Навоий, Каъба зикрини қўй, биз фано дайрини истаб мақсад водийсини кездик ва тилаганимизни топдик.

Шарҳ ва изоҳлар

Қошни меҳробга ўхшатиш Шарқ мумтоз адабиётининг қадимий анъаналаридан. Деярли барча шоирлар бу ташбеҳ ва исторадан фойдаланганлар. Жумладан, Навоийнинг шеъриятида ҳам бу ўхшатишга жуда кўп маротаба дуч келиш мумкин. Шоирнинг маҳорати бундай анъанавий ўхшатиш заминидан янги маъно ва мазмун, янги ранг ва тасвирни топа билишида намоён бўлади. Навоий ушбу байтда ҳам ишқий ва ҳам ирфоний маъноларни янги равиш ва тарзда ифодалаш учун меҳроб тимсолидан фойдаланган. Зоҳирий маънога кўра бошқалар ёрнинг висолига эришгани

сабабли, ошиқнинг эндиги зора-таваллолари беҳуда экани баён этилган бўлса, ирфоний талқинга кўра, агар Ёри азалнинг лутфу инояти бўлмаса, ўз ҳолига ташлаб қўйилган банданинг масжид меҳроби қошида юз марта бошни саждага қўйганидан ҳеч қандай фойда йўқ, деган маъно келиб чиқади. Бу маънолар бир-бирини тўлдирган ҳолда янги бир хулосани илгари суради – севги бобида ҳам, ибодат ва тоат бобида ҳам агар риё ва таъмасиз муҳаббат ҳамда чин ихлос бўлмаса, барча амаллар ва ҳаракатлар самарсиз кечади. Барча амаллар ниятга боғлиқлиги ҳикматини ушбу байтдан ҳам англаш мумкин:

Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.

Иккинчи байт матлаънинг мантиқий давоми бўлиб, унда ҳаётининг бир манзара билан ошиқнинг ички кечинмалари ўртасида ўхшашлик намоён бўлган. Уйнинг ичидаги ўчоқ ё шунга ўхшаш махсус жойда ўт ёққан маҳалда ҳаво етишмаганидан тутаб қолиши билан ишқини сир тутган ошиқнинг юрак сиқилиши ўртасида ажиб ўхшашлик топилган. Уйнинг эшиги ё деразасидан тоза ҳаво кирганида, ёхуд пуфлаганда (дам урганда) тутаб ётган олов бирданига гуриллаб ёнгани каби, ёр томондан умидбахш бир насим эсгудек бўлса ёхуд бу ишқ сирри ошкор бўлгудек бўлса, кўнгилда ишқ оташи аланга олиб, ошиқнинг қулини кўкка совуради:

Ичимда ишқдин юз барқу дам урмоққа заҳрам йўқ,
Уй ичра ўт солиб, ваҳ, мушқил эрмиш асрамоғлиғ дуд.

Учинчи байтда туркийлар ҳаётига хос бўлган бир удумга ишора қилинганига гувоҳ бўламиз. “Алишер Навоий қомусий луғати”да берилишича, туркий қавмларнинг тотеми ҳисобланмиш яда тоши ёмғир чақириш учун қўлланиладиган сеҳрли тош экан. Қурғоқчилик бўлган пайтларда сеҳрли дуоларни билган ядачи яда тоши устига бирор жонлиқ қонини оқизиб, махсус дуолар ёрдамида ёмғир чақираркан. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида Амир Темурнинг машҳур “Лой жанги”да мағлубиятга учраганига Илёсхўжанинг ядачиси яда тоши ёрдамида кучли жала

ёғдиришининг сабаб қилиб кўрсатилиши туркийлар орасида исломдан аввал мавжуд бўлган бу одат ўрта асрларда ҳам ўз таъсир кучини йўқотмаганлигини билдиради.

Алишер Навоийнинг ушбу байтида яда тоши бадий тимсол даражасига кўтарилган бўлиб, ташбеҳи музмар ҳамда ҳусни таълил санъатлари воситасида ёрнинг қизил лаби яда тошига ўхшатишган:

Яда тошига қон етгач ёгин ёғқондек, эй соқий,
Ёғар ёмғурдек ашким чун бўлур лаълинг шароболуд.

Кейинги байтда ўрта асрлар ҳаётига хос бўлган яна бир одат – қуллар баданига қизиган темир босиб, тамға қўйишдан лирик лавҳа яратиш ҳодисасига дуч келамиз. Байтга кўра, ошиқнинг кўнглига қуллик тамғаси босилгач, унинг дард талабида бўлган истаги тингандек бўлади. Аммо бу тиниш, оромлик тиланчининг бир дирам олганда хурсанд бўлиши каби қисқа давом этувчи жараён. Гадой садақа олганда бир лаҳзагина қаноат ҳосил қилиб, яна тиланчилигини давом эттиргани каби, ошиқнинг кўнгли ҳам муҳаббат доғи қўйилгандан кейин бир лаҳза ором топиб, сўнгра-яна дард талаби бадтар шиддат олади. Бу мажнуншевалик ақл эгалари томонидан албатта рад этилади. Ишқ кўйида гўдақдек ҳисобланган бу тоифанинг маломат тошлари ақл эшигига тамба бўлишини истаб, шоир ёзади:

Чу кўйдунг доғ тиндурдунг кўнгулни дардинг истардин,
Дирам бирла гадони уйлаким, қилғай киши хушнуд.
Жунун бу бўлсаким ёғди парийваш тифллар тоши,
Муносибдур бу тошлар ақл эшигин қилғали масдуд.

Кейинги байтнинг мазмунини яхшироқ англаш учун “Лисон ут-тайр”даги бир ҳикоятни эслаш фойдадан холи бўлмас. Достонда келтирилишича, ҳаким Арастунинг заковатли бир шогирди бўлиб, Арасту уни ўз ўрнига тарбиялаб, Искандарнинг энг яқин маслаҳатгўйига айлантирмоқчи бўлади. Шогирд бир куни бир соҳибжамолга ошиқ бўлиб, таълим олиш ва илм ўрганиш ўрнига ишқ кўйида саргардон бўлиб қолади. Арастунинг насиҳатлари

унга таъсир қилмагач, ночор бир ҳийлага қўл урилади: соҳибжамол шогирдга никоҳлаб берилиб, сўнг йигит Искандар ҳузурига сафарга юборилади. Арасту шогирд йўқлигида соҳибжамолга сурги дори бериб, унинг қайт қилган балғам, сафро ва қонларни сақлаб қолишни буюради. Саноқли кунларда қиз беҳол бўлиб, рангида ранг қолмай, бадбашара бир нусхага айланиб қолади. Шогирд сафардан қайтиб келиб, ёрининг жамолидан асар ҳам кўрмай, изтиробга тушади. Арасту қайт қилинган идишларни келтириб, ёрининг гўзаллиги аслида мана шу балғам, сафро ва қонлардан иборат эканини кўрсатади:

Деди: — Олғилким паризодинг будур,
Гул жабинлиқ сарви озодинг будур.

Будурул ким мубтало бўлмишэдинг,
Ошиқу вола мунга бўлмиш эдинг!

Шогирд устози олдида хижолат тортади. Арасту жисмоний гўзаллик ўткинчи экани, пок киши бундай бебақо гўзалликларга маҳлиё бўлмасликни таъкидлайди:

Бўйла ошиқлиқдин, эй олуида зот,
Пок ишқ аҳли қошиндадур уёт!

Айни шу хулоса ғазалда бошқача бир рангга баён этилган. Боғдаги гуллар хазон бўлгач, булбуллар ҳам нола чекишни тўхта-тади. Аммо ошиқ шоирнинг муҳаббати маҳбубасининг ҳусни каби мангу ва безаволдир. Мангу ва боқий ҳусн соҳибига бўлган муҳаббат ҳам булҳаваслик ва иддаолардан холи бўлади:

Тўкулди гул, фиғон бас қилди булбул, шукрим, боре
Сенинг ҳуснунг, менинг ишқимда нуқсон бўлмади мавжуд.

Мутлақ ҳусн соҳиби жамийки ошиқлар кўнглини макон тутмиш. Хароботу муножот аҳли, тавҳид аҳли ва бутпарастлар, оламдаги барча мавжудот Ҳақ таоло ишқидан ўз қурби ва ҳимматига кўра баҳраманддир. Қайси бири ҳақ ва тўғри йўлда эканини унинг

Ўзи белгилайди. Истаган кишига нажот бериб, истаганини ҳалокат водийсига етаклайди. Шунинг учун бу йўлда фақат ўзидан мадад истаб, мақсадга чекинмаслик лозимлигини таъкидлаган ҳолда Навоий ғазалга яқун ясайди:

Хароботу муножот аҳлининг матлуби сендурсен,
Манга кўрсатмасанг йўл, билмайин қай сорикур беҳбуд.

Навоий, Каъба зикрин қўйки, биздайри фано истаб
Заҳабноводиял-мақсад, важадномоҳувал-мақсуд.

Олимжон ДАВЛАТОВ

——
“Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд...”
——

Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.


Ичимда ишқдин юз барқ-у дам урмоққа заҳрам йўк,
Уй ичра ўт солиб, ваҳ, мушкил эрмиш асрамоғлиғ дуд.

Яда тошига қон етгач ёгин ёғқондек, эй соқий,
Ёғар ёмғурдек ашким чун бўлур лаълинг шароболуд.

Чу қўйдунг доғ, тиндурдунг кўнгулни дардинг истардин,
Дирам бирла гадони уйлаким, қилғай киши хушнуд.

Жунун бу бўлсаким ёғди парийваш тифллар тоши,
Муносибдур бу тошлар ақл эшигин қилғали масдуд.

Тўкулди гул, фиғон бас қилди булбул, шукрким, боре
Сенинг хуснунг, менинг ишқимда нуқсон бўлмади мавжуд.



Туну анжум дема давронға роҳат қилмасун деб майл
Қазо гулмихлар қоқти қилиб гардунни қийрандуд.

Хароботу муножот аҳлининг матлуби сендурсен,
Манга кўрсатмасанг йўл, найлайин қай саридур беҳбуд.

Навоий, Каъба зикрин қўйки, биз дайри фано истаб
Заҳабно водиял-мақсад, важадно мо ҳувал-мақсуд.

V --- V --- V --- V ---

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
Ҳажази мусаммани солим

Луғат

Қиблайи мақсуд – мақсад қибласи

Барқ – чақмоқ

Заҳра – журъат, шижоат, жасорат

Яда тоши – ёмғир чақирадиган қизил рангли ирим тоши

Шароболуд – шароб каби, шаробдек

Дирам – майда пул, чақа

Жунун – жиннилик, телбалик

Тифллар – болалар

Масдуд – тўсилган

Анжум – юлдузлар

Қийрандуд – қоронғулик, зулмат

Беҳбуд – 1) саломат, соғлом; 2) яхшилик, соғломлик

Заҳабно водиял-мақсад – мақсад водийсига бориб

Важадно мо ҳувал-мақсуд – мақсадларимизга эришдик

Насрий баён

Қошинг меҳробини васл аҳли мақсадлари қибласи деб билди,
лекин мен ҳажринг аро бошимни ерга юз марта урсам ҳам фой-
даси бўлмади.

Ичимда ишқдан юзлаб чақмоқ чақилса ҳамки, овоз чиқармоққа (ёки уни билдирмоққа) журъат-жасоратим йўқ, гўёки бу уй ичига ўт тушса-ю, унинг тутунини чиқармай туриш каби оғирдир.

Қизил рангли яда (ирим-сирим) тошига ёмғир сўраб қон чиқариб, суртилса, осмондан ёмғир ёққани каби лаълдек қизил лабингга шароб етса, кўзимдан ёмғир каби кўз ёшлари қуйилади.

Доғ қўйиб кўнглимни дардингни иташдан тиндирдинг, тинчитдингни, бу худди гадога майда чақа бериб уни хурсанд қилишга ўхшайди.

(Ишқ ва ҳижрондан) жунун (жиннилик) шу бўлса керакки, парисифат ёшлар отган тошлар бошим узра ёғди ва бу тошлар ақлим эшигини (батамом) тўсди (ёпиб ташлади).

Гул (очилиб), тўкилди, булбул ҳам нола-фиғонини тўхтатди, лекин (минг шукурки) сенинг ҳуснинг у менинг ишқимда нуқсон бўлмади!

Тун ва юлдузлар демаки, қазо (муқаррар тақдир) давронни роҳат қилмасин деб осмонни қоронғу қилиб, унга гулмихларни қоқиб қўйибди.

Муножот (тақводорлар) ва харобот (майпараст, риндлар, умрини хурсандчилик билан ўтказадиган қавм, мажозий маънода Ҳақ ошиқлари) аҳлининг ҳам мақсади фақат Ўзингсан, менга ҳам йўл кўрсатмасанг, яхшилик қаерданлигини қайдан ҳам билардим?!

Навоий Каъбага бориш ҳавасини қўйки, биз фано дайрини (йўқлик майхонасини), яъни илоҳий ишқда маҳв бўлганлар таълимгоҳини истадик ва мақсад водийсига бориб, (жамики) мақсадларимизга эришдик.

Шарҳ ва изоҳлар

Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.

Ҳазалнинг матласи маъшук тимсолидаги комил инсонни улуғлаш билан бошланади:

Яъни ошиқ комил инсон ҳисобланмиш маъшуқини кўролмай, ундан маънавий баҳра ололмай ҳижронда. Шу ўринда инсоннинг

илохий даража ва камолоти учун ошиқ бўлиш ҳақида гап кетганда Шамс Табризидан маънавий шавқ олиб, унга бир умр ошиқ бўлган ва шу ошиқликдан камолот касб этган улуг шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румийни эсга олиш кифоя. Ёки ушбу байтни яна куйидагича таҳлил этиш мумкин:

Ҳижронзада ошиқ бевосита маъшуқи Ҳақиқий (Аллох)га мурожаат этиб, улуг зотлар, авлиёлар, яъни васл аҳлининг мақсади қибласи, яъни ибодатлари билан Сенинг дийдорингга етишди, мен эса бошимни ерга минг марта урсам ҳам, ҳажрингга қолдим ва бир фойда топмадим, демоқда.

Ичимда ишқдин юз барқ-у дам урмоққа захрам йўқ,
Уй ичра ўт солиб, ваҳ, мушқил эрмиш асрамоғлиғ дуд.

Ҳусни таълил санъатидан фойдаланган ҳолда шоир ўзининг ҳижрондаги ҳолатини янада чуқурроқ ифодаламақда. Ҳижрон алами ошиқнинг кўнглига чақмоқ чаққандек таъсир кўрсатиши оригинал ташбеҳлардан ҳисобланади.

Яда тошиға қон етгач ёгин ёғқондек, эй соқий,
Ёғар ёмғурдек ашқим чун бўлур лаълинг шароболуд.

Ушбу байтда Навоий ёрнинг лабига шароб етса, ошиқнинг рашк боис кўзларидан ёш қуйилишини ажойиб ташбеҳ орқали ифодаламақда. Байтда “о” товушининг такрори тавзеъ (тоши, қон, ёгин, ёғқондек, соқий, ёғар, ёмғурдек, шароболуд) ҳосил қилмоқда. Байтнинг орифона маъноси эса куйидагича: комил инсоннинг жон бахш этувчи лабидан илохий маърифатга оид сўзлар чиқиши билан унга талабгор муриднинг кўзларидан ёмғирдай талаб кўёшлари оқади.

Чу қўйдунг доғ, тиндурдунг кўнгулни дардинг истардин,
Дирам бирла гадони уйлаким, қилғай киши хушнуд.

Яна ҳусни таълил санъатига мурожаат этган шоир ошиқ кўнглига маъшуқнинг жабри ва ҳижронидан ҳосил бўлган доғларни майда чақаларга қиёслаб, мана шу доғлар билан ошиқнинг гўё

кўнгли тинганлигини-ю, бу ҳолат худди гадога майда чақа бериб уни хурсанд қилиш билан баравар эканлигини таъкидлайди. Бу ишқи илоҳийнинг ориф ошиқ кўнглига кўрсатган таъсирининг санъаткорона ифодасидир.

Жунун бу бўлсаким ёғди парийваш тифллар тоши,
Муносибдур бу тошлар ақл эшигин қилғали масдуд.

Эътибор берадиган бўлсак, ғазал матласида Навоий ҳижронзада ошиқнинг аҳволидан хабар берганди, энди эса ғазалдаги ҳар бир байтда унинг ҳолатини чуқурроқ ифодаламоқда ва бунинг учун кўриб ўтганимиз ташбеҳ ва бошқа санъатлардан фойдаланилмоқда. Навбатдаги байтда ҳижрондан адоий тамом бўлган ошиқ ишқидан воз кечмаганлигини ва бунинг сабабини фахр билан таъкидлайди:

Тўкулди гул, фиғон бас қилди булбул, шукрким, боре
Сенинг ҳуснунг, менинг ишқимда нуқсон бўлмади мавжуд.

Мана шу байтнинг ўзидаёқ мурожаат Маъшуқи Ҳақиқийга бўлаётганини ва унинг ошиғи ҳам ўз аҳдидан қайтмайдиган илоҳий ишқ соҳиби эканлиги англашилади. Ушбу байт билан ғазалдаги ошиқона байтлар тугайди ва ушбу байт айна пайтда кейин келадиган орифона байтларга ўтиш учун кўприк вазифасини ўтайди.

Туну анжум дема давронға роҳат қилмасун деб майл
Қазо гулмихлар қоқти қилиб гардунни қийрандуд.

Улуғ шоир ижодида тақдир ҳукми ҳақ ва ўзгармасдир. (Фақат “Лисон ут-тайр”даги “Шайх Санъон қиссаси” бундан мустасно). Юқоридаги байтда ҳам мутлақ тақдир даврон, яъни айланиб тургувчи фалак роҳат қилиб, ўз ихтиёрида айланмасин деб осмонни қоронгу қилиб, унга юлдузларни гул шаклидаги тиконли михлар каби қоқиб қўйибди. Яъни фалак ҳам тақдирдан қочиб ўз ихтиёрича айланолмас экан, унда инсоннинг тақдир олдида қандай ҳадди борлигини тасаввур қилаверинг!

Ушбу байт Навоийни ўз даври астрономия илмидан ҳам чуқур хабардор бўлганлигини кўрсатиб турибди. Яъни ўша давр астрономияси бўйича юлдузлар турғун ҳисобланиб, энг юқори, яъни тўққизинчи фалак ҳисобланмиш осмонда жойлашган, деб англанди.

Хароботу муножот аҳлининг матлуби сендурсен,
Манга кўрсатмасанг йўл, найлайин қай саридур беҳбуд.

Навоий ижодида мудом масжид ва майхона, хонақоҳ ва дайр, зоҳид ва дайр пири, обид ва ринд образлари бир-бирига қарама-қарши қўйилади ва биринчилари сохтакор ва мунофиқлар сифатида танқид қилинса, иккинчиси мақсад манзили ва содиқ ошиқлар маъносида тараннум этилади. Ушбу байтда эса улуғ шоир ҳар икки маконни ўзаро тенг қўйиб, ибодатхонада тоат қиладиганларнинг ҳам, хароботда илоҳий маърифат бодасидан баҳраманд бўладиганларнинг ҳам мақсади Ўзингсан, қайси йўл яхши ва Ўзингга олиб боргувчи эканлигини Ўзинг кўрсат, акс ҳолда мен буни билолмайман демоқда.

Навоий, Каъба зикрин қўйки, биз дайри фано истаб,
Заҳабно водиял-мақсад, важадно мо хувал-мақсуд.

Юқоридаги байтда яхши йўлни танлай олмай, Яратганга муурожаат этган шоир энди Ҳақ йўлни топди ва буни қатъият билан изҳор қилмоқда.

Иқтибос санъатидан фойдаланилган ушбу байтда Навоийнинг орифона ғазалларидаги анъанавий “фано” сўзи келтирилган. Фано ва фонийлик тасаввуфнинг энг олий мартабаси бўлиб, лирик қаҳрамон ғазал аввалида ҳижрондан сўз очган, ишқ балоларидан ёзғирган бўлса-да, ғазал сўнгида бу йўлда мақсадига етганини мамнуният билан изҳор этмоқда.

Ушбу ғазал “Бадоеъ ул-бидоя” девонига киритилмаган. Демак, у шоирнинг ёшлик лирикасига мансуб эмас, шунчаки ғазаллар сонининг тартиби учун “Ғаройиб ус-сиғар”га киритилган. Ғазалнинг тузилиши жиҳатдан пароканда фикрлардан яхлит хулоса чиқара олиш борасидаги тажриба ҳам, чуқур шарҳи ҳол мазмунидаги

орифона маъно ҳам даҳо ижодкорнинг тажриба ва кузатишлари натижасида қоғозга туширилганлигини кўрсатиб турибди.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод...”

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд.

Сайд ўлди кўнгул кўзларинга, вах, кутулурму
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай ики сайёд.

Ул мактаб ароким ўқудунг ноз румузин,
Гўёки, вафо илмин унутмиш эди устод.

Ашкимни кўруб тез бўлур кўнгли жафоға
Оре, итимас чунки суйи бўлмаса фўлод.

Мингдин бир эмас ўз юраги захмларидин,
Ҳар нечаки тоғ бағрини захм айлади Фарҳод.

Ўлугни киши дафн эта олмас вале ҳар кун
Юз тийғ қилур дафн кўзунг бўлғали жаллод.

Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.

Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,
Ҳар одамийким, бўлса анинг ёри парийзод.

— V V—V V—V V—

мафъувлу мафойилу мафойилу мафойил
ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур

Луғат

Ораз – юз, чехра

Насрин – оқ хушбӯй гул

Сунбул – узун баргли ўсимлик ва унинг ғуж бўлиб очиладиган хушбӯй гули

Сайд – ўлжа

Сайёд – овчи

Румуз – рамзлар

Ашк – кўз ёш

Тез – шиддатли; ўткир

Оре – тўғри

Итимоқ – ўткир бўлмоқ

Фўлод – пўлат

Захм – яра, жароҳат

Пару бол – қанот

Насрий баён

Эй чехраси насрин гулидек гўзал, сочи сунбул, қадди шамшод ёр, Сенинг ҳажринг туфайли менинг ишим нола ва фарёддан иборат.

Менинг кўнглим Сенинг кўзларингга ўлжа бўлди, у шундай бир қушки, унга икки овчи – икки кўзинг қасд қилмоқда, энди улардан кутулиб бўладими?

Сен мактабда ноз қилиш, инсон кўнглига ғавғо солиш сирларини ўргандинг, лекин менимча, устозинг вафо илмидан сабоқ беришни унутган бўлса керак.

Кўзимдаги ёшни кўриб унинг кўнгли жафо қилишга янада иштиёқманд бўлади, бу тўғридир, чунки сув бўлмаса пўлат ўткир бўлмайди.

Тоғ бағридаги тошларни майдалаган ва тоғ бағрини тилка-пора қилган бўлса-да, бу тоғнинг бағридаги ўйиқлар Фарҳоднинг юрагидаги дарду жароҳатнинг мингдан бири ҳам эмас.

Ўликни ҳар куни кўммайдилар, лекин кўзинг жаллодлик қиламан деб ҳар куни юз тиф – киприкларинг билан мени ўлдириб кўмади.

Бу чаманда гулнинг барглари булбулнинг парларини ва қанотини юлиб, уни ҳалок этишни мақсад қилган тирноқдир.

Агар ҳар бир одам севган ёри паризод бўлгач, Навоий каби де-воналик, телбалик қилса, унда нима гуноҳ!

Шарҳ ва изоҳлар

Мазкур ғазал ишқий мавзуда бўлиб, унда ошиқнинг ёрга бўлган муҳаббат ва соғинчи гўзал бадий санъатлар воситасида баён қилинган. Матлаъ ошиқнинг ёрга мурожаати билан бошланади:

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд.

Эй чехраси насрин гулидек гўзал, сочи сунбул, қадди шамшод ёр, Сенинг ҳажринг туфайли менинг ишим нола ва фарёддан иборат.

Иккинчи байтда шоир ўз кўнглини қушга, ёрнинг икки кўзини овчига ўхшатади. Бир қушни овлаш учун икки овчининг қасд қилгани ҳақидаги тасвир шеърдаги лирик кайфиятни, ундаги бадий таъсирчанликни оширишга хизмат қилган:

Сайд ўлди кўнгул кўзларинга, ваҳ, қутулурму
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай ики сайёд.

Менинг кўнглим сенинг кўзларингга ўлжа бўлди, у шундай бир қушки, унга икки овчи – икки кўзинг қасд қилмоқда, энди улардан қутулиб бўладими?

Учинчи байтда ёрнинг ноз қилиш сирларини ёки ноз замиридаги маъноларни ўргатадиган мактабда ўқиганлиги айтилади. Аммо шу мактабда дарс берган устоз вафо илмини ўргатмаган экан. Шунинг учун унинг шогирди бўлган париваш ўз ошиқларига садоқат кўрсатишни билмайди:

Ул мактаб ароким ўқудунг ноз румузин,
Ўйеки, вафо илмин унутмиш эди устод.

Сен мактабда ноз қилиш, инсон кўнглига ғавғо солиш сирларини ўргандинг, лекин менимча, устозинг вафо илмидан сабоқ беришни унутган бўлса керак.

Тўртинчи байтдан ёр бевафо эканлиги етмаганидек ўта бераҳмлиги ҳам маълум бўлади. У ошиқнинг кўзида ёш кўрса, яна унга озор бергиси келади. Шу ўринда шоир тамсил санъатини қўллайди. Биламизки, тигели буюмлар – пичоқ, ханжар, қилич пўлатдан ясалса, сифатли бўлади. Темирчи усталар пўлатдан ясаган тигларини чўғ ҳолатида сандон устига қўйиб, болға билан текислаб, чархлагач, сувга солганлар, бундан уни янада ўткирлаш мақсад қилинган. Навоий айни шу ҳолатга ишора қилиб, сув бўлмаса пўлат ўткир бўлмайди, ошиқ ҳам кўз ёш тўкмагунча ишқи камолга етмайди, деган фикрни ифода этади:

Ашкимни кўруб тез бўлур кўнгли жафоға
Оре, итимас чунки суйи бўлмаса фўлод.

Кўзимдаги ёшни кўриб унинг кўнгли жафо қилишга янада иштиёқманд бўлади, бу тўғридир, чунки сув бўлмаса пўлат ўткир бўлмайди.

Бешинчи байтда талмеҳ санъати воситасида ошиқ ўзини Фарҳодга киёслайди. Фарҳод тоғ бағрини ўйиб, Ширин учун сув йўлини очган. Аммо унинг қалби ишқдан яра эди. Агар у ўйиб ташлаган тоғ билан унинг қалбини солиштирсак, юрагидаги жароҳатлар олдида тоғнинг ўйиқлари ҳеч нарса эмаслиги намоён бўлади. Юракда қандай жароҳатлар бор эди? Инсоний иллатлар – нафс, ғазаб, дунёга муҳаббат ва бошқаларга қарши бўлган ботиний кураш натижасида қолган жароҳатлар. Бу билан дардманд ошиқ ўзини Фарҳоднинг ҳолатида қолганлигига ишора қилади:

Мингдин бир эмас ўз юраги захмларидин,
Ҳар нечаки тоғ бағрини захм айлади Фарҳод.

Тоғ бағридаги тошларни майдалаган ва тоғ бағрини тилка-пора қилган бўлса-да, бу тоғнинг бағридаги ўйиқлар Фарҳоднинг юрагидаги дарду жароҳатнинг мингдан бири ҳам эмас.

Олтинчи байтда ёрнинг кўзлари жаллодлик қилиш учун ҳар куни киприк тиглари билан ошиқни ўлдириб кўмиши тас-вирланади:

Ўлутни киши дафн эта олмас вале ҳар кун
Юз тийғ қилур дафн кўзунг бўлғали жаллод.

Ўликни ҳар куни кўммайдилар, лекин кўзинг жаллодлик қиламан деб ҳар куни юз тиг – киприкларинг билан мени ўлдириб кўмади.

Еттинчи байтда шоир бу дунё чаманидаги ҳар бир гул барги, яъни дунёнинг ўткинчи гўзалликлари булбул – ошиқнинг пар ва қанотларини юлуб, ўзини ҳалок қиладиган тирноқ эканлигини баён этади. Чунки ошиқнинг ҳолатини ишқдан бебаҳра олам аҳли тушуна олмайди:

Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.

Бу чаманда гулнинг барглари булбулнинг парларини ва қанотини юлиб, уни ҳалок этишни мақсад қилган тирноқдир.

Мақтаъда шоир ўз ҳолатидаги жунун – телбаликни ўзи севган ёрнинг инсон боласи эмас, балки паризод эканлиги билан боғлайди. Маълумки, Шарқ халқлари оғзаки ижодида парилар одамларга дўстлик қилмайдиган, аммо ўзларига мафтун этиш борасида ўта устамон, васлига ҳеч қачон етишиб бўлмайдиган гўзалликда тенгсиз мавжудотдир. Демак, парига ошиқ бўлган киши унга эриша олмайди ва ишқда чинакам телбага айланади:

Не айб, Навоий кеби девоналиғ этса,
Ҳар одабийким, бўлса анинг ёри парийзод.

Агар ҳар бир одам севган ёри паризод бўлгач, Навоий каби девоналик, телбалик қилса, унда нима гуноҳ!

Ғазалда мажозий ишқнинг ҳақиқий ишққа айланиб бориш жараёни ёритилган. Яъни инсонга бўлган севгининг Аллоҳга бўлган ишққа эврилиши. Ошиқ ёр тимсолида Аллоҳнинг жамолини, унинг нурини идрок этгач, ҳақиқат ишқи томон қадам боса бошлайди. Аммо унинг ҳолати жуда ҳам оғир. У машғуқасининг иштиёқида алангада ёнгандек ёниб, изтироб чекмоқда. Ишқнинг моҳиятини ҳис қилмоқда. Бу ғазал учун танланган вазнда ҳам намоён бўлади: ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи мақсур.

Вазнда қисқа ҳижоларнинг кетма-кет жойлашиши ўйноқи ва шиддатли оҳангни юзага келтиради, бу ошиқнинг соғинчдан бегоҳатлигини, ҳажрдан изтироб чекаётганлигини яққолроқ ифода этишни таъминламоқда ҳамда шеърнинг бадиий таъсирчанлигини оширмоқда.

Дилнавоз ЮСУПОВА

“Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод...”

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд.

Сайд ўлди кўнгул кўзларинга, ваҳ, қутулурму
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай ики сайёд?

Ул мактаб ароким ўқудунг ноз румузин,
Гўёки вафо илмин унутмиш эди устод.

Ашкимни кўруб тез бўлур кўнгли жафоға,
Оре, итимас чунки суйи бўлмаса фўлод.

Мингдин бир эмас ўз юраги захмларидин,
Ҳар нечаки тоғ бағрини захм айлади Фарҳод.

Ўлугни киши дафн эта олмас, вале ҳар кун
Юз тийғ қилур дафн кўзунг бўлғали жаллод.

Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,
Булбул пару болини юлуб берғали барбод.

Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,
Ҳар одамийким, бўлса анинг ёри паризод.

-- V V -- V V -- V V --
мафъувлу мафойилу мафойилу мафойил
Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур

Луғат

Ораз – юз

Насрин – оқ ранглиши бир гул

Румуз – рамзлар

Итимаз – ўткирва мустаҳкам бўлмайд

Пару бол – пат ва қанот; қанот ва қуйруқ

Шарҳ ва изоҳлар

Маълумки, гўзаллик ҳар доим шоирлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Хусусан, Шарқ шоирлари инсон гўзаллигини, унинг ҳусну малоҳатини алоҳида бир завқ-шавқ билан куйлаганлар, васф этганлар. Бу хусусият Алишер Навоий ижодига ҳам хос ва буни шоирнинг:

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд, –

матлаъси билан бошланувчи ғазали мисолида ҳам кўриш мумкин. Ғазал саккиз байтдан иборат бўлиб, “Ҳазойин ул-маоний”-

нинг биринчи девони – “Ғаройиб ус-сиғар”дан ўрин олган. Ҳазрат Навоийнинг бошқа лирик шеърлари сингари ушбу ғазал ҳам юксак бадиият билан битилган, хусусан, унинг матлаъси ўзгача бир гўзаллик ва жозибaga эга бўлиб, муаллифнинг санъаткорлиги ва маҳоратини яққол намоён этади. Бир байтнинг ўзида шоир ёрнинг бекиёс гўзаллигини ва унинг ҳажрида азоб чекаётган ошиқнинг ҳолатини тасвирлашга ҳамда ўқувчига етказиб беришга муваффақ бўлган. Биринчи мисрада ўхшатиш ва ташбеҳларнинг кетма-кет келтирилиши байтнинг таъсирчанлигини, ундаги эмоционалликни кучайтиришга хизмат қилган. Матлаъда ёрнинг юзини насринга (оқ гулга), сочини сунбулга, қаддини шамшодга, ўз лирик қаҳрамонини эса айрилиқда нолаю фарёд чекаётган булбулга ўхшатган Навоий навбатдаги байтда ошиқ кўнглини қушга, ёрнинг кўзларини овчиларга қиёс қилади.

Икки овчи бир қушга қасд қилса, у қочиб қутула олармиди?

Сайд ўлди кўнгул кўзларинга, ваҳ, қутулурму
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай ики сайёд?

Гўзалларнинг бевафолигидан шикоят – ўзбек мумтоз шеъриятида кўп учрайдиган мотивлардан бири. Ғазалнинг учинчи байтида шоир ана шу мотивга мурожаат қилади. Лекин бу тўғридан-тўғри шикоят эмас. Навоийнинг лирик қаҳрамони маҳбубасининг ўзига нисбатан вафосизлик қилганини, уни унутганини айтиб нолимайди. Байтда ёрнинг вафосизлигидан шикоят мотиви ёр табиатидаги ана шу хусусиятнинг сабаби ҳақида мулоҳаза юритиш орқали очиб берилади:

Ул мактаб ароким ўқудунг ноз румузин,
Гўёки вафо илмин унутмиш эди устод.

Мазмуни: “Сен ноз рамзларини ўрганган ўша мактабда устод вафо илмидан сабоқ беришни унутган кўринади”.

Ошиқ ишқ изтироблари, ҳажр азобидан кўз ёши тўкади, лекин бу ҳол маҳбубанинг кўнглини юмшатмайди, аксинча, унинг ишқида тўкилаётган кўз ёшларини кўргач, у янада кўпроқ жабру жафо қила бошлайди. Бу бежиз эмас, зеро ёрнинг кўнгли – пўлат,

ошиқнинг кўз ёшлари эса сув. Пўлатга сув берилмаса, у мустаҳкам, қаттиқ, ўткир бўлмайди. Ошиқ кўз ёши тўккан сайин ёр жафоси ортишининг сабаби шунда:

Ашкимни кўруб тез бўлур кўнгли жафога,
Оре, итимас чунки суйи бўлмаса фўлод.

Ғазалнинг мавзу-мотиви унинг бешинчи байтида ўзининг кенгроқ талқинини топади ва умумлаштирувчи хусусият касб этади. Агар олдинги байтларда шоир ўз лирик қаҳрамонининг кечинмалари, дарди ва изтироблари ҳақида сўз юритган бўлса, мазкур байтда умуман ошиқнинг, муҳаббат дардига гирифтор бўлган инсоннинг ҳолати ва ишқ йўлида чеккан азоби муболағали бир тарзда тасвирланади ва бунда муаллиф шарқ адабиётида ишқ ва ошиқлик тимсолига айланиб кетган Фарҳод образидан фойдаланади:

Мингдин бир эмас ўз юраги захмларидин,
Ҳар нечаки тоғ бағрини захм айлади Фарҳод.

Мазмуни: Фарҳод тоғ бағрини ҳар қанча захм қилган (қазган) бўлса-да, лекин бу захмлар унинг ўз юраги захмларининг мингдан бирича ҳам эмас. Навбатдаги байтда шоир яна ёрнинг жафокорлиги мотивига қайтади:

Ўлугни киши дафн эта олмас, вале ҳар кун
Юз тийғ қилур дафн кўзунг бўлғали жаллод.

Ғазалнинг еттинчи байти алоҳида диққатга сазовор:

Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.

Мазмуни: Бу чаман ичида гул яфроғи булбулнинг пари ва қанотини юлиб, елга учирувчи тирноғлардир. Байтнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у ғазалнинг асосий мавзу-мотиви (ишқ, ёр жафоси)га мос мазмунни ифодалаш билан чекланиб қолмай-

ди, унинг зимнида муайян фалсафий-ижтимоий маъно ҳам жо қилинган.

Ҳазал ушбу мактаъ билан якунланади:

Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,
Ҳар одамийким, ёри анинг бўлса паризод.

Шеърнинг сўнгги байтида “Ёри паризод бўлган ҳар қандай одам Навоий сингари девоналик қилса не айб”, деган маъно ифода-даланган. Бунда ошиқнинг “девоналиғи” билан ёрнинг “паризод”лиги таносиб ҳосил

Қодиржон ЭРГАШЕВ

“Оразинг муштоқидур бу кўзки, бўлмиш дардманд...”

Оразинг муштоқидур бу кўзки, бўлмиш дардманд,
Гарчи бордур дардлиғ кўзга ёруғлуқтин газанд.

Дард ўтин ёкти кўзумга ҳажр, чун кўрдум юзин,
Куйдурур албатта ҳар доруки, бўлғай судманд.

Бу қизарган кўз аро мардум эмас, ким эл кўзи
Тегмасун ҳуснунга деб ўт узра солибмен сипанд.

Токим ул бемор кўз ошуфтаси бўлмиш кўзум,
Истабон жинсият, оғриқ шевасин қилмиш писанд,

Кўзларим лаълиға ҳамранг ўлди, ваҳ, не ҳол экин
Ким, бу аччиғ йиғлаган сойи ул айлар нўшханд.

Кўзни бир из туфроғидин равшан этким суд эмас
Шофи кофурий чекиб осмоқ анга мушкин паранд,

Ул қуёш ҳажринда билманким, Навоий кўзига
Барча олам тийрадур ё боғламишдур чашмбанд.

—V— —V— —V— —V—

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Ораз – юз, чехра
Газанд – зарар, зиён
Судманд – фойдали
Мардум – кўз қорачиғи; одам
Сипанд – исириқ
Ошуфта – гирифтор, ошиқ
Жинсият – жинси бирлик, жинсдошлик
Лаъл – қизил; қимматбаҳо қизил тош
Нўшханд – чиройли табассум
Шофи – қониқарли, етарли
Кофурий – оқ тусли (*кофур* – оқ *хушбўй модда*)
Паранд – ипакдан тўқилган нафис, ҳарир мато
Тийра – қора
Чашмбанд – кўзга боғланадиган, кўзни тўсадиган мато

Насрий баён

Гарчи бемор кўзга ёруғликдан зиён етса-да, дардманд кўзим
Сенинг нурга тўла, чароғон жамолингга муштоқ бўлди.

Унинг юзини кўрдим, шунда ҳижрон кўзимга дард оловини
ёқди, чунки ҳар қандай дори, агар фойдали бўлса, албатта, куйди-
риш хусусиятига эга бўлади.

Бу қизарган кўзимдагини мардум – қорачиқ деб ўйлама, асли-
да мен сенинг ҳуснингга элнинг кўз тегмасин, деб ўз кўзимдаги
оловга исириқ солганман.

Менинг кўзим сенинг бемор кўзингга ошиқ бўлди, чунки у
сендаги оғриқни биргаликда ҳис қилишни истади.

Кўзларим аччиқ-аччиқ йиғлаганидан уларнинг ранги ёр лаъли –лабининг ранги билан бир хил бўлди, бу не ҳолки, улар йиғлагани сари ёр лаби табассум қилади.

Кўзни бир муборак из тупроғи билан равшан қил, чунки уни оқ рангли хушбўй ҳарир мато билан боғлаб қўйишнинг фойдаси йўқ.

Ул қуёшнинг ҳижронида, билмайман, Навоийнинг кўзига бутун олам қоронғу бўлдики ёки у кўзига мато боғлаб олганми?!

Шарҳ ва изоҳлар

Мазкур ғазалда кўз тушунчаси асосий ўринда туради. Шоир ғазал давомида “кўз” сўзига қайта-қайта мурожаат этади ва уни тимсол даражасига кўтаради, баъзи ўринларда рамз сифатида қўллайди. Шоир кўз тасвири ёрдамида ёр ва ошиқ, баъзи ўринларда эса пири муршид ва мурид муносабатларини, улар орқали эса Аллоҳга бўлган ишқ қудратини ифода этади.

Матлаъда ёрнинг кўзини кўришга бўлган кучли иштиёқ баён этилади:

Оразинг муштоқидур бу кўзки, бўлмиш дардманд,
Гарчи бордур дардлиғ кўзга ёруғлуқтин газанд.

Гарчи бемор кўзга ёруғликдан зиён етса-да, дардманд кўзим Сенинг нурга тўла, чароғон жамолинга муштоқ бўлди.

Мазкур ўринда лирик қаҳрамон мурид – шогирд тимсолида намоён бўлиб, пирининг нурли кўзларини кўришни истади. Аммо ўзининг кўзларида иллат бор. Устознинг нигоҳлари шу қадар нурлики, унга қараган кўз қамашади. Шундай бўлса-да, шогирд ўша нурли назарга иштиёқманд.

Дард ўтин ёкти кўзумга ҳажр, чун кўрдум юзин,
Куйдурур албатта ҳар доруки, бўлғай судманд.

Унинг юзини кўрдим, шунда ҳижрон кўзимга дард оловини ёқди, чунки ҳар қандай дори, агар фойдали бўлса, албатта, куйдириш хусусиятига эга бўлади.

Ошиқ ёр (пири комил)нинг чехрасини бир марта кўрган, шундан буён хижронда, соғинчда. Айрилиқ унинг кўзларига дарду ғам оловларини ёққан. Шунинг учун унинг қарашларида жазба учқунлари кўринади. Шоир биринчи мисрадаги фикрни тамсил билан далиллайди: ахир, ҳар қандай дори жароҳатни куйдириб даволайди-ку. Демак, бу дард унинг беморлиги учун чинакам шифо бўла олади.

Бу қизарган кўз аро мардум эмас, ким эл кўзи
Тегмасун ҳуснунгга деб ўт узра солибмен сипанд.

Бу қизарган кўзимдагини мардум – қорачиқ деб ўйлама, аслида мен Сенинг ҳуснингга элнинг кўз тегмасин деб, ўз кўзимдаги оловга исириқ солганман.

Қизарган кўздаги қорачиқ аслида қорачиқ – гавҳар эмас. Ошиқ ўз ёрига одамларнинг ёмон кўзи тегмасин деб, ўз кўзидаги оловга исириқ солган. Кўздаги қизил чўғлар ичида ана шу исириқ қорайиб кўринмоқда.

Байтдаги “кўз тегмоқ” иборасининг келишини табиий халқ нутқининг бадииятдаги бетакрор ифодаси дейиш мумкин.

Токим ул бемор кўз ошуфтаси бўлмиш кўзум,
Истабон жинсият, оғриқ шевасин қилмиш писанд,

Менинг кўзим Сенинг бемор кўзингга ошиқ бўлди, чунки у Сендаги оғриқни биргаликда ҳис қилишни истади.

Шогирднинг кўзи устознинг бемор кўзига ошиқ. Нима учун Устознинг – пири комилнинг ҳам кўзи бемор? Чунки муршид Аллоҳнинг ишқида бедор, Унинг жамолига ошиқ. У Аллоҳнинг васлини истаб кеча-кундуз ҳаммадан кўпроқ кўзёш тўқади. Шогирд ана шу илоҳий васл истаги, илоҳий дийдор орзуси билан Устознинг кўзларига ошиқ. У бу йўлда ишқнинг жамики алам ва машаққатларини ҳис этишга, бошдан кечиришга тайёр.

Айни шу байтда “кўз” сўзи тимсол даражасига кўтарилган. Бемор кўз бирикмаси ўзида пири комилнинг тимсолини мужассам қилаётганлиги бу фикрни тасдиқлайди.

Кўзларим лаълиға ҳамранг ўлди, ваҳ, не ҳол экин
Ким, бу аччиғ йиғлаган сойи ул айлар нўшханд.

Кўзларим аччиқ-аччиқ йиғлаганидан уларнинг ранги ёр лаъли
–лабининг ранги билан бир хил бўлди, бу не ҳолки, улар йиғлагани сари ёр лаби табассум қилади.

Кўзни бир из туфроғидин равшан эт, ким суд эмас
Шофи кофурий чекиб осмоқ анга мушкин паранд,

Кўзни бир муборак из тупроғи билан равшан қил, чунки уни оқ
рангли хушбўй ҳарир мато билан боғлаб қўйишнинг фойдаси йўқ.

Байтда келаётган бир из бу пири муршиднинг изидир. Лирик
қаҳрамон ана шу изни тўтиё этиб, ўз кўзини равшан этишни ис-
тайди. Чунки бу дунёнинг хушбўй, гўзал матоларидан, ўткинчи
бойликларидан ҳеч қандай маъно йўқ. Балки улар кўзни боғлаб,
ҳақиқатни кўришга тўсиқ бўлади.

Ул қуёш ҳажринда билманким, Навоий кўзига
Барча олам тийрадур ё боғламишдур чашмбанд.

Ул қуёшнинг ҳажрида, билмайман, Навоийнинг кўзи бутун
олам қоронғу бўлдики ёки у кўзига мато боғлаб олганми?!

Мақтаёда шоир қуёш сўзи билан икки маънони назарда тутган
бўлиши мумкин: пири муршид ва Аллоҳ таоло. Иккала маъно би-
лан ҳам байтдан мантиқий маъно топиш мумкин. Яъни пири ко-
мил суҳбатини соғинган шогирд учун бутун олам қоронғу кўрин-
япти. Чунки ул зот қуёшдек ер юзини ёритар эди. Ҳозир қуёш бот-
ган бир палла. Демак, оламни зулмат босиши табиий. Ёки лирик
қаҳрамон кўзига мато боғлаб олган, сабаби қуёшнинг нурларига
унинг кўзи тоқат қила олмайди!

Мазкур нуқтада Алишер Навоийнинг юксак бадий маҳора-
тига гувоҳ бўламиз: шоир халқ орасида ишлатиладиган “олам кў-
зимга қоронғу бўлиб кетди” иборасини ўта усталик билан байт-
нинг ичига сингдириб юборган. Яна “кўзга чашмбанд бойламоқ”
иборасини ҳам келтирадики, маънода ҳам, шаклда ҳам гўзал уй-
ғунлик пайдо бўлган. Бундан ташқари, бу икки иборани биргина кўз

сўзидан сўнг уюшиб келиш қондасига мувофиқ қўллайди. Ушбу далилларнинг барчаси буюк сўз санъаткорининг бетакрор маҳорати, истеъдодидан дарак беради.

Ҳазал учун туркий шеърятда кенг қўлланган рамали мусаммани мақсур вазни танлаб олинган. Қўлланган вазн, байтлардаги “кўз тегмоқ”, “кўзга оламнинг қоронғи бўлмоғи”, “кўзга чашмбанд боғламоқ” каби халқона ифодаларнинг мавжудлиги шеърга таъсирчан соф туркий руҳ бағишлаб турибди.

Дилнавоз ЮСУПОВА

“Унутмоғилки то ҳажр этти бедод...”

Унутмоғилки то ҳажр этти бедод,
Мени бир нома бирла қилмадинг ёд.

Кўнгул ёд этмасингдин бўлса ғамгин,
Вале руҳум эрур ёдинг била шод.

Бузуғ жисмим уйин йиқти фироқинг,
Бу уйда кўп бузуғлуғ қилди бунёд.

Қул ўлди сарв то гулгашт этарга
Қадинг базми тарабдин кўпти озод.

Мени гаҳ дашту гаҳ тоғ узра кўрган
Тирилмиш соғинур Мажнуну Фарҳод.

Кўнгулни май била маъмур қилким,
Хумори давр ани қўймас обод.

Навоий телба бўлган чоғда кўрди,
Парий бирла ани соғинди ҳамзод.

V--- V--- V- ~
мафойилун мафойилун мафойил
ҳазажи мусаддаси мақсур

Луғат

Бедод – жабр ситам, зулм
Гулгашт – гул сайри, гул сайли
Тараб – хурсандлик, шодлик, айшу ишрат
Қўпмоқ – ўрнидан турмоқ, тик турмоқ
Соғинмоқ – бу ўринда: ҳисобламоқ, ўйламоқ, гумон қилмоқ
Маъмур – обод, хурсанд
Давр – давра, улфатлар давраси
Ҳамзод – туғишган, қариндош

Насрий баён

1. Шуни унутмагилки, ҳижрон кўп жабр-ситам етказди, сен мени бир нома билан ёд айламадинг.
2. Кўнгил мени ёд этмаганингдан ғамгин бўлса-да, лекин руҳим сенинг хаёлинг билан шоддир.
3. Сенинг фироқинг бузилган жисмим уйини қулатди, айрилиқ бу уйда яна кўп вайронагарчиликларни амалга оширди.
4. Шодлик базмидан гул сайрига чиққан пайтингда сенинг келишган қоматингни кўрган сарв унга қул бўлишни истади.
5. Мени гоҳ даштда, гоҳ тоғ устида кўрганлар Фарҳод билан Мажнун тирилибди, деб гумон қилдилар.
6. Кўнгилни май билан обод қил, зеро улфатлар даврасидаги мастлик хумори уни тинч қўймайди.
7. Навоий уни телба ҳолида кўргач, ёрни парининг синглиси (туғишгани) бўлса керак, деб ўйлади.

Ушбу ғазал Алишер Навоийнинг ишқий мавзудаги ғазалларидан бўлиб, унда ҳижрон мотиви етакчилик қилади. Ғазалда мураккаб тимсоллару рамзларни учратмаймиз, унда ошиқнинг самимий дил изҳорларию қалб кечинмалари енгил ва раvon оҳангда ифодаланган. Матлаъдаёқ лирик қаҳрамон айрилиқдан шикоят қилиб, узоқ вақтлардан бери уни ёри бир мактуб билан ёд этмаганлигидан ёзғиради:

Унутмоғилки то ҳажр этти бедод,
Мени бир нома бирла қилмадинг ёд.

Кейинги байтда шикоят ўрнини тақдирдан розилик, ишқнинг мавжудлигидан шукроналик туйғулари эгаллайди. Зеро, Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида келтирилишича, ишқнинг уч даражаси бўлиб, унинг хослар ишқи деб тасниф қилинган иккинчи турида ошиқ учун ёрнинг хаёли ҳам кифоядир:

Кўнгул ёд этмасингдин бўлса ғамгин,
Вале руҳум эрур ёдинг била шод.

Шу ўринда “Маҳбуб ул-қулуб” асарида келтирилган бир ҳикоятни эслаб ўтиш жоиз. Унга кўра, бир кўни Мажнуннинг ишқ ўти ҳижрон туфайли аланга олади ва заиф баданини бу ўтнинг ҳарорати кўдиради. Табиблар турли хил муолажалар қиладилар, фойда бермайди: беморнинг касали кучайиб, иситмаси пасаймайди. Шунда Лайлига хабар берадилар. Лайли Мажнуннинг бетоблигини эшитиб, паришон бўлиб, ўз девонасининг ҳолини билиш учун мактуб ёзади. Бу мактубни Мажнунга етказганларида, унда жон асари қолмаган эди. Иттифоқо, Лайлининг номасини ўқиётганларида бемор эшитаётганини ва таъсирланаётганини сезадилар. Ҳар гал нома қайта ўқилганда, унга жон киргандек бўлади. Бемор сихат топиб тузалгунча, хатни такрор ўқиб турадилар. У соғайгач, ёрининг мактубини тумор қилиб бўйнига тақиб олади.

Ҳикоятдан кўринадики, ёрнинг зикри ошиқ учун даво ва малҳамдир.

Кейинги байтда ҳам ошиқнинг ишқ дарди туфайли азобланган жисми тасвири давом этади.

Бузуғ жисмим уйин йиқти фироқинг,
Бу уйда кўп бузуғлуғ қилди бунёд.

Ёр шундай гўзал ва хушқоматки, ногоҳ уни базмда кўриб қолган сарв ҳам унинг қаддига қул бўлишни орзу қилади:

Қул ўлди сарв то гулгашт этарга
Қадинг базми тарабдин қўпти озод.

Маълумки, сарв мумтоз адабиётда кенг қўлланилган тимсоллардан бўлиб, унинг сарви озод деган тури шох-шаббасиз, тик ўсади ва ёрнинг тик қоматига нисбат берилади. Байтдан англашилишича, ёрнинг гўзал қомати нафақат ошиқни, балки бўстондаги сарвни ҳам ўзига мафтун этган.

Ошиқ ишқ йўлида шундай бетоқат ва бесабрки, гоҳ даштни, гоҳ тоғни макон тутади. Уни ногоҳон кўриб қолган эл Мажнун билан Фарҳод тирилиб келибди деб ўйлайдилар:

Мени гаҳ дашту гаҳ тоғ узра кўрган
Тирилмиш соғинур Мажнуну Фарҳод.

Мақтаъдан олдинги байт риндона характерда бўлиб, унда шоир улфатлар даврасидаги базмдан пайдо бўлган хуморни фақат мастлик билан ёзиш мумкин, деб таъкидлар экан, кўнгилни фақат май билан обод қилишга ундайди.

Кўнгулни май била маъмур қилким,
Хумори давр ани қўймас обод.

Зоҳиран гўё май тарғибига бағишланган ушбу байт ботинан чуқур орифона мазмунни ўзида акс эттиради: илоҳий маърифатга чанқоқ солиқ фақат иймону маърифатни қалбга жойласагина, унинг ташналиги қониши, кўнгли обод бўлиши мумкин.

Мақтаъда мумтоз адабиётдаги ёрни парига нисбат бериш билан боғлиқ ташбеҳ бетакрор тарзда баён қилинган, яъни ошиқ ишқ йўлида телба бўлар даражага етгач, ёрни парининг туғишган қариндоши деб ўйлайди, зеро, қадимий тасаввурларга кўра,

парилар оловдан яратилган мавжудот бўлиб, уларни оддий кўз билан кўришнинг имкони йўқ. Парилар ўз гўзалликлари билан одамларни мафтун этиб, ақлдан оздирадилар. Улар турли шакл ва қиёфаларга кириш имконига эга бўлиб, кўпинча соҳибжамол қиз қиёфасида намоён бўладилар. Бу ўринда Навоий париларнинг ана шу хусусиятларини назарда тутати.

Навоий телба бўлган чоғда кўрди,
Парий бирла ани соғинди ҳамзод.

Дилнавоз ЮСУПОВА



“Эмас ғамимни ёзар хатқа зарфишон қоғаз...”



Эмас ғамимни ёзар хатқа зарфишон қоғаз
Ки, шуъла чекти дамимдин битир замон қоғаз.

Сипехр даври бу саргашта оҳидин бўлмиш,
Магар бу оҳ тутун бўлмиш, осмон қоғаз.

Тирилмишам битигингдин қилурда муҳр, магар
Лабингга тегдию келтурди тухфа жон қоғаз.

Узору лаъли лабинг васфини қачон ёздим,
Оқиб кўзум ёши гулранг бўлди қон қоғаз.

Очилди хаста кўнгул руқъасин ярамга ёпиб,
Ёруғ бўлур эмиш уй, бўлса тобдон қоғаз.

Ёзар фаришта қуёш сафҳасига васфингни,
Магарким ул фалакий топмас обдон қоғаз.

Кўнгул шикофиға қоғаз аро эрур марҳам,
Ғамим сўрарға рақам қилса дилситон қоғаз.

Кўнгул саҳифасин асра хутур баҳридин
Ки, суға зойиъ ўлур тушса ногаҳон қоғаз.

Хумор дафъиға қуллуқ хатин тилар соқий,
Навоиё, дема ҳужжат кетур равон қоғаз.

V-V- VV-- V-V- --
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

Луғат

Зарфишон – зар сочувчи, зарафшон

Сипеҳр – осмон, даҳр, замон; тақдир

Руқъа – 1) хат, мактуб; 2) ямоқ

Тобдон – туйнук, дарча

Шикоф – ёриғ, дарз, чок, тешик

Дилстон – дилни олувчи, кўнгилни ўзига асир қилувчи,
маҳбуба, маъшуқа

Хутур – кўнгилга келиш, хотирдин ўтиш, мулоҳаза

Насрий баён

Хат ёзиш учун ишлатилаётгани қоғоз асли зар сочувчи эмас,
балки, ёзаётганимда оҳимдан шуъла сочувчидир.

Тақдир йўли бу дарбадар оҳдан нима бўлса бўлди, яъни “оҳ”
тутун бўлиб, осмон эса қоғозга айланди.

(Менга йўллаган) мактубнигдан қайта тирилдим, (бунинг са-
баби) хат ёзаиб, муҳр босаётганингда қоғозга (тирилтиргувчи) на-
фасинг урилганмиди дейман?!

Сенинг (қизил) юзинг ва лаъл(га ўхшаш) лабингнинг васфини
ёзганимда, кўз ёшим оқиб, қоғоз қон рангига кирди.

Хаста кўнгул (қоғоздан бўлган) ямоғини ярамга ёпиб, ўзи очилди, ахир уй дарчаси қоғоз (билан ёпиладиган бўлса), уй ёруғ бўлиши бежиз эмас-ку.

Фаришта сенинг васфингни қуёшнинг саҳифасига ёзишининг сабаби, у осмоний мавжудот яхшироқ қоғоз тополмаганлигидир.

Кўнгилнинг ёриғига қоғоз орасидаги (мактубдаги сўзлар) малҳам бўлганлигидек, ғамимни (кўнглимни) сўраб, мактуб битган ҳам кўнгил олувчи қоғоз бўлди.

Кўнгил саҳифасини хотирдан ўтиш баҳридан эҳтиёт қилки, қоғоз ногаҳон сувга тушса, яроқсиз бўлади.

Соқий хуморни даф этиш учун ижозатнома сўраяпти, эй Навоий, яна у қоғоз (орқали) бирор хужжат келтирди, деб ўйламагин.

Шарҳ ва изохлар

Ушбу ғазал мазмунан ошиқона, шаклан пароканда бўлиб, ошиқнинг маъшуқа мактубини олгандан сўнгги ҳолати тасвирига бағишланган. Ошиқ маъшуқа дийдорига шунчалик ташнаки, унинг мактуби битилган қоғозни шунчалар улуғлаб, таърифламоқда.

Эмас ғамимни ёзар хатқа зарфишон қоғаз
Ки, шуъла чекти дамимдин битир замон қоғаз.

Ошиқ маъшуқасига мактуб битаётганда, зарнигор, яъни зар билан ишлов берилган қоғоз ишлатган. Натижада хат ўқиладиган пайтда зар сочаётгандай тасаввур уйғотган. Мана шу ҳолатга образли тарзда мурожаат этган шоир қоғоз асли зар сочувчи эмас эди, менинг чеккан ўтли “оҳ”имдан унга ҳам шуъла – учкун тушди ва шундан ялтираб, зар сочувчи бўлиб қолди, демоқда.

Байтда қоғозни жонлантириш орқали *ташхис* санъатига мурожаат этилмоқда.

Сипехр даври бу саргашта оҳидин бўлмиш,
Магар бу оҳ тутун бўлмиш, осмон қоғаз.

Ошиқ маъшуқа ҳижрони ва соғинчидан шунчалар қаттиқ “оҳ” тортмоқдаки, натижада бу “оҳ” қора сиёҳга, осмон (яъни турғун юлдузлар жойлашган еттинчи фалак) эса қоғозга ёзилган хатга ўхшаб қолмоқда.

Байтда бўлмиш сўзининг такроридан тақрирнинг *радд ул-аруз илал ҳашв* тури, оҳнинг тутунга, осмоннинг қоғозга ўхшатилишидан *истиора*, *сипеҳр* ва *осмон* сўзларидан эса *таносиб* санъатлари яратилмоқда.

Тирилмишам битигингдин қилурда муҳр, магар
Лабингга тегдию келтурди туҳфа жон қоғаз.

Маъшуқа ошиқнинг оҳу фиғонлари изҳорига бағишланган мактубини олди ва унга жавоб мактубини битди. Ва бу битик ошиқнинг ўлик жисмини тирилтиргандай таъсир қилди. Бунинг сабаби, мактубнинг мазмуни, албатта. Бироқ маълумки, маъшуқа нафаси Исонинг муъжизакор дамига қиёсланади. Мана шу анъанавийликка мурожаат этган Навоий, хатга муҳр босаётганингда, қозоғга лаб босганмидингки, ўша нафасинг ғойибдан менга жон бағишлади, деб маъшуқага эҳтиром кўрсатмоқда.

Байтда *муболаға* ва *ташхис* санъатларидан фойдаланилмоқда.

Узору лаъли лабинг васфини қачон ёздим,
Оқиб кўзум ёши гулранг бўлди қон қоғаз.

Навбатдаги байтда яна ошиқ ўз мактубига мурожаат этмоқда. Яъни, ошиқ маъшуқани шу қадар соғинганки, мактубда унинг қизил ёноқлари ва лабларининг васфини ёзаётганда, қонли кўз ёшлар тўкади. Бу кўз ёшлар таъсирида қоғоз ҳам бошдан-оёқ қип-қизил бўлиб, гул рангига киради.

Байтда узору лабинг сўзлари ёрдамида таносиб ва таъдид, муболаға санъатларидан фойдаланилмоқда.

Очилди хаста кўнгул руқъасин ярамға ёпиб,
Ёруғ бўлур эмиш уй, бўлса тобдон қоғаз.

Маъшуканинг мактуби бу байтда деразага ёпиладиган қоғоз-га ёки ярага қўйиладиган малҳамга қиёсланган. Ярага малҳам қўйилгач, оғриқ барҳам топиб, кўнгил очилгандай, маъшуқа мактуби ҳижрондан зада бўлган кўнгилга дори-дармон каби таъсир қилади. Бу ҳолат даричаси қоғоз билан ёпилган уйнинг ёруғ бўлишига ўхшайди.

Байтда тамсил ва истиора санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ёзар фаришта қуёш сафҳасига васфингни,
Магарким ул фалакий топмас обдон қоғаз.

Маъшуқа шу даражада покиза ва улуғворки, фаришталар унинг мадҳини, ошиқ хаёлида, гўёки, қуёш сафҳасига ёзади. Бу ҳам ошиққа кифоя қилмайди-да, бу осмоний фаришта тузукроқ қоғоз тополмаганлиги учун ҳам қуёшга ёзаяпти, йўқса сени таърифинг ундан-да юксакликка муносиб демоқда.

Байтда муболага, қуёш сафҳаси бирикмаси ва фалакий сўзи орқали истиора санъатларига мурожаат этилган.

Кўнгул шикофиға қоғаз аро эрур марҳам,
Ғамим сўрарға рақам қилса дилситон қоғаз.

Навбатдаги байтда кўнгил дардига малҳам бўлиш учун қоғоз восита қилинмоқда. Яъни, кўнгил ярасига, агар унда кўнгил сўрамоқ учун ёзилган сўзлар бўлса, ўша қоғоз малҳам бўла олади.

Байтда кўнгул шикофи бирикмаси орқали истиора ва ташхис санъатларидан фойдаланилмоқда.

Кўнгул саҳифасин асра хутур баҳридин
Ки, суға зойиъ ўлур тушса ногаҳон қоғаз.

Навбатдаги маъвиза ёки лирик чекиниш ифодаланган байтда, шоир, одатдагидек, орифона мушоҳидаларга мурожаат этмоқда. Мулоҳаза, яъни кўнгилга ҳар қандай хаёл келишидан асраки, у бир денгиз бўлиб, қоғоздай кўнгилни яроқсиз ҳолга келтириши, яъни нобуд этиши мумкин.

Байтда кўнгул саҳфаси, хутур баҳри бирикмалари орқали бир йўла икки ўринда *истиора* ва *тамсил* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Хумор дафъига қуллуқ хатин тилар соқий,
Навоиё, дема ҳужжат кетур равон қоғаз.

Орифона мушоҳида давом этмоқда. Яъни, мақтаъда Навоий соқийга мурожаат қилиб, уни хуморни даф этиш учун май келтиришга, яъни илоҳий айрилиқ озорини кетказиш учун маърифат бодасини тутишга ижозатнома сўрашини айтмоқда ва бу билан қоғозу ҳужжат шаклидаги ҳар қандай шаклу суратларга қаршилигини билдирмоқда.

Байтда *илтифот* ва *истиора* санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Умуман олганда, ғазал қоғоз, унда ёзилган ошиқ мактуби, арзи ҳоли, маъшуқа битиги, унинг қуёш саҳфасига ёзилган мадҳи, кўнгилга малҳам бўлувчи, уни очувчи ва илоҳий асрорни акслантирувчи восита сифатида пароканда ғазалнинг умумий руҳини бирлаштириб турибди. Ғазалда яна кўнгил образи *кўнгул руқъаси*, *кўнгул шиқофи*, *кўнгул саҳфаси* бирикмалари орқали мукамал тасвирланмоқда, улуғланмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Демагил кўйини беному нишонларга малоз...”

Демагил кўйини беному нишонларга малоз
Ким, эрур тождеҳу, мулкситонларга малоз.

Очсалар лаъли майи шавқи била майхона,
Соҳати бўлғай алам дафъига жонларга малоз.

Эл ёгиндин панаҳ истар киби кўюнг ёди
Водийи фурқат аро ашкфишонларға малоз.

Дайр пири қулидурменким, анинг даргоҳи
Яхшиларға паноҳ ўлди-ю ёмонларға малоз.

Ҳаббазо, ишқки кирёси фазосидур анинг
Барча беманзил-у маъво-ву маконларға малоз.

Кир фано мулкига фориғки, эрур ул кишвар
Оҳи сўзонлар ила ашки равонларға малоз.

Шоҳи Ғозий эшигин Тенгри баса тутсунким,
Нотавонларға паноҳ ўлди-ю хонларға малоз.

–V-- VV-- VV-- VV –
фоилотун фаилотун фаилотун фаилон
рамали мусаммани маҳбуни мақсур

Лугат

Кўй – катта йўл; кўча, маҳалла; маж.: Ёр манзили

Малоз – муқаддас даргоҳ; бошпана

Тождеҳ – шоҳлар шоҳи, подшоҳларга тож бағишловчи

Мулкситон – жаҳонгир

Соҳат – майдон, саҳн

Фурқат – жудолик, фироқ

Ашкфишон – кўз ёши тўкувчи

Дайр пири – зардуштийлик дини пешвоси; майхона эгаси;

маж: комил инсон

Ҳаббазо – қандай яхши! Офарин! – маъносидаги нидо

Кирёс – остона, уйнинг кириш жойи

Фориғ – хотиржам

Маъво – маскан, яшаш жойи

Кишвар – ўлка, мамлакат

Сўзон – ёндирувчи, ўтли

Ашки равон – кўз ёши оқиб турувчи кимса
Шоҳи Ғозий – Султон Ҳусайн Бойқаронинг лақаби
Нотавон – бечора

Насрий баён

Ёрнинг кўйини ном-нишонсиз, бечора кишиларга бошпана дема, унинг кўйи шоҳларга тож бағишловчи ва етти иқлимни ўз тасарруфига олган муқтадир зотларнинг маконидир.

Унинг лаълдек жилоланиб турувчи майининг шавқида агар майхона эшигини очсалар, бу майхонанинг саҳни ғам-аламни кеткизувчи бошпанага айланади.

Одамлар ёмғирдан паноҳ истагани каби, ҳижрон водийсида кўз ёш тўкувчиларга сенинг кўйинг ёди паноҳгоҳга айланар.

Мен дайр пирининг қулиман, негаки унинг даргоҳи яхшиларга ҳам, ёмонларга ҳам бошпанадир.

Муҳаббатга офаринлар бўлсин, унинг остонаси барча манзилсиз, уй-жойсиз ва беватанларга бошпана бўлди.

Фано мулкига барча ташвишлардан фориг бўлиб, хотиржам кир, негаки бу диёр кўнглидан ўтли оҳлар чиқарувчи ҳамда кўз ёши тинмас ошиқларга бошпанадир.

Шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг даргоҳини Аллоҳнинг ўзи асрасин, негаки бу даргоҳ бечора-нотавон кишиларга паноҳ манзили, хонларнинг бошпанасидир.

Шарҳ ва изоҳлар

Хазон билмас “Ғулистон”да келтирилишича, Шайх Саъдий Шерозий Дамашқ жоме масжидида эътикофда ўтирган вақтда ҳукмдорлардан бири у кишининг зиёратига келиб, айтади:

– Кучли бир душман мамлакатимга хавф солмоқда, менга тўғри йўл кўрсатинг.

Шайх Саъдий буюрадилар:

– Бечора раиятинга меҳрибон бўлсанг, кучли душманларингдан қутуласан.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, унинг осоиштилиги ва барқарорлиги унда адолат тамойилига оғишмай амал қилинишига чамбарчас боғлиқ. Акс ҳолда, мазлумларнинг охи ҳар қандай мустабид подшоҳнинг салтанатини қулатиши муқаррар. Ҳақ йўлидаги беному нишонлар – дуоли мустаҷоб бўлувчи дарвешлар ўз моҳиятига кўра, султонларга тоҷ берувчи, жаҳонгирларга нусрат бағишловчи зотлар ҳисобланади. Негаки, Аллоҳ таоло энг аввало бечоралар ва мискинларга раҳмат назари билан қараши уларни “тоҷдеҳу мулкситон” қилиши табиий. Байтнинг иккинчи маъноси бевосита тасаввуфнинг маслагига боғлиқ. Негаки, илоҳий даргоҳга восил бўлганлар – ўз эҳтиёжини фақат Аллоҳдан сўраб, ундангина мадад сўрайдиганлар аслида маъно оламининг подшоҳи, кўнгиллар мулкининг соҳибқиронидирлар. Навоий шон-шухратга интилмаган, бандасига арзи эҳтиёж этмаган, ўзининг ожиз банда эканлигини жондан ҳис этганларнинг мақомини юксак баҳолаб, уларни ҳақиқий обрў-эътибор ва иззат соҳиби сифатида таърифлайди.

Иккинчи байтдаги “май” ва “майхона” ҳам ирфоний талқинни талаб қилади. “Май”дан мурод – илоҳий маърифат, ишқ ғалабаси; “майхона” комилликка эришган орифнинг кўнглини англатади. Шунингдек, Ҳақиқий Маҳбуб ишқига гирифтор, илоҳий бодадан сархуш, кўнгли пок ва мусаффо бўлган зотларнинг биргаликда висол йўлидаги жонбозликлари ҳам майхона истилоҳи орқали ифодаланади. Демак, илоҳий маърифат толиблари агар ишқ талабда пири комил кўнглида мавж ураётган маърифат майхонасига қадам қўйсалар, табиийки, руҳий хотиржамлик, қалб сакинатиға муяссар бўладилар.

Ёмғир – Аллоҳнинг раҳмати, табиатнинг неъматини. Аммо одамлар ана шу раҳматдан кўпинча қочиб, бошпана излайдилар. Ҳижрон водийсида кўзидан ёмғирдек ашк тўкувчилар учун Ёри азал кўйининг ёди ана шундай бошпана бўлади. Ҳолбуки, уларнинг кўз ёши ёмғири ҳам Аллоҳнинг инояти. Ҳақ ёдида, Ҳақ фироқида кўз ёши тўкишнинг ўзи – илоҳий раҳмат нишона бўлатуриб, энг меҳрибон ва раҳмли Зот ҳузурига мушарраф бўлиш учун бир босқич...

Навоий яшаган даврда Ҳирот шаҳрида дайр – мажусийларнинг ибодатгоҳи мавжуд бўлмаган. Бу тушунча унинг шеъриятида

мажоз йўсинида комил инсон, муршид, пир маъносида қўлланилади. Зардуштийлик динида дайр пири – мўбад (мағупат)нинг вазифаси – муқаддас оловнинг бир маромда ёнишини таъминлаш ҳамда зиёратчилар учун муқаддас саналган махсус шароб тайёрлаш ва тақсимлаш бўлган. Ирфоний маънода эса, пир – шайх ўз муридианинг қалбида ёнаётган Ишқ оловини бир зайлда ёниб туришини назорат қилиб, уларнинг қалбини илоҳий маърифат шароби билан сармаст этади. Шу сабабдан, бундай зотнинг даргоҳи яхшиларга ҳам, ёмонларга ҳам бошпана бўлади.

Ҳазалнинг бошидан ном-нишонсизлар, мискин ва бечоралар, май шавқида ёнаётган толиблар, ҳижрон водийсида кўз ёши тўқувчилар, яхшилар ва ёмонларга бирдек бошпана бўлаётган маскан (Ёр кўйи, майхона, дайр пирининг даргоҳи) энди ўз номи билан аталади. Бундай одамларнинг макону маъвоси – Ишқ остонаси. Айнан ишқ фазоси дунёвий истак ва хоҳишлар занжирларидан қутулган мажнуншева кишилар учун нажот остонаси бўлади. Аммо бу остона фано бўлишликни талаб қилади.

Фано водийсига киришнинг биринчи шарт – фориғ бўлишдир. Фароғат – ички ҳурликка эришган, ишқ занжиридан бошқа бирор кишанга банди бўлмаган кимсаларга насиб этади. Бундай кишиларнинг оҳи фалакни ўртаб, тўккан ашки саҳрони дарёга айлантиришга қодир. Буюк ишққа мубтало кишиларнинг дарди ҳам шунга яраша оламсўз бўлади. Навоий Оламдаги ҳақиқий Подшоҳининг даргоҳи ва бу даргоҳга паноҳ истаб борганларни турли образлар ва истилоҳлар билан васф этганидан сўнг зоҳир оламининг шоҳи – Султон Ҳусайн Бойқаронинг саройи ҳақида мақтаъда сўз юритади. Султон Ҳусайннинг даргоҳи ҳам мискинларга бошпана, подшоҳларга нажот остонаси. Шу сабабдан, бу даргоҳ ҳам обод ва маъмур бўлишини Навоий чин кўнгилдан истайди.

Олимжон ДАВЛАТОВ



“Эй зотинга ҳар неча қилиб ақл тафаккур...”



Эй зотинга ҳар неча қилиб ақл тафаккур,
Ул фикрга бўлмай самаре ғайри таҳайюр.

Юз меҳрга нетсун чу эрур мужиби ҳайрат
Ҳар зарраки, таҳқиқида ақл этса тафаккур.

Идроки камолингни хирад ҳадди соғинган
Бир қатра аро айлади юз баҳр тасаввур.

Кавнайн адам бўлса, вужудунгга не тағйир,
Ҳар мавж сукун топса, тенгизга не тағайюр.

Қаҳринг йўқ этар халқниким турғали бўлмас,
Сарсар йўлида пашша гуруҳиға таҳаввур.

Бу турфаки, дафъини ярим пашшаға қўйдунг,
Ҳар пил ниҳодеки санга қилди такаббур.

Ҳажринг тунида шам киби қолди Навоий,
Ҳар тун не ажаб куйса тўкуб ашки таҳассур.

--V V--V V--V V--

мафъувлу мафойилу мафойилу фаувлун
ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Лугат

Зот – моҳият, асл, асос

Тафаккур – фикр юритиш, ўйлаш, мулоҳаза

Самар – ҳосил, самара
Таҳайюр – ҳайратланиш
Меҳр – қуёш
Мужиб – сабаб
Таҳқиқ – бирор нарсанинг ҳақиқатини билиш, ўрганиш
Идрок – тушуниш, сезиш, фаҳмлаш
Хирад – ақл, онг
Ҳадд – чегара
Баҳр – денгиз
Кавнайн – икки олам
Адам – йўқлик
Тағйир – ўзгариш
Мавж – тўлқин
Сукун – сокинлик, тинмоқ
Тенгиз – денгиз
Сарсар – совуқ шамол, изғирин
Таҳаввур – ботирлик
Пил – фил
Ниҳод – ички олам, ботин олами
Такаббур – манманлик, кибрланиш, ўзни катта тутишлик
Таҳассур – ҳасратда қолишлик

Насрий баён

Эй Аллоҳ, Сенинг зотингга ақл қанча тафаккур этса, бу тафаккурдан унга ҳайрат ва иккиланишлардан ўзга ҳосил йўқ.

Агар бир зарранинг моҳияти ҳақида тафаккур юритадиган бўлса, адоқсиз ҳайратга дуч келадиган ақл юз қуёш моҳияти ҳақида қандай фикрлай олади?!

Сенинг камолотингни англашда ожиз ақлнинг чегарасини билмоқчи бўлган киши бир томчи сув билан юзта денгизнинг нисбатини тасаввур этсин.

Агар икки олам ҳам йўқликка юз тутса, Сенинг борлигингда ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди; денгиз мавжи йўқолса, денгиз суви камаймайди.

Сенинг қаҳринг бутун яратикларни йўқ қилиши мумкин, негаки изғирин эсган пайтда пашшалар йўқ бўлиб қолишади.

Ажаб ҳолат – Сендан юз ўгириб, кибрланган, ўзини ҳамма нарсага қодир, деб ҳисоблаган зотларнинг ажалини ярим пашша қўлига топширдиг.

Сенинг ҳажрингда Навоий шам каби ёниб адо бўлмоқда. ҳар кеча Сенинг ризолигингни истаб, ҳасрат ашқини тўкса, ажабмас.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал анъанавий ҳамд мавзусида ёзилган бўлиб, унда шоир Аллоҳ таолонинг беқиёс қудратини тавсифлаш орқали ўзининг имон-этиқоди, маслагини шеърӣй йўсинда ифодалаган. Ирфонӣй манбаларга кўра, маърифат икки қисмдир – бири Аллоҳ таолони таниш, иккинчиси – бандалик мақомини билиш. “Кимки ўзини таниса, Раббини танибди” мазмунидаги ҳадисга кўра, ўзликни англаш бевосита Худони таниш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Худони тўлиқ маърифат қилишда инсоннинг қусурли ақли ожизлик қилади. “Тулшани роз”да айтилганидек:

Дар оло фикр кардан шартӣ роҳ аст,
Вале дар зоти Ҳақ маҳзи гуноҳ аст.
Бувад дар зоти Ҳақ андеша ботил,
Маҳоли маҳз дон таҳсили ҳосил.

(Таржимаси:

Сифоти Ҳақни ўйлаш шартӣ роҳдир,
Фикрда зоти Ҳақ эрса, гуноҳдир.
Тафаккур Зоти узра эрса, ботил,
Уринма, бўлмагай бир нарса ҳосил¹).

Навоий ҳам Аллоҳ зотига тафаккур этмоқчи бўлган ақл эгаси ҳайратдан ўзга нарса ҳосил этмаслигини билдириб, биринчи ва иккинчи байтда ҳайрат ва унга ўзакдош бўлган таҳайюр ҳақида сўз юритади. Хожа Абдуллоҳ Ансорӣйга кўра, ҳайрат икки нав-

¹ Алишер Навоий. МАТ. 16 жилд. Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Т. Фан, 2000. – 117-бет.

дир: биринчиси, Худони тан олмайдиганларнинг ҳайрати. Бундай кишилар Аллоҳ таоло моҳияти ҳақида тафаккур этганида бирор нарсага эришолмайдилар, чунки Аллоҳ таолонинг Зоти ҳақида одам боласининг ақл меъёрлари асосида мулоҳаза юритиш имконсиз. Бундай ожизлик оқибатда қуфрга олиб келиши табиий. Бир заррада юз қуёшни мушоҳада эта олган соғлом тафаккур, пок имон эгаси ўзининг ақли чегараланганлигини билиб, Аллоҳ таоло борлигидан дарак берувчи далилларни ўрганиш ва тафаккур этишга киришиб, қалби унинг қудрати олдида тенгсиз ҳайратга лиммо-лим бўлади ва шу орқали ўзининг бандалик мақомини англашга эришади.

Инсоннинг билими, ақл-идроки чегараланган, аммо бу ақл бир томчи сувда юзта денгиз моҳияти яширинганини англашга қодир. Ақлнинг ҳам мислсиз Зотни англашдаги нисбати бир томчи билан юз денгиздек бўлади. Шу қиёс ҳам нисбий эканлигини англатмоқчи бўлган Навоий “тасаввур” сўзини ишлатиб, бу орқали Зотнинг моҳияти ва қудрати нақадар буюк сир эканлигини таъкидламоқчи бўлган. Аллоҳнинг борлиғи – оламнинг борлигига боғлиқ эмас. Агар бутун коинот йўқлик мақомига юз тутса ҳам, Худонинг мавжудлигига ҳеч қандай таъсир кўрсатолмайди. Дунё борлиғи – денгиз устидаги мавжнинг лаҳзалик чайқалишига ўхшайди. Мавж ураётган денгиз устида ҳар онда янги-янги тўлқинлар пайдо бўлиши каби, Аллоҳ ҳам бир лаҳзада минг-минглаб шундай оламларни яратиб яна йўқ қилишга қодир. Унинг раҳмати чексиз бўлганидек, қаҳри ҳам шунга яраша қаттиқ бўлади. Худонинг қаҳҳорлик сифати жилвагар бўлган пайтда жамийки яратилар совуқ шамол – изғирин эсанда пашшалар йўқ бўлиб кетиши каби, ризо ва таслимиятдан ўзга чора тополмайдилар.

Олтинчи байтда Навоий “ярим пашша” ва “пилниҳод” сўзларини қўллаш орқали иккита қиссага ишора қилади. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да берилишича, Иброҳим Халилulloҳ (а) замонида Намруд исмли подшоҳ бутун оламнинг якка ҳукмдори бўлиб, ўзини Худо деб эълон қилади. “Оқибат Иброҳим (а.с.) дуоси билан Намруднинг сипоҳин пашша хайли ҳалок қилди, еллар азоб била ани дағи ҳалок қилди. Ривоятдурким, ул пашша Намруднинг мағзиға қасд қилса эрди, анинг манглайиға анинг нима урсалар эрди, таскин топар эрди. Иш бир ерга еттиким, тўқмоқ ясатти. Муттасил анинг бошиға биров урар эрди ва анинг ҳавосининг яхшироқ

хизмати бу эрдиким, ул тўқмоқни анинг бошига бир карак урғай, то бу азоб била жаҳаннамга борди”.

Қуръони каримнинг “Фил” сурасига кўра, охирзамон Пайғамбари (с.а.в.) туғилган йили (милодий 570-йили) Абраҳа исмли бир ҳукмдор Каъба уйини бузиб ташлаш учун жанговар филлари билан Маккага қўшин тартади. Аллоҳнинг ҳукми билан абобил (пашшага ўхшаш бир нав қуш) Абраҳа ва унинг қўшинлари устига сопол тошлар отиб, уларни ғажилган сомондек ер билан битта қилади. Навоий Аллоҳ таолонинг мислсиз қудратини васф этиб, бу қудрат олдида такаббурлик қилган бандалар аслида ярим пашшадан-да нотавон эканликларини Намруд ва Абраҳа қиссаларига ишора қилиш орқали янада жонлироқ, таъсирчанроқ кўрсатишга ҳаракат қилган.

Олимжон ДАВЛАТОВ



“Парим бўлса учуб қочсам улусдин то қайотим бор...”



Парим бўлса учуб қочсам улусдин то қайотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор.

Чиқиб бу дайрдин Исоға нечун ҳамнафас бўлмай,
Бихамдиллах, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор.

Халойиқ суҳбатидин минг ғамим бордурки, муфт ўлғай,
Агар минг жон бериб билсамки, бир ғамдин нажотим бор.

Чекиб ағёрдин юз жавру тортиб ёрдин минг ғам,
Не ўзга халқдин ғайрат, не ўзимдин уётим бор.

Кечиб кўздин ёзай бир хатки, даҳр аҳлига кўз солмай,
Бу дамким кўз саводидин қаро, кўздин давотим бор.

Тилар кўнглум қуши анқодин ўтгай нари юз водий,
Мунингдек сайр этарга Қофдин ортуқ саботим бор.

Навоий, билки, шах кўнгли манга қайд ўлмаса, биллаҳ,
Агар кавнайнга хошок чоғлиғ илтифотим бор.

V — — — V — — — V — — — V — — —
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
хазажи мусаммани солим

Ҳар қандай улуғ санъаткорнинг шеърида сўз унинг ўзи акс эттиришни истаган фикр ва туйғудан бир неча ҳисса ортиқ маъноларни ифодалайди. Шунинг учун ҳақиқий шеърнинг ғоявий-бадиий таркибида ҳамиша нималардир сир бўлиб, аллақандай маъно гавҳари яширинлигича қолаверади. Энг зукко шеършуноснинг ҳам таҳлил имконияти чекланган. Чунки ҳар қанча уринмасин, сўзнинг мажозий моҳиятини барча ранг, оҳанг товланишлари билан идрокдан ўтказа олмайди. Бирданига бир неча рамзий мазмунларни таркибига бирлаштира лган шеър — чинакам шеър. Навоийнинг ғазали шу даъвонинг ёрқин исботидир. Уни ўқиғай угунги ўқувчи қандай хулосаларга келади. Тахминан бундай: Шоирни “улус” жуда бездирган экан-да, қанот чиқариб қочишни кўзлабди. Шоҳ унга илтифот кўрсатганида, балким у “халойиқ суҳбатидин минт ғам”га гирифтор бўлмасмиди. Бунга сабаб ўша жаҳолатли замон, адолатсиз феодал тузум ва ҳ. к. Ҳазалнинг шахс ва замон ўртасидаги зиддиятлардан мулоҳаза кўзгагани яхши, албатта. Лекин бу шоирнинг қўлига қалам тутқазган асосий дард ёки бош мақсад эмас.

Туркий тасаввуф шеърятининг буюк вакили Юнус Эмро хусни мутлақ ошиқлари тилидан:

Ишқинг олди мандан мани, манга сан кераксан, сан!
Жисмим ёнур кеча-кундуз, манга сан кераксан, сан!

– деб айтган. Илоҳий “муҳаббат баҳрининг ғаввоси” бўлган юрак фақат тавҳид завқиға муҳтождир. Уни Ҳақдин бошқа “на борлик”, на “йўқлик” — ҳеч нима севинтирмайди. У таҳайюл ва ваҳдат майидан маст, ҳалқу оламдан қочиб, “кўнгул тахтининг шоҳи”— Ҳақ даргоҳиға учмоқ шавқида ёнади, Навоий ғазалида ҳам “Ман”-ликдан кечиб, “Сан”-ликка юз бурган лирик қаҳрамоннинг сирли кечинмалари, олами ғайб сори парвози тасвирланган.

Эрур мақсад йироқ, водий узун, тун тийра, йўл бўртоқ,
Бу йўлда салб этиб ўзлик юкин, ўзни сабукбор эт,

— дейди Навоий бошқа бир ўринда. Юқоридаги ғазал қаҳрамони “ўзни сабукбор” эта олгани учун ҳам “учиб қочмоқ” ниятини очик изҳор қилган:

Парим бўлса учуб қочсам улусдин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоғдин, югурсам то ҳаётим бор.

“Парим бўлса” демоқ билан одамда пар пайдо бўла қолмайди. “Учуб қочсам” дейиш улусдан қутулиш чораси эмас. “Қанотим куйса...” Дарвоқе, қанот нимадан куяди? Қуёш оташиданми? Йўқ, ҳусн қуёшининг нуридан. Навбатдаги байтни ўқиб англаймизки, лирик “Мен” “Парим бўлса учуб қочсам...” дея асоссиз сўзламаган экан. Унга самоға учган Исо (а.с.) пайғамбар ўрнак. У Исоға ҳам-нафас бўлмоғни истайди:

Чиқиб бу дайрдин Исоға нечун ҳамнафас бўлмай,
Бихамдиллах, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор.

Дайрдин чиқмоқ — бу дунёни тарк қилмоқ. Аммо “нобақор олам”дан баланд кўтарилиш учун ҳам қанот керак. Шу маънода тажарруд — воз кечиш ва ҳиммат тилға олинган.

Дийдорталаб ошиқларнинг суҳбати — илоҳий суҳбат. Улар учун, Ибн Арабий айтмоқчи, жимлик ва сукут орифликнинг олий белгиси, негаки, “билган гапирмай, гапирган билмайди”.

Ҳақиқий ишқ аҳлининг иқрорига кўра, “Қай ерда тинчлик бўлса, Ҳақ ила бирлик бўлар”.

Халойикнинг ўткинчи манфаатларга дахлдор машмаша ва ғавғолари ана шу ҳаёлий бирликка халал беради.

Халойик суҳбатидин минг ғамим бордурки, муфт ўлғай,
Агар минг жон бериб билсамки, бир ғамдан нажотим бор.

“Халойик суҳбатидин минг ғам” исканжасида қолган киши нажот тилаши табиий. Аммо бу “минг ғам”дан биттасида ҳам нажот йўқ. Агар бўлганида текинга “минг жон бериб” бўлса-да, уни билиш мумкин.

Чекиб ағёрдин юз жавру тортиб ёрдин минг ғам,
Не ўзга халқдин ғайрат, не ўзимдин уётим бор.

Биринчи мисрада гап ёр ва ағёр ҳақида. Ағёр — душман ёки ғаним. У юз жавр кўрсатган бўлса ёр ёхуд дўст минг ғам етказган. Шу боис ўздин ҳам “ўзга халқдин” ҳам узоқлашилган.

“Рақиб”, “ағёр” деганда биз салбий қиёфадаги инсон тўғрисида ўйлашга кўникиб қолганмиз. Ҳолбуки, тасаввуф адабиётида “рақиб” ва “ағёр” ҳақидаги фикрлар нафсга доирдир.

“Тўққиз мингдир бу нафс ҳашорати, Мудом эгурлидир аларнинг оти...” Юнус Эмро “Тўрт кишидир йўлдошим...”, дейди. “Ул тўртнинг бири — жон, бири — дин, бири — имон”. Хўш, охиригиси-чи? Мана, эшитинг:

Бири нафсимдур душман,
Анда савашиб қолдим...

Тасаввуф шеърляти билан чуқур яқинлиги йўқ Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам “Шаҳвату нафс қавий душмандур”. “Нафс ёғисини мағлуб этгил”, нафс “Душманедур агарчи ўтру эмас, Лек бир лаҳза сендин айру эмас”, дея огоҳлантирган.

Навоийнинг “Чекиб ағёрдин юз жавр...”, дейиши, бу — “нафси золим”га тегишли. “Ёр” эса вужуди мутлақдир. Нафсни енгиш — “ўзлик иморатин” бузиш. Акс тарзда “Не ўзга халқдин ғайрат, не ўзимдин уётим бор”, дейиш ҳолатига кўтарилиш имконсиздир.

Кечиб кўздин ёзай бир хатки, даҳр аҳлига кўз солмай.
Бу дамким кўз саводидин қаро, кўздин давотим бор.

Нега кўздин кечиб “бир хат” ёзиш керак? Фақат “даҳр аҳлига кўз солмаслик учунми? Йўқ, албатта. “Жон кўзи” Ёрни кўриб, “Дил ондин хабар” бергач, ҳусн шоҳи жон ичин-да жойлашиб, “кўнгил-ни арш” айлайди. Бу — ботин кўзнинг очилиши:

“Ботин кўздир дўстни кўрган,

Бу зоҳир кўз ёбондадур...”

Кўздин кечиш ва “кўз саводи”га зид ҳақиқат асосан мана шу.

Тилар кўнглим хуши анқодин ўтса нори юз водий,
Мунигдёк сайр этарга Қофдин ортуқ саботим бор.

Бу икки мисрада фано водийсига сайр эътиборда тутилган. Чунки анқо қушидан ҳам “нори юз водий”га ўтишга аҳли фано-гина қодирлигига Навоийнинг ўзи бир ўринда гувоҳлик берган:

Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох.

Демак, шеър қаҳрамонининг анқо манзилидан ҳам “нори юз водий”га сайр этарга соботи етарли. Ахир, унинг кўнгли “фано қучидин зўрбозу” истаётир. Ҳазалнинг сўнгги байтини ўқиймиз:

Навоий, билки, шаҳ кўнгли манга қайд ўлмаса, биллаҳ,
Агар кавнайнга хошок чоғлиғ илтифотим бор.

Ниҳоят бош муддао гапирилди: шоҳнинг кўнгли шоирга мойилмас. Шунинг учун икки дунёга ҳам унинг “хошок чоғлиғ” илтифоти йўқ. Профессор А. Ҳайитметов ҳазал шоирнинг йигитлик вақтида яратилганига таяниб, ўша шоҳ “Навоийга душманлик назари билан қараб, унга Ҳиротда кун бермаган золим Абу Саид эди. Унинг даврида Навоий Ҳиротда ниҳоятда қийналиб, бир пулга зор бўлиб, туришга уйи йўқ, ейишга овқати йўқ ҳолда яшайди... Ҳиротдаги хушомадгўй феодаллар подшонинг Навоийга муносабатининг ёмонлигини билиб, унга нисбатан яхши қарамаганлар.

Натижада, шоир юқоридаги ғазалда тасвирланган аҳволга тушган ва охири Ҳиротдан кетиб қолган”, деб ёзади. Ғазалдаги умумий рух, мистик кечинмаларнинг бағоят қуюқлиги, сўз ва оҳангдаги ғамгинлик шундай хулоса чиқаришга асос беради. Аммо ғазалнинг гоёвий-бадий мундарижаси бошқа мулоҳазаларни ўртага ташлашга ҳам монелик қилмайди.

Алишер Навоий ғазалларидан бирида шоҳга мурожаат этиб, ўзни “ўздин улугроқ шоҳга ҳожатманд” билишга чақирган. Бу шоҳ—Аллоҳ. Бизнингча, ғазал хотимасида ана шу шоҳдан марҳамат кутилаётир. Шоирнинг икки дунёни ҳам хошокча назарга илмаслиги бир золим подшоҳнинг муносабатигагина боғланса, шеърда аксини топган илоҳий-фалсафий моҳият ўз-ўзидан майдалашади.

Югурма ризқ учун, не етса ҳақдин англаким, комил,
Не келтургил демиш, не ғайбдин етганин қайтормиш.

Навоий энг мушкул аҳволда ҳам шу эътиқодга содиқ қолганлиги ва Тангридан бошқасидан кўрқиш, шафқат тилашни гумроҳлик билганлиги шубҳасиздир.



“Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чокидур...”



Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чокидур,
Баҳр мавжи йўқки, ашким селининг қўлокидур.

Суда эрмас меҳр акси, балки дарё жониға
Солған ўтлар хаста жоним оҳи оташнокидур.

Хас эмас гирдоб ароким, бошинга эврулгали,
Су уза саргашта ошиқ жисмининг хошокидур.

Ваҳки, ул киштида дарёкаш, манга худ йўқ ҳаёт
Эл дегандинким, фалоннинг кофири бебокидур.

Ул балиғ тутқанда солиб шасту анинг рашкидин,
Судин айрилған балиғ янглиғ кўнгул топокидур.

Кўрма фақр аҳли сиришқи баҳрида ҳар ён ҳубоб
Ким, фано кавкаблари, балким бало афлокидур.

Эй Навоий, кема тийри кўксум ичра ҳажр ўқи,
Кема оғзи гўйиё ишқида кўксум чокидур.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Афлок – фалаклар

Бебок – кўркмас, ҳайикмас; бебош, ҳаёсиз

Кавкаб – юлдуз

Кишти – кема

Кўлок – тўлқин; қаттиқ шамол

Оташнок – ўтдек куйдирувчи, иссиқ

Сиришқ – кўз ёши

Топок – типирчилаш, безовталаниш

Шаст – камон ўқи; қармоқ

Насрий баён

Денгизда сузиб бораётган кеманинг оғзи аслида менинг ишқ дастидан чок бўлган кўксим, унинг мавжлари эса кўз ёшларим селидан кўтарилган тўлқинлардир.

Сув узра аксланаётган қуёш эмас, балки ишқ дастида хаста бўлган жонимнинг оташли оҳидан дарё жонига ўт тушган.

Денгиз гирдоби ичида қолиб айланаётган хас эмас, балки сенинг бошингдан ўргилиб айланмоқчи бўлган саргашта ошиқ – менинг хошоқдек жисмимдир.

Кемачи ёр кемада сайр қилиб юрибди. У раҳмсиз, бепарво. Мен (ошиқ) учун эса ҳаёт йўқ. Одамларнинг уни – ёрни фалончининг бепарвоси, дейишлари бежиз эмас.

У (ёр) қармоқ ташлаб, балиқ тутганда, кўнглим рашқдан сувдан айрилган балиқ каби типирчилайди.

Фақр аҳли кўз ёш денгизининг ҳар тарафида ҳубоб – кўпик кўрдим деб ҳаёл қилма, улар фано юлдузлари, балки уларнинг ҳар бири бало осмонидир.

Эй Навоий, кеманинг ўқдек учи кўксим ичидаги ҳажр ўқи, дарёда сузиб бораётган кеманинг оғзи эса менинг ишқ дастидан чок бўлган кўксимдир.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоий девонларида бошдан-охир манзара ифодасига асосланган ғазаллар анчагина. Шулардан баҳр – денгиз ва у билан боғлиқ кема, ҳубоб, кемачи каби тимсоллар ҳам эътиборга лойиқ.

Кема, заврақ, кишти, жунг атамалари билан номланган бу тимсол воситасида шоир бир неча ғазаллар яратган.

Ғазални мукаммал англаш учун унинг зоҳирий ва ботиний маъноларини баробар ўрганиш лозим. Шу мақсадда ғазалдаги айрим тимсол ва тушунчаларнинг сўфиёна мазмунини аниқлаб оламиз. Кема сайри сўфиёна талқинда касрат манзилидан (яъни: кўпик – ҳодисалар оламидан) ўтиб, ваҳдат мақомига етишишдаги ҳолат-кечинмаларнинг ифодасини англатади. Денгиз, дарё тушунчалари эса илоҳий олам чексизлигига ишора; мавж – мутлақ борлиқнинг коинот мартабаларида пайдо бўлган тажаллийлари; олам ва одам мутлақ вужуд – ваҳдат денгизининг мавжлари сифатида талқин этилади.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги мазкур ғазал асосида фикримизга ойдинлик киритиш мумкин:

Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чокидур,
Бахр мавжи йўқки, ашким селининг кўлокидур.

“Дарёда сузиб бораётган кеманинг оғзи аслида менинг ишқ дастидан чок бўлган кўксим”, – дер экан, ошиқ-шоир кеманинг тузилишига эътиборни қаратади. Умуман, нарса-ҳодисаларнинг шакл-шамойилига эътибор қилиш, уларнинг айни ҳолатини инкор этиб, уларга ранж-у изтироб кўзлари билан назар солиб тасвирлаш ушбу ғазалда яққол кўзга ташланади. Ғазалнинг бир неча (1-, 2-, 3-, 5-) байтларида мана шундай усулни қўллаган шоир тафритъ санъатидан маҳорат билан фойдаланган. Матланинг иккинчи мисрасида ҳам шу санъат қўлланилган бўлиб, уни шундай тушунтириш мумкин: “Бу денгиз мавжлари эмас, балки кўз ёшларим селидан денгизда тўлқинлар кўтарилди”. Ишқ, висол талабгори бўлган толиб ишқининг шиддати, изтиробининг кучи мужассамлашган байтнинг орифона мазмунини шундай шарҳлаш мумкин: ёрни касрат манзилидан ваҳдат мақомига олиб ўтувчи восита (кема) ошиқнинг кўнглини яраламоқда. Чунки у ёрни ошиқдан узоққа олиб кетади. Ёр унга безътибор, аниқроғи, ўз иши билан овора, яъни мақсади – ҳақиқий ёр васлига эришиш истаги билан банд ва ўша йўлга кириб кетган. Ёрига етолмаётган ошиқ учун бахр мавжи, яъни Аллоҳнинг сифату мақомлари тажаллийётини намойиш қилаётган мавжлар – дунё ашёлари ошиқнинг кўз ёшлари тўлқинида ҳеч нарса эмас. Ошиқ учун бу олам – ёридан айрилиқда чеккан изтироблари маҳсули, у борликни ана шу изтироблар орқали англайди ва ўзига хос тарзда идрок этади. Демак, ёр – Ҳақнинг ошиғи. У улуг мақсад манзили сари интилаётган комил инсон. Унинг ошиғи (лирик қаҳрамон) эса Ҳақ васлининг талабгори. Бироқ у фақат ёр деб билгани комил инсон – муршид воситасидагина ўз мақсадига эришиши мумкин. Ушбу ғазалда инсоннинг инсонга бўлган ишқининг давоми инсоннинг Аллоҳга бўлган муҳаббати билан туташиб кетиш ҳодисасини ҳам кузатиш мумкин.

Иккинчи байтда денгиздаги гўзал бир манзара тасвирига дуч келамиз:

Сувда эрмас меҳр акси, балки дарё жониға
Солғон ўтлар ҳаста кўнглум оҳи оташнокидир.

Сувга қуёш акси тушса, у дарёни кизартириб кўрсатади (ай-никса, кун чиқиш ва кун ботиш маҳали). Ошиқ-шоир бу манзаравий ҳодисани эсга солиб туриб, уни яна инкор этади ва бу ҳодисанинг сабабчиси қуёш эмас, балки унинг ўзи эканлигини англайди: “Ишқ дастида хаста бўлган жонимнинг “оҳ”ларидан дарё жонига ўт тушган, шунинг учун у ёлқинланиб кўринмоқда”, – дейди у. Мана шундай зоҳирий мазмун ифодалаган байтнинг орифона маъносини тушуниш учун, аввало, айрим сўзларнинг сўфиёна талқинини эслаш ўринли. “Сувдан мурод – маърифат” (1, 156), – дейди Саййид Жаъфар Сажжодий. Сув – маърифат, илоҳий файз, вужуд, зот (2, 156), – дейилади бошқа бир ўринда. Қуёш – бирламчи манбадан нишона, илоҳий нур чашмасини англатса, оҳ – ишқ ғулғуласининг тил билан ифодалаб бўлмайдиган авж лаҳзасидир. Орифона мазмунда, бирламчи манбадан нишонанинг (илоҳий нур чашмасининг) аксини (висолини) маърифат (фақат ақл, ўқиш, ўрганиш) орқали эмас, балки ишқнинг авж лаҳзаларидагина англаш мумкинлигига ишора бор. Зеро, ошиқ борлиқ – денгизни, унинг замирида англашилган чексиз илоҳий оламни ҳам фақат ишқ изтироблари орқали танийди.

Учинчи байтда шу денгиздаги янги бир манзаранинг ошиқ изтиробига уйғун ҳолатдаги тасвирига дуч келамиз:

Хас эмас гирдоб ароким бошингга эврулгали
Сув уза саргашта ошиқ жисмининг хошокидур.

Денгиз гирдоби ичида қолиб айланаётган хас эмас, балки сенинг бошингдан ўргилиб-айланмоқчи бўлган саргашта ошиқнинг – менинг хошокдек жисмимдир, деган мазмун англашилаётган байтга чуқурроқ назар ташласак, янги маъноларни илғаб олишимиз мумкин. Агар денгиз илоҳий оламнинг чексизлигини, ундаги сув маърифатни англатса, ошиқнинг хас янглиғ гирдоб ичига тушиб қолишига сабаб ошиқнинг ёр бошидан айланиб-ўргилиш истагида унга интилишлари экан, маърифат излаган ошиқ – солик ёрга, яъни пирга муҳтож. Унга сира етолмаётган, руҳи истакларига мағлуб бўлган ошиқ – толибнинг хасдек вужуди гирдоб орасида – саргардонликда қолган. Кейинги байт:

Ваҳки ул киштида дарёкаш, манга худ йўқ ҳаёт,
Эл дегандинким, фалоннинг кофири бебокидур.

Байтнинг мазмуни: “Кемачи ёр кемада сайр қилиб юрибди. У раҳмсиз, бепарво. Ошиқ учун эса ҳаёт йўқ. Одамларнинг уни – ёрни фалончининг бепарвоси, дейишлари бежиз эмас”, деган зоҳирӣй мазмун замирида ушбуларни англаш мумкин: “Ёр – илоҳӣй олам сирларини англаб бораётган комил инсон. У денгизда – илоҳӣй чексизлик олами узра кемада – касрат манзилидан ваҳдат мақоми сари ўтиб бормоқда, яъни фақатгина ана шу ягона мақсади билан овора, ўзга ишларга бепарво. Бу йўлдан хабардор одамлар шу йўлга кирганларнинг ўзга ишга бепарво эканликларини таъкидлайдилар. Ошиққа эса бу бераҳмлик бўлиб кўринади, чунки у ўз йўлини топиш мақсадида хасга айланди, у пирга, пирнинг оламига яқинроқ бора олмас экан, чиндан ўлгани шу эмасми”?!

Ўз аҳволининг баёини манзаралар ифодаси ёрдамида чуқурлаштириб борар экан, шоир денгизда рӯй бериши мумкин бўлган янги-янги ҳодисаларга мурожаат қилади:

Ул балиғ тутмоққа солиб шасту онинг рашкидин,
Сувдин айрилғон балиғ янглиғ кўнгул тобокидур.

Бу байтни шундай изоҳлаш мумкин: “У (ёр) қармоқ ташлаб, балиқ тутганда, ошиқнинг кўнгли қармоққа илинган балиқдай типирчилайди. Нега? Чунки ёр унга эътиборсиз, ўз истаги – балиқ тутиш билан овора”. Аслида ошиқ ҳам хас каби бўлса-да шу дарёда-ку! Байтнинг ботиний маъносини билиш мақсадида балиқ тушунчасининг сўфиёна талқинига эътибор қиламиз. Балиқ – маърифат денгизига ғарқ бўлган комил ориф (3, 156) рамзи ҳисобланади. Демак, ғазалдаги ёр – илоҳӣй маърифат баҳридан баҳрамандлик истаб чиққан солиқ, у маърифат баҳрига ғарқ бўлишдек комил орифлик талабгори. Эътибор берилса, ғазалдаги ошиққа толиблик вазифаси юклатилган эди, ёр тимсоли зиммасига эса ҳам маҳбублик, ҳам ошиқлик, ҳам толиблик вазифалари юклатилаётир. Демак, ошиқ ўзи талабгор бўлиб чиққан мақсадига етишгунича бир қанча руҳӣй-амалӣй босқичларни босиб ўтишдек машаққатли ишни бажариши лозим.

Навоийнинг кўпинча фалсафий қарашлари, умумлашма фикрлари баён этиладиган мактаъдан олдинги байтда ҳаёлий манзалар тасвири мужассамлашган, дейиш мумкин:

Кўрма фақр аҳли сиришки баҳрида ҳар ён ҳубоб
Ким, фано кавкаблари, балким боло афлокидур.

Ушбу байтда фано юлдузлари, кўз ёш денгизи каби тасаввургагина мансуб истиоравий иборалар шоир ижодий ниятини ифодалашда муҳим ўринга эга. Байтнинг мазмуни: “Фақр аҳли, яъни бу дунёдан воз кечганлар ҳам ёр васлига етишиш йўлида кўз ёш тўкар экан, бу кўз ёшларида ҳубоб – пуфакчаларни кўрмайсан”. Чунки уларнинг қалби ҳар қандай ҳодисадан озод, фақат моҳиятга – Ҳақнинг ўзига етишиш истаги билан банд. Чунки фано кавкаблари – дунё ҳодисотлари – қувончу ташвишлари улар учун боло осмони бўлиб, уларни синовдан ўтказиб улгурган. Фикрни янада ойдинлаштириш учун байтни ҳубоб ва кавкаб тушунчаларига боғлаб тушунтирамиз: ҳубоб – пуфакчалар сув юзида ялтираб кўринади ва у юлдузга ўхшаб кетади. Лекин фақр аҳли ундан, унда ўз аҳволини намоёйиш этишдан воз кечган. Чунки, биринчидан, унга фақат моҳият муҳим бўлса, иккинчидан, бу мақомга етиб келгунича уни дунёнинг юлдузлари – ҳодисалар ўз синов осмонида имтиҳон этган. У моҳиятга етиш йўлида ҳодисалардан озод бўлиб улгурган.

Охирги байт:

Эй Навоий, кема тийри кўксум ичра ҳажр ўқи,
Кема оғзи гўйиё ишқида кўксум чокидур.

Ошиқ аҳволига ҳамоҳангликни таъминловчи сўнгги байт – мактаъда шоир кема мачтасининг устунини кўксигаги ҳижрон ўқиға, кеманинг оғзини эса ишқдан яраланган кўксига ўхшатар экан, раддул-матла санъатини қўллаб, ишқи изтиробининг, азобларининг туганмас, чексиз ва бениҳоя машақатли эканини яна бир бор эслатади.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА



“Оғзим ачитқон дам-бадам ул лаъли шаккарханд эрур...”



Оғзим ачитқон дам-бадам ул лаъли шаккарханд эрур,
Ваҳ-ваҳ, туз эрмиш улки, мен қилдим гумонким, қанд эрур.

Ўтсанг ғамим саҳросидин, қонлиғ кўнгул ажзосидин,
Ҳар лола баргин англаким, бир доғлиғ парканд эрур.

Кўюнга мунглуғ жонға тан, юз захм иладур хирқае
Марҳам била қўйған мамуқ ҳар ён анга пайванд эрур.

Мажнун кўнгул қилмас ҳаво ҳар ён ўқунгдин гўйиё
Ким, бу темур бирла йиғач ҳабсиға онинг банд эрур.

Боққач қуёш рухсориға андин қилурмен кўз ёши
Ким, ул мусофир ойима ҳусн ичра бас монанд эрур.

Ғам барқи-ю меҳнат туни зоянда бўлса ишқдин
Тонг йўқки, ўтқа гаҳ шарар, гоҳи тутун фарзанд эрур.

Дунё аруси зулфини тутқан не оғаҳ факрдин,
Ғанж истамас улким, йилон тутмоқ била хурсанд эрур.

Минг нола тортиб кўрмай ул гул васлин охир ўлганим,
Бу боғнинг булбуллари гар билсалар, ҳуш панд эрур.

Кўз учи бирла боқтинг-у қийдинг Навоий кўнглини,
Билдинг аниким, бир қиё боқмоққа ҳожатманд эрур.

--V-- --V-- --V-- --V--

мустафълун мустафълун мустафълун мустафълун
ражази мусаммани солим

Лугат

Ажзо – парчалар, бўлаklar
Парканд – парча, бўлак
Кўй – йўл, кўча
Мунглуғ – ғамгин, андуҳли
Хирқа – дарвешларнинг жунли серямоқ кийими
Мамуқ – пахта, момик
Пайванд – боғланган
Зоянда – фарзанд
Тонг йўқ – ажабмас
Шарар – учкун, аланга
Огаҳ – огоҳ, хабардор
Ганж – хазина
Панд – насиҳат, ўтит

Насрий баён

Унинг табассум қилиб сўзлашадиган лаъли лабидан оғзим таъми аччиқ бўлиб қолди. Ваҳ-вах, мен қанд деб гумон қилган нарса туз бўлиб чиқди.

Агар ғамим саҳросидан ўтсанг, менинг пора-пора бўлган кўнглимдан ҳар томонда лолалар очилганини кўрасан.

Сенинг кўйингда ғуссага тўла жонимни асраётган ярадор жисмим дарвешларнинг хирқасига ўхшаб қолибди, негаки малҳам билан кўйилган момиклар унга ёпишиб қолган.

Сенинг ўқингдан девона кўнглим ҳавога учолмайди, бу ўқлар унга қафас каби ҳар томондан банд солиб турибди.

Кўёш юзига боқиб кўз ёши тўкишимга сабаб – у ҳам сафардаги ой юзли ёрим чехрасига жуда ўхшайди.

Ишқдан ғам барқи ва машаққат туни ҳосил бўлса, ажабмас, негаки оловдан ҳам гоҳи тутун, гоҳида учкун ҳосил бўлади.

Келинлардек ясанган дунёнинг сочидан маҳкам ушлаган киши факр давлатидан огоҳ эмас – илон овидан хурсанд киши ҳеч қачон хазина истамайди.

Тинмай фиғон чекиб, гулимнинг васлини кўрмай ўлганимни
чаман булбуллари билсалар, уларга яхши сабоқ бўларди.

Кўз учи билан бир назар солиб, Навоий кўнглини асир этдинг.
Сенинг бир қиё боқишингга муҳтож эканлигини қардан бил-
динг?!

Шарҳ ва изоҳлар

“Ҳақиқат асрорини мажоз йўсинида кўргузмоқ” таврида ёзил-
ган ушбу ғазалнинг матласидан талаб йўлидаги ошиқнинг руҳий
аҳволи тасвири бошланади. Ошиқнинг оғзи аччиқ бўлиб қолиши
– ўлим талвасасига тушганининг бадиий ифодаси. Унинг бун-
дай аҳволга тушганига сабаб – Ёрнинг шакархандаси, табассуми.
Аммо бу ширин табассум қанддай жонга ҳаловат берувчи эмас,
балки тузли, тотли. Туз оғизни ачитгани каби жоннинг тузли
– малоҳатли табассуми ҳам ошиқ жонини минг шўриш ва изти-
робга солади.

Лолақизғалдоқларнинг баҳор елларида ер узра сочилиб ёти-
ши ғуссалар саҳросидаги Мажнунваш ошиқнинг пора-пора бўл-
ган кўнглидан нишонадир.

Ошиқнинг жисм-у жони ишқ лашкари ҳужумидан мажруҳ –
мубтало кўнгилга қалқон бўлган жисми марҳамли момикларнинг
кўплигидан дарвешлар хирқасига, ишқ ўқининг мўлжалига айлан-
ган кўнгли эса қафас ичра тутқун қушга ўхшаб қолибди. Орифлар
султони Жунайд Бағдодий огоҳдил дарвешларнинг ямоқли хирқа-
сини бутун коинотни қамраб олувчи осмонга, ямоқларини эса ой
ва юлдузларга ўхшатган экан. Негаки бундай хирқанинг ичида су-
рат юзидан олами суғро (кичик олам, микрокосм), маъно юзидан
олами кубро (катта олам, макрокосм) пинҳондир. Буюк муҳаббат
маъвоси бўлган жон ҳам маъно юзасидан олами кубродир, нега-
ки моҳиятлар моҳияти, Борлиқ жавҳари – Ишқни ўзида сиғдира
олган кўнгил бошқа ўткинчи ҳавою ҳаваслар ортидан учмай, шу
дард билан сукун ва қарор топади.

Бешинчи байтда муҳаббатнинг қамрови янада кенгайиб, ос-
монга қадар юксалади. Ердаги ҳолатни ўз жисму жонига қиёсла-
ган солиқ қуёшга назар солиб, унинг ҳарорати ва зиёсида Қуёшлар

Куёшига ўхшаш ҳолатни кўриб, кўз ёши тўкади. Одатда куёшга назар солган ҳар қандай кишининг кўзи ёшланади, аммо шоир шунда ҳам шоирона ташбех, ошиқона ҳолатни пайкаб, ажойиб лутф билан тасаввурни янги уфқлар сари йўналтиради. Байтдаги “мусофир ой” ва Куёш таносиби “Насойим ул-муҳаббат”даги Шайх Абу Али Даққоқ ҳақидаги бир ҳикоятни эсга солади: “Дерларки, охир умрида онча дард устодга муставлий бўлуб (ғалаба қилган) эрдиким, ҳар кун оқшом қарин томға чиқар эрди ва кунас (куёш) сари боқиб айтур эрди: Эй мулк саргардони, бу кун нечук эрдинг ва нечук ўткардинг, ҳеч ерда бу ҳадиснинг андуҳгиниға (ишқ ғамининг мубталосига) партав (нур, зиё) солдингму ва ҳеч ерда бу ишқнинг зеру забар бўлганларидин хабар олдингму? Бу навъ сўзлар айтур эрди, то кунас ботар эрди”.

Маънолар микёси байтдан байтга тадрижий тарзда кенгайиб, теранлашиб, ўқувчини янада дақиқлик билан фикрлашга ундайди. Жумладан, навбатдаги олтинчи байтдаги “ғам барқи” ва “меҳнат тунӣ”, “тутун” ва “шарар” сўзларида шоирона тахайюл орифона тафаккур билан омукталашиб, шарҳи юзлаб фалсафий китобларга сиғмайдиган маънолар кўнгил фикрати орқали руҳ озиғига айланиш имконини яратади. Барқ – ирфоний манбаларда ҳидоят топган банданинг Парвардигор қурбатидан нишона берувчи чақин, солиқ йўлини бир лаҳза мунаввар этувчи ҳидоят нури, дея таърифланган. “Мирсод ул-ибод”да ёзилишича, “дастлабки ҳолларда нурлар барқ, яшин, чақин шаклида пайдо бўлур. Кўнгил қанча сайқалланса, нурлар ҳам кучайиб, кўпаяверади”. Имом Ғаззолий айтганидек, “киши ўзи маърифат қилган нарсанигина яхши кўра олади, билмаган нарса доим хавотир ва қўрқувга солади”. Оловдан гоҳида учқун, гоҳида тутун чиққани каби, Ишқ туфайли кўнгилда гоҳида ҳидоят нурлари чақиндек ёритиши, гоҳида машаққат ва меҳнат кечасидек зулматистон бўлиши табиий, дейди Навоий. Аммо бу ишқ кимга, нимага қаратилган? Ким нимага таяниб, нимага муҳаббат қўйиб яшайди? Ҳамма ҳам илоҳийликка талпинадими? Табиийки, йўқ. Кимдир дунёга ошиқ, кимдир Дунё Эгасига.

Шу сабаб, шоир еттинчи байтда дунёталабларни илон қўриқлаб турган хазинани кўрмасдан, илон ови билан вақти чоғ бўлган кимсага ўхшатади. Тамсил Мавлоно Жалолиддин Румийнинг

“Маънавий маснавий”сидаги бир ҳикоятни эсга солади. “Маснавий”нинг учинчи дафтарида келтирилишича, бир илон овчиси қиш пайти совуқда мудраб, қаттиқ уйқуга кетган бир аждарҳони тоғдан тутиб, Бағдодга олиб келади. Одамлар арқондаги баҳайбат аждарҳони кўриб, овчининг жасоратига офаринлар айтишади. Ҳар куни бу аждарҳо томошасига турли томонлардан одамлар кела бошлашади. Туш яқинлашиб, қуёш тафтидан аждарҳо уйғонади ва овчини ҳам, томошаталаб одамларни ҳам ютиб юборади... Қўлга киритилган мол-дунё ҳам ўз моҳиятига кўра Румий тавсифлаган аждарҳого ўхшайди. Бир кунмас-бир кун бу аждарҳо, албатта, жунбушга келиб, овчини ҳам, бунга рағбат билдирган одамларни ҳам ўз комига тортиши муқаррар... Шу сабабли, фақр йўлини ихтиёр этган одамларгина руҳий покланиш орқали аслида аждарҳодек бўлган дунёни кўзларига ясанган келинчақдек жилвалантирадиган нафси аммора офатидан омон қолишади.

Кейинги байтда ҳазрат Навоий мумтоз адабиётдаги анъанавий гимсоллар – гул ва булбул тазодига мурожаат қилади. Булбулнинг ўз жинсига эмас, балки гулга мафтунлиги адабиётда кўпроқ нафсоний муҳаббатдан устун бўлган руҳият ошиқлигининг ифодаси сифатида хизмат қилади. “Ажойиб ул-махлуқот” китобида келтирилишича, булбул ғунчанинг очилишига мушток бўлиб, тонггача сайраб, тонгга яқин – гулнинг очилиши пайтида ухлаб қоларкан. Уйғонганида очилган гулни кўриб, бу сирнинг моҳиятига етмаган булбулнинг изтироби янада ошаркан. Маърифатнинг асоси – Мутлақ Ҳақиқатни тўлиқ англаш имкони йўқлигини идрок этиш эканлигини ўз жонида кечирган ориф шоир ўз руҳиятидаги эврилишини гулга ошиқ бўлган булбулга ўхшатади ва шу тариқа, энг мураккаб руҳий кечинмани шоирона таъбир билан ифода этишга эришади.

Олимжон ДАВЛАТОВ

——

“Эл тилидин жонима гар юз бало мавжуд эрур...”

——

Эл тилидин жонима гар юз бало мавжуд эрур,
Ғам еман, гар ул қизил тил тийғи хунолуд эрур.

Юз уза сиймин занахдонингда хатти мушкбўй,
Ўтқа қўйған олмадин гўёки чикқан дуд эрур.

Жон бериб олдим жунуну ишқ то бўлдум фано,
Аллоҳ-Аллоҳ, ул не хуш савдо, бу не хуш суд эрур.

Ҳажр бедодидин ул юз шавқи ортар ҳар неча
Ким, хазон осибидин гул яфроғи нобуд эрур.

Кисватедур хилқатим ишқ офати шахсиғаким,
Риштайи жон анда тору тори жисмим пуд эрур.

Қилмадинг аҳдингда бир аҳдеки қилғайсен вафо,
Бевафолар аҳди мундоқ гўйиё маъҳуд эрур.

Меҳр иси бу мижмари ферузадин кўз тутмаким,
Барча қад шамшоди бу мижмар ичинда дуд эрур.

Эйки қаддинг бўлди ҳам, олам била қил хайрбод
Ким, ҳам этмак қад ҳамеша лозими падруд эрур.

Эй Навоий, эрмас ул золим кўзи уйқудаким,
Зулм эшиги Шоҳи Ғозий адлидин масдуд эрур.

—V— —V— —V— —V—

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Лугат

Тийғи хунолуд – қонхўр ханжар

Занахдон – жағ, ияк

Осиб – зиён, зарар, кулфат

Кисват – 1) кийим, уст-бош, либос; 2) чўнтак, касса; халта, тўрва; 3) кўрк, бойлик

Хилқат – вужуд, тан, бадан

Пуд – арқон

Маъхуд – 1) аҳд қилинган, ваъда берилган. 2) расм, одат

Падруд – хайр-хўш, видо, хайрлашиш

Масдуд – 1) боғлиқ, банд; 2) чекланган, тўсилган, тўсиқ

Насрий баён

Эл тилидан жонимга юз бало келса ҳам ғам емайман, чунки қизил тил қонли тигъ эканлиги ажабланарли эмас-ку.

Юзинг узра кумушдек иягинг устидаги қора хаттинг гўёки куйган қизил олмадан чиққан дудга ўхшаб турибди.

Фано бўлганимдан кейин жон бериб, эвазига ишқ ва телба-ликни сотиб олдим. Аллоҳ-Аллоҳ, бу қандай яхши савдо, қандай ажойиб фойда бўлди экан-а?!

Ҳижрон алаmidан ул гўзал юзга бўлган шавқим ҳар кеча шундай кучайиб борадики, гўё хазон зараридан гулнинг япроғи нобуд бўлганга ўхшайди.

Вужудим ишқ офати борлиғига либос ўрнидаким, гўё жоним унда бир тор, яъни қилдай ингичкалашган, жисмим эса арқон мисоли.

Аҳдингга вафо қилмадинг, балки энди вафо қиларсан ёки бевафоларнинг аҳдида гўё шундай яъни бевафолик қилишлари расмми?!

Меҳр ҳидини бу ферузаранг исирикдондан (фалак-тақдирдан) кутмангки, барча сарв қадли гўзаллар бу исирикдонда дуд бўлиб кетишган.

Эй (банда) қаддинг ҳам бўлдим, демак олам-жаҳон билан хайрлашиш пайти келибди, чунки қадни ҳам этмоқ (эгмоқ) хайр-хўш қилиш, видолашиш ишорасидир.

Эй, Навоий ул золимнинг кўзи уйқуда эмаслигининг сабаби, барча зулм эшиги шоҳ Ғозий (Ҳусайн Бойқаро) адолатидан беркилганлигидандир.

Шарҳ ва изохлар

Орифона ва фалсафий-ижтимоий фикрлар ҳам акс этган ушбу ғазалда асосий ғоя ишқ-муҳаббатга оид эканлигига қараб ғазални мазмунан ошиқона деймиз. Шаклан пароканда.

Матлаъда ижтимоий-фалсафий фикр акс этади:

Эл тилидин жонима гар юз бало мавжуд эрур,
Ғам еман, гар ул қизил тил тийғи хунолуд эрур.

Эл тилидан жонимга юз бало келса ҳам ғам емайман, чунки қизил тил қонли тиг эканлиги ажабланарли эмас-ку.

Нима учун одамнинг бошига юз бало ўз тилидан келиши керак бўлган бир пайтда шоирнинг бошига бало эл тилидан келади?! Бизнингча, бу ўринда Навоий ўз бошига эл тилидан ёғилган маломатларни назарда тутмоқда. Мана шу ноўрин ва нотўғри таънаю маломатлар, ғийбату тухматлар юз балога айланиб, инсоннинг биргина жонига ҳар томондан қасд қилиши турган гап. Агар у нозиктаъб ижодкор кўнгилга қаратилган бўлса-чи? Бунда у дарҳақиқат қон тўкувчи тикқа айланади ва инсон жонига қасд қилади. Навоий бу сўзларга ғам емайман деб муносабат билдирса ҳам, байтдан ангилашилган маънога кўра, элнинг “тийғи хунолуд” тилидан жонига юз бало мавжуд бўлиб бўлган.

Байтда муболага санъатига мурожаат этилмоқда.

Юз уза сиймин занахдонингда хатти мушкбўй,
Ўтқа қўйган олмадин гўёки чиққан дуд эрур.

Ғазалнинг иккинчи байтида ошиқона мавзу қаламга олинмоқда ва маъшуқа мадҳи куйланмоқда. Яъни юзидаги кумушдек оқ ияги устида мушкбўй – қора ва ҳушбўй хати бош чиқарибди-

ки, бу дудлаб пишириш учун оловга қўйилган олмадан чиқаётган дудга ўхшайди.

Маъшуқ гўзаллиги таърифида унинг хушбўй хаттининг алоҳида ўрин тутиши мумтоз адабиётда анъанавий ҳодиса. Лекин Навоий бу анъанавийликка санъаткорона новаторлик билан муносабатда бўлади. Биз бу ўринда оригинал ташбеҳга – маъшуқ хатини олмадан чиқаётган дудга қиёсланиши мисолида гувоҳ бўлмоқдамиз.

Байтда юз, занаҳдон, хат сўзлари орқали таносиб ва тамсил санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Жон бериб олдим жунуну ишқ то бўлдум фано,
Аллоҳ-Аллоҳ, ул не хуш савдо, бу не хуш суд эрур.

Навбатдаги байтда Навоий орифона мавзуга мурожаат этмоқда. Яъни, ишқ ва унинг оқибати бўлган телбаликни жон эвазига олганлигини изҳор этаётир. Ва буни қандай ажойиб савдою, қандай яхши фойда бўлди, демоқда. Маълумки, Навоийнинг умр матлаби ишқ аро фонийликка – ўз вужудидан беҳабар бўлиб, Яратганнынг борлиғига сингиб кетиш даражасига эришиш бўлган. Бу мартабага етиш орзусида форсий шеърларига Фоний деб таҳаллус қўйган. Охирги асари бўлмиш “Лисон ут-тайр”да ҳам шу таҳаллусни қўллаган Навоий асарни бошидан охиригача фано бўлиш ҳикмати ва фонийлик мартабаси ҳақида куйлайди. Улуғ шоир лирикасида ҳам бу гоё ўқ чизик мисоли деярли ҳар бир ғазали ё бошқа жанрдаги лирик шеърларида акс этади. Ушбу ғазалда ҳам фонийлик мартабаси, унга етказувчи ишқ аро мажнунлик ҳам баланд пардаларда, юксак пафос билан улуғланмоқда.

Байтда Аллоҳ сўзининг такроридан мукаррар, не хуш бирикмаси такроридан эса тақрир, суд ва савдо, жунун ва ишқ сўзлари воситасида эса бирийўла икки ўринда таносиб санъатлари яратилмоқда.

Ҳажр бедодидин ул юз шавқи ортар ҳар неча
Ким, хазон осибидин гул яфроғи нобуд эрур.

Навбатдаги байт яна ошиқона мавзуда. Яъни маъшуқанинг ойдек юзи, яъни сарғайиш, нобудлик ҳавфидан озод. Лекин унинг

айрилиғи ва соғинчи азоби ошиқ юрагини худди сарғайиб кетган ҳазондек изтиробга солмоқда. Бу ҳолатни Навоий гўзал пейзаж фонида акс эттирмоқда.

Байтда ҳажр бедоди, юз шавқи, ҳазон осиб бирикмалари орқали истиора, ҳазон ва гул яфрои сўзлари орқали эса таносиб ва тамсил санъатлари вужудга келмоқда.

Кисватедур хилқатим ишқ офати шахсиғаким,
Риштайи жон анда тору тори жисмим пуд эрур.

Вужудим ишқ офати борлиғига либос ўрнидаким, гўё жоним унда бир тор, яъни қилдай ингичкалашган, жисмим эса арқон ми-солидир.

Яъни вужудим ишқ офатини шундай ўраб олганки, худди вужудга кийилган либос дейсиз. Жисмим ичидаги жон эса ишқ офатининг изтиробиде тор ҳолига келиб қолган ва арқондай узун ва ингичкалашган.

Байтда лафф ва нашр санъатига мурожаат этилмоқда.

Қилмадинг аҳдингда бир, аҳдеки қилгайсен вафо,
Бевафолар аҳди мундоқ гўйиё маъхуд эрур.

Навбатдаги байтда ошиқ маъшуқасидан гиналаб, мурожаат қилмоқда. Ҳеч бир ваъдангга вафо қилмадинг, энди бундан буёғига вафо қилишингга умид қилсам бўладими, ёки гўзалларнинг одати фақат бевафоликми?!

Байтда аҳд сўзининг такроридан тақрир ва унинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, вафо ва бевафо сўзлари ёрдамида эса иштиқоқ санъатлари яратилмоқда.

Меҳр иси бу мижмари ферузадин кўз тутмаким,
Барча қад шамшоди бу мижмар ичинда дуд эрур.

Яъни, бу дунё фезузаранг бир исириқдон кабидир. Унда ҳеч кимнинг умри вафо қилмайди. Қадди шамшоддай гўзал йигит-қизлар ҳам бу исириқдонга кириб, дуд, яъни нобуд бўлишган. Гўзал ва оригинал тасвир воситасида тасвирланган шафқатсиз

ҳақиқат! Навоийнинг бегона байтларига хос бўлган бундай фалсафийлик ушбу ғазалда ҳам ўз ўрнида!

Байтда меҳр иси, мижмари феруза, дуд бирикма ва сўзлари ёрдамида истиора, ис, дуд ва мижмар сўзлари орқали эса таносиб санъатлари ҳосил этилмоқда.

Эйки қаддинг бўлди ҳам, олам била қил хайрбод
Ким, ҳам этмак қад ҳамеша лозими падруд эрур.

Матаъдан олдинга байтда Навоий одамзод наслига мурожаат этиб, қаддинг ҳам бўлдим, ҳаёт билан видолаш, дея яна шафқатсиз фалсафага мурожаат этмоқда.

Бу юқоридаги байтнинг мантикий давоми бўлиб, шамшод қадди гўзаллар дудга айланиб кетган бу мовийранг исриқдонда қадди ҳам бўлган кексаларнинг аҳволи ҳақида сўз юритилмоқда.

Байтда қад ва ҳам сўзлари орқали радд ул-ҳашв илал ҳашв, тамсил санъатлари яратилмоқда.

Эй Навоий, эрмас ул золим кўзи уйқудаким,
Зулм эшиги Шоҳи Ғозий адлидин масдуд эрур.

Ғазал якунида Навоий, одатдагидай дўсти ва султони Ҳусайн Бойқарога лутф этиб, унинг адолати самарасида зулм эшиги беркитилган. Шунинг учун золимлар бемалол ухлаб, ором ололмайди, демоқда.

Ёки маъшуқанинг ошиқларга зулм қилгувчи сармаст кўзи уйқуга бутунлай чўммаганлигининг сабаби, одил шоҳнинг адолати сабаби зулм эшиги беркилганлигидир.

Байтда эй Навоий сўзи орқали илтифот, золим ва зулм сўзлари воситасида иштиқоқ, шоҳи Ғозий бирикмаси орқали эса талмеҳ санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Умуман, бу ғазал Навоийнинг ишқ, ошиқ ва маъшуқ, инсон ва олам, фано ва илоҳий ишқ. Умр, дунё ва шахс ҳақидаги фикрларининг ихчамлаштирилган ифодаси сифатида қимматлидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Йиғласам кўнглумга ишим оҳи дардолуд эрур...”



Йиғласам кўнглумга ишим оҳи дардолуд эрур,
Ўтқаким ёғмур ёғар, онинг нишони дуд эрур.

Лаъли шавқидин кўнгул хурсанд эрур хуноб ичиб,
Телбаға рангин су берсанг, май дебон хушнуд эрур.

Юз аёғи туфроғидин олман ушбу важҳ ила
Ким, неча туфроғ ичинда турса олтун суд эрур.

Чиқмас оҳим шиддатидин ул маҳи хиргаҳнишин,
Шамъға фонус елдин асрамоқ мақсуд эрур.

Васлин истаб кўп эналдим, қовди кўйидин мени,
Бўлса мубримшева, албатта, гадо мардуд эрур.

Талх майдин, соқие, топти чучук жоним ҳаёт,
Эй басо макруҳким, зимнида бир беҳбуд эрур.

Телба итдекдур Навоий ул паривашсиз, не тонг,
Оғзидин гар ўт сочиб аъзоси гардолуд эрур.

–V-- –V-- –V-- –V~

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Важҳ – сабаб; юз, чехра

Суд – фойда

Маҳи хиргаҳнишин – чодир(юрт) ичида ўтирган ой юзли гўзал
Мақсуд – ният қилинган нарса; ният, истак, мурод
Эналмоқ – ялинмоқ
Қовмоқ – ҳайдаб солмоқ
Кўй – кўча, манзил
Мубримшева – шилқим, хира
Мардуд – рад этилган, маҳрум қолган
Чучук – ширин
Макруҳ – ёқимсиз
Зимнида – орасида, ўтрисида, ичида
Беҳбуд – яхшилик; саломатлик, соғлиқ
Париваш – пари каби гўзал маҳбуба
Не тонг – не ажаб
Гардолуд – тупроққа қорилган

Насрий баён

Агар бировга билдирмасдан, ичимда – кўнглимда йиғласам, оловга ёмғир ёгилса, гулхандан тутун чиққанидек фақат дардли оҳ чекаман.

Ёрнинг лаълдек қизил лаби шавқида кўнглим қон ютиб, шунга хурсанд; бу ҳоли девона кишига рангли сув берилса, “шароб” деб ичиб хушнуд бўлганидекдир.

Ёр қадам босган тупроқдан сарғайган юзимни олмайман, негаки олтин тупроқ ичида пинҳон бўлгани яхши.

Чодирда ўтирган ой юзли санам менинг оҳим шиддатидан ташқарига ҳам чиқмаяпти. Шамъни фонус ичида асрашдан мақсад – шамолдан ҳимоялашдир.

Васлини тилаб, кўп ялиндим, оқибат мени кўйидан ҳайдаб солди; тиланчи шилқим бўлса, албатта, тилаги рад қилинади.

Эй соқий, талх шаробдан ширин жоним ҳаёт топди; Кўп ёқимсиз нарсалар ичида одамлар учун фойдалар бор.

Навоий ул парисифат маҳбубадан йироқда телба ит каби бўлса, не ажаб; у ҳам оғзидан ўт пуркаб, бутун вужуди тупроққа қорилган.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазалда тамсил санъати ҳусни таълил унсурлари билан қоришиқ ҳолатда келтирилиб, сўзнинг нафосати ва дилтортарлигини таъминлаган. Биринчи байтда ишқ йўлидаги солиқнинг дастлабки аҳволи қаламга олинган. Хожа Аҳмад Ғаззолийнинг “Савонех” асарида келтирилишича, ошиқ дастлаб ишқни пинҳон тутмоқ ҳамда кўнгил мулкани барбод этувчи хонумонсўз оловни ўчирмоққа ҳаракат қилади. Аммо барча саъй-ҳаракатлар, инкор ва курашлар акс таъсир кўрсатиб, шайдолиги оламга ёйилади. Халқдан ўз сиррини асрамоқчи бўлиб, ичида йиғлаётган ошиқнинг ҳаракатлари самарсиз – ҳар бир нафас кўнгилдан ўртовчи оҳ бўлиб чиқиб, кўнгилдаги ишқ ўтидан нишон бермоқда. Бу кўнгилнинг иши – Ёрнинг лаълдек қизил лабларининг ёдида қон ютмоқ бўлиб, шундан ўзига таскин ва тасалло излайди, аммо девона кишининг қизил рангли сувни “шароб” деб ичиб, ўзини мастликка солишидек ҳали ишқи камол топмаганини ҳис этиб туради. Ишқ камолининг бирламчи шартларидан бири – тавозеъ ва фидойилик. Ошиқ ўз ишқини хосларга насиб этажак олий даражага етказмоқ учун Ёрнинг кўйига юзини босиб, сажда ҳолида туради. Олтин (сарик) ранг – ошиқларнинг ранги. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг сарғайган юзига боқиб, тамасхур юзидан сўрашибди:

– Мавлоно, Қаҳф асҳобининг ранги қанақа эди?

– Сарик эди, – мулойимлик билан жавоб берадилар Мавлоно, – ошиқларнинг юзи сарғайган бўлур.

Навоий ҳам ишқ йўлида сарғайган юзни олтинга қиёслаб, бу дард нечоғли табарруқ ва ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган неъмат эканлигини таъкидлаган ҳолда, бу заифлик ва шикасталик айни замонда катта куч ва қудрат бағишлашини кейинги байтда таъкидлайди. Мажнунни эслайлик. Лайли ишқида мубтало бўлиб, ишқ бутун вужудини мағлуб этган бу ошиқни бедаво дарддан қутқармоқ ниятида қўл-оёқларига кишан солишади. Аммо Мажнун бир зарбали ҳаракат билан кишанларни пора-пора қилиб, яна ишқ водийси томон йўл олади. Ҳазалда ҳам шундай муболағали тасвирга дуч келамиз: чодир ичида ўтириб, хаёли ошиқ кўнглини шамдек нурафшон этадиган гўзал ташқарига ошиқнинг охи шиддатидан чиқолмайди. Чодир шам нуруни шамолдан асрагув-

чи фонус (чироқ шишаси)га қиёсланади. Фонус ичидаги шамнинг нури янада равшанроқ бўлгани каби, чодирдаги махлиқонинг ҳижрони ҳам дардга дард, иштиёққа иштиёқ қўшади. Ишқ ва беҳудлик ғалабасидан ошиқ висол талабида бўлади, аммо ноз ва истиғно мазҳари бўлмиш маҳбубадан рад жавобини олади. Чунки ошиқ ҳали висолга етишмоқ учун тайёр эмас. У ўз имкони ва ҳолидан ортиқ нарсани талаб этмоқда. Бу – ҳаддини билмаган очкўз гадонинг берилган нарсага қаноат қилмасдан, шилқимлик билан яна тиланиши сабабли эшиклардан ҳайдалишига менгзайди.

Биламизки, Ҳазрат Навоий шеъриятида ҳаётий ҳақиқатлар, фалсафий-ирфоний мулоҳазалар кўпинча рамз ва ишоратлар, тимсол ва ташбеҳлар тилида баён этилган. Асрлар давомида тадрижий ривожланиб, турли ранг ва оҳанг касб этган образлар ҳамда мазкур сўз ва истиорали ибораларнинг маъно қатламлари кўпайиши муайян бир байт ё шеърда айнан қайси маънода келганини тўғри белгилаш учун фақат шеърининг матннинг ички талаби ёхуд бош моҳиятинигина ҳисобга олиш етарли эмас. Бунинг учун турли луғатлар, диний, илмий, бадиий асарларга ҳам мурожаат қилишга тўғри келади; айни пайтда, бу асарлардаги маълумотларга таянишда шоирнинг дунёқараши, этиқоди, руҳий оламини ҳам ҳисобга олиш зарур. Акс ҳолда шоир кўзлаган асл мақсаддан узоқлашиб, зоҳирий ва нотўғри хулосалар чиқариш ҳеч гап эмас. Жумладан, таҳлил этаётганимиз ғазалнинг қуйидаги байтини олайлик:

Талх майдин, соқие, топти чучук жоним ҳаёт
Эй басо макруҳким, зимнида бир беҳбуд эрур.

“Бақара” сурасининг 219-оятида шундай буюрилган: “Сиздан май (маст қилувчи ичимлик) ва қимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун (баъзи) фойдалар бор...””² Кўриниб турибдики, байтнинг иккинчи мисраси бу оятнинг шоирона талқини сифатида вужудга келган. Юқоридаги оят ва байтнинг бирламчи мазмунига таяниб, хулоса чиқариш мумкинки, мазкур байт риндона оҳангга эга бўлиб, Навоий чоғирни жонга дармон ва ҳаёт бахш этувчи неъмат сифатида куйлаган ва далил сифатида юқоридаги оят мазмунига ишора қилади. Аммо

² Ўша асар, 34-бет.

масаланинг иккинчи томони ҳам бор: ичкилик ҳақида Аллоҳ таоло томонидан уч марта оят нозил бўлган. Уларнинг биринчиси юқоридаги оятдир. Иккинчиси – “Нисо” сурасининг 43-оятида шундай дейилган: **“Эй, имон келтирганлар! Токи гапираётган гапларингизни (ўзларингиз) биладиган бўлгунча маст ҳолларингизда намозга яқинлашмангизлар!”**³. Бу оятларда ичкиликнинг ҳалол-ҳаромлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Чунки ислом келган даврда ичкилик ичиш, қимор ўйнаш каби иллатлар жамиятда чуқур илдиз этган оддий иш эди. Шунинг учун булар Қуръонда дафъатан ҳаром қилинмади – зотан бундай иллатларни фақат буйруқ воситасида йўқотиш имконсиздир – балки, аввало, одамларга бу ишлардан келадиган фойда-зарарни кўрсатиш, сўнгра муносабатларини ўзгартириш лозим бўлади. Буюк Қуръон ҳаром нарсаларни мусулмонларнинг қўлидан тортиб олишдан аввал, кўнгилларини поклаб олди. Кейинроқ “Моида” сурасининг 90-оятида ичкилик ҳаром эканлиги ҳақидаги қатъий оят (ҳукм) нозил бўлди: **“Эй, имон келтирганлар! Албатта, май (маст қиладиган ичимликлар), қимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтон ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз! Шояд, (шунда) нажот топсангиз.**

Бу оят нозил бўлгандан кейин ичкилик ичиш, шунингдек, оятда келтирилган бошқа амаллар ҳақида нозил бўлган бурунги ҳукмлар мансук-бекор қилинди. Мусулмонларнинг сўнгги ҳукмга амал қилишлари фарз. Навоий бу ҳукмдан хабардор бўла туриб, ичкиликни васф этиш мумкинмиди? Йўқ, албатта. Навоий “бода”си ўзга бир майхонадандир:

Сен гумон қилгондин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Кашф ул-асрор”ида майнинг зарарлари кўп, аммо фойдаси ҳам борлигидан хабар берувчи оятнинг ирфоний тафсирида шундай дейилган: “Ғафлат аҳли шароби ва уни ичганларнинг оқибати оятда қандай зикр этилган бўлса, шундайдир. Аммо, Илоҳий, Ер юзида шундай бандаларинг ҳам борки, маърифат бодасидан сипқорурлар ва муҳаббат жомидан

³ Ўша асар, 85-бет.

мастдирлар. Ул шароб ҳақиқатидан бўлак ҳеч нарсa йўқ, чунки бу дунё зиндондир; аммо зиндон бўлса ҳам ўткинчи–фоний зиндон эрур. Ҳар ҳолда, ҳозир бўл (яъни маърифат шаробидан қудрат ва имконинг бори́ча баҳраманд бўл), эртага руҳ бирлашуви ва ҳамда Ҳабиб ва Муҳиб висолининг абадий дамлари сенга интизордир”⁴.

Инсон орзу-умид билан тирик. У хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш учун ўзига ва эртасига ишониб яшаши керак. Акс ҳолда, руҳий тушқунликка тушиб, ҳаётда ўз ўрнини тополмаслиги ҳеч гап эмас... Тафаккур соҳиби бўлмиш инсоннинг асосий мақсади – Моҳиятни англаш, Ҳақиқатга эришиш (*Умр эрур тақвию тоат учун, Тенгри буюрғонга итоат учун*). Аммо моҳиятлар Моҳияти, ҳақиқатлар Ҳақиқатига етишмоқ осон эмас:

Сени топмоқ бaсе мушкилдурур, топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вaле пинҳонлиғинг пайдо.

Изланиш йўлида “топмаслиғ”дан руҳи афтода бўлган ошиқ-нинг жонини, маърифатнинг “талх майи” қутқаради, унинг ҳаётига мазмун ва лаззат бахш этади; ишонч ҳиссини мустаҳкамлаб, қатъият ва умид бағишлайди. Шу сабабдан маърифат майхонасининг “дурдкаш”и ҳолати хушёрлар ва хушёрликдан юқорироқ мақомга эгадир, дейиш ҳам мумкин.

Ушбу байтда белги – очкич вазифасини бажарувчи сўз “макрух”дир. Кўриб чиққанамиздек, бу сўзнинг “Бақара” сурасидаги ичкиликнинг “катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалари бор”лиги тўғрисидаги оятга унчалик алоқаси йўқ. Имом ал-Бухорийнинг “Ал-жомиъ ас-саҳиҳ”ида ушбу ҳадисни ўқиймиз: “Жаннат макрух – қилиниши қийин бўлган нарсалар билан ўралгандир ва дўзах иштиёқ оловини кучайтирадиган нарсалар билан ўралган.” Демак, маърифатнинг “талх майи” (аччиқ шароби) руҳга ҳаёт бағишлайди, абадий ором топиш маскани – жаннатга йўл топишда ёрдам беради. Навоий талқинида, фақат маърифатли одамгина жаннат аҳлидан бўлиши мумкин. Жаҳолат ва худбинликка мубтало бўлган кимсалар эса абадий саодатдан бенасибдирлар.

Олимжон ДАВЛАТОВ

⁴ Куръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – 123-.

“Улки юз меҳнатқа жоним ишқидин помол эрур...”

Улки юз меҳнатқа жоним ишқидин помол эрур,
Анга раҳму манга тоқат йўқ, ажойиб ҳол эрур.

Зеб эрур ҳусн аҳлиға аҳли назар наззораси,
Кўзки, булбул тикти гул рухсори узра хол эрур.

Хатти шавқидин тўкулди жисмим ул янглиғ қуруб
Ким, сўнгаларда қалам кўрган соғинғай нол эрур.

Лаълидин ком олмағунча билмадим ширинлигин,
Барги гул замбур коми ичра киргач бол эрур.

Гулханий мажнундек оҳим чиққач, оққан ёшларим
Телба кейнидин югурган гўйиё атфол эрур.

Бу чаман гулбарги хушранг ўлса, майл этмангки, ул
Гоза булбул қонидин суртарки, ранги ол эрур.

Эй Навоий, кимгаким бир журъа чекти жоми васл,
Сўнгра ҳижрон захридин юз жоми молломол эрур.

–V-- –V-- –V-- –V–

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Лугат

Помол – оёқ ости қилинган, эзилган

Нол – қамиш қалам ичидаги ингичка томир

Соғин – ҳисобламоқ, ўйламоқ, гумон қилмоқ

Замбур – асалари

Гулханий – 1) ўт ёқувчи, ёндиргувчи; 2) Гадо, бечора

Журъа – қултум

Ғоза – қизил упу, румяна

Ол – қизил

Моломол – тўла, лиммо лим тўла

Насрий баён

Ишқ ичра жоним юз (турли) азобга оёқости бўлиб ётибди-ю, унда бу ҳолимда раҳм ва менда тоқат йўқлиги қандай ажойиб ҳол!

Гўзаллар учун назар солувчилар нигоҳи зебу (зийнат)декки, гўё булбул тиккан кўз гул учун бир хол каби бўлади.

Хаттининг шавқи натижасида жисмим шундай қуриб тўкилганки, гўё (кўрганлар) суякларимни қамиш қалам ичидаги томирга ўхшатишади.

Лабларидан ком (бўса) олмагунча унинг ширинлигини билмадим, ахир гул барги ҳам асалари ичига киргач, бол бўлади-да.

Ҳаммомда ўт ёқувчи гулханий девонлардай (аввал кўксимдан) оҳим чиқиб, кейин кўз ёшларим тўкиладики, бу худди телбанинг ортидан югурган болаларга ўхшайди.

Бу (дунё)нинг гуллари ранги чиройли бўлса, унга мойил бўлмангки, у асли булбулларнинг қонидан упу-элик суртганлиги учун қизил рангли бўлади.

Эй Навоий, кимгаким бир қултум васл майи бахш этилса, (унга ортидан) юзлаб лиммо-лим жомда ҳижрон захри насиб бўлади.

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтлик ғазал мазмунан ошиқона, шаклан яқпора бўлиб, маъшуқа гўзаллиги ва ошиқ изтироблари таърифига бағишланган. Матлаъда ошиқ ўз изтиробларини изҳор этиб, арзи ҳол қилади:

Улки юз меҳнатқа жоним ишқидин помол эрур,
Анга раҳму манга тоқат йўқ, ажойиб ҳол эрур.

Ишқ оламида ҳамиша парадокс ҳукмрон бўлади! Бу ғазал ҳам шундай ҳолат тасвири билан бошланади. Яъни ошиқнинг жони ишқ аро юз минг меҳнат, азоб-уқубат, қийинчилик ичида қоладию, маъшуқа ҳатто бунӣ билмайдиам, ҳаёлигаям келтирмайди. Ошиқ тоқатсиз бир ҳолдаю, маъшуқа ҳамон раҳму эътиборсиз. Бу ҳолат, яъни мен ва сен тазоди ғазал сўнггигача давом этади.

Байтда муболаға, ташхис санъатларидан фойдаланилмоқда.

Зеб эрур ҳусн аҳлиға аҳли назар наззораси,
Кўзки, булбул тикти гул рухсори узра хол эрур.

Ҳусн назар учун. Назар туфайли кўнгилда ишқ ҳосил бўлади. Ишқ туфайли ҳусн аҳлининг эътибори, обрўси ошади. Ким гўзал – севилган гўзал, деганларидай бир ҳусни юзга етади. Байтда мана шу фикр образли тарзда ифодаланмоқда.

Байтда яна ҳусн аҳли ва аҳли назар бирикмалари ёрдамида истиора, булбул ва гул сўзлари воситасида таносиб, гулни жонлантириш орқали ташхис, назар ва наззора сўзларидан иштиқоқ, зеб, назар, наззор сўзларида “з”, ҳусн, аҳлиға ва аҳли сўзлари эса “ҳ” товушлари итирокида тавзеъ, аҳли сўзининг такрордан эса тақрир санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Хатти шавқидин тўқулди жисмим ул янглиғ қуруб
Ким, сўнгақларда қалам кўрган соғинғай нол эрур.

Ғазалнинг учинчи байтида ошиқ яна ишқ дардидан аҳволи забунлигини изҳор этмоқда. Яъни, соғинч ва айрилиқдан, маъшуқасининг эътиборсизлигидан ошиқнинг аҳволи қамишнинг ичидаги қилтириқ (нол)дай аҳволга етган.

Байтда хатти шавқи бирикмаси ёрдамида истиора, муболағаниннг гулув даражаси ва тамсил санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Лаълидин ком олмағунча билмадим ширинлигин,
Барги гул замбур коми ичра киргач бол эрур.

Шоир ошиқнинг ишққа учрамағунча унинг оташини сезмаганлигини, маъшуқани кўрмағунча унинг гўзаллигини ҳис этмаганини юқоридагидек тарзда образли ифодалямоқда.

Байтда лаъл сўзи ёрдамида истиора, барг ва гул ҳамда замбур ва бол сўзлари ёрдамида бир йўла икки ўринда таносиб ва тамсил санъатларига мурожаат этилган.

Гулханий мажнундек оҳим чиққач, оққан ёшларим
Телба кейнидин югурган гўйиё атфол эрур.

Байтда ошиқ кўксидан чиққан оҳни ҳаммомда ўт ёқадиган телба гўлаҳга, ундан кейинги кўз ёшларини телбанинг кетидан тош олиб, югурадиган болаларга ўхшатади.

Байтда гўлахий мажнундек бирикмаси ёрдамида ташбеҳ ва тамсил санъатларига мурожаат этилмоқда.

Бу чаман гулбарги хушранг ўлса, майл этмангки, ул
Гоза булбул қонидин суртарки, ранги ол эрур.

Бегона байтда гул образида дунё гўзалларини, булбул образи мисолида эса ошиқларни назарда тутмоқда. Яъни гўзалларнинг хусни-жамолига мафтун бўлмаки, бу гўзаллик асли ошиқларнинг изтиробу азоб-уқубати эвазига келган.

Байтда чаман, гулбарг. Булбул сўзлари билан таносиб, “у” товуши такроридан эса тавзеъ санъатлари яратилмоқда.

Эй Навоий, кимгаким бир журъа чекти жоми васл,
Сўнгра ҳижрон заҳридин юз жоми моллом эрур.

Мақтаъ ҳам бегона байтдаги фикрни давом эттирмоқда. Яъни, кимга бир кун хурсандчилик, висол насиб қилса, ортидан албатта, юз кун ғамгинлик, ҳижрон аламлари юз кўрсатади.

Байтда эй Навоий ундалмаси ёрдамида илтифот, жоми васл, ҳижрон заҳри бирикмалари ёрдамида истиора, жоми сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, бир ва юз сўзларидан таносиб, васл ва ҳижрон сўзларидан эса тазод санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Умуман олганда ғазал ишқ изтироблари, нотекисликлари мисолида дунёи олам мураккабликлари чизгисидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

— — — — —
“Йўқ ажаб, лаълингдин ар беҳудлуғум ойин эрур...”
— — — — —

Йўқ ажаб, лаълингдин ар беҳудлуғум ойин эрур,
Чунки усрукрак бўлур ҳар майки, лабширин эрур.

Раз қизи то пардадарлиқ айлағай талбис учун,
Шиша миъжардур ангаву мавжи анинг чин эрур.

Қон ёшим таъсиридин сариғ юзумнинг сафҳаси
Қоғазедурким, ҳино суйи била рангин эрур.

Муҳлик ўтумни дамингдин тез қилма, эй Масиҳ
Ким, бу ўтқа мотам ашки суйидин таскин эрур.

Ул парий ишқида ашким лаҳв тухмидур деманг
Ким, малак тасбиҳиға бу донадин тазйин эрур.

Олмайин ердин қадам сайри мақомот айламак
Чанг пиридин бу базм аҳлиға кўп талқин эрур.

Сизу васл, эй айш аҳликим, Навоий жониға
Анда ҳижрони азал девонидин таъйин эрур.

— V — — — V — — — V — — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Ойин – расм, одат

Усрук – маст

Пардадар – парда йиртувчи; сир очувчи

Талбис – алдаш, хийла, найранг; бирон нарсани бошқа ранг қилиб кўрсатиш

Мухлик – ўлдирувчи, ҳалок қилувчи, ҳалокатли

Ашк – кўз ёши

Тез – ўткир

Талқин – тушунтириш, талқин қилиш; таълим бериш

Лаҳв – ўйин-кулги; бефойда иш

Тазйин – зийнатлаш, безаш

Таъйин – тайинлаш, белгилаш

Насрий баён

Лаъл(дек лаб)ингдан беҳудлигим одат эканлиги ажабланарли эмас, чунки шароб қанча ширин бўлса, шунча (кучли) маст қилади.

Раз, яъни ток қизи бўлган узум хийла қилиб ўзини бошқа рангда кўрсатади, (асли) шиша унинг кимлигини яширгувчи бўлса, мавжи унинг қандайлигини ҳаққи рост кўрсатади.

Қонли ёшимнинг таъсиридан сариқ юзимнинг саҳифаси гўё хина суви рангин бўлган бир қоғоз кабидир.

Эй, Масих, (қалбимдаги) ўлдиргувчи (ишк) ўтини даминг билан ўткир қилмаки, бу ўтга (ўзимнинг ўлимим учун тўкилган) мотам кўз ёшлари сув бўлиб, таскин бериб турибди.

У парисифат маҳбубамнинг ишқида кўз ёшимни алдамчилик, макр-хийла донлари демангки, улар малакнинг тасбеҳи(га зийнат бўлиб тизилишга) арзийди(ган дурдоналардир).

Ердан қадам узмасдан (илоҳий олам) йўллар(ини) сайр қилмоқ чанг пиридан бу базм (яъни, девоналар тупроққа қоришган-лар) аҳлига муносиб таълим бўла олади.

Сиз васл билан биргасиз, эй айш қилгувчилар, Навоийнинг жонига Азал девонида эса (ёрнинг) хижрони тайин қилинган.

Шарҳ ва изоҳлар

Йўқ ажаб, лаълингдин ар беҳудлугум ойин эрур,
Чунки усрукрак бўлур ҳар майки, лабширин эрур.

Лаъл(дек лаб)ингдан бехудлигим одат эканлиги ажабланарли эмас, чунки шароб қанча ширин бўлса, шунча (кучли) маст қилади.

Матлаъ маъшуқанинг лаълдек ширин лабларининг тасвири билан бошланмоқда. Яъни, маъшуқамнинг лаълдек лаблари ширин. Бироқ у мени сармаст қилади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, ахир май ҳам қанчалик ширин бўлса, шунчалар маст қилади. Бу ўринда маъшуқанинг лаблари унинг ширин сўзи, такаллуфи маъносида гавдаланмоқда.

Байтда тамсил ва лаълнинг сўзи воситасида истиора санъатларига мурожаат этилмоқда.

Раз қизи то пардадарлиқ айлагай талбис учун,
Шиша миъжардур ангаву мавжи анинг чин эрур.

Раз, яъни ток қизи бўлган узум ҳийла қилиб ўзини бошқа рангда кўрсатади, (асли) шиша унинг кимлигини яширгувчи бўлса, мавжи унинг қандайлигини ҳаққи рост кўрсатади.

Ток қизи, яъни узум ўзини қизил, қора ва бошқа турларга солиб кўрсатди. Бунинг сабаби, унинг аслини бегоналарнинг билмаслиги учундир. (Рангли) шиша унга бир ниқоб вазифасини ўтаб, асл юзини яна яширса, унинг мавжи (кўпиги) унинг беранглигини билдиради.

Бу ўринда май – тасаввуфий истелоҳ сифатида ишлатилган бўлиб, унинг рангсиз кўпиги – софлик, яъни беранглик маъносини ифодалайди. Беранглик эса фано ҳолатини ифодалаб, инсоннинг ўзлик қафасидан қутулганлигини ва Яратганнинг сифатларини ўзида акс эттирганини билдиради. Бу эса айни камолотдир.

Байтда раз қизи бирикмаси, миъжар, мавж сўзлари ёрдамида истиора, раз қизини жонлантириш орқали ташхис санъатларига мурожаат этилган.

Қон ёшим таъсиридин сариғ юзумнинг сафҳаси
Қоғазедурким, ҳино суйи била рангин эрур.

Қонли ёшимнинг таъсиридан сариқ юзимнинг саҳифаси гўё хина суви рангин бўлган бир қоғоз кабидир.

Энди шоир яна ошиқона мавзуга қайтмоқда. Ошиқ маъшуқа ҳижронидан юзлари сарғайиб, кўз ёшлари қонга айланмоқда. Бу ҳолатга шоир муносабат билдириб, ошиқнинг юзларини ҳино суви билан қизарган қоғозга ўхшатмоқда.

Байтда тамсил санъатига мурожаат этилмоқда.

Муҳлик ўтумни дамингдин тез қилма, эй Масиҳ
Ким, бу ўтқа мотам ашки суйидин таскин эрур.

Эй, Масиҳ, (қалбимдаги) ўлдиргувчи (ишқ) ўтини даминг билан ўтқир қилмаки, бу ўтга (ўзимнинг ўлимим учун тўкилган) мотам кўз ёшлари сув бўлиб, таскин бериб турибди.

Маълумки, Масиҳ Исо пайғамбарнинг лақабидир. Исо пайғамбар эса тирилтирувчилик мўъжизавий қобилиятига эга пайғамбар ҳисобланади. Шоир бу байтда “ошиқликдан аҳволим шу даражада харобки, ҳар қандай амал менга акс таъсир этади, ҳатто, тириклик нафаси ҳам ўлдирувчи таъсир қилмоқда. Шунинг учун эй Исо пайғамбар, тириклик нафасини уфуриб, менинг ўлимимни тезлаштирмаки, (балки ўзимнинг ўлимим учун тўкилган, балки ҳижрон ва соғинчдан, балки, оламу эл-юрт малолатидан бешиб тўкилган) кўз ёшларим таскин бўлиб, яъни ажал ўтини секинлаштириб турибди.

Байтда ошиқ ҳолати кучли муболаға – ғулув асосида тасвирланмоқда. Яна эй Масиҳ бирикмаси билан илтифот ва талмех санъатлари ҳам яратилмоқда.

Ул парий ишқида ашким лаҳв тухмидур деманг
Ким, малак тасбиҳига бу донадин тазйин эрур.

У парисифат маҳбубамнинг ишқида кўз ёшимни алдамчилик, макр-ҳийла донлари демангки, улар малакнинг тасбеҳи(га зийнат бўлиб тизилишга) арзийди(ган дурдоналардир).

Яъни менинг ишқдан тўккан кўз ёшларимни ёлгон демангки, у нафақат чин, балки, малаклар – фаришталарнинг тасбеҳларига дона бўладиган даражада тоза ва покизадир.

Байтда пари ва дона сўзи, лаҳв тухми ва малак тасбеҳи бирик-малари орқали истиора, тасбеҳ ва дона сўзлари орқали таносиб ва хусни таълил санъатларига мурожаат этилмоқда.

Олмаийн ердин қадам сайри мақомот айламак
Чанг пиридин бу базм аҳлига кўп талқин эрур.

Ердан қадам узмасдан (илоҳий олам) йўллар(ини) сайр қил-моқ чанг пиридан бу базм (яъни девоналар тупроққа қоришган-лар) аҳлига муносиб таълим бўла олади.

Бу ўринда чанг пири – ёр ишқи йўлида тупроққа қоришганлар, девона ва бечораларга йўл кўрсатувчи шамолдир. У айни пайтда ер юзида юради, яъни ердан қадам узмайди. Ва айни пайтда бутун оламини, ҳатто осмону фалакни ҳам кезиб чиқади. Бундай каромат эса бечора, бенаво, девона ва ҳатто тупроққа беланган ишқ аҳлига яхшигина таълим бўла олади. Бу байт, айни пайтда ғазал узвий-лигини сақлаган ҳолда, ўз ўрнида фалсафий мушоҳада юритгани учун лирик чекиниш, ёки маъвиза байти бўла олади.

Байтда Чанг пири, бу базм аҳли бирикмалари орқали истиора, талқин сўзлари орқали истиора, чангни жонлантириш орқали эса ташхис санъатларига мурожаат этилмоқда.

Сизу васл, эй айш аҳликим, Навоий жониға
Анда ҳижрони азал девонидин таъйин эрур.

Сиз васл билан биргасиз, эй айш қилгувчилар, Навоийнинг жонига Азал девонида эса (ёрунинг) ҳижрони тайин қилинган.

Ғазал сўнггида Навоий висол ичида хурсандчилик қилувчи-ларга, Сиз ёр билан бирга бўлаверинг, Навоийнинг тақдирига эса Азалда ҳижрон, яъни айрилиқ ёзилган, демоқда. Нима учун? Бу ўз тақдирин олдиндан билишми? Қўнглидаги инсонни топа олмас-ликни ҳис этишми? Балки, бундан-да каттароқ маъно бордир бу байтда. Яъни:

Эй, вақтинчалик ёру, унинг вақтинчалик висоли билан хурсанд бўлгувчилар, Сиз шунчалик нодонлигингиздан илоҳий висолдан айрилганингизни ҳис этмайсиз. Навоий эса тақдирида, нафақат

Ўзига, балки бутун инсониятга илоҳий Айрилиқ насиб этганлигини билиб турибди.

Балки, шунинг учун ҳазрат Навоий вақтинчалик ёрларнинг ўткинчи висолига интилмагандир. Балки шунинг учун унинг шеъриятида ҳижрон ва соғинч ғоялари устунлик қилар!

Байтда эй айш аҳли бирикмаси билан илтифот, азал девони бирикмаси ёрдамида истиора, ҳижроннинг тайин этилиши билан таъхис санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Умуман олганда ғазал ошиқона ва орифона туйғулар уйғунлигининг қоғоздаги инъикосидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“То лабинг шавқида жисмим ғарқайи хуноб эрур...”



То лабинг шавқида жисмим ғарқайи хуноб эрур,
Ҳар жунун тоши ангаким, тегди лаъли ноб эрур.

Ғар асир ўлдум, тонг эрмаским, кўнгулнинг домидек,
Мубтало кўнглумда зулфи торидин қуллоб эрур.

Қадди ёдекларни зор этмиш- ҳилоли жом учун
Эгма қошингим, ўзи рокиъ, ўзи меҳроб эрур.

Кўз қаросин юб, сариғ оразни беқадр этти ашк,
Ғўйиё ҳар ваҳж ила айн офати симоб эрур.

Ғам туни ғар тобсиз жисмим куяр, ваҳ не ажаб,
Куйдурурлар кеча кўпрак риштаким, бетоб эрур.

Ҳар тараф-наълу алиф жисмимда, гўё ишқ аро
Ҳатти идборимни возиҳ қилғали иъроб эрур.

Сендадур мақсуд ганжи, лек жисмингдур тилсим,
Ваҳки, бу ганж ул тилсим ичра ажаб ноёб эрур.

Эй Навоий, жисм аро жон риштасин тутқил азиз
Ким, бори лўлийвашим лаъби учун асбоб эрур.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Қуллоб – чангак, илгак; қармоқ
Рокиъ – руку қилувчи, эгилувчи
Айн – 1) кўз қорачиғи, кўз; 2) булок, чашма; белги, кўзгу;
3) манба, сабаб
Наъл – тақа шаклидаги тамға
Идбор – бахтсизлик, тушкунлик, ишнинг орқага кетиши
Возиҳ – очиқ, ошкор
Иъроб – зер-забар, ост-уст
Лаъб – ўйин

Насрий баён

Лабинг шавқида жисмим қонга ғарқ бўлгандан бери унга тегадиган ҳар бир телбаворлик тоши ноёб лаълга айланади (лаълдек қизил рангга киради ва лаълдек қимматбаҳо бўлади).

Кўнгил сўзининг “лом”и (ل) каби асир бўлишим ажаб эмас, чунки мубтало кўнглимда сочининг торидан илгак(лар) бор.

Ўзи эгилган ва ўзи меҳроб бўлган эгма қошинг қадди “ё” (ع) ҳарфидек эгилган ошиқларни ҳилол (шаклидаги) жом учун зор этди.

Ҳар қандай сабаб билан ҳам кўзгу симобнинг офати саналганидек, кўз ёши кўзнинг қорасини юиб, сариқ юзни беқадр этди.

Ғам тунида бетоб бўлган жисмимнинг куйиши ажаб эмаски, тобига етмаган ипни (то тобига келгунча) куйдириб (пиширадилар-ку) ахир.

Алифдек жисмимда ҳар томон тақа шаклидаги тамға билан тўлган, гўёки ишқ аро бахтсизлигимни ошқор қилиш учун зеру забар бўлган.

Сенда (асли) ганж мақсад, лекин жисминг тилсимдир, (ўша сен излаган ганж эса) тилсим ичида ноёб (бўлиб яшириниб туриши) қизиқдир.

Эй Навоий, жисмингдаги жон ипини азиз тутгинки, у лўлидай (шўх бўлган гўзалим) ўйини учун (керакли) асбоб бўлади.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу саккиз байтли ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан як-порадир. Матлаъда маъшуқа гўзаллигининг ошиқ ҳолига кўрсатган таъсири тасвирланади:

То лабинг шавқида жисмим ғарқайи ҳуноб эрур,
Ҳар жунун тоши ангаким, тегди лаъли ноб эрур.

Ушбу ғазал матлаъси ҳам маъшуқанинг лаблари таърифи-га бағишланган. Фақат бу байтнинг образлилиқ даражаси анча кучли. Сабаби байтда маъшуқанинг лаблари қизил рангда бўлгани учун ошиқнинг бутун жисми қонга беланганлиги, ошиқни телба гумон қилиб, унга болалар отган тош эса маъшуқанинг лабларига ўхшаганлиги учун ҳам ноёб лаълга қиёсланганлиги таърифланмоқда.

Байтда *тамсил*, *жунун тоши*, *лаъли ноб* бирикмалари ёрдамида *истиора* ва *муболаға* санъатлари яратилган.

Гар асир ўлдум, тонг эрмаским, кўнгулнинг ломидек,
Мубтало кўнглумда зулфи торидин қуллоб эрур.

Бу байтда Навоий ҳарф ўйинига мурожаат этмоқда. Яъни маъшуқага, унинг ишқи, соғинчи ва ҳусну-жамолига асир эканлигининг сабаби, демоқда шоир ўзининг ошиқ лирик қаҳрамони номидан, кўнгул сўзининг “лом” ҳарфи каби, унинг сочлари ошиқ кўнглимни илгак каби илиб олган.

Байтда кўнглум сўзининг такроридан тақрирнинг *радд ул-ҳашв илал ҳашв* тури, *китобат* ва *ташбеҳ* санъатларига мурожаат этилган.

Қадди ёдекларни зор этмиш- ҳилоли жом учун
Эгма қошингким, ўзи рокиъ, ўзи меҳроб эрур.

Бу байтда маъшуқа соқий образида гавдаланмоқда. Яъни, маъшуқа висол шарбатига ошиқларни интизор этмоқда. Уларга нозу истиғно кўрсатиб, ҳуснига, дийдорига зор қилмоқда. Шоир бу ҳолатга образли тарзда ёндашиб, қошинг ҳам эғувчи, ҳам эгилувчи бўлганлиги учун ошиқларни ўз йўлида эгмоқда, ҳам уларни эгилган ҳилол шаклидаги жомга муҳтож этмоқда, дейди.

Байтда *қадди ёдеклар* бирикмаси ва *рокиъ* ҳамда *меҳроб* сўзлари ёрдамида *истиора* санъати ҳосил бўлмоқда.

Кўз қаросин юб, сариғ оразни бекадр этти ашк,
Гўйиё ҳар важҳ ила айн офати симоб эрур.

Навбатдаги байтда шоир ишқдан, унинг азобларидан шикоят қилмоқда. Яъни, ишқ инсонни, аниқроғи ошиқни қадрини ерга уради. Маъшуқа олдида тупроқ билан тенг қилади гўё. Кўз ёши эса кўз қорасига зиён етказиб, уни кўрмайдиган қилиши, сариқ юзни ундан баттар хароб ҳолга келтириши мумкин.

Байтда *ашк* (кўз ёши)ни жонлантириш орқали *ташхис*, *тамсил* санъатлари яратилмоқда.

Ғам туни гар тобсиз жисмим куяр, ваҳ не ажаб,
Куйдурурлар кеча кўпрак риштаким, бетоб эрур.

Ишқ оловида ўртаниб, тобланаётган ошиқ ўз жисмини бу ҳолга келганини ҳам ҳикмат изламоқда. Яъни тобланмаган жисмим ғам тунида куйиши ҳикматсиз эмаски, тобланмаган ришта – ипни ҳам тоблаб, пиштадилар-ку!

Байтда *ғам туни*, *тобсиз жисм* бирикмалари ёрдамида *истиора* ва *тамсил* санъатлари яратилган.

Ҳар тараф-наълу алиф жисмимда, гўё ишқ аро
Хатти идборимни возиҳ қилғали иъроб эрур.

Ошиқнинг бутун жисмида ишқ шундай тамғалар қўйганки, бу
унинг хароб аҳволи, бахтсизлиги учун исбот бўлган гўё.

Байтда *тамсил* санъатига мурожаат этилмоқда.

Сендадур мақсуд ганжи, лек жисмингдур тилсим,
Ваҳки, бу ганж ул тилсим ичра ажаб ноёб эрур.

Навоий ижодининг моҳияти ҳисобланмиш инсонни улуғлаш,
уни Яратганнинг мазҳари ҳисоблаш бу байтда ҳам акс этган. Яъни
инсон вужуди – тилсим, унинг қалбида эса илоҳий хазина – Ярат-
ганнинг акси эканлиги ҳақидаги ғоя ифодаланган. Эътибор бера-
диган бўлсак, “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод ҳоқон хази-
насидаги тилсим ойнани кўриб қолади. Бу тилсмини очиш учун
юнон сафарига боради. Дев, аждаҳо, темир пайкар одам сингари
хавфларни енгиб ўтиб, Сукрот ҳаким билан учрашади. Юнон са-
фаридан қайтган Фарҳод тилсими очилган ойнадан ўз тақдири-
ни, муҳими Шириннинг аксини кўради. Бу вужуд тилсимидаги
қалб хазинасининг очилиши, унда Яратганнинг аксини кўрини-
ши Фарҳоднинг йўлини белгилаб беради.

Байтда мақсуд *ганжи* бирикмаси ва *тилсим* сўзи орқали *исти-
ора*, *ганж* ва *тилсим* сўзларининг такроридан *такрир* санъатлари
ҳосил бўлмоқда.

Эй Навоий, жисм аро жон риштасин тутқил азиз
Ким, бори лўлийвашим лаъби учун асбоб эрур.

Ошиқ шу қадар ишқда садоқатли ва ошиғига содиқки, ўз жо-
нини лўлидай шўх ва шаддод маъшуқасини ўйини учун қурбон
қилишга тайёр. Бу ўринда жоннинг ипдай нозиклашуви ва лўли-
лар, дорбозлар ёки болалар, умуман, шўх ва ўйинқароқ инсонлар-
нинг ип, арқон билан гўзал ўйин кўрсатишларига ишора қилади.

Байтда *эй Навоий* ундالمаси ёрдамида *илтифот*, *жисм* ва *жон*
сўзлари воситасида таносиб санъатларига мурожаат этилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал севикли инсон учун айтилган дил
рози, ошиқ қалбининг арзи ҳолининг гўзал шоирона ифодасидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ул парий кўнгли учун руҳум асиру зор эрур...”

Ул парий кўнгли учун руҳум асиру зор эрур,
Булъажаб тоши қанотсиз қушқа бадрафтор эрур.

Ҳар кеча қон бирла жисмим сафҳайи тақвимдек,
Гўйийанжум тирноғидин сарбасар афгор эрур.

Кофири мастедур ул кўзким, каманди зулф анга
Ешибон ёнида қўйган риштайи зуннор эрур.

Бахтим уйқусидин афғонлар чекардин гўйиё,
Ҳар кеча кўз юммай анжум то саҳар бедор эрур.

Янгла кўнглум васл топти раҳм қил, эй оҳким,
Тунд елдин янги буткан ёраға озор эрур.

Қатлима ул кўз саводи ҳайъатидин бағриға
Бир қора тош боғлаған қон қилғучи хунхор эрур.

Ўқусам номангни печу тоблиғ беҳуд таним
Гўйиёким номани чирмаб юборган тор эрур.

Чун қуёшдек ерга киргунг, не осиг, гар юз қуёш,
Маснадинг тоқида ҳар ён шамсайи девор эрур.

Тиргузуб, дебсен, Навоий жониға миннат қўйай,
Гар сен ўлтурсангки ул жон бирла миннатдор эрур.

–V-- –V-- –V-- –V~

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Булъажаб – энг қизик, таажжубланарли, ажойиб, ҳайрон қоларли

Бадрафтор – ёмон йўлга юрувчи, саёк, безори

Гўйийанжум – юлдузларни отиб ўйновчи, мажозан фалак

Сарбасар – бошдан-оёк, бутунлай

Афғор – 1) Яраланган, жароҳатланган, мажруҳ; 2) эзилган, ўртанган; ночор; ғамли, андуҳли

Зуннор – 1) Ислом мамлакатларида ғайридинлар белига мажбуран боғлаб юрувчи қора рангли чилвир, мажозан маъшуқа сочлари; 2) бут, ўзига сисғинтирувчи, тортувчи

Анжум – 1) Юлдузлар; 2) дурлар

Янгла – адашган, янглишган

Тунд – 1) Тез, шиддатли; 2) асов, бош бермайдиган; 3) ўткир, аччиқ; ғазаб, ғазабли

Печу тоб – ўрилиш, буралиш, қинғир-қийшиқ

Осиғ – фойда, наф, суд

Маснад – 1) Ўрин, тахт; 2) даража, мартаба; 3) остона, даргоҳ; 4) суянчиқ

Миннат – 1) Яхшилик, инъом, эҳсон; 2) миннатдорчилик, ташаккур

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги ғазал тўққиз байтли бўлиб, мазмунан ошиқона, шаклан мусалсалдир. Унда ошиқнинг маъшуқасига кўнгил қўйиши, бу билан ниҳоясиз азобларга қолгани образли тарзда тасвирланади.

Ул парий кўнгли учун руҳум асиру зор эрур,
Булъажаб тошки қанотсиз қушқа бадрафтор эрур.

*У пари(дек гўзал маҳбубам) кўнглига руҳим асир ва зор бўлган,
(бу ҳолат худди) қанотсиз қушнинг тошга интилишига ўхшайди.*

Ошиқ маъшуқасига қараб интилмоқда. Бу интилиш бесамар-лигидан унинг руҳи қанотсиз қушга ўхшаб тушкунликда қолган. Маъшуқа кўнгли эса азбаройи эътиборсиз ва эҳтиёжсизлигидан тошга қиёсланади.

Байтнинг биринчи мисрасидаги фикр иккинчи мисрадаги фикр билан асосланаяпти. Бу эса ҳусни таълил санъатига мурожат қилиш демак. Байтда яна истиора ва муболаға санъатларидан ҳам фойдаланилган.

Ҳар кеча қон бирла жисмим сафҳайи тақвимдек,
Ўйийанжум тирноғидин сарбасар афғор эрур.

Ҳар кеча (ҳижрон ва алам заҳм билан) фалак тирноғи (яъни ҳил-л)дан бошдан оёққача жисмим худди тақвим саҳифаси каби қон билан яраланган.

Кераксиз тақвим (календар) саҳифаси юлиб, ташлаб юборилади. Шу ҳолатга ишора қилган Навоий лирик қаҳрамон ҳолатини муболағали равишда тасвирламоқда. Яъни, у фалак тирноғи (яъни ойдан) мажозан тақдирдан жароҳатланган. У, яъни тақдир ошиқ жисмини ҳар кеча, яъни куннинг охирида қонга белаб, кераксиз тақвим саҳифасидек йиртиб отган, ёки ағдариб қўйган.

Байтда ошиқ ҳолати тасвири чуқурлашиб бормоқда. Бунга байтда қўлланилган истиора ва тамсил санъатларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Кофири мастедур ул кўзким, каманди зулф анга
Ешибон ёнида қўйган риштаи зуннор эрур.

У кўз маст бўлган кофирга ўхшайди, зулф каманди эса ечилиб ёнида турган зуннор ипига қиёс қилгулик.

Навбатдаги байтда энди бевосита маъшуқа ҳолати ошиққа таъсир кўрсатмоқда. Яъни, унинг хумор кўзлари маст бўлган ко-

фирга, қоп-қора ва узун соч ўрими эса яна бир кофирлик белгиси – зуннор ипига ўхшатилмоқда.

Байтда кўзнинг жонлантирилиши орқали ташхис, каманди зулф бирикмаси орқали истиора ҳамда тамсил санъатлари яратилмоқда.

Бахтим уйқусидин афғонлар чекардин гўйиё,
Ҳар кеча кўз юммай анжум то саҳар бедор эрур.

Бахтим уйқудалиги сабабли фиғон чекканимдан, юлдузлар тонггача бедор бўлишади.

Ошиқнинг бахти уйқуга кетган. Шунинг учун ишқ борасида ҳеч омади юришмайди. Шу сабабли у тонггача бедор нола қилади. Бу нолаларни тинглаб, юлдузлар ҳам ухлашмайди. Байтда Навоий иккита бадий фикрни ифодаламоқда: 1) тонггача юлдузларнинг бедорлиги, яъни чақнаб туриши менинг нолаларим сабабли; 2) менинг тунда чеккан нолаларим юлдузларгача бориб етди. Иккинчи бадий фикрни янада яхшироқ англаш учун Навоий таълим олган Самарқанддаги Улугбек мактабининг юлдузлар ҳақидаги назариясига эътибор бериш керак. Ушбу мактаб талқинича, фалаклар саккиз қаватдан иборат бўлиб, аввалги етти қаватида Ерни ўртага олган ҳолда маълум бир сайёра ҳаракатланар, саккизинчи қаватида эса турғун юлдузлар жойлашган бўлиб, у осмон, деб аталади. Демак, ошиқ ҳижрон тунида шу даражада қаттиқ фиғон чекадики, унинг бу ноласи етти фалакни ортда қолдириб, саккизинчи фалак бўлмиш осмонга етиб боради ва (турғун) юлдузларнинг уйқусини бузади.

Байтда бахтим уйқуси жумласи ёрдамида истиора, юлдузларнинг бедор бўлиши орқали эса ташхис санъатларига мурожаат этилмоқда.

Янгла кўнглум васл топти раҳм қил, эй оҳким,
Тунд елдин янги буткан ёраға озор эрур.

Адашган кўнгим висол топган бу лаҳзада, эй “оҳу воҳ”лар раҳм қилинги, тез ва шиддатли шамолдан эндиgina битаётган яраға озор бўлмасин яна.

Навбатдаги байтда бир лаҳзалик висол онларида “оҳу-воҳ”-нинг ўрни эмаслиги ҳақида ошиқ ўз-ўзига эслатмоқда. Ва бу эслатиш ғоятда бадий бўёқдорлик билан акс этмоқда.

Байтда эй оҳким ундалмаси ёрдамида илтифот, кўнгилнинг васл топиши орқали ташхис, байтнинг иккинчи сатри ёрдамида эса тамсил санъати яратилмоқда.

Қатлима ул кўз саводи ҳайъатидин бағриға
Бир қора тош боғлаған қон қилғучи хунхор эрур.

(Маъшуқам) кўзининг қораси қатлим қасдига тушиб, бағрига қора тош боғлаб олган қонхўрга ўхшайди.

Ошиқ маъшуқанинг жон олғувчи қора кўзларига бир бокдию, тану жони мадорсизланиб, танасидан жон чиқиб кетаётгандай хис қилди. Шу сабабли у маъшуқа кўзларини қонхўрга қиёслади. Бағрига қора тош осганлиги эса кўз қораси ўртасидаги мардумакка ишорадир.

Байтда *ташбеҳ* санъатига мурожаат этилмоқда.

Ўқусам номангни печу тоблиғ беҳуд таним
Гўйиёким номани чирмаб юборган тор зрур.

Хатингни ўқисам, (ҳижрон ва ишқ азобидан) ўралиб буралган ва ўзидан бегона бўлган таним номагни чирмалган ип ҳолига келиб қолади.

Навбатдаги байтда маъшуқа мактуби, яъни унинг билвосита таъсири ошиқни қай ҳолатга келтиргани тасвирланади. У ошиғига мактуб юборади. Мактубдаги балким таъна, балким маломат, балким ҳол сўраш ёки висол ваъдаси каби фикрлар таъсиридан ошиқ жисму жони мактуб ўраладиган ип ҳолига келади. Яъни ингичкалашиб, буради. Байтда кучли муболаға – ғулувга мурожаат этилиши билан бирга ҳаётий мантиқ бузилмайди.

Гўйиёким сўзи орқали ташбеҳ санъатининг ҳосил бўлганини, нома сўзи орқали эса тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв санъати яратилганлигини ҳам кўрамыз.

Чун қуёшдек ерга киргунг, не осиг, гар юз қуёш,
Маснадинг тоқида ҳар ён шамсайи девор эрур.

Тахтинг устида юзлаб қуёшлар деворга чизилган сураддек кўрку зеб берса ҳам, (бир кун) қуёшдек ерга киришинг аниқ!

Навбатдаги лирик чекиниш байтида Навоий молу давлатига кибр қилувчиларга мурожаат этмоқда. Яъни тожу тахтинг тахт бўлиб, унинг устида юзлаб қуёшлар сурати чизилган бўлса ҳам, ҳатто юзлаб қуёшлар амру фармонингда бўлсалар ҳам, қуёш каби ботишинг – ерга киришинг, яъни ҳалокатинг аниқ. Бу байт билан Навоий ғазалхонини тушкунликка чақирмайди, балки дунёга меҳр қўймасликка, тожу тахти тахт бўлса ҳам кибрга кетмасликка ундайди.

Байтда қуёш сўзининг такроридан тақрир, қуёш ва шамс сўзлари воситасида таносиб, ташбеҳ ва муболага санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Тиргузуб, дебсен, Навоий жониға миннат қўяй,
Ғар сен ўлтурсангки ул жон бирла миннатдор эрур.

Навоий жонига миннатдорлик қўяй деб тирилтирибсан, (эй маъшуқам), аслида ўлдирсанг ҳам у сендан жони билан миннатдор бўлаверади.

Мақтаъда тасвирланишича, маъшуқа ошиғи бир тараххум қилиб, унга бир оғиз ширин сўз айтиш, табассум билан қиё боқиш ёки ҳол сўраш воситасида уни тирилтирмоқчи, яъни ишқда ҳалокат ёқасига келган вужудига ором беришни ният қилмоқда бу билан уни миннатдор қилмоқчи. Бунга жавобан ошиқ азбаройи садоқат билан “мени ўлдирсанг ҳам жоним билан миннатдор бўлавераман” деб жавоб бермоқда.

Байтда тиргуз ва ўлтур сўзлари орқали тазод, миннат ва миннатдор сўзлари орқали иштиқоқ, жон сўзининг такроридан эса тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв турига мурожаат этилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал ошиқнинг ишқ ва маъшуқадан кўрган озорлари ва шу билан биргаликда уларга бўлган садоқати тараннумидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Кўнгулки, ишқида дерсен бало не бўлғусидур?..”

Кўнгулки, ишқида дерсен бало не бўлғусидур?
Неким, бўлур, санга бўлғай, манго не бўлғусидур?!

Ул ой жамолиға ишқим худ ортадур ҳар дам,
Бу ишта оқибатим, ваҳки, то не бўлғусидур?

Дема не бўлғуси ул зулф қайдида, кўнглунг
Асиру волаву шайдо яна не бўлғусидур?

Фироқ дардиға дерсен даво не бўлғай экин?
Бу дардға ҳам ўзунг де, даво не бўлғусидур?

Беҳишт, меҳнат эмас, бўлса ваъдаи дийдор,
Висол умиди бор эрса, жафо не бўлғусидур?

Бу йўл мусофирининг ҳоли, оҳким, мутлақ,
Билинмадики, не навъ ўлди ё не бўлғусидур?

Навоий, дема фоний бўлуб висолға ет,
Мангаки, ҳажр чекибмен, фано не бўлғусидур?

V-V- V V-- V-V- V V-
мафоилун фаилотун мафоилун фаилун
мужтасси муссаммани маҳбуни маҳзуф

Луғат

Худ – 1) Албатта, ҳақиқатан; 2) ёлғиз, фақат
То – 1) Токи; 2) модомики

Қайд – 1) Боғланиш; 2) тўсик, боғланиш, монеълик; 3) маҳбус қилиш, ҳибсга олиш; 4) ёзиш, киритиш

Вола – мафтун, шайдо, берилиш

Беҳишт – жаннат

Меҳнат – қийинчилик, азоб-уқубат маъносида

Навъ – 1) тур, нав, хил; 2) кўриниш, йўл-йўриқ, йўсин

Фано – ўткинчилик, вақтинчалик, мажозан тасаввуфнинг энг юқори мартабаси

Фоний – тасаввуфнинг энг юқори мартабасига етган инсон

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли ғазал мазмунан ва шаклан мусалсал бўлган бу ғазал ошиқ ва унинг кўнгли орасидаги суҳбат билан бошланади.

Кўнгулки, ишқида дерсен бало не бўлғусидур?
Неким, бўлур, санга бўлғай, манго не бўлғусидур?!

Кўнгил “Унинг ишқида қандай балолар кутиб турибди?” - дейсан.
“Нима бўлса, сенга бўлади, менга нима ҳам бўларди!” - дейсан.

Эй кўнглим унинг ишқида “бало нима бўлибди?” деб балоларни ҳам назар-писанд қилмайсан, дейди шоир. Ва балки ўз фикрини давом эттириб, “нима бўлса сенга бўлади-да, менга нима ҳам бўларди?” - деб кўнгилни мазаммат қилади, балки аяб, ундан хавотирланади.

Байтда савол-жавоб санъатига мурожаат этилган деб, айтишимиз мумкин.

Ул ой жамолига ишқим худ ортадур ҳар дам,
Бу ишта оқибатим, ваҳки, то не бўлғусидур?

Унинг ойдек жамолини кўриб, ишқим ҳар лаҳзада ўз-ўзидан ортиб боради. Бу ишнинг оқибати энди қандай бўлар экан?!

Ғазалда савол-жавоб давом этмайди. Энди ошиқ ўз-ўзига хитоб қилади. Ўзининг ишқдаги истиқболидан ҳавфсирайди. Чун-

ки ишқнинг ортиб бориши, аксарият ҳолларда, яхшиликка олиб бормади.

Байтда ул ой сўзи ёрдамида истиора ҳамда тажохили орифона санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Дема не бўлғуси ул зулф қайдида, кўнглунг
Асиру волаву шайдо, яна не бўлғусидур?

Унинг сочиға боғланган кўнглинг қандай бўлади, демагин. Асир, мафтуну шайдо, бўлиб бўлган, яна (бундан ортиқ) нима ҳам бўлади!

Навбатдаги байтда ошиқ ёрининг узун, қора, жингалак сочларига боғланган кўнглининг аҳволидан ҳасрат қилмоқда. Ёрнинг сочларига боғланган кўнглининг аҳволи қандай ҳам бўларди, дейди у маъюслик билан берилган саволга. Асир (қоралигига), мафтун (узунлигига) ва шайдо (жингаликлигига) бўлиб қолган. Бундан ортиқ яна нима ҳам бўларди.

Байтда зулф ва кўнгулни жонлантириш орқали ташхис, асиру волаю шайдо сўзлари орқали эса таъдид, не бўлғусу бирикмаси такроридан тақрир, тажохили орифона санъатлари яратилган.

Фироқ дардиға дерсен даво не бўлғай экин?
Бу дардға ҳам ўзунг де, даво не бўлғусидур?

Айрилиқ дардига даво нима бўлар экан, деб мендан сўрашинг қизик, ахир унинг давосини ўзинг билсан-ку!

Навбатдаги байтда шоир суҳбатдошига (балки маҳбубасига) киноя билан мурожаат қилмоқда. Айрилиққа нима даво бўлади, дейишинг қизик. Ахир унга висолдан бошқа нарса даво бўла олмаслигини биласан-ку! Байтдаги тағматнда шоир шу сўзларни яширган бўлса, ажабмас.

Байтда тарсеъ, дард ва даво сўзлари орқали икки бор тазод, дард, даво ва не сўзлари ёрдамида бир йўла уч ўринда тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури ҳам, бўлғай ва бўлғусидур сўзлари ёрдамида иштиқоқ ҳамда тажохили орифона санъатлари ҳосил қилинган.

Беҳишт, меҳнат эмас, бўлса ваъдаи дийдор,
Висол умиди бор эрса, жафо не бўлғусидур?

(Илоҳий) Дийдор ваъдаси тайин бўлса, жаннатга интилиб, (риёзат чекиш) машаққат эмас, висол умиди бўлгандан кейин жафoning олдида нима деган гап?!)

Навоий биринчи мисрада комил мусулмон каби фикрлаб, илоҳий дийдор ваъда қилинганлиги учун жаннатга интилиш, унинг йўлидаги диний амалларни бажариш, риёзатлар чекиш машаққатли эмас, демоқда. Иккинчи мисрада эса бу фикрини ғазалнинг мавзуси бўлган ишққа боғламоқда ва ихчам, гўзал хулоса ясамоқда.

Байтда тажохили орифона санъатига мурожаат этилмоқда.

Бу йўл мусофирининг ҳоли, оҳким, мутлак,
Билинмадики, не навъ ўлди ё не бўлғусидур?

Бу йўл мусофирининг ҳоли аввал нима бўлишию, кейин нима бўлиши ҳам, оҳки, мутлақо билинмади.

Юқоридаги байтдан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, “бу йўл” жумласини икки маънода тушуниш мумкин. Биринчи йўли илоҳиётга интилаётган ориф ошиқ йўли бўлиб, у илоҳий ишқ йўлига чиққан бу йўлда бир пири комилга қўл бериб, ўз танига машаққату риёзатларни раво кўриб, олға қараб интилмоқда. Бироқ манзилига – илоҳий дийдорга ета оладими-йўқми, билмайди? Ҳатто ўз йўлига қаттиқ киришганидан аввалги аҳволдан ҳам хабари йўқ. Иккинчи йўл эса маъшуқа висолига интилаётган ошиқ йўли. У ҳам ишқ йўлида бор инон-ихтиёридан айрилиб, ўзи англаб-англамаган ҳолда олға интилмоқда. Ва у ҳам аввалу охиридан хабарсиз бир бечора.

Байтда тасвирланган бу йўлларнинг “йўлчи”ларини улуг шоир “мусофир” деб атайти. Чунки бу йўлларга кирган одам ўз ватанию ўтмишидан, номию аъмолидан воз кечиб, кириши керак.

Байтда йўл ва мусофир сўзлари орқали таносиб, ўлди, бўлғусидир сўзлари орқали иштиқоқ, муболаға, тажохили орифона санъатлари яратилмоқда.

Навоий, дема фоний бўлуб висолға ет,
Мангаки, ҳажр чекибмен, фано не бўлғусидур?

Навоий, фоний бўлиб, висолга ет демаки, мен айрилиққа йўлиққанымдан бери, фано ҳам олдимда ҳеч нима бўлмай қолди.

Мақтаъда Навоий ўзига панд ўқувчи насиҳатгўйларга қарата алам билан хитоб қилмоқда. “Менга ишқ йўлида ўзлигингни йўқотганингдан кейин висолга етаман” деб ақл ўргатмаки, мен чеккан ҳижрон азобининг олдида фано нима деган гап?!

Байтда Навоий юқоридаги икки байтдаги ифодаланган фикрни давом эттиради ва ўзини ҳар икки йўлга кирган мусофир – аниқроғи илоҳий дийдорга мажозий муҳаббат билан интилувчи ошиқ эканлигини ишора орқали маълум қилади. Яъни, мен кўнглим билан баҳслашиб бу йўлга кирдим. Қалбимда унинг ишқи тобора ортиб борди, кўнглим сочларига боғланиб, асир ва мафтун бўлди, айрилиқ дардига висолдан бошқа ҳеч нима даво бўломаслигини билганлар менга маломат қилдилар, бироқ мен висолга қараб, худди жаннатга интилгандек сабру токат ва жидду жаҳд билан интилавердим, бу йўлда ўзимни мусофир каби сезиб, аввалу охиридан хабарсиз ҳолга келдим. Ниҳоят, менинг қаршимда фано даражасию, фонийлик ҳолати ҳам ҳеч нима бўлмай қолди.

Байтда фоний ва фано сўзлари орқали иштиқоқ, муболаға ва одатдагидек, тажохили орифона санъатларига мурожаат этилмоқда.

Баъзан алам, баъзан киноя, баъзан бечораҳоллик акс этган ушбу ғазал ошиқ ҳолининг тўлқинсимон беқарорлигини ифода-ламоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Жафо қилур бари гулчехралар, вафо қилакўр...”

Жафо қилур бари гулчехралар, вафо қилакўр,
Вафо ҳам элга қилурсен, вале манго қилакўр.

Не телбаники, муқайяд тиларсен, эй гардун,
Анинг салосили зулфиға мубтало қилакўр.

Десанг ҳижобни олғайлар, эй кўз, оллингдин,
Не гард анинг йўлидин қўпса тўтиё қилакўр.

Тажаллий истасанг ул юздин ўртабон жисминг,
Кули била кўнгул ойинасин жило қилакўр.

Умиди васл ила кўюнгга борди хаста кўнгул,
Йигитлигинг ҳақи, ул ҳожатин раво қилакўр.

Бийик нишиман эрур, эй кўнгул, висол авжи,
Талаб қаноти била ул тараф ҳаво қилакўр.

Навоиё, чу аламсиз мурод мумкин эмас,
Десангки, васл топай, ҳажр ўтиға ёкилакўр.

V-V- VV-- V-V- VV-
мафоилун фаилотун мафоилун фаилун
мужтасси муссаммани маҳбуни маҳзуф

Луғат

Муқайяд – боғланган, кишанланган, банд, гирифтор; вобаста, тааллуқли

Гардун – фалак, мажозан тақдир

Салосил – занжирлар, бандлар, кишанлар

Тажаллий – кўриниш, жилваланиш

Йигитлик – ёшлик, ўсмирлик

Бийик – буюк, улуғ; баланд, юксак, олий

Нишиман – уя, ин; ошён, макон, жой

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли анъанавий ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Унда ошиқнинг маъшуқага мурожаати, ўп-

ка-гинаси ишқ йўлида чеккан озорлари каби тасвирлар ўрин олган.

Жафо қилур бари гулчеҳралар, вафо қилакўр,
Вафо ҳам элга қилурсен, вале манго қилакўр.

Хамма гул юзли (гўзаллар) жафо қилишади, (сен эса бир бор) вафо қилиб кўр. Бошқаларга-ку вафо қилар ҳам экансан, менга ҳам бир бор қилиб кўр-да!

Матлаъда маъшуқасига мурожаат қилаётган ошиқнинг уни бошқаларга ўхшамаслигини, раҳмдил, вафодор гўзал бўлишини, айниқса ўзига нисбатан эътиборли бўлишини хоҳлаши акс этмоқда. Дарҳақиқат, ишқ йўлига қадам қўйган инсон севгилисидан садоқат ва меҳр кутади. Унинг мана шу туйғуларига ўз бахту иқболини боғлайди.

Байтда жафо ва вафо сўзлари орқали тазод, вафо сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ибтидо тури, қилур ва қилакўр сўзлари орқали эса иштиқоқ санъатлари яратилмоқда.

Не телбаники, муқайяд тиларсен, эй гардун,
Анинг салосили зулфиға мубтало қилакўр.

Қайси телбани кишанланишини хоҳлар экансан, эй тақдир, (маъшуқаларнинг) сочлари занжирига мубтало қилгин!

Ошиқ ишқ дардида телбалик ҳолатига етган. Телбага эса, ўша давр одатлари бўйича кишан керак. Чунки у ихтиёридан ташқари хатти-ҳаракат қилиб, бошқаларга ва ўзига зиён етказиши мумкин. Шоир бу удумларга қарши эмас. Бироқ у кишанларининг маъшуқаси зулфидан бўлишини хоҳлади. Агар бу мурожаатни гардунга – тақдирга нисбатан айтилаётганини инобатга олсак, байтнинг тағмаъноси ҳам аён бўлади. Яъни, менга озор етказмоқчи бўлсанг, эй тақдир, фақат маъшуқам томонидан озор етказ. Ёки фақат унга мени мафтун, муқайяд қилгин.

Байтда эй гардун ундалмаси ёрдамида илтифот, салосили зулфи бирикмаси ёрдамида истиора санъатлари яратилмоқда.

Десанг ҳижобни олғайлар, эй кўз, оллингдин,
Не гард анинг йўлидин қўпса тўтиё қилакўр.

Юзидан ҳижобни олишларини хоҳласанг, эй кўз, унинг йўлидаги гардни ҳам кўзингга тўтиё қилишни ўрган олдин!

Навбатдаги байтда шоир кўз(лари)га мурожаат этиб, агар се-викли маъшуқангнинг юзини кўришни хоҳласанг, аввал унинг жабру жафоларига чида, йўлларидаги ҳокни кўзингга сурадиган даражада ҳокисор бўл, демоқда. Нима учун? Чунки ишқ йўлида қанчалар ҳокисор бўлса, киши шунчалар камолотга етишади ва маъшуқа висолига лойиқ бўлади. Албатта бу мажозни восита қилиб, илоҳий гўзалликка муҳаббат қўйганларнинг покиза ишқ йўлидир. Навбатдаги байтда фикримизнинг исботини яна бир бор кўрамыз:

Тажаллий истасанг ул юздин ўртабон жисминг,
Кули била кўнгул ойинасин жило қилакўр.

Ул юзнинг жиоланиши истасанг, жисмингни ёндириб, унинг кули билан кўнгил ойинасини ярақлатиб жиолантир!

Тажаллий –луғавий маъноси кўриниш, жилваланиш бўлган бу сўзнинг ирфоний маъноси Илоҳий гўзалликнинг инсон қалбида акс этишидир. Демак, мана шундай ҳолатни хоҳлаган ошиқ ўша покиза юз ўтига бутун вужудини ўрташи, бунинг учун ишқнинг ҳар қандай озорини мамнуният билан қабул қилиши керак. Шундагина кўнгил ойнаси софлашади. Бошқача айтганда, кўнгил кўзи очилади. Инсон келажакни кўра олади, бошқалар кўнглидаги-ни билади, кароматлар содир бўла бошлайди. Муҳими эса, унда илоҳий дийдор акслана бошлайди.

Байтда кўнгил ойинаси бирикмаси ёрдамида истиора санъати яратилган.

Умиди васл ила кўюнгга борди хаста кўнгул,
Йигитлигинг ҳақи, ул ҳожатин раво қилакўр.

Висол орзуси билан хаста кўнгил кўчангга борди, навқирон ёшли-гинг ҳаққи унинг ҳожатини раво қилгин энди!

Навбатдаги байтда Навоий осмоний туйғулардан “ерга ту-шиб”, реал маъшукқа – инсонга мурожаат қилмоқда. Висол сўраб ўтинмоқда, илтижо этмоқда. Шу ўринда Навоий ижодида илоҳий

муҳаббатга интилиши қанчалик бўлса, реал маъшукқа мурожаат, илтижо, муножот оҳанглари ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўп эканлигини эслатиб ўтиш жоиз. Сабаби Навоий илоҳий ишққа мажоз (яъни инсоний муҳаббат) орқали боришни танлаган. Шунинг учун унинг ғазалларида бу муҳаббатнинг бу икки тури бир-бири билан ёнма-ён, олдинма-кейин, ҳаттоки аралаш ҳолда қуйланади.

Байтда хаста кўнгул бирикмаси ёрдамида истиора, кўнгилнинг ёр кўчасига бориши мотиви орқали эса ташхис санъатлари қўлланилмоқда.

Бийик нишиман эрур, эй кўнгул, висол авжи,
Талаб қаноти била ул тараф ҳаво қилакўр.

Висол авжи улў бир макондир, (қўлингдан келса) талаб қанотини боғла-да, унга қараб парвоз қил!

Навбатдаги байтда яна висолда осмону фалакларда деб, унга қараб интилган кўнглига шоир ёқимли ва хатарсиз парвоз тиламоқда.

Яна такрор бўлса ҳам, шуни эслаш ўринлики, Навоий илоҳий муҳаббатни инсоний ишқдан айро кўрмагани каби, инсоний муҳаббатни ҳам соф илоҳий – осмоний туйғулардан айро кўрмаган. Балки, унинг кўнгли бир инсонга боғланиб, у билан яшай олмаганлигининг сабабларидан бири шудир.

Байтда эй кўнгул ундалмаси орқали илтифот, висол авжи, талаб қаноти бирикмалари орқали икки бор истиора, кўнгилнинг парвози орқали эса ташхис санъатлари яратилмоқда.

Навоиё, чу аламсиз мурод мумкин эмас,
Десангки, васл топай, ҳажр ўтига ёқилакўр.

Эй Навоий, аламсиз висол мумкин эмас, висол топмоқчи бўлсанг, ҳижрон оловида ёқилишни ҳам эпла-да!

Мақтаъда Навоий ҳижронсиз висолнинг, озорсиз мақсаднинг татимаслигини эслатиб, агар висол осмонида училгани хоҳласанг, ҳижронга ҳам чида, унда ёнишни ҳам бил, дея ўз-ўзига мурожаат этмоқда.

Умуман олиб қараганда, ғазал бошдан охиригача мурожаатдан иборат. Маъшуқага мурожаат қилиб, ундан илтифот сўраб ғазални бошлаган муаллиф, кейин гардун, яъни тақдирга, кўзга, кўнглига ва ўз-ўзига мурожаат этмоқда. Маъшуқадан бир бор вафо талаб қилса, ўзидан қайта-қайта фидоийлик, садоқат, жасорату матонат талаб қилмоқда. Зеро, Навоий умрбод интилган илоҳий ишқ йўлининг, висол мартабасининг талаблари шундай мураккабдир!

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Тутулмиш эрди ғазабдин улусни қилди асир...”

Тутулмиш эрди ғазабдин улусни қилди асир,
Қуёш тутулса, бале, фитнадур анга таъсир.

Агарчи ёда гириҳ бўлса, ўқи туз чикмас,
Қоши гириҳ била зулм ўқин этмади тақсир.

Кўнгулни кўзларинг олди, не тонг, ики бўлмак
Бир аҳли динни ики маст кофир этса асир.

Кўруб юзида ғазаб зулфи сари қочти кўнгул,
Кўнгулга соя керак итик ўлса меҳри мунир.

Хадангтинг ўтти кўнгул пардасига етмас экан,
Не ҳадди манъ хусусан қазо ўқиға ҳарир.

Ғам ўлса, солма гириҳлар қошингғаким, қилмас
Ғализ ўлуб бу қора манъи хомайи тақдир.

Навоиё, санга бу сўзда шубҳае бўлса,
Қадах кетурки, хутутида кўргузай бир-бир.

V– V– VV-- V– V– VV ~
мафоилун фаилотун мафоилун фаилон
мужтасси мусаммани махбуни мақсур

Лугат

Гириҳ – 1) Тугун, чигил; 2) эгрилик, қинғирлик; 3) мушкул-лик, қийинчилик; 4) ўрим, соч ўрами

Тақсир – суслик, камчилик, енгилиш

Итик – ёмонлик, ножўялик

Меҳри мунир – (оламни) ёритувчи қуёш

Хаданг – 1) Ўқ, камон ўқи; 2) найза

Хутут – хатлар, чизиклар

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, маъшуқ васфига бағишланиб, шаклан якпорадир. Такрор бўлса ҳам шуни айтиш ўринлики, мумтоз адабиётда, айниқса тасаввуф адабиётида севиклининг жинси, яъни аёл ёки эркаклиги аҳамиятсиз. Яъни, ошиқ унинг гўзаллигига қараб илоҳий ишқ завқини туяр экан, бошқа ҳар қандай ғараз кўнгилдан узоқ экан, сунбул сочли парилар ҳуснини куйлаш қанчалик жоиз бўлса, от миниб, чавгон ўйнаган шоҳсувор йигитлар мадҳини куйлаш ҳам жоиз, деб ҳисобланган. Демак, бу ғазалдаги севикли ҳам маъшуқ – яъни йигит кишидир. Матлаъдаёқ бу аён бўлади:

Тутулмиш эрди ғазабдин улусни қилди асир,
Қуёш тутулса, бале, фитнадур анга таъсир.

Ғазабдан (сўз тополмай) тутилиб қолганди, (шу кўриниши билан) элни асир қилди, бу ҳолат гўё қуёш тутилишига фитна таъсир қилишига ўхшайди.

Матлаъда тасвирланаётган кўркам йигит – маъшуқ ошиғига шундай ғазаб билан тикилдiki, унинг ранги-рўйи қизариб, янада кўркамлашади. Ундаги бу ҳолат ошиқларига янада қаттиқроқ таъсир қилиб, улардаги асиру мубталолик тагин ҳам кучаяди. Бу ҳолат қуёшнинг тутилиши фитна таъсирида бўлади, деган халқона ақидага бориб тақалади.

Байтда тамсил санъатига мурожаат қилинмоқда.

Агарчи ёда гириҳ бўлса, ўқи туз чиқмас,
Қоши гириҳ била зулм ўқин этмади тақсир.

Ёйда эгрилик бўлса, ўқ тўғри отилмайди, лекин эгри қош билан зулм ўқин хато қилмай отиб, теккизди!

Маълумки, киши ғазаби ортган пайти қоши чимрилади. Навоий маъшуқнинг мана шу ҳолатига эътибор қилиб, камон – ёйда эгрилик бўлса, ўқи нишонга тегмай, хато кетарди, лекин у чимрилиб, эгилган қош билан ҳам зулм ўқини ошиқларнинг қалбига бе-хато теккизди, демоқда.

Байтда ё ва ўқ сўzlари ёрдамида таносиб, ўқ сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, зулм ўқи бирикмаси ёрдамида истиора ҳамда тамсил санъатлари яратилмоқда.

Кўнгулни кўзларинг олди, не тонг, ики бўлмак
Бир аҳли динни ики маст кофир этса асир.

Кўнглимни кўзларинг (асир қилиб) олди, энди унинг ҳоли маълум, ахир бир мусулмонни икки кофир асир қилса, нима бўлиши аниқ-ку!

Энди навбат маъшуқнинг кўзлари васфига. Навоий уларни қаттиқ тикилиб қараши сабабли раҳмсиз кофирга, ҳумор-ҳумор бoққани учун эса мастга ўхшатмоқда. Ва бир бечора мусулмонни икки кофир асир олса, бунинг устига улар маст бўлса, бечора асирнинг бири қандай икки бўлсин, дея халқона иборага мурожаат этмоқда.

Байтда кўнгул, кўзларинг, бўлмак ва кофир сўzlари орқали “к” товушининг, кўзларинг, бир, кофир, асир сўzlари орқали эса “р”

товушининг такроридан бир йўла икки ўринда тавзеъ – товушдошлик санъатлари яратилмоқда.

Кўруб юзида ғазаб зулфи сари қочти кўнгул,
Кўнгулга соя керак итик ўлса меҳри мунир.

Юзида ғазаб (акси)ни кўриб, қўрққанидан кўнглим сочлари орасига қочиб кетди, нурафшон қуёшда ножўялик бўлса, кўнгли сояга мойил бўлади-да!

Навбатдаги байтда Навоий ташхис санъатидан фойдаланган ҳолда гўзал сўз ўйини яратмоқда. Маъшукнинг юзидаги ғазабни кўриб, ошиқнинг заиф ва нотавон кўнгли қочиб кетиши тайин. Бироқ маъшукига қараб тинмай интилаётган кўнгли қаёққа қочарди. Албатта, яна унинг ўзига-да! Бу парадоксдан фойдаланган улуғ шоир юзингдаги ғазабдан қўрққан кўнглим сочларингга қочиб кетди, демоқда. Нега айнан сочларига? Чунки ғазабдан қизариб кетган кўркам йигитчанинг юзлари ёнида дастордан чиқиб турган сочлари дастлаб кўзга ташланади. Бу ҳолатни эса Навоий қуёшдан қочиб, панага – сояга ўзини уришга ўхшатади. Бу ўринда Навоийнинг портрет чизиш маҳорати ҳам кўзга ташланади.

Байтда тамсил, кўнгулни жонлантириш орқали ташхис, кўруб, кўнгул, кўнгулга, керак сўзлари орқали “к” товуши иштирокида, керак, меҳри, мунир сўзлари орқали эса “р” товуши такроридан бир йўла икки ўринда тавзеъ – товушдошлик санъатлари яратилмоқда.

Хадангнинг ўтти кўнгул пардасига етмас экан,
Не ҳадди манъ хусусан қазо ўқиға ҳарир.

Кипригининг найзаси кўнгли пардасига қандай озор етказди дема, ахир, тақдир ўқиға ҳарир қандай қаршилиқ қила олсин!

Навбатдаги байтда маъшукнинг киприклари мадҳ этилмоқда. Яъни киприкни тақдир ўқиға, ишқ қийинчиликларидан зада бўлган кўнглини эса ҳарир, яъни юпқа матога қиёслаган Навоий бу ўринда оргинал ўхшатиш яратмоқда.

Байтда яна тамсил санъати ҳам ҳосил қилинмоқда.

Ғам ўлса, солма гириҳлар қошинггаким, қилмас
Ғализ ўлуб бу қора манъи хомаи тақдир.

Ғам келса, қошингга тугун солмаки, яна бу қора маъни (яъни ёмон аломат) тақдир қаламини нотўғри юргизмасин!

Навбатдаги байтда Навоий нафақат лирик қаҳрамон маъшуқига, балки барча ғазалхонларига ғам келганда ҳам мардонавор туришни, ҳатто қош чимирмасликни гўзал сўз ўйини воситасида англатмоқда.

Байтда тамсил ва тақдир қаламини жонлантириш орқали ташхис санъатлари вужудга келмоқда.

Навоиё, санга бу сўзда шубҳае бўлса,
Қадаҳ кетурки, хутутида кўргузай бир-бир.

Эй Навоий, бу сўзлар борасида сенда бирор бир шубҳа бўлса, қадаҳ келтир, унинг ёзуғида бир-бир кўрсатиб, исботлаб берай!

Мақтаъа Навоий юқоридаги фикрини давом эттириб, тақдир борасидаги бу сўзларимдан шубҳалансанг, қадаҳ олиб келки, унинг хати орқали сўзларим ростлигини исботлай, демоқда. Нега айнан қадаҳ? Қадаҳда хат нима қилади? Бу ўринда, бизнингча, қадаҳ истелоҳ бўлиб келаётган бўлиб, илоҳий маърифат маъносини ифодаламақда. Қадаҳдаги хат бўлса, май косаларига мисгарлик санъати орқали ишланган байтларга, ҳикматли сўзларга ишора бўлиб, маърифатнинг ҳар қандай саволга, ҳатто тақдир ҳақидаги ғайб илми саволларига ҳам жавоб бера олишига ишорадир.

Умуман олиб қараганда, ушбу ғазал гўзал ташқи кўриниш воситасида ички дунёси етук бўлган комил инсонга ҳурмат ва эҳтиром рамзидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Парийвашим қора бўркинки, бир ён эгри қилибдур...”



Парийвашим қора бўркинки, бир ён эгри қилибдур,
Магарки шамъи жамоли фатиласи эгилибдур.

Хат эрмас улки, чиқариб суйини меҳргияхнинг
Қуёш саҳифасида раҳмат ояти битилибдур.

Не навъ синграмайин ҳажр ароки, бағриму кўнглум
Фироқ игналаридин ўта-ўта тешилибдур.

Далил эрурки, кўнгулларни қилмиш ўлғасен озод,
Буким салосали зулфунг тугунлари ешилибдур.

Масиҳ игнаси Марям игиргон ип била гўё
Чигилиб, эгнига жонбахшлиғ тўни тикилибдур.

Агар Масиҳ дуоси ўлугни тиргизур эрди,
Не нутқ эрурки, сўкунчунг била ўлуг тирилибдур.

Тўла қадах керак ичсам кўнгулни қилғали холий
Ки, анда давр элидин дарду ғусса кўп йиғилибдур.

Фалак дақойиқидин кимса бош чиқармади ҳаргиз
Ким, ушбу риштанинг асру тугунлари чигилибдур.

Кўп этма ваъда Навойға васлу қилма тамасхур
Ки, бу маҳол иш эрканни ул ҳам эмди билибдур.

V-V- VV-- V-V- VV--
мафоилун фаилотун мафоилун фаилотун.
мужтази мусаммани маҳбун солим

Луғат

Фатила – пилик, пилта

Синграмоқ – секин, оҳиста йиғлаш

Чигилиб – йигрилиб

Холий – 1) Бўш, ичида ҳеч нарса йўқ; 2) кимсасиз холи жой, ҳилват

Дақойиқ – 1) Нафисликлар, гўзалликлар, чуқур ва нозик маънолар; 2) чигалликлар, чалкашликлар

Тамасхур – мазҳара бўлиш

Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли радифсиз бу ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, шаклан мусалсалдир. Унда маъшуқа васф этилади, унинг либослари, ташқи кўриниши, феъли атворининг ошиқ руҳиятига кўрсатган таъсир тасвирланади.

Парийвашим қора бўркини, бир ён эгри қилибдур,
Магарки шамъи жамоли фатиласи эгилибдур.

Парисифат (ёрим) қора бўркини бир ёнга эгри қилиб, кийибди, бу билан гўёки гўзаллиги шамининг пилиги эгилганга ўхшайди.

Матлаъда тасвирланишича, парисифат маъшуқа олифталиқ қилиб, бошидаги қора бўрк – туркийларнинг махсус бош кийимини қийшайтириб кияди. Бу ундаги гўзалликни худди шамнинг қора пилиги эгилгани каби оширди, дейди Навоий.

Матлаъда эгри ва эгилибдур сўzlари орқали таносиб, шамъи жамоли бирикмаси ёрдамида истиора ва тамсил санъатлари яратилган.

Хат эрмас улки, чиқариб суйини меҳргияҳнинг
Қуёш саҳифасида раҳмат ояти битилибдур.

Лаблари устидаги хат эмас, меҳригуёҳ суви билан қуёш саҳифасига раҳмат ояти битилганга ўхшайди.

Байтда маъшуқа рухсори қуёшга ўхшатилиб, ундаги майин туқлар меҳригиёҳга ҳам қиёсланиш кифоя қилмасдан, қуёш юзи-га раҳмат ояти – илоҳий калом битилганлигига ўхшатишмоқда.

Байтда таносиб ва ташбеҳ санъатларига мурожаат этилмоқда.

Не навъ синграмаин ҳажр ароки, бағриму кўнглим
Фироқ игналаридин ўта-ўта тешилибдур.

Нима учун оҳиста, ўқиб-ўқиб йиғламай, ахир, айрилиқ ораси-даги бағрим ва кўнглим фироқ игналари санчилиб-санчилиб, тешилибди (яъни жароҳатланибди).

Навбатдаги байтда шоир шарҳи ҳол мотивига ўтмоқда. Яъни, юқорида тасвирланган гўзалликлар соҳиби бўлган маъшуқа ҳижрони ошиқ юрак-бағрини ўртаб, айрилиқ игналаридан илма тешиқ қилиб юборган. Шунинг учун унинг қаттиқ нола чекишга ҳам мадори етмай, оҳиста-оҳиста синграмоққа мажбур.

Байтда бағриму кўнглим сўзлари ёрдамида таъдид, фироқ игналари бирикмаси воситасида истиора, ўта-ўта сўзлари ёрдамида эса муқаррир ва муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Далил эрурки, кўнгулларни қилмиш ўлғасен озод,
Буқим салосали зулфунг тутунлари ешилибдур.

(Сенга асир бўлган) кўнгулларни озод қилганмисан, дейман, сочининг тутунлари (ўримлари) ечилибди.

Навбат яна маъшуқа гўзаллиги васфига. Унинг сочлари парижон бўлганини кўрган ошиқ бундай гўзалликдан такрор-такрор ҳайратланади. Бу ҳайратини у юқоридаги таъриф билан изоҳлайди. Унинг наздида маъшуқа сочининг парижонлиги ошиқлар кўнглининг озод этилиши билан боғлиқ. Сабаби ошиқларнинг кўнгли унинг сочларига боғланиб қолган.

Байтда кўнгулларни озод этилиши тасвири орқали ташхис, салосили зулфунг ва зулфунг тутунлари бирикмалари ёрдамида истиора санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Масиҳ игнаси Марям игиргон ип била гўё
Чигилиб, эғнига жонбахшлиғ тўни тикилибдур.

Исо Масиҳ игнаси Марям тўқиган ип билан ўралиб, эгнига жон бағишловчи либос тикилган(ми дейман, уни кўрганларга жон киради).

Навбатдаги байтда маъшуқа либоси ошиқ эътиборини тортмоқда. Яъни у шунчалар кишини ўзига тортувчи, ялтироқ ва ҳарирки, узоқдан уни кўрган ошиқ танасига жон киргандай бўлади. Шунинг учун Навоий уни илоҳий матодан, яъни Биби Марям йигирган ипдан Исо Масиҳ игнаси орқали тикилганми, деб ҳайратланмоқда.

Шу ўринда Исо игнаси образига бирров назар ташласак. Исломиёй эътиқодга кўра, Исо пайғамбар яҳудийлар тухматига қолиб, қатлга ҳукм этилгач, ғойибдан илоҳий нажот келиб, кўкка кўтарилади. Шунда у кишининг либоси ёқасида битта игна қадалган бўлади. Мана шу игна пайғамбар билан бирга кўкка кўтарилган игна сифатида муқаддаслаштирилиб, адабиётга илоҳий буюм, баъзан эса дунёнинг кичиклаштирилган рамзи сифатида махсус образ бўлиб киради.

Байтда Масиҳ, Марям сўзлари орқали таносиб, жонбахшлик тўн бирикмаси орқали истиора ҳамда муболага санъатлари яратилмоқда.

Агар Масиҳ дуоси ўлугни тиргизур эрди,
Не нутқ эрурки, сўкунчунг била ўлуг тирилибдур.

Исо дуоси ўликни тирилтирувчи эди, бу қандай нутқ эканки, сўкиши ҳам кишини тирилтиради-я?!

Навбатдаги байтда Навоий яна Исо пайғамбарни, аниқроғи унинг ўликларни тирилтирувчи жонбахш нафасини эсга олмоқда. Бироқ маъшуқа нафаси ундан ҳам кучлироқки, Исо алаҳиссалом дуо қилиб, кишиларга жон бағишласа, маъшуқа ошиқларига кўпол сўз айтиб, ҳақоратласа ҳам, уларга ҳаёт бахш этади.

Байтда муболаганинг ғулув даражаси, Масиҳ сўзи воситасида талмех, ўлик ва тиргизур сўзлари орқали тазод, бу сўзларнинг тақрирдан эса икки ўринда тақрир санъатлари юзага келмоқда.

Тўла қадах керак ичсам кўнгулни қилғали холий
Ки, анда давр элидин дарду ғусса кўп йигилибдур.

Кўнгилни бўшашиш учун тўла қадаҳ ичсам, (хайрон бўлмангки) унда замондошлардан дарду ғусса кўп йиғилиб қолибди.

Навбатдаги маъвиза байтда шоир мавзудан чекиниб, замондошларидан, атрофидаги ўзини тушунмаган нодон оламондан нолимоқда. Зеро, бу бежиз эмас. Ҳамиша бир хилликни маъқул кўрган оламон турфа хилликларни хушламайди. Туғма истеъдод, дохийлик қуввати эса якранглик билан, демак оламон характери билан мослашолмайди. Қаршилик қилай деса, сон жиҳатдан кўп оламонга кучи етмайди. Шунинг учун ҳамиша улуғ даҳолар, истеъдодлар замондошларининг таъна-маломатларига нишон бўлиб, улардан доим кўнгиллари озурда бўлган. Бу озурдаликни, озорларни енгиш учун бир қадаҳ маърифат шароби керак, дейди улуғ шоир доноларча тафаккур қилиб.

Байтда дарду ғусса сўзлари ёрламида таъдид санъати ҳосил қилинмоқда.

Фалак дақойиқидин кимса бош чиқармади харгиз
Ким, ушбу риштанинг асру тугунлари чигилибдур.

Тақдир чигалликларидан ҳеч ким бош чиқаролмади, чунки бу унинг тугунлари чирмашиб, чигил бўлиб кетган.

Маъвиза байтдаги фикр навбатдаги ўринда ҳам давом этмоқда. Яъни, замондошлар озори ва ундан ҳосил бўлган кўнгил хиралиги ҳамда бошқа барча нарсалар ҳам, асли тақдирнинг ишидир. Баски, бу тугунлари чирмашиб кетган тақдир ипидан ҳеч ким ўз ҳаётини қутқара олмайди.

Байтда фалак дақойиқи – тақдир ажойиботлари бирикмаси ёрдамида истиора, ришта, тугун ва чигилмоқ сўзлари ёрдамида таносиб санъатлари юзага келмоқда.

Кўп этма ваъда Навоийга васлу қилма тамасхур
Ки, бу маҳол иш эрканни ул ҳам эмди билибдур.

Навоийга кўп ваъда бериб, мазҳара қилмаки, бу ишнинг маҳол эканлигини унинг ўзи ҳам энди бил(иб бўл)ган.

Мақтаъда Навоий ғазал мавзусига яна қайтмоқда ва маъшуқага мурожаат қилиб, висолнинг маҳол эканлигига тан бермоқда.

Балки бу байт ҳам юқоридаги мавзу – тақдирнинг мутлақлигидан унчалик узилиб кетмагандир. Балки, улуғ шоир тақдирнинг насиб этмаганлигини сезиб, маъшуқасига васил ваъда қилиб, мендан кулмаки, унинг маҳол эканлигини энди билдим, демокдадир.

Ҳар нима бўлганда ҳам ушбу ғазал ошиқона фикру, маъшуқа таърифи билан бошланиб, кескин бурилиш билан тақдир таърифи орқали маҳсун хулоса билан якунланадиган ижод намунасидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Кўзи ул юз ўтидин халқ ичини доғ этадур...”

Кўзи ул юз ўтидин халқ ичини доғ этадур,
Ёхуд ики қошининг ёларини чоғ этадур.

Ишқ кўнглумни шиёр айлабу кўздин суғариб,
Магар ул гул юзининг ҳасратидин боғ этадур.

Лаълидин маст ўлубон борди хуморим марази,
Турфа майдур буки, ҳам усруку ҳам соғ этадур.

Суванг ул ой эвининг томини балчиғ ясабон
Пайкаримнинг эвини, ҳажрки туфроғ этадур.

Ҳажри ашким тенгизу жисмим этиб кўҳи бало,
Олами ишқ аро баҳр била тоғ этадур.

Ғам туни меҳрсиз ўлдики, сипеҳр анжумидин
Меҳр рухсорини реш эткали тирноғ этадур.

Бу балоға не даводурки, Навойни ул ой
Нечак кўрса, муни ишқ анга камроғ этадур.

–V-- VV-- VV-- VV–

фоилотун фаилотун фаилотун фаилун
рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф

Лугат

Шиёр – 1) Шудгор (қилмоқ); 2) тирнамоқ

Пайкар – 1) Жусса, гавда; 2) вужуд; 3) сурат, шакл, кўриниш;
4) юз, чеҳра; 5) жамол

Кўҳи бало – бало тоғи

Реш – 1) Яра, жароҳат; 2) нотафон, заиф

Шарҳ ва изоҳлар

Этадур радифли етти байтли бу ғазал мазмунан ошиқона, шаклан мусалсал бўлиб, унда маъшуқа жабру ситами, ишқнинг ҳижрон ва аламлари таъсиридаги ошиқ ҳолати тасвирланади. Матлаъ маъшуқа ғўзаллиги ва унинг ошиққа кўрсатган акс таъсири тасвири билан бошланади:

Кўзи ул юз ўтидин халқ ичини доғ этадур,
Ёхуд ики қошининг ёларини чоғ этадур.

Кўзи ўтли юзидан халқ ичини ёндиради, ёки икки қошининг ёйларини хурсанд қилади.

Маъшуканинг юзлари нур таратишидан, ёноқлари қизиллигидан ловуллаб ёниб турган оловни эслатади. Кўзи эса шу оловдан ўқ отувчидир. Бу ҳолат ўқ отувчи икки ёйдек қошларини хурсанд қилади – улар икки томонга қараб ёйиладилар. Бу ҳолатларнинг барчаси эса халқ – ошиқлар ичини доғ этишга, яъни ёндиришга хизмат қилади.

Байтда ихчам ва таъсирли портрет яратилган. Унда кўз, юз, қош сўзлари орқали таносиб, кўз ва қошнинг жонлантирилиши орқали эса ташхис ҳамда муболаға санъатлари яратилмоқда.

Ишқ кўнглумни шиёр айлабу кўздин суғариб,
Магар ул гул юзининг ҳасратидин боғ этадур.

Ишқ кўнглимни шудгор қилиб, кўздан суғориб, (маъшуқам)нинг гул юзлари ҳасратидан боғ қилади.

Иккинчи байтда матлаъда тасвирланган гўзалликнинг айнан ошиқ руҳиятига кўрсатган индивидуал таъсири борасида сўз кетади. Маъшуқанинг гўзаллиги таъсирида ишқ ошиқ кўнглини шудгор қилади, кўз тинмай ёш тўкиб, шудгорни суғоради. Натижада ошиқ кўнглида ажойиб гулзор – боғ ҳосил бўлади. Вожабки, бу боғ маъшуқанинг гул юзлари ҳасратидан барпо бўлган.

Байтда ишқни жонлантириш орқали ташхис, кўз ва юз, гул ва боғ сўзлари орқали икки ўринда таносиб ва одатдагидек муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Лаълидин маст ўлубон борди хуморим марази,
Турфа майдур буки, ҳам усруку ҳам соғ этадур.

Хуморлик касалим лаълдек лабининг хаёлидан маст бўлади, бу қандай ғаройиб май бўлдики, ҳам масту ҳам соғ қилади.

Ошиқ маъшуқанинг лаълдек қизил лабларини эслагани заҳоти хумори ёзилиб, соғаяди ва яна ўша заҳотиёқ бу лабларнинг хаёли уни маст қилади. Айни пайтда нозик тасвир орқали улуг шоир маъшуқасининг лаблари мисолида ошиғини ҳам тирилтириш, ҳам ўлдира олиши мумкинлигига ишора қилмоқда.

Суванг ул ой эвининг томини балчиғ ясабон
Пайкаримнинг эвини, ҳажрки туфроғ этадур.

Айрилиқ вужудимни тупроққа айантирди. Энди бу тупроқни лой қилиб, у ой(дек маъшуқам)нинг томини суваб қўйинг.

Шу ўрингача бир маромда келаётган ғазал драматик пафоси ушбу байтдан фожеавий тус олади. Ошиқ ўзини ишқ ва айрилиқ

азобларидан ўлиб бўлган, деб ҳисоблайди. Ҳижрон яна ўз ишини кўрсатиб, ошиқ жисмини тупроққа айлантирар экан, шунда ҳам у ўз маъшуқасига содиқ. Тупроғидан лой қилиниб, ёри уйининг томига сувалишини хоҳлайди. Унинг тупроққа айланган жисмига маъшуқасини кўриб, жон кирса ҳам ажаб эмас. Зеро, юқоридаги байтда кўрганимиздек, маъшуқа ўлдиришга ҳам, тирилтиришга ҳам қодир!

Байтда ул ой ва пайкаримнинг эви бирикмалари ёрдамида истиора, эв сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, балчиғ ва туфроғ сўзларидан таносиб ҳамда муболағанинг ғулув даражалари ҳосил бўлмоқда.

Ҳажри ашким тенгизу жисмим этиб кўҳи бало,
Олами ишқ аро баҳр била тоғ этадур.

(Маъшуқамнинг) айрилиғи кўз ёшимни денгиз, жисмимни эса бало тоғига айлантириб, ишқ олами аро денгиз ва тоғни барпо қилади.

Фожеавий манзара чизгилари давом этмоқда. Энди ошиқ фожеаси унинг бир ўзига эмас, балки бутун ишқ оламига тегишли. Айрилиқ денгизга айлантирган кўз ёшлари ва бало тоғига эврилган вужуди барча ошиқларга – ишқ оламига таъсир этади.

Байтда муболаға, денгиз ва баҳр, кўҳ ва тоғ сўзлари орқали таносиб санъатлари яратилмоқда.

Ғам туни меҳрсиз ўлдики, сипеҳр анжумидин
Меҳр рухсорини реш эткали тирноғ этадур.

Ғам туни меҳрсиз бўлганлигининг сабаби осмон юлдузларидан қуёш юзини жароҳатлаш учун тирноғ ўрнида ишлатади.

Ушбу маъвиза байтда Навоий “нима учун куннинг муқобили сифатида тун пайдо бўлди?” деган саволга ўзига хос бадий тафаккур билан жавоб беради ва унинг поэтик далиллайди. Яъни аввал фақат кундуз бор эди. ошиқлар ҳам бир-бирини дийдорига тўяр эдилар. Ҳижрон деган туйғу йўқ эди. Бироқ тақдир осмон юлдузларидан бир тирноқ – ойни барпо қилди ва қуёш юзини у билан тирнади. Қуёш юзи қорайди, тун пайдо бўлди, ошиқлар

бир-бирларини кўролмай қолдилар ва ҳижрондан нолий бошладилар. Шунинг учун бу ҳодисага ғам туни, деб ном бердилар.

Биргина байтда бутун бошли афсона яратган Навоийнинг бадий тафаккурига шу ўринда дол қолмай иложимиз йўқ! Байтда сипеҳр анжуми, ғам туни, меҳр рухсори бирикмалари орқали бир йўла уч ўринда истиора, меҳр, спеҳр, анжум ҳамда тун ва анжум сўзлари орқали икки ўринда таносиб ва ташхис санъатлари яратилган.

Бу балоға не даводурки, Навоийни ул ой
Нечак кўрса, муни ишқ анга камроғ этадур.

Бу қандай бало ва унга қандай даво бўлдики, Навоий у ой(дай маъшуқа)ни неча марта кўрса ҳам, ишқ унга камроқ қилиб кўрса-таверади.

Яъни Навоий ҳар қанча кўрса ҳам маъшуқани, уни дийдорига тўймайди, уни яна ва яна кўришни хоҳлайверади. Аниқроғи, бу борада ихтиёри ўзида эмас, ишқ уни шу ҳолга солган, дейди улуғ шоир мақтаёда. Демак, юқоридаги зору таваллоларнинг асл сабаби ғазал якунида намоён бўлади.

Драматик ва фожеавий пафос билан йўғрилган ғазал умидбахш бир якун билан – висол дамларига ташналик ва қоникмаслик ҳисси тасвири билан ҳулосаланади.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——
“Кундуз ул хуршиди рахшондин кўзумга ёш эрур...”
——

Кундуз ул хуршиди рахшондин кўзумга ёш эрур,
Кеча ҳолим зулфи савдоси била чирмаш эрур.

Олмаған дин нақди бирла йикмаған меҳроб йўқ,
Эй мусулмонлар, не кофир кўз, муфаттин қош эрур.

Чок кўксумдин ичимга солиб ул ой кўнглидек
Асрарамким, ҳам ул ой бошимга отқан тош эрур.

Раҳм эмас бераҳмлиқдур сурмасанг бошимга раҳш
Ким, бу кўп қатла анинг помоли бўлган бош эрур.

Ишқ сиррин неча кўнглум ичра пинҳон асрасам
Ҳам, кўнгул ўти забона чеккач, элга фош эрур.

Қайси гул базминки суға, йўқса елга бермади,
Бу чаманда то булут саққо, сабо фаррош эрур.

Бенаволар оллида умри абаддин яхшироқ
Ким, Навоий дайр ичинда дохили авбош эрур.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Раҳшон – ялтироқ, порлоқ, жилвалантирувчи

Муфаттин – фитначи, фитнагар

Саққо – 1) Сув ташувчи, сув қуювчи; 2) мешкобчи, сув улашадиган

Фаррош – супурувчи, йиғиштирувчи, тўшак тўшовчи, хизматкор

Дохил – дахлдор, тегишли

Авбош – бадкор, безори, йўлтўсар, бебош

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтдан иборат эрур радифли ушбу ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, унда ошиқ шарҳи ҳолига бағишланган ва шаклан мусалсалдир.

Кундуз ул хуршиди рахшондин кўзумга ёш эрур,
Кеча ҳолим зулфи савдоси била чирмаш эрур.

Кундузи у жилванувчи қуёш(дек маъшуқамнинг дасти)дан кўзларимда ёш пайдо бўлса, кечалари эса ҳолим сочининг савдоси билан чирмашган бўлади.

Матлаъда Навоий лирик қаҳрамони аҳволи руҳиятининг сабабини тасвирлаб, оқибатини изоҳламоқда. Умуман, Навоий газалиётида матлаъ кўпинча шеър мундарижасини қисқача акс эттиради. Ошиқнинг ҳозирча унчалар хароб бўлмаган аҳволи маъшуқа гўзаллиги ва эътиборсизлигининг таъсири. Кундуз ҳам, тунда ҳам ёрининг фикру хаёли билан банд ошиқ кундузги висол онларидан ҳам, тундаги хижрондан ҳам бирдай озурда. Бамисли парвонадек, шамнинг ёруғига ҳам, унинг айрилиғига ҳам тоқат қила олмайди.

Байтда кундуз ва кеча сўзлари орқали тазод, хуршиди рахшон, зулфи савдоси бирикмалари орқали истиора ҳамда муболага санъатлари яратилмоқда.

Олмаган дин нақди бирла йиқмаган меҳроб йўқ,
Эй мусулмонлар, не кофир кўз, муфаттин қош эрур?!

Дин нақдини олиш ниятида у йиқитмаган бирорта меҳроб қолмади. Эй мусулмонлар бу қандай кофир кўзу, фитнагар қош бўлди-я!

Иккинчи байтда маъшуқнинг жон ўртовчи гўзаллигини нафақат ўзига, балки атроф-жавонибга таъсири кўрсатилмоқда. Маъшуқанинг кўзи бамисли кофир – тикилиб туриб, инсон қалбидан жонни эмас, ўша пайтлари жондан-да азиз неъмат ҳисобланган имонни олишга-да қодир. Қошлари шу даражада гўзалки, “мен турганда меҳробга сажда қилиб нима қиласан”, дея ўзига сифинтиради.

Байтда дин нақди, кофир кўз, муфаттин қош бирикмалари орқали истиора, эй мусулмонлар ундалмаси орқали илтифот, кўз ва қошни жонлантириш орқали икки ўринда ташхис ҳамда муболаганинг ғулув даражасига мурожаат қилинмоқда.

Чок кўксумдин ичимга солиб ул ой кўнглидек
Асрарамким, ҳам ул ой бошимга отқан тош эрур.

У ой(дек гўзал маъшуқам) бошимга отган тошни пора бўлган кўксимдан ичимга солиб, унинг кўнгли каби (асраб-авайлаб) асрамоқдаман.

Нега унинг кўнгли каби? Чунки ойдек гўзал маҳбубанинг кўнгли тош каби ҳиссиёз ва қаттиқ. Шунинг учун у ошиғини қийнаб роҳатланади. Шу сабабли ўзини ҳеч нарсага эҳтиёжсиз деб биледи. Бечора ошиқ бўлса, азбаройи садоқатидан маъшуқаси кўлидан ўз бошига отилган тошларни жон каби асрайди.

Байтда чок кўксум, ул ой бирикмалари ёрдамида истиора, ул ой бирикмаси такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури ҳамда одатдагидек, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Раҳм эмас бераҳмлиқдур сурмасанг бошимга раҳш
Ким, бу кўп қатла анинг помоли бўлган бош эрур.

Кўп марта унга оёқ ости бўлган бош учун бошимга келиб от ўйнатмасанг, (унга нисбатан) раҳм қилиш эмас, аксинча раҳмсизлик бўлади.

Маъшуқ кўп бор ошиғининг бошига келиб, от ўйнатиб, жавлон қилган. Ошиқ эса унинг оти оёқларига бошини қўйиб, ожизлиги садоқат изҳор этган. Энди раҳм қиламан, деб отининг бошини у томонга бурмаслик, бу поймол бўлган бош учун ҳам, ошиқ қалб учун ҳам раҳму шафқат эмас, аксинча эътиборсизлик белгисидир.

Байтда раҳм ва бераҳмлик сўзларидан тазод, бош сўзининг такроридан радд ул-ҳашв илал ҳашв, муболаға санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Ишқ сиррин неча кўнглум ичра пинҳон асрасам
Ҳам, кўнгул ўти забона чеккач, элга фош эрур.

Ишқ сирини неча марта кўнглим ичида пинҳон асрайман десам ҳам, кўнглидаги олов тилга чиққач, элга фош бўлади.

Яъни кўнгил ўти шу қадар гуриллаб ёнадики, ошиқ ичини ёндириб бўлиб, тилга етиб келади. Тил эса бундан беихтиёр нола қилади.

Байтда ошиқнинг абгор ҳолати куюқ бадийий бўёқдорлик билан муболағали тарзда тасвирланмоқда. Лекин бу тасвирда, маълум маънода реаллик ҳам бордай. Инсон бир сирни, айниқса ишқ

сирини сақласа, сақлайман деб ҳаракат қилса ҳам кўнглидаги туйғулар ниҳоят охири тилга чиқади. Ва бу тилга чиқиш аксарият ҳолларда беихтиёр, кўнгил туйғуларини сақлай олмаслик ҳолатига келгач, юз беради. Инсон руҳиятининг билимдони Навоий ошиқ руҳиятидаги мана шу нуқтага эътибор қаратмоқда.

Байтда ишқ сирри, кўнгил ўти бирикмалари орқали истиора, кўнгул ва кўнглум сўзлари орқали тақрир ҳамда муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Қайси гул базминки суға, йўқса елга бермади,
Бу чаманда то булут саққо, сабо фаррош эрур.

Бу (дунё) чаман(и)да булут сув келтирувчи, сабо фаррош экан, ҳар қандай гул базмини (яъни инсон ҳаётини) сувга ва елга беради!

Яъни кечаги ой юзли гўзаллар, гулдек нозанинлар, ошиқларни назар-писанд қилмаган маҳбубалар, кибру истиғнони ўзига касб қилган маъшуқалар умри сувга тушиб, елга берилади. Инсон ҳаёти, унинг тақдири шу. Бу қисматдан ҳеч ким қочиб қутилмайди.

Гул юзли нозанинлар ишқига бағишланган шеърга Навоий нега бундай байтни киритди? Бу билан балки у ғазалхонига дунёнинг ўткинчилиги, ҳар қандай туйғунинг, жумладан ишқнинг ҳам беқарорлигини уқтирмоқчи бўлгандир. Балки лирик қаҳрамон маҳбубасига киноя қилиб, кўп ҳам такаббур бўлаверма, сенинг ҳам суву елдек умринг бир пастда ўтади, гўзаллигинг кетади, димоқчидир.

Балки бу беш кунлик дунёда мана шу ўткинчи гўзалликнинг, муҳаббатнинг қадрига етайлик, деб таъкидламоқчидир. Балки... бу бизнинг тахминларимиз. Лекин ҳар нима бўлганда ҳам фикр жуда гўзал ва оригинал тарзда ифодаланган.

Байтда гул, чаман, булут, сабо сўзлари ёрдамида таносиб, булут ва сабони жонлантириш орқали ташхис санъатлари яратилган.

Бенаволар оллида умри абаддин яхшироқ
Ким, Навоий дайр ичинда доҳили авбош эрур.

Навоийнинг майхона ичидаги безориларга тегишли эканлиги бенаволар олдида адабий умрдан ҳам яхшироқдир.

Инсонни тушунмайдиган навосизлардан Навоий шу қадар безор бўладики, улар олдида юришдан кўра илоҳий маърифатдан баҳраманд бўлганлар орасида бўлиб, маломатларга қолишни афзал билади.

Ишқий ғазал, Навоий ғазалларида кўпинча бўладиган ҳолат – маърифатга интилиш ва ирфоний маънодаги мақтаъ билан якунланади.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Телбараб иткан кўнгул ёдима кирса гоҳлар...”

Телбараб иткан кўнгул ёдима кирса гоҳлар,
Йиғлаб ел кўнгли бузулғудек чекармен оҳлар.

Ўтти хўблар ой кеби, йўқтур арода ул қуёш,
Ваҳки, ул бадмерҳни кўрман ўтадур моҳлар.

Хўблар зулфу занаҳдониға бординг, эй кўнгул,
Ҳозир ўл, тундур қоронғу, йўлда бордур чоҳлар.

Ғар мусаввир сизса девор узра ул гул хирманин,
Жав-бажав мендин нишон бергуси бир-бир коҳлар.

Эй кўнгул, Фарҳод ила Вомиқ доғи Мажнун қани?!
Бўлмағил гофилки, бир-бир бордилар ҳамроҳлар.

Тўкти қон гулгун либосин кийгач ул хўблар шаҳи,
Қон тўкар эрмиш, қизил тўн кийса бешак шоҳлар.

Эй баҳори ҳусн, эшитсанг Навоий оҳини
Керак, албатта, хазон йелин соғинсанг гоҳлар.

– V – – V – – V – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Телбараб – жинни қилмоқ, мубтало қилмоқ

Иткан – этган

Хўб – 1) яхши, дуруст; 2) чиройли гўзал

Арода – бу ўринда, бу пайтда

Моҳ – Ой, маъжозан гўзал маъшуқа маъносида

Занахдон – жағ суяги, ияк

Хирман – тўплам, уюм, хирмон

Жав-бажав – бирма-бир, ҳамма

Коҳ – 1) сомон; 2) жонни ўртовчи

Насрий баён

1. Мени телба қилганни гоҳида кўнглимга келтирсам, ёдга олсам, элнинг кўнглини бузгудек даражада йиғлаб, оҳ чекаман.

2. Яхшилар ҳудди ой каби бир кўруниб бир кўринмай ўтиб кетдилар, ораларида эса ул қуёш – ёр кўринмади. Эвоҳ, у меҳрсизни кўрмасдан неча ойларим ўтиб кетмоқда.

3. Ей кўнгил, сен яхшиларнинг зулфию сақоғигача ошиқ бўлдинг, аммо, огоҳ бўл, тайёр тур, бу йўл қаронғи, унда кўп қийинчиликлар, чоҳлар бор.

4. Агар мусаввир девор устига ёрнинг сураглари уюмини чизса, жонни ўртовчи булар мендан хабар беради.

5. Эй кўнгил, Фарҳод билан Вомиқ яна Мажнун қани? Ғофил бўлма. Улар бирин-кетин ҳамроҳ каби манзилга бордилар.

6. Гўзаллар шоҳи, маликаси алвон либосини кийиб, қон тўкди. Шубҳасиз, шоҳлар қизил кийим кийса қон тўкар эмиш.

7. Эй баҳорий хусн, агар Навоий оҳини эшитсанг, қулоқ тут, ахир гоҳида сен ҳам хазон елини соғинсанг керак.

Шарҳ ва изоҳлар

Навоийнинг “Телбараб итган кўнгул...” деб бошланувчи ушбу газали ишқий руҳда ёзилган бўлиб, етти байтдан иборат. Илк мисраларданоқ ошиқ ўзининг ишқ йўлидаги ачинарли аҳволотидан, ғиғону нолаларидан дарак беради. Телба сўзи одатда, маълум мақсадда бутун умрини ё кучини, умидини, ишончини сарф этиб унга эришолмай охир тушкун бўлиб, эсидан айрилганларга нисбатан ишлатилади. Айниқса, ишқ йўлидаги бундайларни халқда девона, телба мажнун дейилади. Ошиқни мажнун аҳволига солган, телба қилган маъшуқа гоҳ-гоҳида унинг хаёлини банд этиб қийнайди. Шундай лаҳзада телба ошиқ йиғлаб шундай оҳ чекадики, элнинг кўнгли ҳам бу фарёддан вайрон бўлиб кетади. Муболаға санъати билан ифодаланган лирик қаҳрамон ҳолати ўқувчи руҳиятига ўз таъсирини ўтказа олади.

Иккинчи байтга келиб ошиқ машуқа меҳрсизлигидан шикоят қилади. Яхшилар, қолаверса гузал санамлар ойга қиёсланади. Ёр эса меҳрсиз. Сабаби у яхши кишилардек, ўз меҳри билан ошиқ дилига раҳм этмаяпти. У ой юзли санамлар ичидан ўз ёрини истайди. Аммо у кўринмайди. Тазод санъатига қурилган мазкур байтда ўзга гўзаллар – ойга, севикли маҳбуба эса кўёшга ўхшатиш билан кун ва туннинг доимий алмашилиб турганидек, учрашмаганидек, муҳибнинг маҳбубаси ҳам ҳеч вақт кўринмайди.

Одатда энг яхши ниятларга эришиш йўллари бироз олис ва синовли бўлади. Ишқ йўли ҳам шундай. У ҳам олис. У ҳам тўсиқларга ва ҳар хил машаққатларга бой. Ундан ўта олгангина чин ошиқ мақомини олади. Учинчи байтга келиб ошиқ мурожаати кўнгилга қаратилган бўлади. У ёрга нисбатан эса яна “хўблар”, яъни “яхшилар” сўзини қўллайди. Ошиқ ёрунинг яхшилигига, бир кун яхшлик қилишига, илтифот кўрсатишига ишонади. Лекин бу яхшиликка етишиш йўлининг машаққатлари, бу йўл тундек қоронғи, охирида ёруғлиги йўқ ва бу йўлларда кишини йиқитувчи чоҳлар қўплигини англайди ва ўз кўнглини булардан огоҳ этади.

Кейинги байтда шоир тасвири кенгайтириш мақсадида рассом образини киритади. Ёр тасвири тушган ҳар нарса ошиқ

юрагини ўртовчи восита. Шундай экан, ҳеч бир мусаввир ошиқ-чалик ул ёрнинг суратини чизолмайди. Зеро ёр сурати ошиқ қалбига жо бўлган.

Биламизки, бадий адабиётда тарихий шахсларнинг асарда қўлланиши талмеҳ санъатини юзага келтиради. Байтда ишқнинг тасвир даражаси янада ортиб бориб, Вомиқ, Фарҳод, Мажнун каби ошиқларнинг ишқиға ишора қилар экан, ишқда ғофил бўлмасликни кўнглиға туяди. Тажохул-ул ориф, талмеҳ, нидо каби мумтоз тасвирий воситалар байтнинг оҳанг ва таъсир кучини оширган.

Шоир бу байтда қизил рангға алоҳида урғу беради. Чунки қизил ранг муҳаббат рамзининг олий кўриниши ҳамдир. *Гулгун либос, қизил тўн* бирикмалари қон сўзига бевосита алоқадорлиқда ифодалананида катта фалсафий маъно бор. Гўзаллар султони алвон рангли либосини кийганда, яъни, муҳаббати аланга олганда ўз маъшуғини ҳижрон ўтида қийнайди. Байтнинг давомида энди ошиқнинг қизил тўни эътироф этилади. Ошиқлар шоҳи қизил либосини кийса, қони тўкилади, яъни маъшуқанинг ҳижрони сабаб юрак-бағри қон бўлади.

Ғазал сўнггида Навоий яна ёриға мурожаат қилади. Кўринадики, ошиқ гўзал ёриға ул қуёш, *хўблар шаҳи, баҳорий ҳусн* каби чиройли сифатлашларни берган. Эътиборли жиҳати шундаки, ғазал матлаъсида ҳам, мақтаъсида ҳам ошиқнинг “оҳи” алоҳида ўрин эгалляпти. Фарқи шуки, матлаъда ошиқ ёр сабаб оҳ тортади. Мақтаъда эса ёрнинг ошиқни соғингани сабаб тортган оҳи образли ифодасини топган. Шоир бу соғинчни хазон ели соғинчига қиёс этар экан, шеър лирик қаҳрамоннинг ўтинчи билан якун топади.

Муқаддасхон ТОЖИБОЕВА

— — — — —
— — — — —
“Юз туман меҳнат ўқи андуҳлуг жонимдадур...”
— — — — —

Юз туман меҳнат ўқи андуҳлуг жонимдадур,
То ҳаводин сарзаниш сарви хиромонимдадур.

Ҳожатим будур, Худоёким, каромат қилғасен
Нотавон жонимға ҳар заҳматки, жононимдадур.

Дард менда сендин ортуқ бўлса, жоно, не ажаб,
Ким сенинг жисмингдадур заҳмат, менинг жонимдадур.

Сўрдум, оғзи таъми талх эрмиш, ажаб йўқ ўлмагим
Менки, бу янглиғ ачиғ таъм оби ҳайвонимдадур.

Эй Масиҳо, субҳи айшим тийра бўлмиш гўйиё,
Зарраи бетоблиғ хуршиди тобонимдадур.

Даҳр боғи ичра барбод ўлмаған гул чиқмади,
Йўқ ажаб, гар елдин осибе гулистонимдадур.

Эй Навоий, сўрмадинг дерсен малул ўлганда ёр,
Соғинурсен гўйиёким бахт фармонимдадур?!

— V — — — V — — — V — — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Сарзаниш – гина, таъна; танбиҳ, койиш

Сарви хиромон – 1) текис хиром қилувчи; 2) сарвдек қомати келишган

Ҳожат – эҳтиёж, зарурат

Талх – аччиқ

Оби ҳайвон – Хизр ичган тириклик суви

Масиҳо – Исо Пайғамбар

Хуршид – қуёш

Даҳр – замон, дунё

Осиб – офат, зиён, заҳмат

Малул – 1) ғамгин, хафа; 2) ҳорғин; 3) хафа қилмоқ, ранжитмоқ

Насрий баён

1. Юз минг меҳнат машаққат ўқи бу ғамгин жонимдадир, ҳаводан ёққан маломат сарви хиромонимдадир.

2. Аллоҳим, сендан сўраган ҳоҷатим шуки, жононимдаги бутун заҳматларни бу нотавон жонимга бериш билан кароматингни кўрсатгайсан.

3. Эй жонон! Дард сендан кўра менда кўпроқ бўлса не ажабки, заҳмат сенинг жисмингда бўлса, менинг эса жонимдадир.

4. Сўрасам, оғзининг таъми (хасталикдан) аччиқ эмиш, ажабланманг, мен ўлмайман, чунки бу аччиқ таъм мен учун тириклик, ҳаётбахш сувдир.

5. Эй дўст! Ҳаётим субҳи гўёки қаро шом бўлди, чунки бетоблик зарраси бу порлаган қуёшимга тушди, уни тўсиб қўйди.

6. Бу дунё боғидан япроғи тўкилмаган гул чиқмади, агар елдан гулистонимга бир зарар етса ажаб йўқ.

7. Эй Навоий, ёр қийналиб турганда сўрамадингда, десанг, Ўйлайсанки, гўё бахт менинг ҳукмим остидадир.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ҳазрат Алишер Навоийнинг мазкур ғазали кўҳна муҳаббат мавзуида бўлиб, унда машаққатлар гирдобидида қолган ошиқнинг ҳазин кайфияти ва ғам-андуҳларга тўла ҳолати ўз ифодасини топади. Ғазал матлаидан бошлаб ошиқликнинг азоблари, ёр кўйидаги қайғу изтироблари қаламга олинади. Яъни ишқ кўйида озор-

ланаётган кўнгилнинг юз минг азоб ўқига чидаётгани, бу азоблар ошиқнинг жон-жонидан ўтиб бораётгани тасвирланади.

Шоир ғазалнинг иккинчи байтидаёқ муҳибнинг ўз маҳбубаси учун ҳар қандай машаққатларга тайёрлиги қатъий оҳангда баён қилади. Ошиқ қалб бу билангина кифоя топмайди. Муҳибнинг Аллоҳдан ягона тилаги шундаки, жононига йўлиққан ҳар қандай баюю заҳматларни ўзига тилайди, унга келган дардни ўзига сўрайди.

Маъшуқа ишқида азоб чекаётган ошиқнинг нолалари, изтироблари янада кучайиб боради. Байт мазмунига кўра, ошиқ ёрдан сўрасаки, хасталикдан оғзининг таъми аччиқ эди, аммо бу аччиқ таъм ошиқ учун тириклик, ҳаётбахш сувдир. Ишқий мавзудаги мазкур ғазал ҳам орифона маънога эга. Маълумки, мумтоз адабиётда Масих (Исо), Хизр тўғрисидаги ривоятларга кўра Масих ўз нафаси билан ўлган одамни тирилтиради, Хизр эса оби ҳаёт, яъни тириклик сувини топиб ичгани учун абадий яшаб, одамларга эзгулик улашади. Ҳазрат Навоий шу ўринда ушбу ривоятни байт мазмунига сингдиради. Яъни маъшуқа ўз жисмига келган дарддан азоб чекяпти, хасталикдан оғзининг таъми аччиқ, аммо бу аччиқ таъм ҳам ошиқ учун гўё обиҳаёт. Бу ўринда маъшуқани тириклик сувига, мангу ҳаётга нисбат беради. Қолаверса, ёр ўз васли билан ошиққа ҳаёт бахш этадики, лирик қаҳрамон маъшуқасини Исо Масихдай зотга тенглаштиради. Маълум бўлганидек, ошиқона ҳиссиётлар тасвири орқали орифона фикрларни ҳам бериб ўтади. Байтда сўрдум сўзи ийҳом санъатини (бўса ва сўрамоқ) юзага келтирган ва байтнинг маъно кўламини кенгайтирган.

Зеро, ишқдан мосуво бўлишлик ошиқ учун ҳаётининг субҳини қаро шомга айлантиради, чунки ёрнинг жисму жонига келган дарддан азоб чекади, дард зарраси “порлаган қуёши”га – маъшуқасига тушадики, бу зарра унинг ёруғ кунларини қоронғуликка айлантиради. Зеро, ошиқ наздида бу дунё боғидан япроғи тўкилмаган бирор гул йўқ.

Ғазалнинг мақтабида ошиқ ёридан нима учун хафа эканлигини сўрамайди. Чунки бахт энди унинг томонига ўтган. Дунёнинг жамики шодлиги ошиқни бахтиёр қилса ҳам, азобловчи ёрини барибир соғинаверади. Чунки у Аллоҳга қанчалик интилса, унга талпинса, уни соғинса, шундагина ҳақиқий бахтни ҳис қилади.

Муқаддасхон ТОЖИБОЕВА

“Кирди сиймобий либос ичра яна ул гулузор...”

Кирди сиймобий либос ичра яна ул гулузор,
Ул қуёшдекким, анга мони бўлур абри баҳор.

Ул булут янглиғ либос узра сизилган хатлари,
Бор анингдекким, ёғин тушкай булутдин тор-тор.

Бу либоси сиймгун ичра сенинг нозук танинг,
Ул кумушдекдурким, ул сиймоб аро тутқай қарор

Меҳри рухсоринг либоси сиймгундин мутлақо,
Ул қуёшдурким, қилур кўзгуда аксин ошкор

Бўлди сиймобий либосинг ранги баски айладим,
Кўз саҳобидин бошингга ашк сиймобин нисор

Танни чун сиймоб этар бу чархи ахзар оқибат,
Тўн агар сиймобий ўлсун, гар яшил, бир ҳукми бор.

Эй Навоий, қисвати гар обгундир не ажаб,
Бу яқиндурким, эрур су ичра дурри шоҳвор.

–V– –V– –V– –V–
фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Сиймобий – сиймоб рангли
Абри баҳор – баҳор булути

Сизилгон – чизилган, битилган, ёзилган

Хат – 1) чизиқ; 2) ёзув; 3) қизларнинг устки лабидаги майин туклари

Тор – 1) ип, тола; 2) қоронғи; 3) ихчам, кичик; 4) шам пилиги

Сиймгун – кумуш ранг, оқ тусли

Ахзар – кўк, яшил

Меҳр – қуёш

Рухсор – юз

Саҳоб – булут

Чарх – фалак, дунё

Яшил – 1) яшил ранг; 2) гўзал; 3) ярашиқли

Кисват – кийим

Обгун – кўкимтир рангда

Шоҳвор – энг гўзал дур

Насрий баён

1. Ул гулғуздор яна олтиндек либосга кирди, у гўё қуёшдек товланади, лекин унга баҳор булути тўсиқ бўлади.

2. Унинг булут каби либос устидан сочлари сизилган, бу гўёки булутдан ёгин тушаётганга ўхшайди.

3. Бу зар либос ичида сенинг нозик танинг бор. У кумушга ўхшайди, симобдан пайдо бўлган.

4. Ой юзинг кумуш рангли либосданда мутлақо бошқача. У қуёшга ўхшайди. Чунки у аксини кўзгуда ошкор қилади.

5. Агар сенинг сиймобий либосинг таърифини келтирсам, кўзимдан ёшлар оқиб бошинг узра унинг зар томчилари тўкилади. Шу боис, ялтироқ рангли кийиминг ранггини мақтамоқни бас қилдим. Кўзларимни киприкларим билан юмиб, бошингдан кумуш рангли кўзёшларимни сочаман.

6. Танни охир оқибатда тақдир симобдай эритади, агар у симобий ранг ёҳуд яшил бўлсин барибир охири ҳукми аниқ унинг.

7. Эй Навоий, унинг либоси агар кўкимтир рангда бўлса, ёрнинг ўзи гўёки сув ичидаги энг гўзал дурдек товланади.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ғазал ошиқона битилган. Анъанавий етти байтдан иборат. Ғазал матлаъдан то мақтаъга қадар ёр гўзаллиги тасвирга олинган. Бу билан шоир ёр гўзаллигини бутун шавқи билан тараннум этишга, ҳудди шу рангга яқин эканлигига урғу берган ва бунга эришган ҳам. Зотан, бундай тасвирлардан сўнг симобий товланувчи либос кийган, рухсорининг ёруғлиги қуёш янглиғ маъшуқа тимсоли ҳаёлимизда гавдаланади. Лекин унинг гўзаллигига раҳна солувчи офатлар ҳам борки. қаҳрамон уларни баҳор булути, деб атайди. Улар нафақат ёр гўзаллигига, икки қалбнинг ишқига ҳам тўсиқ бўлади, зарар етказди. Байтда сифатлаш (сиймобий либос), ташбеҳ (қуёшдек), истиора (гулузор) каби бадийий воситалар ғазал таъсирчанлигини оширган.

Маъшуқани таърифига шу байтдан бошлаб эғнидаги либослари ҳам қўшилади. Унинг ўзи каби либоси ҳам нафис ва ҳарир. Адабиётимиздан маълумки, шоир ёр таърифида асосан унинг зулфи, бели, қоши, лаби, кўзи-кипригини келтиради. Шунингдек, иккинчи байтда соч тимсолида ёр ҳусни таъриф этилган. Ёрнинг сочлари узун ва қора. Улар ҳарир либос устидан пастга томон ёйилиб туради. Бу гўёки булут устидан ёгин тушаётганга ўхшайди. Байтда булут ва либос узра сизилган хат, қуёш, кумуш ва сиймобий ранг каби ташбеҳ ва рангларнинг қиёсидан усталик билан фойдаланган. Ғазалда ой юзли ёрнинг жамолининг қуёшдай порлаб туриши, унга ошуфта кўнгилнинг висол илинжидаги изтироблари юксак маҳорат билан тасвирланган.

Тўртинчи байтда таъриф йўналиши яна машуқа юзига кўчади. Азалдан ёр юзи таърифида ошиқлар қуёшдан фойдаланадилар. Боисики, унинг икки хислати беназир. Бири ёруғлиги бўлса, иккинчиси иссиқлиги. Хусусан, юқоридаги ғазал маликасининг ҳам либоси нечоғлик ёруғ, ҳарир ва гўзал бўлмасин ёр юзининг гўзаллиги ундан минг чандон юқори туради. Бу нарсаларни ҳам шу порлоқ юз ёритиб, чирой бериб туради. Унинг юзи шунчалар ёруғки, эғнидаги либосидан анчайин ёруғ. У гўё қуёшдекки, акси кўзгуда ошкор бўлади. Бунда биз истиора санъатининг гўзал намунасининг гувоҳи бўламиз.

Бешинчи байтга етганда ошиқ ўзининг шахсини ҳам қўшади, шу орқали ҳис-кечинмаларини, ишқ олами жабр-у жафоларини ҳам тилга олади, аёнроқ акс эттириришга уринади. Унинг дарди жуда кучли. У ёрни эмас, ҳатто унинг эғнидаги ҳарир либосини тилга олай деса бунга мадори етмас. Чунки ҳар нарса унга ёрни эслатади, яна ўртанади, ишқи алангаланиб бораверади. Бу дунё ўткинчи, у ҳеч кимга шафқат қилмайди. Сенинг либосинг ё симобий ранг, ё яшил ёхуд ўзга рангда бўлсин охир-оқибат танинг ҳам симоб каби эриб тупроққа айланади. Бу инсоният қисматиға айланган ҳукм. Бу ўринда орифона маъно шундай аксланадики, ошиқ ишқ йўлида ҳар нега тайёр, ҳатто ёр кўйида ўлимга ҳам. Шундай экан, бундай шахидлик Аллоҳнинг марҳамати ила жаннатнинг гулгун либосини кийишга муносиб. Бу гулгун либос охи-рат дунёсида жаннат гулларида тикилган ҳарир либос бўлиб, бу ишқ йўлида шахид бўлган ошиқлар либосидир. “Тўн агар сиймо-бий ўлсун, гар яшил, бир ҳукми бор” деганда шоир кийимнинг ран-гига ишора қиладики. Бу ўринда яшил рангли либос абадий ҳаёт рамзи сифатида (Хизр доим яшил рангли либосда тасаввур қилин-ган) нисбат қилинган) ошиқнинг аҳволи руҳиясини намоён этади.

Хуллас, биринчи байтдан бошланган таърифлар бир ёрга, бир унинг либосига кўчади. Кейин эса ёрни дурга қиёс этади. Ошиқ учун энг қимматбаҳо, ноёб дур. Унга етиш амримаҳол. Лекин ун-дан кечиш қийинлигини шоир ғазал мақтаида қайд этади.

Муқаддасхон ТОЖИБОЕВА



“Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар...”



Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар.

Дур тишингдин донайи сабрим қолур бебар десам,
Кулуб айтурким, экиннинг офатидур жолалар.

Барги гул узра ёпишибдур шакар ҳар саридин,
Ё магар лаълинг узу қайнабдурур табхолалар.

Тола-тола най ўқунг кўксумда гўё синдиким,
Теврулуптур нотавон кўнглумда бир-бир толалар.

Фитналик тўққуз фалак гирдингда, жоно, турфадур,
Ким кўруптур бир қуёш давринда мундоқ ҳолалар.

Бордилар аҳбобу мен йиғлармен ўз аҳволима,
Корвондин қолған ит янглиғки, қилғай ноалалар.

Кўҳи ғам бўлди Навоий, лолалар – гулгун сиришк
Тоғ агар будур, бале ашк ўлғусидур лолалар.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Паргола – парча, бўлак

Бебар – ҳосилсиз, мевасиз, самарасиз

Жола – 1) дўл; 2) шабнам; кўч. кўз ёши

Лаъл – қизил лаб. Тасаввуф илмида пир сўзининг қиймати;
маъшуқа каломининг бебаҳолиги маъносида келади

Табхола – учуқ

Тола – саз тори

Теврулмоқ – санчилмоқ, қадалмоқ

Ҳола – оининг ёруғ гардиши

Насрий баён

1. Сенинг ҳажрингдан сарғайган юзим устига лола каби қип-қизил қонли ёш тўкаман, булар лола эмас, балки жигарим парчаларидир.

2. Дур тишингдан сабрим донаси уруғи бебар, яъни мевасиз қолади десам, қулиб айтадики, жола (жала)лар экиннинг офатидир.

3. Барги гул, яъни лабинг ғунчаси устидаги яшил япроқчалар устига ҳар тарафдан шакар ёпишган. Шира босган ёки бўлмаса, лаъл - кизил лабинг атрофини учуқ босгандек.

4. Най ўқинг (Бу ўринда най пири комил, ўқ унинг ўғитлари маъносида келянди) кўксимга бир бир санчилиб нотавон кўнглимда ип каби тизилгандир.

5. Эй жон, бу фитналик тўққиз фалак атрофингдadir, ажаб, бир қуёш атрофида бунча фалак айланганини ҳеч ким кўрмаган.

6. Яхши кўрганларим – ахбоблар кетдилар ва мен ўз ҳолимга йиғлайман, карвондан қолган бир ит каби нолалар қиламан.

7. Ғам тоғи бўлди Навоий, лолалар қизил томчи, тоғ агар бу бўлса унинг бағридаги лола каби бўлди кўзёшлар.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ғазал етти байтдан иборат. Ғазалда ошиқнинг ҳижрону айрилиқ дамларида чеккан соғинч азоблари, дардли кечинмалари тасвирланган. Бу тасвир фалак, борлиқ тушунчалари билан алоқадор ҳолда уйғунлашган. Ғазалнинг лирик қаҳрамони – ошиқ. У маъшуқа ҳажрида азоб чекади. Ишқи вақт ўтган сари алангаланиб бормоқда. Ошиқнинг юзи ёр ҳажрида сарғайиб кетган, боз устига тинмай кўз ёш тўкади, булар оддий ёш томчилари эмас, балки бағридан узилган парчалар. Матлаъдаги “лолалар” сўзи орқали ружуъ санъатининг гўзал намунасини кўриш мумкин.

Ёр ҳажрида ёнаётган ошиқнинг сабри тугайди. Чунки бу сабр доналари самарасиз, ҳосилсиз эди. У ёрига аҳволини баён қилганида, у қулиб: “Жола (жала)лар экиннинг офатидир”, дейди. Бу ўринда шоир томонидан яширин сўз ўйини қўлланилади, яъни “жола” кўзёши маъносида “йиғласанг, сабринг мевасини ололмайсан”, деган фикрни берса, жала маъносида эса, албатта, “кўп ёмғир экинга офатдир”, маъносини туямиз.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ташбеҳлари жуда гўзал ва оҳорли. Яъни барги гул, яъни ёрнинг ғунча лаби устидаги яшил япроқчалар устига ҳар тарафдан шакар ёпишган. Шира босган ёки бўлмаса, лаъл - кизил лаби атрофини учуқ босгандек. Ошиқ ёрини шундай таъриф этар экан, унинг бошқа севгучилари борлигини яширмайди.

Кейинги байтда илоҳийлик билан моддийлик бир-бирини тўлдиради, шунингдек, бу ўринда най пири комил, ўқ унинг ўғитлари маъносида келяпти. Пири комил билан хаёлан қилинган мулоқот ва унинг натижаларига ишора қилинади. Яъни, маслаҳат бергучининг сўзлари, насихатлари ошиқнинг юрагини забт этади, бу панд-насихатлар унинг юрагига ўқ каби санчилади.

Ошиқнинг маъшуқасига мурожаати, унинг дарди тобора кучайиб байтдан-байтга кўчиб бораверади. Ҳар сонияда турфа хил айланувчи фалак тўхтамай ўзгариб туради. Қанча тақдирларни кўради. Лек бундайин ишқни эмас. Ёрнинг ошиқ бошига солган савдоси шунчалик буюкки, бу каби ишқни шу онга қадар ҳеч ким кўрган эмас. Бу ҳам маъшуқанинг танҳолигидан далолат. Албатта байт мазмунига ошиқлик ва орифлик қоришган ҳолда сингиб кетган.

Ошиқ шу қадар кучли дардга чалинганки, унинг дарди денгиз сувидай тошиб бормоқда. Охир касалланиб қолиш даражасига етди. У ҳали англамаганди аҳволини. Қачонки дўстлари ҳол сўраганларида ўз ҳолатини яқиндан кўргандай бўлди. Шоир қаҳрамонга “ит” образини яқин келтириш орқали китобхон кўз олдида унинг чинданда ачинарли аҳволдалигини кўрсатишга эришади, бу билан лирик кечинма сюжети янада кучайтирилади. Ошиқнинг нолалари байтма-байт кучайиб борадики, ўз ҳолини, нолау фиғонларини қарвон ортида қолган итнинг нолишига ўхшатади.

Ғам тоғи бўлди Навоий, лолалар унда қизил томчидек. Бу агар тоғ бўлса, унинг бағридаги лолалар кўз ёшлардир.

Навоий мақтада лирик қаҳрамон ишқ йўлидаги чеккан ҳолатларига якун ясайди. Ошиқ ғамлари тоғ бўлди. Агар бу ишқ дарди тоғдек улкан бўлса, унинг кўз ёши ҳам қонли бўлиши тайин. Демакки, лолалар – бу ошиқнинг қонли кўз ёшлари.

Муқаддасхон ТОЖИБОЕВА



“Ул малоҳат шамъидин мундоғки жисмим ёнадур...”



Ул малоҳат шамъидин мундоғки жисмим ёнадур,
Ҳар бир учкун ғам шабистонида бир парвонадур.

Шоми ҳажрим шарҳин эл афсона қилди, оҳким,
Уйқуға солған қора бахтимни бу афсонадур.

Ғайрким, маҳв ўлдию сенсен бузуғ кўнглум аро,
Чуғз итиб, товус ер тутмиш ажаб вайронадур.

Кўксум ичраким ғамингдин нордек бўлди шикоф,
Ғўйиё ҳар бир бағир парғоласи бир донадур.

Кўйида сўрсанг кўнгулларни унутма, эй сабо,
Менинг авворамниким, ҳам хаста, ҳам девонадур.

Чарх шабгардиға гўё нақди умрунғдур ғараз,
Тегрангга ҳар тунки икки букрайиб айлонадур.

Сўрма ҳажрингда Навоий ёрину сарманзилин,
Ёр анга дардинг, ватан бир кунжи меҳнатхонадур.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Малоҳат – 1) Гўзаллик, чирой, ҳусн; 2) жозоба

Шабистон – 1) Кеча қононғулиги, қоронғу тун; 2) тунги ётоқхона, кечаси тунайдиган жой

Чугз – бойқуш, бойўғли

Итиб – йўқолиб

Шикоф – 1) Ёриқ, дарз, чок, тешиқ; 2) жароҳат, хасталиқ

Нор – 1) Шуъла, ўт, олов; 2) дўзах

Паргола – 1) Парча-парча, бўлак; 2) изтироб, алам, қайғу

Шабгард – тунда айлағувчи, тунги қоровул; ой

Кунж – бурчак, зовия, бирор нарсанинг бурчаги, чети

Меҳнатхона – мусибат, бало уйи

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли ғазал мазмунан арзи ҳол мотивлари-ни ўзида акс эттирган ошиқона бўлиб, шаклан мусалсалир. Унда ошиқнинг ишқ ва ҳижрон азобидаги ҳолатлари бор фожеалари билан акс эттирилган.

Ул малоҳат шамъидин мундоғки жисмим ёнадур,
Ҳар бир учқун ғам шабистонида бир парвонадур.

У малоҳат шами (бўлган гўзалимни кўрганимда) вужудим шу қадар ёнадик, ундан чиққан ҳар бир учқун ҳам тунидаги бир парвонага айланади.

Ошиқ маъшуқасини шу қадар севадики, уни кўрганда бутун жисму жонига олов туташиб, ёниб кетади. Бироқ унга шу қадар содиқки, ҳаттоки вужудидан чиққан ғам учқунлари унга парвона бўлади. Матлаъда шарҳи ҳол билан биргаликда садоқат изҳори ҳам муҷассамлашган.

Байтда малоҳат шамъи ва ғам шабистони бирикмалари ёрдамида истиора, шамъ, учқун ва шабистон сўзлари ёрдамида эса таносиб, андоқки сўзи орқали ташбеҳ ҳамда муболаға санъатларига мурожаат этилган.

Шоми ҳажрим шарҳин эл афсона қилди, оҳким,
Уйқуға солган қора бахтимни бу афсонадур.

Айрилиғим шомини (машхур ва ақл бовар қилмаслигидан) эл уни афсона қил(иб айтиб юр)ди, оҳки, қора бахтимни уйқуга со лган (ҳам айнан)шу афсона бўлади.

Байтда ухлолмай қийналган кишига қизиқ, муболағали афсоналар айтиб, ухлатиш каби одатга мурожаат этилган ҳолда ошиқ руҳиятини яна бир чизгиси тасвирланган. Ошиқнинг ҳижрондаги саргузаштлари афсонага айланиб бўлган. Лекин бу афсонанинг машхурлиги ёрнинг кўнглига раҳм солиш ўрнига, унинг этиборсизлигини бадтар орттирмоқда, яъни байтда ифода қилингандай, шундоқ ҳам қора бўлган бахтни бадтар уйқуга солмоқда.

Байтда шомии ҳажрим шарҳи ва қора бахтим бирикмалари ёрдамида истиора, афсона сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ажуз тури ҳосил бўлмоқда.

Ғайрким маҳв ўлдию, сенсен бузуг кўнглум аро,
Чўғз итиб, товус ер тутмиш ажаб вайронадур.

Бегона кетди, сен бузулган кўнглимда қолдинг, бойқуш йўқолиб, товус макон тутадиган бу қандай ажаб вайрона бўлди экан?!

Маъшуқанинг хаёли келганда, ғайр, яъни бегона ҳисобланган кўнгулдаги ҳар қандай нарса йўқолди. Ўз кўнглини вайронага қиёслаган ошиқ шу сабабли маҳбубаси хаёлини товусга, бошқа ҳар қандай нарсани эса бойқушга ўхшатапти.

Одатда, ошиқ кўнглини бойқуш макон тутган вайронага қиёслаш, хиромон қилган гўзалларни товусга менгзаш мумтоз адабиётдаги ташбеҳлардан ҳисобланган. Бу ташбеҳларни бир парда юқорилатган Навоий гўзал ёрнинг нафақат ўзи, ҳатто хаёли ҳам товусга монанд демоқда. Шунинг учун ўзининг вайрона кўнглини бойқушлардан қизганиб, маъшуқанинг товусдек жилваланувчи хаёлига ошён қилаётир.

Байтда чўғз ва товус ҳамда чўғз ва бойқуш сўзлари орқали икки ўринда таносиб ва ташбеҳ санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Кўксум ичраким ғамингдин нордек бўлди шикоф,
Гўйиё ҳар бир бағир парголasi бир донадур.

Ғамингдан кўксим ичидаги жароҳат бир анордай бўлди. Ундаги ҳар бир дона жигар бўлагидир.

Байтда ошиқнинг фожеавий қисмати гўзал ва ўзига хос тарзда тасвирланмоқда. Байтда тамсил ва гўйиё сўзи орқали ташбеҳ, нор ва дона сўзлари орқали эса таносиб санъатлари яратилмоқда.

Кўйида сўрсанг кўнгуллари унутма, эй сабо,
Менинг авворамниким, ҳам хаста, ҳам девонадур.

Кўчасидаги кўнгиллари сўрайдиган бўлсанг, эй тонгги майин шабада, менинг бетоб, телба бўлган оввора (кўнглим)ни ҳам унутма.

Навбатдаги байтда шоир ошиқ кўчасида кезгувчи тонгги шабада – сабога мурожаат этмоқда. Мумтоз адабиётда сабога мурожаат қилиб, ёрга салом ё хабар етказиш, шарҳи ҳол сўзлаш анъанавий ҳолатдир. Бунинг сабаби, сабо эркин ва енгил бўлгани ҳолда ҳар қаерга, жумладан, маъшуқа кўчасига-да бориши, эркин кезиши мумкин. Бу ўринда эса Навоий маҳбуба сари кетиб, бедарак йўқолган хаста ва девона кўнглини бир сўраб қўйишни сабодан илтимос қилиб, сўраяпти.

Байтда эй сабо ундалмаси орқали илтифот, ҳам хаста, ҳам девона сўзлари орқали таъдид, менинг авворам бирикмаси орқали истиора, кўнгилни жонлантириш орқали эса ташхис санъатлари юзага келмоқда.

Чарх шабгардиға гўё нақди умрунгдур ғараз,
Тегрангга ҳар тунки икки букрайиб айлонадур.

Само пойлоқчиси (ой)га умринг нақди(ни олиш) мақсад шекилли, ҳар тунда атрофингга икки букилиб айланади.

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий ғазал мавзусидан чиқиб кетиб, фалсафий мушоҳида юритмоқда. Яъни ойнинг ҳар тунда атрофингга айланишидан мақсад нақд каби бўлган умрингни, яъни жонингни олишга ўхшаяпти.

Нима бўлди? Тўлин ойни маъшуқа жамолига қиёслаган, унга эй ой, деб мурожаат қилувчи, ҳилолни эса қошларига ўхшатувчи поэтиктаъб шоир нега энди бирдан ўша майин нур сочувчи ойни инсон умрининг заволига ўхшатмоқда. Бунда бир мантиқ борми ўзи?

Бизнингча, бу байти билан улуг шоир умрингдаги ҳар кун, ҳар тундан огоҳ бўл, уни фойдали ва эзгу ишларга сарф қил, чунки вақтнинг ўзи умрнинг заволи деб, ғазалхонини ҳушёрликка чорламоқда, яхшиликка даъват этмоқда.

Байтда чарх шабгарди, нақди умр, бирикмалари орқали истиора, таъхис ва ҳусни таълил санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Сўрма ҳажрингда Навоий ёрину сарманзилин,
Ёр анга дардинг, ватан бир кунжи меҳнатхонадур.

Ҳижронингда Навоийнинг дўсти ва манзилини сўрамаки, унга дўст дардинг, ватани эса машақат уйининг бир бурчагидир.

Мақтада Навоий, одатдагидек, мавзуга қайтиб, фикрини яқунламоқда. Ғазал ўша ҳижрон ва ундаги бечораликлар изҳори билан хулосаланмоқда. Демак, ошиқнинг умри ҳали ҳам ёр кўчасидаги саргардонликда давом этмоқда. Давом этмоқдами, демак келажакка умид, интилиш бор. Тушқунлик руҳи билан яқунланган ғазал замирида шундай умидбахш ғоя яширин.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“То ҳаёлинг гаҳ кўнгул, гаҳ кўз аро меҳмон эрур...”

То ҳаёлинг гаҳ кўнгул, гаҳ кўз аро меҳмон эрур,
Кўз била кўнглум аросида ҳасаддин қон эрур.

Кўнглума пайконларингдин қатра-қатра су эмас
Ҳолима кўздек биайних ул дағи гирён эрур.

Ғарқамен ашк ичраким, ишқинг танимни ўртамас,
Йўқса ўт ким кўрдиким, хошок аро пинҳон эрур.

Ҳажр ўқидинким эрур бағрим аро юз минг тешук,
Ҳар тешук бир кўздурурким, ҳолима ҳайрон эрур.

Ҳусн майдонида ул кўз чобукедурким, анга
Холи мушкин гўю зулфунг анбарин чавгон эрур.

Даҳр бўстонида бош чеккан ниҳол атрофида,
Шох эмас, новак дегил, яфроғ эмас, пайкон эрур.

Тийғ ила душвор айлабсен Навоий қатлини,
Чехрадин бурқаъни олғилким, басе осон эрур.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

- Пайкон** – ўқининг металл учи, мажозан киприк
Биайних – айнан, худди шундай
Гирён – йиғловчи, йиғлаб турган
Ғарқа – ботиб кетган, чўкиб кетган
Ашк – 1) кўз ёши; 2) нур қатралари; 3) кўз
Чобук – 1) Тез, чаққон, илдам; 2) шўх, ўйноқи, гўзал
Гўй – чавгон ўйинида ўйналадиган тўп
Чавгон – 1) “от тўпи” ўйинида тўп урадиган учи эгри таёқ;
2) “от тўпи” ўйини, чавгон ўйини
Новак – 1) Ўқ, камон ўқи; 2) киприк
Бурқаъ – парда, ниқоб, ҳижоб

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги эрур радифли етти байтдан иборат ғазал ҳам мазмунан ошиқона ғазалларнинг шарҳи ҳол қисмига тегишли бўлиб, шаклан мусалсалдир. Унда ошиқнинг ҳижрон ва висол орасидаги

туш ва ўнг ўртасидаги каби сарсари ҳаёти тасвири акс эттирилади.

То ҳаёлинг гаҳ кўнгул, гаҳ кўз аро меҳмон эрур,
Кўз била кўнглум аросида ҳасаддин қон эрур.

Хаёлинг гоҳ кўз ва гоҳ кўнгли орасида меҳмон экан, кўз билан кўнглим ораси ҳасаддан қон бўлмоқда.

Матлаъда ошиқ висол ва ҳижрон орасидаги ҳаёти тасвири билан бошланади. Яъни, маъшуқа ошиқ қошига таширф буюрганда, унинг ҳаёли, балки дийдори ошиқ кўзларига меҳмон бўлади, ҳижрон онларида эса у кўнглида яшайди. Мана шу икки орада кўз ва кўнглида ғалаён бўлади, кўз ва кўнгли қонга тўлади. Бу ҳолатни Навоий маъшуқасига қарата “Улар сенинг ҳаёлингни талашиб, ҳасаддан қон бўлдилар”, – деб изоҳлайди.

Байтда гаҳ кўнгул, гаҳ кўз сўзлари ёрдамида таъдид ва тарду акс, шунингдек, ташхис ва муболаға санъатлари яралмоқда.

Кўнглума пайконларингдин қатра-қатра су эмас
Ҳолима кўздек биайниҳ ул дағи гирён эрур.

Кўнглимга кирган пайкон(дек киприкларинг)дан (кўнглим) қатра-қатра сув (бўлиб оқиб келаётган) эмас, балки ҳолимга қараб кўз каби йиғлаб турибди.

Кўнгли ва кўзга мурожаат иккинчи байтда ҳам давом этади. Энди ошиқ маъшуқа киприкларидан келаётган заҳматни тасвирламоқда. Яъни, улар ошиғи зор кўнглига кириб, қатра-қатра бўлиб эримайди, дейди шоир муболаға санъатига мурожаат қилиб, балки кўз каби ошиқ ҳолига ачинганидан ёш тўкади.

Байтда яна қатра-қатра сўзининг такроридан мукаррар, ташбеҳ санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ғарқамен ашк ичраким, ишқинг танимни ўртасам,
Йўқса ўт ким кўрдиким, хошок аро пинҳон эрур.

Ишқинг танимни ёндирмаяпти, балки кўз ёшларим ичига бутунлай ғарқ бўлганман, йўқса, хашак ичида пинҳон бўлган оловни ким кўрибди?!

Ишқинг ўт бўлиб, бутун вужудимни ёндириб юбормаганлигининг сабаби мен кўз ёшларимга фарқ бўлганим, яъни бошдан оёқ ҳўл бўлганимдир, дейди навбатдаги байтда Навоий, лирик қахрамон аҳволини поэтик далиллаб. Бўлмаса, ҳашак ичидаги олов ёниб турармиди, яъни ҳашакка айланиб қолган ғалвирак вужудимни ишқнинг олови бир зумда куйдириб, кул қилмасмиди?!

Кучли муболаға – ғулув бутун байтда акс этмоқда. Бундан ташқари тамсил, ўртамоқ ва ўт сўзлари орқали иштиқоқ санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ҳажр ўқидинким эрур бағрим аро юз минг тешук,
Ҳар тешук бир кўздурурким, ҳолима ҳайрон эрур.

Ҳижрон ўқидан бағримда юз минг тешик пайдо бўлган ва бу ҳар бир тешик бир кўз бўлиб, ҳолимга ҳайрон қолганча тикилиб турибди.

Навбатдаги байтда ҳам ошиқ ҳолатидаги фожеа ўзгача бир кўринишда акс этган. Бу байтда ҳам муболағанинг кучли даражаси – ғулув ўз ўрнида. Бундан ташқари ҳажр ўқи бирикмаси ёрдамида истиора, тешук сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-аруз илал ҳашв, ҳажр, ҳар, ҳолима ва ҳайрон сўзлари орқали “ҳ” товуши такроридан тавзеъ санъати яратилмоқда.

Ҳусн майдонида ул кўз чобукедурким, анга
Холи мушқин гўю зулфунг анбарин чавгон эрур.

Ҳусн майдонида бу кўз бир чавандоздирки, хол унга чавгонтўп, хушбўй қора сочинг эса анбар ҳидли чавгондир.

Навбатдаги байт – ғазалдаги ягона васф байт бўлиб, унда маъшуканинг кўзу, холу зулфи мадҳ этилмоқда. Савол туғилади: нима учун кўз чавандозга, хол чавгон тўпи, соч эса чавгон таёғига ўхшатишмоқда. Ҳўп, холнинг юмалоқлиги гўйга, сочининг узун ва қоралиги таёққа қиёсланишида мантиқ бор, дейлик. Лекин кўз билан чавандозни нима боғлаб туради?

Бу ўхшатишнинг сабаби бизнингча, кўзнинг бир нуқатда турмаслиги, ўз “майдони” ҳисобланган соққада чавандоздай илдам ҳаракат қилиши бўлиши мумкин. Фақат бугина эмас. Кўзнинг ҳусн майдонидаги чаққон, эпчил ва чавандозлиги, бир назар ташлаб,

хаммани мафтун этиши билан ҳам ифодаланади. Зеро, муҳаббат кўз кўзга тушганда бошланади. Бу борада чавандоз ҳисобланган кўзга бошқа аъзолар – хол ҳам, зулф ҳам тенглаша олмайди.

Байтда ҳусн майдони, холи мушкин бирикмалари ва чобуке сўзлари орқали истиора, хол, зулф ва кўз ҳамда айни пайтда чобук, чавгон ва гўй сўзлари орқали икки ўринда таносиб санъатлари юзага келмоқда.

Даҳр бўстонида бош чеккан ниҳол атрофида,
Шох эмас, новак дегил, яфроғ эмас, пайкон эрур.

Дунё гулзорида бир ниҳол бош чиқарса, унинг атрофидагиларни шох эмас, бир камон ўқи, япроқни эса шу ўқнинг металл учи деб билгин.

Яъни, ниҳолнинг ўзидан чиққанлар унга қарши боришади. Инсон вужудидаги аъзолари уни ҳалокат томон етаклайди. Ёки истеъдоднинг атрофидаги ишонганлари уни таназзул томон бошлайди.

Байтда даҳр бўстони бирикмаси ёрдамида истиора, бўстон, ниҳол, шох, яфроғ ҳамда новак ва пайкон сўзлари орқали икки ўринда таносиб санъатига мурожаат этилмоқда.

Тийғ ила душвор айлабсен Навоий қатлини,
Чехрадин бурқаъни олғилким, басе осон эрур.

Тиғ билан Навоий қатлини қийинликка қўйма, юзингдан пардани олқи, бу иш осон битади-қўяди.

Мақтаъда ғазал мавзусига қайтган Навоий маъшуқага мурожаат қилиб, мени тиғ билан ўлдириб, оввора бўлиб юрма, юзингдан пардани олсанг бўлди, жамолинг офати ва висол шамига парвона бўлиб, ўзим осонликча жон бераман, демоқда.

Нима учун? Чунки ошиқнинг шунча жон куйдиришдан, ҳижрон ўтида ёниб-куйишидан, кўз ёшларига чўмган ҳолда ишқда ёниб кетмаслигидан, ҳижрон юрагига юзлаб тешиклар очган ҳолда яшаб турганлигидан мақсад мана шу илоҳий ҳамол акс этган инсони гўзаллигини кўриш эди-да. Ғазал якуни мана шундай кульминацион фикр билан ниҳояланмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Ғунчайи хандон била ҳуснунг гули ҳуррам баҳор...”



Ғунчайи хандон била ҳуснунг гули ҳуррам баҳор,
Хаттинг андоқ сабзаким, бўлғай анга ҳамдам баҳор.

Юз уза тердин хатинг гар бош чекар, эй гул, не тонг,
Сабзаға боисдурур, чун бўлди эрса нам баҳор.

Шодлиғдин гулшани васлингда йиғлаб чексам ох,
Ёпма, юзким, гулга бўлмас ел ёғиндин ғам баҳор.

Оразим акси юзунг ойина тушкан турфадур,
Ким кўруптур ҳам хазон бир ойда бўлмоқ, ҳам баҳор.

Войким, бир гул хазонға солди айшим гулбунин,
Ушбу фасл ичраки топмиш жумлайи олам баҳор.

Раъду сайл эрмас, фиғону ашк эрур буким, ҳар эл
Гул юзунг кўргач тутар ўз ҳолиға мотам баҳор.

Қасди булбул кўнгли қайди бўлмаса, невчун солур
Боғ шўҳи сунбули зулфиға печу ҳам баҳор.

Гул эмас, бу боғ торожиға ийнак лаълдин
Айлади овиза меҳри давриға хотам баҳор.

Эй Навоий, чин баҳор эркин бу, ёхуд кўргузур
Боғи хулқидин улусқа довари аъзам баҳор.

-V-- -V-- -V-- -V-

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Хатт – 1) Чизик, йўл, из; 2) хат, мактуб, битик; 3) соч, зулф; 4) янги чиққан мўйлаб; 5) қилич дами; 6) ҳукм, фармон

Сабза – 1) Яшиллик, кўкат, кўклам, майса; 2) ёрнинг қоши, маъшуқа зулфи, хатти

Турфа – қизик, ажабланарли, одам ақли ҳайрон қоларди; но-дир, кам учрайдиган

Гулбун – гул, гул тупи

Раъд – 1) Момақалдирок; 2) ўт отувчи қурол, тўп

Сайл – 1) Сел, қаттиқ ёғин; 2) кучли сув оқими, тўлқин

Невчун – нима учун, нгега, нима сабабдан

Қайд – 1) Боғланиш; 2) тўсик, боғланишлик, монеълик; 3) маҳбус қилиш, ҳисбга олиш; 4) ёзиш, киришиш

Печ – ўралиш, буралиш; қинғир-қийшиқ

Торож – талон-тарож, ғорат, ҳужум

Ийнак – 1) Худди шундай; 2) айнан, шу замон; 3) энди, мана; шундай қилиб

Овиза – осилган, осил

Хотам – 1) Узук, узукнинг кўзи; 2) поён, оқибат, хотима; 3) муҳр, тамға; имзо ўрнига қўйиладиган ва эгасининг номи ўйилган тамға

Довар – шоҳ, ҳоким; ҳаким

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал мазмунан табиат тасвирига бағишланган бўлиб, шаклан мусалсалдир. Унда табиат тасвири маъшуқа гўзаллиги ва ошиқ қалби изтироблари тасвири билан параллел равишда ифодаланмоқда.

Ғунчайи хандон била ҳуснунг гули ҳуррам баҳор,
Хаттинг андоқ сабзаким, бўлғай анга ҳамдам баҳор.

Очилган ғунча(дай лабинг) билан ҳуснинг гули шоду-хуррам бўлган (яъни авжи яшнаган) баҳор кабидир. Лабинг устидаги сабза ура-

ётган майин тукларинг – хаттинг эса бу баҳор (яъни ҳуснинг гули) га дошмий йўлдошидир.

Матлаъда маъшуқа ҳусни табиат гўзаллигига параллел равишда акс этмоқда. Баҳорнинг ўзига хослиги ғунча ва гулларнинг очилиши, яшнаши ва майсаларнинг ўсиши билан белгиланги каби махбуба гўзаллиги ғунчадек лаблари, гүлдек ҳусни ва майин хаттларининг сабза уриши билан баҳоланмоқда. Ушбу параллел тасвир ғазал сўнгитигача давом этади.

Байтда ғунчаи хандон ва ҳуснинг гули бирикмалари орқали истиора санъатига мурожаат қилинмоқда.

Юз уза тердин хатинг гар бош чекар, эй гул, не тонг,
Сабзага боисдурур, чун бўлди эрса нам баҳор.

Юзингдаги тердан лаб устидаги хатларинг бош чиқарса, ҳайрон бўлмаки, баҳор серёгин келса, майсалар шундай бош чиқаради.

Иккинчи байтда маъшуқага гул дея мурожаат қилаётган ошиқ, ёмғир ёғиши ҳодисаси билан ёр ҳуснининг яшнашини параллел бадий мушоҳида этмоқда. Зеро, ошиқ юрак ҳар қандай яхшиликдан маъшуқа гўзаллигини, унинг шахсиятини излайди. Ёри ҳусни ва камолотига ҳар қандай гўзалликни қиёслайди.

Байтда эй гул ундалмаси орқали илтифот, гул, сабза, баҳор сўзлари орқали таносиб санъатлари яратилмоқда.

Шодлиғдин гулшани васлингда йиғлаб чексам оҳ,
Ёпма юзким, гулга бўлмас ел, ёгиндин ғам баҳор.

Юзингни очганингда хурсандлигимдан “оҳ” чекиб, кўз ёши тўксам, юзингни ёпиб олма, ахир гулга шабада ва ёмғирдан ҳеч қандай зиён бўлмайди.

Навбатдаги байтда маъшуқа васфи ошиқ шарҳи ҳоли билан бирга табиат ҳодисасига параллел тарзда ифодаланмоқда. Ростда, висол пайти хурсандликдан кўз ёш тўккан ошиқнинг бу ҳолатидан маъшуқага ҳеч озор бўлмайди. Аксинча, у ўз гўзаллиги кишиларни не кўйларга солишини билиб, гул каби яшнайди, пинҳона табассум қилади.

Байтда гулшан васлинг бирикмаси ёрдамида истиора, йиғлаб, чексам оҳ сўз ва бирикмаси ҳамда гул воситасида таносиб, ёғин, ел ва баҳор сўзлари орқали эса икки ўринда таносиб санъатлари қўлланмоқда.

Оразим акси юзунг ойина тушкан турфадуру,
Ким кўруптур ҳам хазон бир ойда бўлмоқ, ҳам баҳор.

Юзим гўё чехранг акс этган ойнадир. Бундай бир ой (фасл)да ҳам баҳор, ҳам кузни ким ҳам кўрибди, ахир?!

Байтда тажнис санъатига мурожаат қилган Навоий ой сўзини икки ўринда икки хил – осмон жисми (маъжозан эса маъшуқаннинг гўзал чехраси) ва йил фасли маъноларида қўлланилиб, гўзал сўз ўйини яратмоқда.

Бундан ташқари байтда ораз ва юз сўзлари орқали таносиб, хазон ва баҳор сўзлари орқали эса тазод санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Войким, бир гул хазонга солди айшим гулбунин,
Ушбу фасл ичраки топмиш жумлайи олам баҳор.

Жумлаи олам баҳор топадиган (гулгун) фаслда бир гул менинг шодлигим гул бутасини хазонга айлантирди.

Жумлаи олам топадиган фаслда йўқотиш, бу ошиқнинг бошқалар, яъни эл билан бир бўлмаслиги, бўла олмаслиги, бир бўлиш учун унга қалбидаги ишқ олови йўл қўймаслиги таърифидир. Чунки унинг нозик қалбидаги баҳордан завқланиш, яъни айш гулбунини ўзи гул деб атайдиган бераҳм маҳбуба хазонга айлантирган.

Раъду сайл эрмас, фиғону ашк эрур буким, ҳар эл
Гул юзунг кўргач тутар ўз ҳолига мотам баҳор.

Чақмоқ ва селни фиғон ва кўз ёшларга қиёс қилки, гулдай юзингни кўриб, баҳор ҳам (рашк ва ҳасаддан) ўз ҳолига мотам тутмоқда.

Шу пайтгача баҳор гўзаллиги билан ёр ҳуснини ёнма ён таърифлаган, бирини иккинчисига қиёслаган Навоий энди баҳор

тароватидан ҳам маъшуқа латофатини баланд қўймоқда. Бундай гўзалликни кўрган баҳор ҳам гўё маҳбуба ҳуснига ҳасад қилиб, мотам тутмоқда. Яъни, чақмоқ чақиб, ёмғир ёғдирмоқда.

Байтда раъду сайл ва фиғону ашк сўзлари ёрдамида икки ўринда таносиб ва таъдид, раъд, сайл, гул ва баҳор сўзлари воситасида таносиб, гул юзинг бирикмасида истиора, баҳорни жонлантириш орқали ташхис санъатлари яратилмоқда.

Қасди булбул кўнгли қайди бўлмаса, невчун солур
Боғ шўҳи сунбули зулфиға печу хам баҳор.

Булбул кўнглига монезлик қасди бўлмайдиган бўлса, боғ шўҳи (бўлган гул)нинг сунбул (каби соч)ига нима учун баҳор эгрилик солди?!

Ушбу байтгача маъшуқа гўзаллиги табиат тасвирига қиёсланган бўлса, бу байтда, аксинча, маъшуқа ҳусни табиат гўзаллигига ўхшатишмоқда. Ошиқ кўнглига жабр қилиш мақсадида тақдир маъшуқа сочларини жингалак қилиб, гўзаллигини оширгани каби боғнинг эркаси бўлган гулнинг зулфи каби сунбулга баҳор эгрилик солмас эди. Кўрганимиздек, байтда гарчи табиат ҳақида сўз кетса-да, ошиқ ўз қалбига озор берган тақдир баҳорининг қилмишидан нолимоқда.

Байтда қасди булбул, булбул кўнгли қайди, боғ шўҳи, сунбули бирикмалари орқали тўрт ўринда истиора, печу хам сўзлари воситасида таъдид ва таносиб ҳамда ташхис санъатлари яратилмоқда.

Гул эмас, бу боғ торожиға ийнак лаълдин
Айлади овиза меҳри давриға хотам баҳор.

Кўрганингиз гул эмас, яъни ҳамма жой гуллаб-яшнаб кетгани йўқ, балки боғни ғорат қилиш учун олийҳиммат баҳор ўзининг ҳукмронлик даврида лаълдан узук ясаб, осиб қўйибди.

Маъвиза байтда олам, унда инсон умрининг баҳор каби ўткинчи эканлиги, тақдир ҳам худди баҳор боғ ҳуснини кўз-кўз қилгандай инсонни гоҳида намоён қилиб, гоҳида йўқ қилишга ҳам қодир!

Байтда ружуъ, меҳри даври, хотам баҳор бирикмалари орқали истиора, гул, боғ ва баҳор сўзлари орқали таносиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Эй Навоий, чин баҳор эркин бу, ёхуд кўргузур
Боғи хулқидин улусқа довари аъзам баҳор.

Эй Навоий, бу ўзи ростдан баҳорми, ёки боғ хулқидан одамларга ҳақими доно улуг (бир) баҳорни кўрсатмоқдами?!

Байтда баҳор сўзи такроридан таркирнинг радд ул-ҳашв илал ажуз тури яратилмоқда.

Ғазал якунида Навоий довари аъзам – улуг ҳоким боғи хулқидан, яъни олам манзарасидан нишона кўрсатаётими?! Улуг мутафаккирнинг олам ишларни тафаккур қилиши натижасида шундай ҳайратлар пайдо бўлган бўлса, не ажаб?!

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Ваҳки, кўнглум ғуссаси ҳар лаҳза қасди жон қилур...”



Ваҳки, кўнглум ғуссаси ҳар лаҳза қасди жон қилур,
Ҳажрим андуҳи бузуғ сабрим уйин вайрон қилур.

Кўп мададдур ҳажр андуҳида совуғ оҳлар,
Ким сингурса мен кеби ўзига қасди жон қилур.

Неча йиллик меҳнатим ишқ ичра билгай ошиқе
Ким, ҳадисин ёр ила ағёрдин пинҳон қилур.

Жонни истармен чиқарсам, уйидин кўзларни ҳам
Кўнглум ул дамким, хаёлин лаҳзае меҳмон қилур.

Асрадим жон ичра меҳрин, билмадим охир нафас
Ул Масиҳо ўлмагим англаб ўзин нодон қилур.

Фақр йўлинда ирик пашминадин ор этмаким,
Ҳар таҳарруқдин таайюн бандини суҳон қилур.

Соқийё, ҳолимни билдинг, эмди тутқил бодаким,
Бу суубатларни беҳудлуғ манга осон қилур.

Ростларға чарх агар ҳар лаҳза қилмас сарзаниш,
Шамъ бас ҳар тун недин йиғлаб куюб афғон қилур.

Дафъ этар дардин Навоийнинг ўшул майким мудом
Хусрави хусравнишон соқийлари эҳсон қилур.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Гусса – ғам, қайғу

Андух – ғам, алам, қайғу, дард, ранж

Сингурса – 1) Қайғурса, ғамни ичига ютса; 2) дилга озор бер-
а, кўнглини оғритса; 3) бузса; 4) ушатса, пастлаштирса

Ҳадис – 1; Сўз, калом; 2) пайғамбар сўзи; 3) ҳикоя, нақл

Ирик – 1) Кўпол, дағал; 2) оғир, машаққатли

Пашмина – 1) Жундан ишланган мато; 2) чакмон

Таҳарруқ – қимирлаш, тебраниш, ҳаракат

Таайюн – муайян бўлиш, аниқ бўлиш; аниқлик; маълумлик

Суҳон – эгов

Суубат – қийинчилик, азоб, қаттиқлик

Рост – 1) Чин, ҳақиқат; 2) тўғри, эгри эмас; 3) маъқул, муно-
иб; 4) тоза, покиза; 5) ўхшаш, мос; худди

Сарзаниш – маломат, озор, таъна; танбех, койиш

Хусрав – 1) Подшо; 2) Эрон сосонийларидан бўлган ҳукмдор
Хусрав Парвез

Хусравнишон – 1) Хусрав каби, Хусравдек

Шарҳ ва изохлар

Ушбу ғазал тўққиз байтли мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бўлиб, шарҳи ҳол мавзусида.

Ваҳки, кўнглим ғуссаси ҳар лаҳза қасди жон қилур,
Ҳажрим андуҳи бузуғ сабрим уйин вайрон қилур.

Воҳки, кўнглим ғам-алами ҳар лаҳзада жонимга қасд қилади, ҳижроним андуҳи эса сабримнинг бузилган уйини вайрон қилмоқчи бўлади.

Матлаъ шарҳи ҳол тасвири билан бошланмоқда. Ундаги вожеавий ҳолат бузилган сабр уйини яна вайрон қилиш ҳодисаси тасвирида тўла-тўқис акс этмоқда. Бундай фожеавий тасвир Навоий ижодида керагича топилади. Жумладан, “Ғаройиб ус-сиғар”деворидаги 638-рақамли ғазал матлаъсидаги:

Жунун водийсиға мойил кўрармен зону зоримни,
Тилармен бир йўли бузмак бузулғон рўзигоримни

байтида ҳам худди шундай фожеа устига фожеа ҳолати акс эттирилган.

Байтда кўнглим ғуссаси, ҳажрим андуҳи, бузуғ сабрим уйи каби бирикмаларда истиора, кўнгил ғуссаси ва ҳажр андуҳини жонлантириш орқали ташхис ва муболаға санъатлари қўлланилмоқда.

Кўп мададдур ҳажр андуҳида совуғ оҳлар,
Ким сингурса мен кеби ўзига қасди жон қилур.

Ҳижрон ғамига тортиладиган совуқ “оҳ”лар ҳам кўп мадад бўлади, кимки (“оҳ” урмай) ғамларини ичига ютса, менга ўхшаб, охири жонига қасд қилишгача боради.

Иккинчи байтда матлаъдаги фикр давом эттирилиб, кучайтирилмоқда.

Яъни, ҳижрон пайтларида “оҳ” тортиш ҳам фойдали бўлиб, киши юрагидаги андуҳни чиқариб юборади. Ичига солиб, жон қасдигача етиб бормайди. Шунинг учун бу пайтларда “оҳ” чекиб туриш, ғазал лирик қаҳрамони каби дардни юракка солавермаслик керак.

Байтда ҳажр андуҳи, совуқ “оҳ”лар бирикмалари орқали истиора, совуқ оҳларнинг мадад бўлиши орқали эса ташхис санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Неча йиллик меҳнатим ишқ ичра билгай ошиқе
Ким, ҳадисин ёр ила ағёрдин пинҳон қилур.

Ишқ ичидаги неча йиллаб (чеккан) заҳматларимни билган ҳар бир ошиқ ўз сўзини (уялгани сабабли) ёри ва рақибидан яширади.

Яъни менинг аҳволимни билганлар ўзини ошиқ деб даъво қилишдан ҳам, ҳижрон ва алам тортдим, дейишдан ҳам истиҳола қилади, демоқда ғазалнинг жафокаш лирик қаҳрамони. Ушбу байтда фожеа аниқ кўринмаса ҳам ишора орқали аввалги байтларнинг мантикий давоми ва тадрижий такомили эканлиги аён бўлмоқда.

Байтда меҳнатим сўзи орқали балоға, ёр ва ағёр сўзлари орқали тазод, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Жонни истармен чиқарсам, уйидин кўзларни ҳам
Кўнглум ул дамким, хаёлин лаҳзае меҳмон қилур.

Жонимни ҳам, кўзларимни ҳам “уйи”дан чиқаришни истайман, чунки кўнглим (ёримнинг) хаёлини бар лаҳза меҳмон қилишни хоҳламоқда.

Маъшуқанинг ҳатто хаёли келса ҳам, ўша жой, яъни кўнгулда бошқа ҳеч нарса бўлмаслигини истаган ошиқ кўзи ва жонини ҳам бегона ҳисоблаб, уйдан чиқаришга интилноқда. Байтда ишқдан келаётган заҳмату азиятларга қарамай маъшуқага бўлган садоқат ва вафо васфи тараннум қилинмоқда.

Байтда жон ва кўзлар сўзлари орқали таъдид ва ташхис, мубо-
лаға санъатлари яратилмоқда.

Асрадим жон ичра меҳрин, билмадим охир нафас
Ул Масиҳо ўлмагим англаб ўзин нодон қилур.

*Жоним ичида меҳру муҳаббатини асраб-авайладим, бироқ ўли-
шим аниқлигини билган Масиҳ (жон бағишламоқчи бўлиб) нодонлик
қилмаса (яъни жон бағишловчи нафас бериб, ёримнинг меҳрини жо-
нимдан чиқариб юбормаса) бўлди.*

Яъни жон бағишловчи пайғамбар – Исо Масиҳ ёрдам бераман,
деб ҳалал бермаса бўлди, деган лирик қаҳрамон жонидан ҳам
кўра маъшуқа муҳаббатини устун қўйганлигини ушбу байтда
ҳам таъкидламоқда.

Байтда Масиҳо сўзи орқали талмеҳ, муболаға санъатларига
муружаат этилмоқда.

Фақр йўлинда ирик пашминадин ор этмаким,
Ҳар таҳаррукдин таайюн бандини суҳон қилур.

*Фақр йўлида қўпол (матодан тикилган) либосдан ҳам ор қилмаки,
эгов ҳар бир қимирлашда аниқлик бандини (ҳосил) қилади.*

Яъни сенинг шу фақирона либосинг ҳам ахлоқингга таъсир
қилиб, сени камтаринлик, ҳокисорлик ва охир-оқибат камолотга
олиб бориши мумкин, бу худди эгов ҳар бир ҳаракати билан эгов-
ланаётган буюмни силлиқроқ, чиройлироқ қилишига ўхшайди,
дейди Навоий ғазалхонига қарата.

Ушбу байт маъвиза ёки орифона байтларнинг биринчиси бў-
либ, кейинги байтлар унинг тадрижий давоми ҳисобланади.

Байтда фақр йўли бирикмаси орқали истиора ва тамсил санъ-
атлари юзага келмоқда.

Соқие, ҳолимни билдинг, эмди тутқил бодаким,
Бу суубатларни беҳудлуғ манга осон қилур.

Эй соқий, (ишқ аросидаги) ҳолимни билдинг, энди бода узат, бу
қийинчиликларни ўзимдан кетишгина осон қила олади.

Навбатдаги байтда лирик қаҳрамон соқийга мурожаат қилиб, ундан ўзидан кетгунча пайдар-пай май тутишини сўраяпти. Чунки ишқ заҳматларию хижрон етказган азиятларга фақат беҳудликкина даво бўла олади. Зеро, бу май – маърифат бодаси, бу беҳудлик – фано ҳолатидир.

Байтда соқие ундалмаси орқали илтифот, соқий, бода сўзлари орқали таносиб, беҳудлик ҳолатини жонлантириш орқали эса ташхис санъатлари вужудга келмоқда.

Ростларға чарх агар ҳар лаҳза қилмас сарзаниш,
Шамъ бас ҳар тун недин йиғлаб куюб афғон қилур.

Тўғри сўзларга тақдирлар бир лаҳзада ҳам маломат қилиб, озор беради, ахир шам ҳам (тўғрилиғи учун) ҳар тунда ёниб, куйиб, фиғон қилади-ку!

Навбатдаги байт ҳам маъвиза характерида бўлиб, ижтимоий мазмунни ифодалямоқда. Тўғри сўзловчи ва тўғри йўлдан юрувчиларга тақдирнинг маломатларигина насиб бўлиши шамнинг ҳар тун ёниб, “афғон қилиши”га ўхшатилямоқда.

Байтда тамсил ва ташхис санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Дафъ ётар дардин Навоийнинг ўшул майким мудом
Хусрави хусравнишон соқийлари эҳсон қилур.

Хусравга монанд подшоҳнинг соқийлари инъом этадиган майгина Навоийнинг дардини дафъ этишга қодир!

Ғазал якунида Навоий дўсти ва султони Хусайн Мирзога Хусравга монанд бойлик ва салтанат эгаси, дея лутф қилмоқда.

Байтда Хусрав ва хусравнишон сўзлари орқали иштиқоқ санъати вужудга келяпти.

Ғазалда биринчи, иккинчи ва учинчи, тўртинчи ва бешинчи, еттинчи ва тўққизинчи байтлар орасида ўзаро тажнис санъати ҳосил бўлямоқда.

Тўққиз байтли ушбу ғазалнинг беш байти ошиқона мазмунда бўлиб, охириги тўрт байтида эса орифона мушоҳидалар акс этган. Ушбу ғазалда ошиқ изтироби ориф мушоҳидаларига уйғунлашиб, яхлит бар гармонияни ташкил этган. Бу улуғ Навоий фикри бўйи-

ча ишқнинг ҳам, маърифатнинг ҳам интиладиган манбаси бир ва у Яратганнинг дийдори, деган тушунчани акс эттиради.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Тарарда уқдалиғ зулфин мусалсал айлади чинлар...”

Тарарда уқдалиғ зулфин мусалсал айлади чинлар,
Гириҳ “мим”, икки зулфи икки “лом”, ийнак тароғ “син”лар.

Гириҳлар зулфида гўё ҳисоб айлаптур ул кофир
Олурда зухду тақво аҳлидин торож этиб динлар.

Осиб невчун фиғона солди зулфидин кўнгулларни,
Қарору сабр нақдин олғали гар айламас қинлар.

Не юздур, Аллоҳ-Аллоҳ, бода тобидинки, ҳар соат,
Очар насринлар узра гул, сочар гул узра насринлар.

Келур ул сарвким гуллар мулавван қилди гулшанни,
Киарда шах нечукким мулк эли боғларлар ойинлар.

Десам ҳусн аҳлини кўрмангки, золимдурлару қотил,
Кўнгул айтур кўрай, шоядки мундоқ эрмас эркинлар.

Эрур маҳзун кўнгуллар зулмати зулфида зор андоқ
Ки, шомии ҳажрида ишқ аҳлидин ҳар сари ғамгинлар.

Не елланмақдур, эй шах, мўр хайлидек черигдинким,
Сулаймондек бу водий ичра барбод ўлди чандинлар.

Навоий, бўлмайн зору заиф ўлмас наво топмоқ,
Бу эрмиш пири чанг авторидин дайр ичра талқинлар.

V --- V --- V --- V ---

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
ҳазажи мусаммани солим

Лугат

Уқда – банд, чигал, тугун

Мусалсал – занжирга ўхшаш, ҳалқа-ҳалқа; бир-бирига уланган

Чин – 1) рост, тўғри, ҳақиқат; 2) тириш, ажин, печ; 3) чими-рилиш

Гирих – 1) Тугун, чигал; 2) эгрилик, қинғирлик; 3) мушкуллик, қийинчилик; 4) ўрим, соч ўрими

Ийнак – 1) Худди шундай; 2) дарҳол, шу замон; 3) энди, мана; шундай қилиб

Зухд – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик

Тақво – парҳезкорлик, покизалик

Торож – талон-тарож, ғорат, хужум

Осиб – зиён, зарар, қулфат

Қин – 1) Кескир нарсалар (қилич, пичоқ)нинг қини, ғилоф; 2) қийнаш; азоб, машаққат

Мулавван – рангланган, рангли, ранг-баранг

Ойин – 1) Расм, одат; 2) йўл-йўриқ; 3) пасткаш киши; ўхшаш, каби; 4) зеб-зийнат, гавҳар билан безанган; 5) хулқ-атвор; 6) зебу зийнат, оройиш; равшан

Сари – сари, томон

Ел – 1) Елмоқ, югурмоқ, чопмоқ, тез юрмоқ; 2) шамол, шабада; 3) учқур от

Хайл – 1) Тўда, гуруҳ, тоифа; 2) эл, жамоа; 3) оила, бола-чақа, аҳли аёл

Чериг – 1) Қўшин, лашкар, аскар; 2) куч-қудрат

Чандин – ҳисобсиз, кўп, саноксиз

Чанг – 1) Чолғу асбоби; 2) чангал, панжа

Автор – торлар

Дайр – 1) Роҳиблар турадиган жой, монастырь; 2) майхона;
3) дунё, жаҳон, бу дунё

Талқин – тушунтириш, талқин; таълим бериш

Шарҳ ва изохлар

Ушбу ғазал орифона маънолар сингдирилган ошиқона – васф мазмунини ўзида акс эттирган ғазал бўлиб, шаклан пароканда-дир. Матлаъдаёқ чиройли тасвир маъшуқа ғўзаллиги мадҳини улуғламоқда.

Тарарда уқдалиғ зулфин мусалсал айлади чинлар,
Гириҳ “мим”, икки зулфи икки “лом”, ийнак тароғ “син”лар.

Чигал сочини тараида тўғри бўлган (тароқлар) ҳам қайрилиб қолди, эгрилик “мим”га, (қулоғи олдидаги) икки зулфи иккита “лом”га, тароқ эса “син”га айланиб қолди.

Матлаъда маъшуқа сочлари жингалак ва тароқ қайирадиган даражада қалинлиги тасвирланмоқда. Нима учун? Бу фақат ғазал бадий қувватини ошириш ва ғазалхонга эстетик таъсир ўтказиш учунми? Ёки шоирнинг бошқа бирон бир мақсади борми бу хил тасвирдан?

Орифона адабиётда соч ёки зулф образлари Аллоҳнинг яратмишлари, дунё ва бошқа мосуво, умуман касрат олами маъносини англатади. Солик касрат оламини англаб борар экан, Илоҳий қудрат, Унинг жамол ва камол сифатларини ҳис этади ҳамда илоҳий висолга тайёрланади. Демак сочни юзга, яъни илоҳий дийдорга етиш йўли дейишимиз мумкин. Шунинг учун Навоий ушбу девондаги:

Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум кеби ватан қилғил.

Матлаъси билан бошланувчи ғазалда маъшуқага мурожаат қилиб:

Юзунг висолиға етсун, десанг, кўнгулларни,
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.

Яъни, ошиқ кўнгуллар юзингга етишини хоҳласанг, (узун, қоп-қора) сочингни бошдан охиригача махсус асбоб билан жингалак қил, дейди.

Сочнинг қоралиги, узунлиги ва жингалаклиги эса илоҳий йўл машаққатларини, бу йўлда солиқ чекадиган заҳматларни ифода-лайди. Демак, бу ғазалдаги тароқ қайрилиб кетадиган даражада қалин, жингалик ва узун, деб таърифланаётган маъшуқа сочлари орқали илоҳий манзил сари бориладиган йўл таърифламоқда.

Байтнинг биринчи сатридаги зулф – ёр сочини, иккинчи мисрадагиси эса гажакларини ифодалаб, тажнис санъатини юзага келтирмоқда. Бундан ташқари байтда китобат санъатига ҳам му-рожаат этилмоқда.

Гирихлар зулфида гўё ҳисоб айлаптур ул кофир
Олурда зуҳду тақво аҳлидин торож этиб динлар.

Сочидаги чигалликларни зуҳду тақво элидан динни тортиб олиш учун у кофир санаб, ҳисобини олибди.

Сочини тарётган маъшукани кофир, деб ҳисоблаётган шоир, унинг сочидаги жингалаклар динни талон-тарож қилади, дея ҳукм қилаяпти. Нима учун? Чунки, тасаввуф адабиётида зулф куфр рамзи ҳам ҳисобланади. Куфр, дин ва бошқа туйғулар эса дунёвий ҳодислар ҳисобланиб, Илоҳ ва Унинг муҳаббати олдида ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Ҳатто Яратган висолига эришиш учун нафақат молу мулку жимсу жондан, балки дину имондан ҳам воз кечиш талаб этилади. Ғазал қаҳрамонининг маъшукаси бўлган гўзал шунинг учун сочларини тараб, динларни ғорат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

Байтда зуҳду тақво сўзлари орқали таъдид, зуҳд, тақво, дин сўзлари орқали таносиб, тақво аҳли ва кофир сўзлари воситасида эса тазод санъатлари юзага келмоқда.

Осиб невчун фиғона солди зулфидин кўнгулларни,
Қарору сабр нақдин олғали гар айламас қинлар.

Сабр ва қарор нақдини олиш учун қийнаш(ни мақсад қилмас экан) нима учун сочиға осиб, кўнгилларга фиғон солди?

Маъшуқа нафақат дин қасдига, балки ошиқ сабру қарорини олишга ҳам аҳд қилган экан. Қизиги шундаки, у бу ишни кўнгилларни сочиға осиб, яъни сунбул сочларининг жозибаси билан кўнгилларни олиб, амалга оширди.

Байтда қарору сабр сўзлари орқали таносиб ва таъдид, сабр нақди бирикмаси орқали истиора ва муболаға санъатларига муaroжаат этилмоқда.

Не юздур, Аллоҳ-Аллоҳ, бода тобидинки, ҳар соат,
Очар насринлар узра гул, сочар гул узра насринлар.

Бу қандай юз бўлди, эй Аллоҳ, май ҳароратидан ҳар соатда насринлар устида гул очиб, гул узра насринлар сочмоқда?!

Навбатдаги байтда маъшуқа юзига сочининг тушиб туриш ҳолати тасвирланмоқда ва гўзал ташбеҳ орқали юз гулга, соч эса насринга қиёсланмоқда. Фақат шуми? Навоийнинг ўткир мусаввируна нигоҳи ва теран бадиий тафаккурини эътироф этган ҳолда шуни айтиш ўринлики, фақатгина бу эмас. Чунки, ғазалда орифона тафаккур ошиқона тасаввур уйғунлигида амалга оширилган. Демак, байтнинг яширин маъноси қуйидагича аксланади: Ҳар лаҳзада дунёда илоҳий гўзалликни кўриб, мушоҳида этганимиз каби Илоҳ гўзаллигида ҳам дунёвий нафосатни кўрамиз. Умуман, бу икки тушунча зулф ва юз каби бир-бирини тақозо этади ва бир-бирига худди гул ва насрин каби ярашади.

Байтда Аллоҳ-Аллоҳ сўзлари орқали мукаррар, насринлар ва гул сўзлари орқали таносиб ва тарду акс ҳамда байтнинг умумий маъносидан истиора санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Келур ул сарвким гуллар мулавван қилди гулшанни,
Кирарда шаҳ нечукким мулк эли боғларлар ойинлар.

У сарв(дай тик қадли маъшуқам) келар экан, гулзор турли рангларга чулғанди, бу ҳолат эса шоҳ қаддам ранжида қилганда давлатли кишиларнинг ороланишига ўхшайди.

Навбатдаги байтда Навоий маъшуқа ташқи гўзаллиги орқали комил инсонни улуғламоқда. Унинг камолоти гўё боғдаги сарв каби баланд ва ёқимли. Бошқалар олдида эса у гуллар қаршисидаги сарвдек мағрур ва ўктам таассурот қолдиради. Ҳамма унга ёқиш учун ўзини унинг ахлоқи каби ёқимли хулқ билан безашга ҳаракат қилади.

Байтда сарв ва гул, мулк аҳли ва шоҳ сўзлари орқали таносиб ҳамда тамсил санъатлари яратилмоқда.

Десам ҳусн аҳлини кўрмангки, золимдурлару қотил,
Кўнгул айтур кўрай, шоядки мундоқ эрмас эркинлар.

Гўзалларни кўрманг, улар золим ва қотилдирлар десам, кўнглим “бир кўрайчи, балки ундай эмасдирлар”, дейди.

Байтда ишқ ва маърифат йўли кўнгил иши эканлиги, унга кириш инсоннинг ўз хоҳишига қараб эмас, тақдир ҳукмию кўнгил ризолиги билан бўлиши тасвирланмоқда.

Байтда золимлару қотил сўзлари орқали таносиб, кўнгулни сўзлатиш орқали ифрок ҳамда савол-жавоб санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эрур маҳзун кўнгуллар зулмати зулфида зор андоқ
Ки, шомӣ ҳажрида ишқ аҳлидин ҳар сари ғамгинлар.

Эзилган кўнгуллар сочи зулматида шунчалар зор, ҳижрони шомӣда эса ошиқлар ҳар томонда ғамга ботганлар.

Бу дунё тасаввуф адабиётида ҳижрон ва айрилиқ диёридир. Асл ўзлиги бўлган Илоҳий ўзликдан айрилган руҳлар, қандайдир даражада уйғоқ бўлсалар, бас, буни англаб етадилар ва илоҳий Дийдорга интиладилар. Мана шу ҳолатни Навоий маъшуқа зулфи зулматида зор ва ҳажри шомӣда ғамгин кўнгулларга муқояса қилмоқда.

Байтда зулмат, зулфи ва зор сўзлари орқали “з” товуши такроридан тавзеъ, маҳзун кўнгуллар, зулмати зулфи, шомӣ ҳажри бирикмалари орқали истиора, кўнгулларни жонлантириш орқали таъхис ва муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Не елланмақдур, эй шах, мўр хайлидек черигдинким,
Сулаймондек бу водий ичра барбод ўлди чандинлар.

Эй шоҳ, чумолидай (кўп) лашкаринг билан фахрланмаки, бу (дунё аталмиш) водийдай неча бир Сулаймон кабилар ҳам мағлуб бўлдилар.

Маъвиза байтда маъшуқа зулфи таърифидан чекинган Навоий ғазалхонига шоҳ бўлсанг ҳам (лашкаринг, хазинанг ва ҳоказолар билан) кўп ғурурланмаки, Сулаймондай улуғ салтанат эгаларини ҳам тақдир аталган бу водий барбод қилмоққа қодир, демоқда.

Байтда эй шах ундалмаси орқали илтифот, мўр-малах ҳамда мўр ва Сулаймон сўзлари орқали эса таносиб санъатларига мурожаат этилмоқда.

Навоий, бўлмайин зору заиф ўлмас наво топмоқ,
Бу эрмиш пири чанг авторидин дайр ичра талқинлар.

Эй Навоий (ишқ ичида) зору заиф бўлмасдан туриб, наво топмоқ (яъни мақсадга эришмоқ) мумкин эмас, бу чанг пиридан майхона ичидаги таълим(дан олинган хулоса).

Мақтаъда Навоий соф орифона мазмунда фикрлаб, илоҳий ишқ йўлида ожизлик ва муҳтожлик кўрсатмай мақсадга етиб бўлмайди, бу пири комилнинг суҳбатидан олган файз ва хулосам демоқда.

Байтда зору заиф ҳамда чанг, наво ва Навоий сўзлари орқали икки ўринда таносиб ва таъдид, Навоий ва наво сўзлари орқали эса иштиқоқ, пири чанг сўзи орқали истиора санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Умуман олиб қараганда ғазал илоҳий ишққа интилган қўнғил розларининг гўзал рамзий тараннумидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

—❧❧❧❧❧❧❧❧❧❧—

“Оллим ул ой саждасидин реш эрур ҳолим будур...”

—❧❧❧❧❧❧❧❧❧❧—

Оллим ул ой саждасидин реш эрур ҳолим будур,
Тоати мақбулум улдур, дағи иқболим будур.

Ўқларидин қушдек ўлдум жонга ул кўй орзу
Учмоқ истармен, вале кўрким, пару болим будур.

Бас, ғаниймен кўҳи ғам бирла жунун тоши аро,
Ийнак-ийнак тахти жоҳим улдуру молим будур.

Ёр шавқидин ўлар ҳолатдадурмен, эй табиб,
Не иложинг бор менинг худ заъфи аҳволим будур.

Чўмғали қўймас қуруқ найдек сўнгақлар ашк аро,
Турфа кўрким, баҳри бепоён аро солим будур.

Топмайин дунёда коме, динни барбод айладим,
Хайф дўзах ҳам манга, биллах, гар аъмолим будур.

Эй Навоий, гар ўларда жон талашсам қилма айб,
Дермен ул ойни кўруб, жон берсам ихмолим будур.

— V — — — V — — — V — — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Ол – 1) Қизил, тўқ қизил; 2) ҳийла, алдаш; 3) оила, хонадон;
зурриёт, сулола; 4) олмоқ, баҳралантирмоқ; 5) олмоқ, қўлга ки-
ритмоқ, забт этмоқ

Реш – 1) Яра, жароҳат; 2) нотафон, заиф

Мақбул – қабул қилинган, мақбул

Иқбол – 1) Бахт, омад; 2) муваффақият; 3) бахтиёрлик; 4) ҳол-аҳвол 50 давлат, бойлик

Кўй – 1) Кўча, маҳалла, катта йўл; 2) сув оқими; 3) маслак, мазҳаб, йўл

Пару бол – қанот, қанот-қўйруқ

Ғаний – бой, бадавлат

Кўҳ – 1) Тоғ; 2) баланд, юқори

Жунун – 1) Жиннилик, ақдан озганлик, савдойилик;

2) ошиқлик, беқарорлик

Ийнак – 1) Худди шундай; 2) дарҳол, шу замон; 3) энди, мана; шундай қилиб

Жоҳ – 1) Мансаб, амал, мартаба; 2) давлат, бойлик; 3) буюклик, шаън-шараф, шавкат, эътибор

Шавқ – зўр истак, ўткир хоҳиш, иштиёқ

Заъф – қувватсизлик, ҳолсизлик, хасталик, касаллик

Баҳр – 1) Катта, азим дарё, денгиз; 2) бирор нарсанинг буюклиги, улуғлиги, бекиёслигига нисбат

Сол – сол, паром

Биллаҳ – Худо ҳақи, азбаройи Худо

Шарҳ ва изоҳлар

Шарҳи ҳол мотивларини ўзида акс эттирган етти байтли, будур радифли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Унда ошиқнинг ишқ заҳматида қийналгани ва ҳасратлари акс эттирилган.

Оллим ул ой саждасидин реш эрур ҳолим будур,

Тоати мақбулум улдур, дағи иқболим будур.

У ой(дек гўзал маҳбубам)нинг саждасидан ол(адиган насибам) яра ва жароҳатдир, (нима қилайки) ҳолим шу, қабул қилинган, мақбулланган тоатим бу бўладиган бўлса, бахтиёрлигим ҳам, давлату бойлигим ҳам (айнан мана) шудир.

Матлаъ ожизлик ва ночорлик тасвирлари билан бошланмоқда. Ошиқ ишқ йўлида нимаки тўғри келса, ҳаммасига рози. Бу ризоликни эса у иқболим деб номламоқда. Зеро, аслида ҳам ишқдан нимаики келса, бош тортмай, ризолик бериш – бу бахтдан нишон беради.

Байтда мақбул ва иқбол сўзлари орқали иштиқоқ санъати яратилмоқда.

Ўқларидин қушдек ўлдум жонға ул кўй орзу
Учмоқ истармен, вале кўрким, пару болим будур.

(Киприкларингдан отилган) ўқларингдан кўчангда (парвоз қилишни хоҳлаган ҳолда) қушдек бўлдим, учишни истайман, лекин (томоша қилиб, кўрки) қанот-қўйруғим шу аҳволга тушди (яъни жароҳатланди).

Маъшуқа киприкларидан отган карашма ўқлари, яъни нигоҳларидан ошиқнинг жони яраланган қуш ҳолига тушган. У маҳбубасининг манзилига боришни хоҳласа-да, жони ярадор бўлгани сабабли учолмайди. Шунинг учун фақат нола ва фиғон қилади.

Байтда қуш, пар ва бол сўзлари орқали таносиб, қушдек сўзи орқали ташбеҳ санъатлари юзага келмоқда.

Бас, ғаниймен кўҳи ғам бирла жунун тоши аро,
Ийнак-ийнак тахти жоҳим улдуру молим будур.

Ғам тоғи ва телбалик тоши ичида бойман, энди мана шундай қилиб, тахту давлатим у (яъни ғам тоғи)диру, молим бу (яъни телбалик тошлари)дир.

Ишқдан ҳар қанча заҳмат келса – ғам тоғ каби юксалиб, ошиқ қалби ва вужудини босиб қўйса ҳам, кўча-кўйда юрганида болалар “жинни” деб, унга тош отсалар ҳам, йўлидан қайтмаса, аксинча булар менинг тахту тожим, давлату бахтим, деб улуғласа! Бизга ҳар қанча ғайритабиий туюлмасин, Навоий наздида ошиқнинг танлови худди мана шундай бўлган. Чунки, ишқ йўли – бу умр матлаби, инсон камолоти манзилидир. Унинг учун ҳар қандай озор ва маломатларга чидаш эса ошиқлик матлабидир.

Байтда кўҳи ғам, жунун тоши бирикмалари орасида истиора, кўҳ, тош ҳамда тахт, мол ва жоҳ сўзлари орасида икки ўринда таносиб санъатлари яратилмоқда.

Ёр шавқидин ўлар ҳолатдадурмен, эй табиб,
Не иложинг бор менинг худ заъфи аҳволим будур.

Ёрга бўлган интилишининг зўрлиги таъсиридан ўлар ҳолатга келдим, эй табиб, қандай иложинг бор, ахир заифлик орасидаги аҳволимни кўриб турибсан.

Навбатдаги байтда ошиқ табибга мурожаат қилиб, ишқ йўлида шу ҳолга келдим. Энди мени қандай муолажа билан ўзимга келтирасан, аҳволим ўлишга яқинлашиб қолган-ку, демоқда.

Ишқни бедаво дард ҳисоблаш, ўз ўлимини яқинлигини англаш ва табибга бу борадаги ночорлигини таъкидлаш мумтоз адабиётнинг анъанаси ҳисобланади. Бу мурожаат Навоийгача ҳам, Навоий ижодида ҳам, ундан кейин ҳам ошиқона ғазалларда қўлланилиб келмоқда.

Байтда ёр шавқи бирикмаси ёрдамида истиора, эй табиб ундалмаси орқали илтифот ҳамда муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Чўмғали қўймас куруқ найдек сўнгаклар ашк аро,
Турфа кўрким, баҳри бепоён аро солим будур.

Куриган найдек суяклар кўз ёшининг ичига чўмиб кетишга ҳам қўймайдилар, бепоён денгиз ичдаги солимнинг ажойиблигини қаранг!

Байтда энди ошиқнинг фожеий ҳолати бошқа бир ракурсдан қараб, таърифланмоқда. Яъни ошиқ лирик қаҳрамоннинг кўз ёшлари денгизга айланиб бўлган. У бу денгизга чўмиб, ғарқ бўлиб кетмоқни, яъни бутунлай несту нобуд бўлмоқни хоҳлайди. Бироқ шунинг ҳам имкони йўқ – ундаги найга ўхшаган суяклар сол каби бўлиб, ошиқ бечорани чўқтиргани – ҳалок бўлмоғига ҳам қўймайдилар.

Байтда ишқнинг ночорлик эканлиги, ўлишнинг ҳам, яшашнинг ҳам имкони бўлмаган бир аросат майдон эканлиги ўзига хос йўналишда, ўзига хос образлар орқали таърифланмоқда.

Топмайин дунёда коме, динни барбод айладим,
Ҳайф дўзах ҳам манга, биллах, гар аъмолим будур.

Дунёда мақсадимни тополмай, динни ҳам барбод қилдим, амалим бундай бўлганидан кейин менга (жаннат тугул) дўзах ҳам ҳайф!

Дунёни ҳам тополмай, динни ҳам қўлдан берган, ўзининг ҳар икки дунёсини йўқотган инсон, агар у ростгўй ва инсофли бўлса, ҳайф дўзах ҳам манга! – деб ҳайқириши турган гап! Шу ўринда маъвиза байтларда, муножотларда, умуман, Навоий ижодида акс этган иқрорномалар хусусида бир оғиз сўз. Буларни у замондошлари, атрофидаги кишиларнинг айблари тўғрисидаги таассуротлар, Навоий уларни биринчи шахсда беришни истаган, деган таъриф бу иқрорлар учун анча соддалик қилмасмикин? Бу иқрорларни алоҳида ўрганиш, агар лозим бўлса, ижодкор биографияси билан қиёслаб тадқиқ этиш, Навоийшуносликда ечимини кутиб турган саволларга жавоб бўла олар балки! Бу ҳам бир мулоҳаза. Ҳар нима бўлганда ҳам байт мана шундай кўнгил розлари бўлган иқрорлардан бир намунадир.

Байтда дунё ва дин сўзлари орқали шартли тазод, дунё, дин, барбод, дўзах, будур сўзлари орқали “д” товуши такроридан тавзеъ, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Эй Навоий, гар ўларда жон талашсам қилма айб,
Дермен ул ойни кўруб, жон берсам ихмолим будур.

Эй Навоий ўлар пайтим жон талашсам, айб қилмаки, у ой(дек маҳбубамни) кўрсаму, жон берсам, мақсадим шу-да ўзи!

Ғазал якунида ошиқнинг ишқ йўлида чеккан шунча заҳматидан, бу заҳматларни иқбол, деб кутиб олишидан, жунун тошию, ғам тоғини молу мулким, тожу давлатим дейишидан мақсад ягона – маъшуқа дийдори. Шунинг учун у охириги лаҳзада ҳам висол деб жон талашади.

Байтда эй Навоий ундалмаси ёрдамида илтифот, жон сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, ул ой сўзи ёрдамида истиора ҳамда, одатдагидек, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Ғазал маъшуқа учун дунёдан кечган ошиқ дил изҳорларидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Тиргузур ҳар дам рақибларнию мени ўлтурур...”



Тиргузур ҳар дам рақибларнию мени ўлтурур,
Ўт ёқиб эл жониға менинг ичимни куйдурур.

Кўнглум аҳволин сабодин сўрдум эрса дедиким:
Телбалардек бир парий кўйида саргардон юрур,

Ул қуёш юзига боққан сойи ортар кўз ёшим,
Меҳр тобидин агарчи ҳар неким, ўлдур, қурур.

Қон ёшим ранги ёшурди хотами лаъл оғзини,
Ўйнамоқда ёшлар андоқким узукни яшурур.

Сенки йўқсен моҳрухлар жилва айларлар валеқ,
Кеча ишнар қурт нури меҳр чиққач билгурур.

Ул қуёш ҳижронида ҳар тун ики мунглуғ кўзум,
Тонгға тегру субҳидам йўлиға боқиб телмурур.

Тузлук айлаб шамъдек, ваҳ, билмадимким, бу ниҳол
Меҳнат ўти гул очар, ёш қатраси бар келтурур.

Булъажаблиғлар баҳори ишқ аро кўрким, мени
Ғаҳ булутдек йиғлатур, гоҳе чоқиндек кулдурур,

Зухд оҳангин Навоий ҳар нечаким соз этар,
Бир наво бирла муғанний ёна йўлдин озғурур.

— V — — V — — — V — — — V —

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Кўй – 1) Кўча, маҳалла, катта йўл; 2) сув оқими; 3) маслак, мазҳаб, йўл

Меҳр – 1) Куёш; 2) муҳаббат, ишқ;

Тоб – 1) Ҳарорат, иссиқлик; 2) иситма; 3) нур, товланиш, порлоқлик; ёруғлик; 4) куч-қувват; мижознинг муътадил ҳолати; 5) эшилма, ўрим, жингалик

Хотам – 1) Узук, узукнинг кўзи; 2) поён, оқибат, хотима; 3) муҳр, тамға; имзо ўрнига қўйиладиган ва эгасининг номи ўйилган тамға

Моҳрух – ой юзли

Ишнар – ялтират, порлат

Билгирур – билдирмоқ, англатмоқ, маълум қилмоқ

Мунглуғ – қайғули, ғамли

Тегру – ... гача, - ...га қадар

Субҳидам – 1) Тонг; тонг пайти; 2) юз ёруғлиги, чеҳра порлоқлиги; гўзаллик;

Тузлук – тўғрилиқ, ҳалоллик

Булаъжаб – энг қизиқ, таажжубланарли, ажойиб, ҳайрон қоларли

Зухд – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик

Соз – 1) Соз, чолғу қуроли, мусиқа асбоби; 2) жўр, оҳанг, куй, нағма; 3) асбобу анжом, жиҳоз; тартиб, тайёргарлик

Муганний – мутриб, созанда; ашулачи, хонанда

Шарҳ ва изоҳлар

Васф ва шарҳи ҳол мазмунларини ўзида бирлаштирган ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Матлаъ, одатдагидек, хабар шаклида берилади:

Тиргузур ҳар дам рақибларнию мени ўлтурур,
Ўт ёқиб эл жониға менинг ичимни куйдурур.

Хар лаҳзада (илтифоти билан) рақибларимни тирилтирадию, мени эса (аксинча) ўлдиради, эл жонига олов ёқиб, (қарангки) менинг жонимни куйдирмоқда.

Матлаъда маъшуқа шўхлигининг икки хил кўриниши ва уни ошиққа таъсири тасвирланмоқда. Аввал у ошиқнинг рақибларига мурувват кўрсатади. Бундан ошиқнинг аҳволи оғирлашиб, ўлар ҳолга етади. Кейин эса барчага бирдек қаҳру-ғазаб қилади. Унинг бу ҳаракати ҳам ошиққа айниқса, кўпроқ, таъсир қилади: унинг эл қасдида ёқадиган ишқ олови ошиқ жонини куйдиради. Чунки ошиқ ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ маъшуқасига эътиборли. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатига диққат қаратади ва муносабат билдиради. Шунинг учун маъшуқа гўзаллигининг кичик бир зарраси, либосининг тахи, уловининг ранги, кайфиятию ҳолати унинг вужудида пўртаналар пайдо қилиб, довуллар ёғдиради.

Байтда тиргизур ва ўлдирур сўзлари орқали тазод, ўт ёқиб ва куйдирур сўзлари орқали эса таносиб ҳамда муболаға санъатлари яратилмоқда.

Кўнглим аҳволин сабодин сўрдум эрса дедиким:
Телбалардек бир парий кўйида саргардон юрур,

Кўнглимни аҳволини шабададан сўрасам, “жиннилардек бир парининг кўчасида саргардон юрибди” дейди.

Иккинчи байтда ошиқ кўнглининг аҳволини тасвирламоқда. У ёр манзили томон кетган ва ўшандан бери бедарак. Уни дараклаган соҳибига эса ҳамма жойда ҳозир нозир бўлган сабо – тонгги шабада “севгилингнинг кўчасида телбалардек юрибди”, демоқда.

Байтда сабонинг сўзлаши орқали иғроқ, кўнгулнинг жонланишидан ташхис, телба ва пари сўзлари орқали таносиб санъатлари юзага келмоқда.

Ул қуёш юзига боққан сойи ортар кўз ёшим,
Меҳр тобидин агарчи ҳар неким, улдур, қурур.

У қуёш(дек порлоқ юзли маҳбубам)га боққанам сари кўз ёшларим ортиб бориши ҳайратланарли, ахир қуёшнинг ҳароратига ҳар нима дуч келса, қурир эди-ку!

Байтда маҳбуба жамолини қуёшга тенглаштирган шоир, кўз ёшлари қуёш ҳароратидан қуримай, аксинча ортиб боришидан ҳайратланмоқда. Байтда маъшуқа ҳуснининг қуёшга тенглаштириш орқали васф, ўзининг аҳволи таърифи орқали эса шарҳи ҳол ифодаланмоқда.

Байтда қуёш сўзи ёрдамида истиора, қуёш ва меҳр сўзлари воситасида таносиб, кўз ёшининг ортиши тасвири орқали эса муболаға санъатлари акс этмоқда.

Қон ёшим ранги ёшурди хотами лаъл оғзини,
Ўйнамоқда ёшлар андоқким узукни яшурур.

Қонли ёшим лаъл кўзли узук “оғзи”ни яширди, бу ҳолат эса ёшлар ўйнаб узукни қўл билан яширишига ўхшайди.

Маъшуқа ҳижронида ошиқнинг аҳволи танглашиб, энди унинг кўз ёшлари қонга айланмоқда. Бу қонли кўз ёшлар шу даражада кўп тўкилмоқдаки, узукнинг лаъл кўзини ҳам кўрсатмай қўяпти. Бу ҳолатни эса шоир болаларнинг ўйнаб, узукни қўллари билан беркитиб, яширишларига қиёсламоқда.

Байтда қон ёшим ранги, хотами лаъл оғзини бирикмалари орқали истиора ҳамда тамсил санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Сенки йўқсен моҳрухлар жилва айларлар валеқ,
Кеча ишнар қурт нури меҳр чиққач билгурур.

Сен йўқлигингда ой юзли гўзаллар жилва қилишмоқда, лекин ялтироқ қуртнинг кечаси ёниши (яъни ҳеч нимага арзимаслиги) қуёш чиққандан кейин билинади.

Навбатдаги байтда ошиқ маъшуқасини қуёшга, унинг қарши-сида бошқа гўзалларнинг ҳуснини эса кечаси ёнадиган ялтироқ қуртга ўхшатмоқда. “Ким гўзал, севилган гўзал” – деганларидай, маъшуқа ҳуснига ошиқ нигоҳи билан қараш керак. Шунда ушбу байтдаги каби оҳорли ташбеҳлар, ҳатто бадийй кашфиётлар яратилади.

Байтда моҳрухлар сўзи орқали истиора, тамсил ва маъшуқа гўзаллиги таърифи орқали муболаға санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Ул куёш хижронида ҳар тун ики мунглуғ кўзум,
Тонгга тегру субҳидам йўлига боқиб телмурур.

*У куёшининг айрилиғида ҳар тунда иккита мунгли кўзим то
тонггача унинг йўлига боққан каби термулади.*

Навбатдаги байтда маъшуқа жамолини куёшга менгзаш давом
эттирилмоқда. Тонгга куёш чиққани каби маъшуқа жамоли ошиқ
кўзига тушади. Шомда эса у куёш каби беркиниб олади. Шунинг
учун ошиқ тонггача маъшуқа йўлига термулиб, кўз ёши тўкиши
ажабланарли эмас.

Байтда ул куёш сўзи орқали истиора, куёш, тонг ва субҳидам
сўзлари орқали таносиб, тун ва тонг сўзлари орқали эса тазод
санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Тузлук айлаб шамъдек, ваҳ, билмадимким, бу ниҳол
Меҳнат ўти гул очар, ёш қатраси бар келтурур.

*Шамдек тўғри бўлдим, лекин бу “ниҳол” яъни маъшуканинг гул
очиши учун машаққат ва мева тугиши учун ёш қатраси керак экан.*

Байтда ошиқ руҳияти тасвири келтирилмоқда. Маъшуканинг
илтифоти, ошиққа эътибор кўрсатиши ниҳолнинг гуллаши ва
мева бериши мисолида қўлланилмоқда.

Байтда ташхис, икки ўринда истиора, ниҳол, унинг гул очиши,
бар келтириши мисолида эса таносиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Булъажаблиғлар баҳори ишқ аро кўрким, мени
Ғаҳ булутдек йиғлатур, гоҳе чоқиндек кулдурур,

*Ошиқликдаги ажойиботлар баҳори, кўрки, мени гоҳ булутдай
йиғлатиб, гоҳ чақиндай кулдирмоқда.*

Нима учун? Чунки ошиқлик ўз номи билан беқарорлик. Унда
бир ҳолат, туйғу муқим турмайди, ҳажр висол билан, кўз ёши кул-
гу билан, қайғу хурсандчилик билан алмашиб туради ва ҳоказо.
Бу ҳолатларнинг барчасини Навоий булъажаблиғлар баҳори, деб
номламоқда.

Байтда булъажаблиғлар баҳори бирикмаси орқали истио-
ра, ғаҳ булутдек йиғлатур, гоҳе чоқиндек кулдурур бирикмалари

орқали таъдид, гаҳ ва гоҳе сўзлари орқали тақрир, баҳор, булут, чоқин сўзлари воситасида таносиб, йиғлатур ва кулдирур сўзлари орқали эса тазод санъатлари ҳосил бўлмоқда.

***Зухд оҳангин Навоий ҳар нечаким соз этар,
Бир наво бирла муғанний ёна йўлдин озғурур.***

Навоий ҳар неча ибодатлар оҳангини созламасин, чалғучи бир наво билан барибир уни йўлдан оздиради.

Мақтаъда Навоий ўзини ожиз ва нотавон санаб, ҳар қанча тавба қилиб, тақво ва зоҳидликка юз бурмасин, бари бир муғанний – мутриб ва хонанда бир наво – куй билан уни йўлдан оздиради ва яна ишққа қайта мубтало қилади, офтоб юзли гўзаллар ҳажрида нола чекишга, кўз ёш тўқиб, фиғон этишга мужбур қилади, демоқда.

Байтда зухд оҳанги бирикмаси орқали истиора, оҳанг, наво, соз ва муғанний сўзлари орқали таносиб, Навоий ва наво сўзлари воситасида иштиқоқ ҳамда муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ғазал ошиқ қалби изтироблари, қувончлари ва гўзалликка бўлган интилишнинг оташин шоирона таърифидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА


“Яна сенсизин мунисим ғам бўлуптур...”


Яна сенсизин мунисим ғам бўлуптур,
Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлуптур.

Қорариб кўзум дам-бадам зор йиғлар,
Анга шоми ҳажрингда мотам бўлуптур.

Ярамдин чекарга ўқин саъй қилманг
Ки, пайкон сўнғак ичра муҳкам бўлуптур.

Ичимдин нечук тортқайлар ўқинким,
Кўнгул қўймасу жон мадад ҳам бўлуптур.

Кўнгулга ёқар кирпикингнинг хаёли,
Менинг захмима ниш марҳам бўлуптур.

Ғуборин тилаб йиғлама ҳар дам, эй кўз
Ки, ашкингдин-ўқ ер юзи нам бўлуптур!

Бу гулшан аро барг тўтийлариға
Хазон тифли бас боиси рам бўлуптур.

Вафо шахсининг фарқини чарх тийғи
Ики бўлди, ваҳким, бири кам бўлуптур.

Эмас ғам юкидинки, қошингни кўргач,
Навоий сужуд эткали ҳам бўлуптур.

V-- V-- V-- V--
фаувлун фаувлун фаувлун фаувлун
мутақориби мусаммани солим

Лугат

Мунис – улфат, ҳамдам, яқин дўст

Саъй – тиришиш, уриниш, киришиш, ҳаракат

Захм – 1) Яра, жароҳат; 2) ошиқлик, севиш; 3) озор, ранжиш, кўнгил яраси; 4) зарба, уриш кучи, қуввати; 5) хафалик маломат; 6) бахтсизлик, омадсизлик; 7) заҳматлар

Ниш – 1) Ништар, яра; 2) уч, бош; 3) алам, қайғу

Марҳам – малҳам

Тифл – бола, ёш бола

Рам – чўчиш, ҳуркиб қочиш

Хам – эгилган, бўкилган, қайрилган; эгри, эгилиш

Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтдан иборат бўлиптурса радифли навбатдаги ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Унда ошиқнинг ҳижрон ва ишқ алаmidан чеккан озорлари қаламга олинган.

Яна сенсизин мунисим ғам бўлуптур,
Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлуптур.

Сенсиз яна улфатим ғам бўлиб, юрак қони кўзимга ҳамроҳ бўлибди.

Яъни, фақат ғам чекмоқдаман, кўзларимдан юрак қони кўз ёши бўлиб оқиб келмоқда, демоқда шоир ҳижрон кунларидаги ошиқ изтиробларини муболағали тарзда таърифлаб.

Байтда ғамнинг улфат, дўст саналаши ва юрак қонининг кўзга ҳамдамлиги орқали икки ўринда ташхис санъати яратилмоқда.

Қорариб кўзум дам-бадам зор йиғлар,
Анга шоми ҳажрингда мотам бўлуптур.

Кўзим дам-бадам зор йиғламоқдан қорайиб, ҳижронинг шомида мотам тутибди.

Кўзим тинмай ёш тўкмоқдан ожиз бўлиб қолди, дейди шоир айрилиқ изтироблари тасвирини давом эттириб, бу сендан айрилганим учун ўз ҳолимга мотам тутганим натижасидир.

Байтда кўзнинг йиғлаши орқали ташхис, даб-бадам сўзи орқали мукаррир, шоми ҳажринг бирикмаси воситасида эса истиора санъатлари яратилмоқда.

Ярамдин чекарга ўқин саъй қилманг
Ки, пайкон сўнғак ичра муҳкам бўлуптур.

(Кипригининг) ўқини ярамдан тортиб олишга ҳаракат қилманг-ки, унинг учи (яъни пайкони) суяк ичида маҳкамланиб бўлган.

Яъни ишқ жон-жонимга шундай жойлашганки, уни олишининг иложи йўқ. Ишқни жонимдан суғуриб олишга қасд қилган одам, аксинча, жонимга янада озор бериши мумкин, демоқда улуғ шоир.

Байтда ўқ ва пайкон сўзлари орқали таносиб, муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ичимдин нечук тортқайлар ўқинким,
Кўнгул қўймасу жон мадад ҳам бўлуптур.

Нега ичимдан ўқини тортасизлар, уни кўнглим қўй(иб юбор) ишни хоҳламайди, жон ҳам унга (бу борада) мададкордир.

Навбатдаги байт юқоридаги байтнинг мантиқий давоми ҳисобланиб, ундаги фикр бунда давом эттирилмоқда. Ишқидан жудо бўлиш менга шунинг учун ҳам озор берадики, у кўнглим ва жонимга пайванд бўлиб, ўрнашиб кетган, демоқда ошиқ аҳволи таърифида улуг шоир яна муболағали фикрлаб.

Байтда ундан ташқари ўқи сўзи орқали истиора, кўнгул ва жон сўзлари орқали таносиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Кўнгулга ёқар кирпикингнинг хаёли,
Менинг захмима ниш марҳам бўлуптур.

Кўнглимга кипригингнинг хаёли (яъни у ҳақда ўйлаш хуш) ёқади, бу ҳолат эса ништарнинг жароҳатимга даво бўлишига ўхшайди.

Ушбу байт ҳам юқоридаги фикрларни давом эттирмоқда. Яъни, юрагимга кирган ва пайкони суяк орасига жойлашиб олган киприкларинг ҳақида ўй суриш менга ором бахш этади. Бу ҳолат худди наштарнинг ярага малҳам бўлишига, яъни жарроҳлик орқали шифо беришига ўхшайди.

Байтда кирпикингнинг хаёли бирикмаси орқали истиора, захм, ниш ва марҳам сўзлари таносиб ҳамда муболаға санъатлари яратилмоқда.

Ғуборин тилаб йиғлама ҳар дам, эй кўз
Ки, ашқингдин-ўқ ер юзи нам бўлуптур!

(Унинг хоки пойининг) ғуборини сўраб, йиғламаки, эй кўзим, ёшларингдан ер юзи (бутунлай) нам бўлидби-ку!

Навбатдаги байт ҳам ҳижрон кунлари тавсифига бағишланмоқда. Айрилиқда қолган ошиқ маъшуқанинг ўзини кўрмаса ҳам,

хоки пойи ғуборини қўмсаб, шу даражада ёш тўқмоқдаки, натижада ер юзи сувга чўммоқда.

Байтда эй кўз ундалмаси орқали илтифот, унинг йиғлаши орқали ташхис, кўз ва ашк сўзлари орқали таносиб ҳамда муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Бу гулшан аро барг тўтииларига
Хазон тифли бас боиси рам бўлуптур.

Бу гулзордаги барг(рангли) тўтилар хазон болаларининг келиши туфайли чўчиб қочишибди.

Навбатдаги маъвиза байтда баҳор чекиниб, кузнинг яқинлашиши гўзал поэтик тасвир орқали ифодаланмоқда.

Байтда гулшан, барг ва хазон сўзлари орқали тансоуб, барг тўтиилари, хазон тифли бирикмалари орқали истиора санъатлари барпо бўлмоқда.

Вафо шахсининг фарқини чарх тийғи
Ики бўлди, ваҳким, бири кам бўлуптур.

Вафо шахсининг фарқини чарх тиғи иккига бўлиб юборибди, натижада (қарангки) икки томони ҳам бир кам бўлибди.

Навбатдаги байт ҳам маъвиза характерида бўлиб, унда вафо туйғуси ва вафодор шахси тақдирнинг қилмиши орқали ҳамиша хор ва забун бўлиши, бахтининг бири кам эканлиги айтилмоқда. Маъвиза байтлардаги кўпгина фикрлар каби бу ҳам улуғ мутафакирнинг кузатишлари, ҳаётдан олган хулосалари натижасидир.

Байтда вафо шахси, чарх тиғи бирикмалари орқали истиора, бир ва икки сўзлари орқали тансоуб, вафони жонлантириш орқали эса ташхис санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эмас ғам юкидинки, қошингни кўргач,
Навоий сужуд эткали ҳам бўлуптур.

Ғам юкидан (эгилди) дема, Навоий (меҳробдай эгилган) қошингни кўриб, сажда қилгани қаддини букди.

Мақтада Навоий яна ғазал мазмунига қайтмоқда ва уни якунлаб, Навоий ғам юкидан эмас, сени кўргач, яъни қошларингга сажда қилиш учун эгилди, демоқда. Байтда узоқ вақт интилиб, топилган висол шодлиги тасвирланмоқда.

Бундан ташқари ғазалнинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи ҳамда иккинчи ва олтинчи байтлари орасида ўзаро тажнис санъатлари вужудга келган.

Умуман, ушбу ғазал ҳижрон аламларини кўп бошдан кечирган ва ниҳоят висол хурсандчилигига етган ошиқ арзи ҳоли тасвирдир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Кўзунг не бало қаро бўлубтур...”

Кўзунг не бало қаро бўлубтур
Ким, жонға қаро бало бўлубтур.

Мажмуъи давони дард қилди,
Дардинги, манга даво бўлубтур.

Ишқ ичра онинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки, санго фидо бўлубтур.

Бегона бўлубтур ошнодин,
Бегонаға ошно бўлубтур.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сари анга ҳаво бўлубтур.

Боқий топар улки, бўлди фоний,
Раҳравға бақо фано бўлубтур.

То тузди Навойи ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.

-- V V-V- V-- (V--)

мафъувлу мафоилун мафоиыл (фаувлун)
ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур (махзуф)

Лугат

Не бало – наmunча, шунчалик ҳам...

Мажмуъи – 1) йғинди, тўплам. 2) ҳакмма, барча, жамъ

Онинг – унинг

Ҳаво – 1) орзу, майл, истаук, ҳавас; гурур; 2) ишқ, муҳаббат;
3) учиш, парвоз

Боқий – мангу, абадий; тасаввуф таълимотида бақо ҳолатига
етган солиқ, комил инсон, валий

Бақо – мангулик, адабийлик; тасаввуфда ўздигини топиш

Фано – вақтинча, ўткинчи; тасаввуфда камолотнинг энг юқо-
ри чўққиси, Аллоҳ зотиға сингиб, йўқолиб кетиш

Фоний – вақтинчалик, ўткинчи, тасаввуфда илоҳиётға сингиш

Раҳрав – йўловчи, саёҳатчи; тасаввуфда солиқ

Навоийнинг қалами остидан чиққан сўз шунчалик маъно тов-
ланишлари билан намоён бўладик, уларни ўқиб ҳайратингиз ор-
тади, қалбингиз ҳузур топади. “Кўзунг не бало қаро бўлубтур” деб
бошланадиган ғазалдаги сўзлар ҳам шу хилда:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур
Ким, жонға қаро бало бўлубтур.

Оддийгина кўз тасвирига бағишланган шу мисраларда сўзлар-
нинг жилвасини кўриш мумкин. Гап биринчи мисрада кўзнинг қо-
ралиги ҳақида, кейингисида шу қоралиқдан кўнгилға (аниқроғи,
жонға) тушган гўлгула устида кетмоқда. “Не бало”, “кўз кўриб,
қулоқ эшитмаган”, “ҳайрат ва таажуб уйғотадиган даражада”
деган маъноларға эга. Кейинги мисрада “бало” ва “қора” сўзлари-

нинг ўрни алмашиб қўлланган. Шу алмашиш натижасида эса мутлақо бошқа – янги маъно юзага чиққан. “Қаро бало” балоларнинг ҳадди аълосидир. Кўриниб турибдики, биринчи мисрадаги икки сўз кейинги мисрада ўринлари алмашинган ҳолда қўлланмоқда. Мазкур ғазал бошдан оёқ шу санъатга таянади. Унинг номи тарди аксдир.

Айни пайтда, кейинги “қаро”нинг феъл сўз туркумига оид “қара” ўрнида қўллангани ҳам сезилади (Бундай ҳолатда ийҳом санъати юзага келади). Бунда у “қарагин”, “кўргин” маъноларини англатади (“қарагин, жонга бало бўлубди”).

Мажмуъи давони дард қилди,
Дардинги, манга даво бўлубтур.

Бу ерда сўзларнинг ўрни оддийгина тарзда алмашиб келаётгани йўқ. Бу алмашишлар натижасида янги сўз ўйинлари ҳосил бўлмоқда. Дастлабки мисрада “даво” ва “дард” сўзлари шу кетма-кетликда қўлланган эди. Дард қилмоқ, қийинчиликка рўпара келмоқ, қийинчиликни рўпара қилмоқ маъноларини беради. Бунда муайян қийинчиликнинг кучайиши назарда тутилади. “Дард устига дард бўлди”, “Дард устига чипқон” сингари ибораларни ҳам эсга олиш мумкин. Уларда шу маъно янада кучайтирилган ҳолда намоён бўлади. Кейинги мисрада уларнинг ўрни алмашган ҳолда келмоқда. Гарчи шаклан “дард” сўзи ўзгаришсиз қўлланаётган бўлса-да, бу ерда у ишқ, ўй, орзу сингари маъноларни англатиб турибди.

Ишқ ичра онинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки, санго фидо бўлубтур.

Байтда яна сўз ўйинлари кўзни қамаштиради. Айниқса, “юз жон” ифодасига эътибор беринг. У метонимия сифатида юзта одам, яъни ошиқни англатади. Албатта, унинг “ошиқнинг барча жони” шакли ифодаляйдиган маъноси ҳам мавжуд.

Бегона бўлубтур ошнодин,
Бегонаға ошно бўлубтур.

Мумтоз адабиётдаги маъшуқа қаҳри қаттиқлиги ва вафосизлиги билан “машҳур”. Байтда шу маънога урғу берилган. Улар ҳам яна ўша сўзларнинг ўрнини алмаштириш эвазига ҳосил қилинган.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сари анга ҳаво бўлубтур.

Биринчи мисра маъшуқа ишқига мубталолик дардининг эътирофидан иборат. Бунинг учун “юзунг ҳавоси” ифодаси имкон берган. Айни пайтда у “юзунгнинг ҳаваси” тарзида ҳам тушунилиши мумкин. Кейинги мисрада эса “юз”нинг “ҳаво” сўзидан олдинга ўтказилиши билан янги-янги маънолар пайдо бўлган. Унда “ернинг юзи томон”, “янада” (“борган сари” деган ифодани эсланг) каби маънолар кўзга ташланади.

Боқий топар улки, бўлди фоний,
Раҳравга бақо фано бўлубтур.

Энди гал зид маъноли сўзларни қўллашга келади. “Боқий” ва “фоний” сўзлари соф тасаввуфий маънога эга. Моддий дунё орзу ҳавасидан устун келсагина, инсон ҳақиқий олам сирларини англаш имконига эга бўлади. Бу ердаги “раҳрав” образи ҳам эътиборлидир. У “йўл юрувчи”, яъни “солик” демакдир. Соликнинг асл мақсади бақо-боқийлик, мангуликдир. Мангулик эса фанода, яъни йўқликдадир. Бу, албатта, моддий олам ҳо-ю ҳавасларини эмас, маънавиятнинг ўзига хос қадриятларини назарда тутаети.

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.

Яқунловчи байт ҳам тарди аксни сақлаб қолган. Энди наво ва ишқ сўзларига урғу берилади. Кейинги мисрадаги сўзларнинг маъно товланиши диққатга сазовор. “Ишқ аҳли аро наво бўлубтур” дегандаги “наво” кўп маъноли. Унинг “овоза”, “шон-шухрат”, “бойлик”, “наво бўлмоқ” – овозаси ёйилмоқ, “Наво” куйи воситасида куйламоқ” сингари маънолари кўзга ташланади.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Кўзунг не бало қаро бўлуптур...”

Кўзунг не бало қаро бўлуптур
Ким, жонға қора бало бўлуптур.

Мажмуъи давони дард қилди
Дардингки, манга даво бўлуптур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки, санга фидо бўлуптур.

Бегона бўлуптур ошнодин,
Бегонаға ошно бўлуптур.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сари анга ҳаво бўлуптур.

Боқий топар улки, бўлди фоний,
Раҳравға бақо фано бўлуптур.

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

— V / V-V- / V-- (V--)
мафъувлу / мафоилун / мафойил (фаувлун)
Ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи мақсур (маҳзуф)

Лугат

Мажмуъи – 1) Жами, барча(си), ҳамма(си); 2) тўплам, йиғинди
Ҳаво – 1) Ҳаво, иқлим; 2) баландлик, осмон; 3) орзу, майл, ғурур

Боқий – мангу, адабий; тасаввуф таълимотида бақо ҳолатига етган солиқ, комил инсон, валий

Бақо – мангулик, адабийлик; тасаввуф таълимотида фанодан кейин келадиган ҳолат – Аллоҳ зотида қайта ва адабий яшаш

Фано – вақтинча, ўткинчи; тасаввуф таълимотида камолотнинг энг юқори чўққиси, Аллоҳ зотида сингиб, йўқолиб кетиш

Фоний – вақтинчалик, ўткинчи, тасаввуф таълимотида фано мартабасига етган солиқ

Раҳрав – йўл юрувчи, йўловчи

Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал ушбу ғазал гўзал бир санъаткорлик намунасидир. Бугина эмас. Бу ғазалнинг ўзига хос ёзилиш тарихи бор ва буни “Мажолис ун-нафойис” тазкирасида Навоийнинг ўзи айтиб ўтган. Асарда таъкидланадиганича, ғазал матлаъси Мирзобек исмли Ҳирот амирзодаларидан бирига тегишли бўлиб, у замона йигитларининг нодири, нозиктаъб ижодкор ҳисобланиши билан биргаликда, Навоийга шогирд ва фарзанд қаторида бўлган. Унинг бевақт вафоти улур шоирни каттиқ изтиробга солган ва унинг мана шу гўзал матлаъсини Мирзобек хотираси учун ғазал шаклига келтириб, девонига киргизган. Фақат бугина эмас. Навоий матлаъни давом эттирар экан, ундаги тарду акснинг гўзал намунасини ҳам ғазал сўнгигача ҳар бир байтда тақрирнинг қайсидир тури орқали истисносиз давом эттиради. Мирзобекнинг гўзал байтини бетакрор бир ғазал шаклига келтирадики, биз қуйида ушбу фикримиз исботини шоир тасвирлаган фикру туйғулар инъикоси ва бадиий тасвир воситалари мисолида кўриб чиқамиз.

Кўзунг не бало қаро бўлуптур
Ким, жонға қаро бало бўлуптур.

Қандай бало (эканки) кўзинг қора бўлиб, жонга қорайган бало бўлибди.

Дастлабки байтда маъшуқа мадҳи – кўзлари васф этилади. Унинг қоралиги ошиқ жонига бало бўлганлиги, шуниси қизиқки

балонинг ҳам қора, яъни энг ёмони бўлганлиги айтилади. Байтда тарду аксдан ташқари бало қаро ва қаро бало сўзлари иштирокида зулқофиятайнлик ҳодисаси ҳам унинг бадиий нафосатини оширмоқда.

Мажмуъи давони дард қилди
Дардингки, манга даво бўлуптур.

Дардинг менга даво бўлганидан бери жамики даволарни (аксинча жонимга) дард ўрнида қилди.

Ҳар қандай давони дардга айлантириб, ўзи даво ўрнига ўтадиган бу қандай дард бўлди? Албатта ишқ. У ўзининг пародаксаллик ва анормаллик хусусиятига кўра шоҳларни гадо, гадоларни эса шоҳга айлантирибгина қолмай, инсон жисму жонига бериладиган ҳар қандай яхшиликларни аксинча салбий қувватга айлантиришга, дардни ҳам давони ҳам фақат ўзидан излашга ўргатадиган букуч. Албатта ишқдир. У висол билан даво, айна пайтда, ҳижрон билан дард беради. Ушбу хулоса икки мисрадан иборат ихчам асарда бор бўю баста билан гавдаланмоқда.

Байтда тарду аксдан ташқари муболаға ва ташхис санъатлари ҳам юзага келмоқда.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки, санга фидо бўлуптур.

Қайси жон сенга фидо бўлса, ишқ ичидаги юзлаб жонлар унинг фидоси бўлсин!

Ёки ишқ ичида қайси жон сенга фидо бўлса, юзлаб жонлар унга фидо бўлсин. Ҳар икки маънода ҳам ошиқлар воситасида маъшуқа улуғланмоқда, чунки маъшуканинг улуғворлиги, гўзаллиги ва покизалигини англаб, ҳис қилиб, унга фидо бўлиши учун ошиқ чинакам камолот эгаси бўлиши керак. Бундай комил инсонлар учун эса, юзлаб жонлар фидо бўлса ҳам, ажаб эмас!

Байтда муболаға санъатидан гўзал тарзда фойдаланилмоқда.

Бегона бўлуптур ошнодин,
Бегонаға ошно бўлуптур.

(Минг бор афсуски, менинг маъшуқам) ошно – дўстидан бегона бўлиб, бегоналарга ошно (яқин) бўлибди.

Ушбу байтда ошиқ изтироблари фидосига фидо бўлиш даражадаги муҳаббатнинг жавобсиз эканлиги аламлари бор.

Байтда тарду акс санъати тақрирнинг радд ус-садр илал ибтидо ва радд ул-аруз илал ҳашв тури билан ўрин алмашади.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сари анга ҳаво бўлуптур.

Жоним юзинг ҳавасини қилганидан бери юз марталабдан парвоз этадиган (бир ҳолга) келди.

Яъни, сенинг муҳаббатингга учраганидан сўнг, дунёларни забт этадиган даражада қувватга эга бўлдим, демоқда Навоий ушбу байтда. Ва бундан кўзда тутган мақсадим ягона – юзингга ҳавас қилиш, висолингга эришиш бўлди.

Байтда юз ва ҳаво сўзлари орқали икки ўринда тажнис ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Боқий топар улки, бўлди фоний,
Раҳравға бақо фано бўлуптур.

Ким фоний бўлса, абадийлик – бақо топади, чунки йўловчи учун бақонинг ўзи фанодан иборат.

Фано ва бақо истилоҳларига мурожаат қилган улуг мутафаккир маъвиза байти орқали, одатдагидек, орифона мулоҳаза юритмоқда. Яъни, илоҳий ишқ йўлида юрган йўловчига фано – илоҳиёт йўлида йўқолишнинг ўзи бақо, яъни адабийликка эришишдир. Яъни кўнгил соф бўлса, унда чиркин ғараз бўлмаса мажозий ишқ ҳам илоҳий муҳаббат каби улугворлик бахш этади.

Агар ушбу байтдаги фоний сўзини Навоийнинг яна бир адабий таҳаллуси, яъни атоқли от шаклида кўрсак, байтда қуйидаги маъно жилвасини кўрамиз:

Мен Фоний бўлиб, абадийлик топдим, мендек ишқ йўлидан абадиёт манзили томон борадиган йўловчи учун фано водийси боқийликнинг, яъни манзилнинг ўзи бўлади.

Байтда боқий ва бақо, фоний ва фано сўзлари орқали иштиқоқ ва тарду акс санъатлари яратилган.

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

Навоий ишқ оятларини тузганидан (яъни ишқий ғазалларни ёзганидан) бошлаб, (улар) ишқ аҳли орасида наво – созга айланади (яъни машҳур бўлади)!

Мақтаъда Навоий ўзининг адабий фаолияти борасида фахрланиб, то Навоий бирорта ишқий байт яратдимиди, у албатта ошиқлар юрагидан жой олиб, сеvimли навога айланади, демоқда.

Байтда навоий ва наво сўзлари орқали иштиқоқ, ояти ишқ бирикмаси орқали истиора, ишқ сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ажуз илал ибтидо тури ва тўлақонли бўлмаса ҳам тарду акс санъатлари яратилмоқда. Бундан ташқари зулқофиятайнлик ҳодисаси ҳам ғазал охиригача давом эттирилган.

Умуман олиб қараганда, ушбу ғазал Навоийнинг нозиктаъб бир байтни муносиб давом эттирганлиги ҳамда нафақат муносиб тарзда, балки, камолотга етказиб якунлаганлигининг намунасидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Кўк ғазоли чунки кофур узра мушкафшон бўлур...”

Кўк ғазоли чунки кофур узра мушкафшон бўлур,
Кавкабафшон кўзларимдин ул қуёш пинҳон бўлур.

Мунграйиб андоқ синук кўнглум бузулурким, сипеҳр
Бул-ажаб ҳолимға юз минг кўз била ҳайрон бўлур.

Ғах юруб, ғах ўлтуруб, бир лаҳза тутмасмен қарор,
Ғусса бандидин бари одам манга зиндон бўлур.

Ғах кўнгул ўти урар кўксум шикофидин алам,
Ғах бағир парголаси кўз йўлидин ғалтон бўлур.

Ўлтурур уй сақфиға оҳим тафидин қатралар,
Ё менинг ҳолимғадураким, тому тош гирён бўлур.

Эйки, истарсен саломат, ишқ кўйин сўрмағил,
Ким бу йўлга ҳар кишиким тушти, саргардон бўлур.

Истаганга дўст комин, истабон куймак не тонг,
Гар тутун сунбул, ўтун ашжору ўт райҳон бўлур.

Ични урён қилки тошинг зеби манъи фақр эмас,
Фақр эмастур, гар ичинг мамлу,тошинг урён бўлур.

Эй Навоий, ишқ манъин элга иршод айладинг,
Аллоҳ-аллоҳ,бу не макру ҳийлаву дастон бўлур.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Ғазоли- зар, офтоб

Мушкафшон - мушк ҳиди таратувчи

Кавкабафшон - юлдуз сочувчи, кўз ёш тўкувчи кўз

Кофур - ғоятда оқ ва хушбўй модда;оппоқ тус

Сипехр - фалак, осмон

Шикоф - ёрик, дарз; айламоқ, ёрмоқ

Паргола - парча, бўлак

Ғалтон - айланувчи, думаловчи

Сақфи - том, шифт

Комин - мақсад, истак
Мамлу - тўлган, тўла
Иршод – йўлга солиш, ўргатиш
Урён – яланғоч

Ғазалнинг насрий баёни

1. Кўкнинг офтоби хушбўй модда каби мушк ҳидини таратади. Юлдуз сочувчи кўзларимдан ул қуёш, гўзал маҳбубам пинҳон бўлур. Гўё қуёш ботиб, қоронғу тушганда юлдузлар кўринганидек.

2. Қайғуга ботиб синиқ кўнглим бузилиб, Фалак бундай ажиб ҳолимга юз минг кўз билан ҳайрон бўлади.

3. Гоҳ юриб, гоҳ ўтириб, бир лаҳза ҳам қарор тутмайман, Ғусса-ғамнинг бандига барча одам менга зиндон- асир бўлар.

4. Гоҳида кўнглим ўти кўксимни алам айлайди, гоҳ бағримнинг парчаси кўзимда айланади. Яъни кўз ёшига айланади.

5. Оҳимнинг тафтидан уйнинг шифтига қатралар ўтиради, Ё менинг ҳолимга том-у тош гирён бўлур.

6. Агар сен саломат бўлишни истасанг, ишқ кўйин сўрмагин, ким бу йўлга тушти, саргардон бўлур.

7. Истаганга дўст тилаги, истабон куймак не тонг, агар тутун сун-бул бўлса, ўтин ашжору- дарахтлар, оғочлар. Ўт райҳон бўлур.

8. Ични зеби тошинг билан урён қилиш манга фақр эмас, фақр- камбағаллик, дунёдан кечиш.

9. Эй Навоий ишқнинг маъносини элга ўргатдинг, Аллоҳ- аллоҳ бу қандай макру ҳийлаю дoston бўлур.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Навоий ғазалларининг бадиийлигини таъминловчи бир қатор воситалар асосан, ўхшатиш, қиёслаш, таносиб, муболаға санъатлари билан юзага келади. Ёр нафақат оламнинг, балки осмоннинг гўзал малаги. У осмонда туриб шундай муаттар ҳид таратадики, бу хушбўйлик билан олам оппоқ рангга бўялади. Маъшуқасининг жамолини кўрган ошиқнинг кўзлари юлдуздек чарақлайди. Кўзлари қамашиб кетганидан ёрини топилмай қолади. Байтда ёр гў-

заллиги муболаға санъати билан бўрттириб кўрсатилган. Банда бу дунё ғаройиботларини кўриш билан Ҳақнинг қудратини тафаккур этади. Аллоҳ Таоло “менинг неъматимни санасангизлар адоғига ега олмайсизлар” дейди. Лирик қахрамоннинг ҳам ақли шошиб қолади. Байтдан кўзланган яна бир маъно куёшни Ҳақ нури деб билсак, юлдузлар эса, киши қалбидаги пардалардир. Тун қоронғу бўлганидек, киши кўнглидаги қоронғуликлар ҳам Ҳақ нурини кўришга тўсқинлик қилади.

Гўзал маъшуқасини йўқотиб қўйган ошиқнинг кўнгли бузулади, руҳи синади. Дунё эса ҳеч нарсани билмагандек унинг ҳолига ҳайрон бўлиб қарайди. Бу ўринда юз минг кўз ибораси оламнинг турфа хил ишига ишора бермоқда.

Ошиқ ўтирса ҳам, турса ҳам бир қарорга кела олмай қийналади. У ҳамон ёрини излайди. Унинг висолидан умидвор бўлиб яшайди. Бу айрилиқ сабаб маъшук кўп изтироб чекади, ғуссага ботади. Бутун дунё кўзига тор зиндондек кўринади.

Ошиқнинг кўнгли соғинч азобидан, аламдан дарз кетади, ёрилади. Натижада унинг бағри парча-парча бўлиб, кўз ёш йўлидан оқиб чиқади. У ўз ахволини ёрига шу йўл билан тушунтирмоқчи бўлади. Бу ўринда ҳам Навоий муболаға санъатини байт мазмунига ўрни билан сингдира олган.

Ошиқ “оҳ” чекаверганидан ҳатто уйининг томи ҳам бўлак-бўлак бўлиб кетади. У эса ҳатто кулбамнинг тошлари ҳам менинг дардим сабаб йиглайди деб ўйлайди. Бу ўринда (жонлантириш) тошнинг йиғлаши бемехр ёр қалбига киноя қилмоқда.

Ошиқ соф, самимий муҳаббатни истайди. Афсуски ишқнинг ахволи ундай эмас. Чунки ишқ-муҳаббат йўлига кирган кимсани албатта саргардон, овора қилади. ошиқ шундай ҳолатни билса ҳам, барибир ўз аҳдидан қайтмайди. Ҳақ васлига эришмоқ осон эмас. Бу йўлда машаққатлар бор, саргардонлик ошиқни ҳолдан тойдиради. Навоий бошқаларни ҳам ушбу заҳматларга тўла сафарда огоҳликка дават этади. Кейинги бандда эса у ишққа шундай таъриф беради.

Бу ишқ дегани шундайки, истаган кишисига дўст бўлади. Унга ўзинг дўст бўламан деб куйинишинг бефойда. Ошиқ бу ўринда фикрини далилламоққа киришади. Яъни, ёрнинг сочини кўриб хайратланиш мумкин, ёш ниҳолларни ўтин, райҳонни олов қилиб

ёқиш мумкин, лекин ишқ ҳеч қачон сенга таслим бўлмайди, сенга дўст тутинмайди. Байт ифодасида далилланган *сунбул*, *ашжор*, *райҳон* кабилар таносиб санъатини ҳам юзага келтирган.

Навоий бу ўринда қайтарилиш санъатидан шундай фойдаланганки, бутун бир ҳолатни биргина жумла билан ифодамоққа эриша олган. Унинг наздида инсон кўнглини ва фикрини дунё ишларидан тозаламоқ керак. Агар кўнгил кир бўлса, ташиқи кўринишдаги гўзалликнинг бари бекор, фойдасиз. Ёки қалб тўла гўзаллик, эзгулик ҳукмрон экан, кийишга кийими бўлмаса ҳам у камбағал, фақир эмас. Ҳазрат Навоий бугунги кунда ҳам амал қилиб келаётган пурмаъно фикрларни бундан салкам олти аср аввал айта олганлиги ҳам унинг улуғлигидан далолатдир. Ҳақиқатдан ҳам, инсон учун қалб гўзаллиги муҳимдир. Чунки гўзал қалб оламни ҳам гўзallaштира олади.

Эй Навоий, сен бундай фикрларинг билан таъқиқ этилган ишқни элга ўргатдинг. Яъники, машуқага бўлган ишқдан кўра Аллоҳга бўлган ишқ муҳим эди. Аввало, сен шу ишқ ўтида ёнишинг жоиз эди. Аллоҳ-Аллоҳ энди бундай макру-хийлага тўла ишқ эл орасида дoston бўлади.

Англаймизки, Навоий қандай ғазал битмасин, унинг замирида Аллоҳга бўлган ишқ ҳам ботинан, ҳам зоҳиран аҳамият касб этаверади. Буни ҳар бир ғазал таҳлилидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Муқаддас ТОЖИБОЕВА

“Кўк ғазоли чунки кофур узра мушкафшон бўлур...”

Кўк ғазоли чунки кофур узра мушкафшон бўлур,
Кавкабафшон кўзларимдин ул қуёш пинҳон бўлур.

Мунграйиб андоқ синук кўнглум бузулурким, сипеҳр
Булъажаб ҳолимға юз минг кўз била ҳайрон бўлур.

Гаҳ юруб, гаҳ ўлтуруб, бир лаҳза тутмасмен қарор,
Ғусса бандидин бари олам манга зиндон бўлур.

Гаҳ кўнгул ўти урар кўксам шикофидин алам,
Гаҳ бағир парғоласи кўз йўлидин ғалтон бўлур.

Ўлтурур уй сақфиға оҳим тафидин қатралар
Ё менинг ҳолимгадурким, тому тош гирён бўлур.

Эйки, истарсен саломат, ишқ кўйин сўрмағил
Ким, бу йўлга ҳар кишиким, тушти, саргардон бўлур.

Истаганга дўст комин истабон қуймак не тонг,
Гар тутун сунбул, ўтун ашжору ўт райҳон бўлур.

Ични урён қилки тошинг зеби манъи фақр эмас,
Фақр эмастур, гар ичинг мамлу, тошинг урён бўлур.

Эй Навоий, ишқ манъин элга иршод айладинг,
Аллоҳ-Аллоҳ, бу не макру ҳийлаву дастон бўлур.

– V – – V – ~ – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Ғазол – 1) оху, кийик; 2) офтоб

Кофур – оқ хушбўй модда (камфара); оқ, оқлик

Мушкафшон – мушк сочувчи, хушбўй хид таратувчи

Кавкабафшон – юлдуз сочувчи; ёш

Мунграйиб – мунгли ҳолга тушиб, қайғу ва ҳасратга ботиб

Сипеҳр – осмон, даҳр, замон, тақдир

Булағжаб – энг қизиқ, таажубланарли, ажойиб, ҳайрон қо-
ларли

Шикоф – 1) ёриқ, дарз, чок, тешиқ; 2) жароҳат, хасталиқ

Ғалтон – думалок

Сақф – 1) юқори, уст, шифт, том; 2) том

Ком – 1) оғиз, танглай; 2) мурод, мақсад, орзу, тилак, майл; 3) бахт; 4) етишиш, мойил бўлиш

Мамлу – 1) тўлиқ, тўла, лиммо-лим; 2) тўлин ой; 3) тирик; малҳам

Фақр – 1) камбағаллик, йўқсиллик; бечоралик, камтарлик; 2) тасавуфдаги энг юқори мақом – фанонинг синоними, Аллоҳ борлиғига сингиб кетиш

Иршод – тўғри йўл кўрсатиш, раҳбарлик қилиш

Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли бўлур радифли бу ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, шаклан якпорадир. Унда оқшом чўкиб, маъшуқанинг ошиқ хузуридан кетгани ва шундан кейин ошиқнинг айрилиқ таъсиридаги ҳолати қаламга олинган.

Кўк ғазоли чунки кофур узра мушкафшон бўлур,
Кавкабафшон кўзларимдин ул қуёш пинҳон бўлур.

Кўк оҳуси оқлик устига мушк сепганидан кейин юлдуз сочувчи кўзларимдан у қуёш(дек ёрим) яширинади.

Матлаъ, одатдагидек маълумот бериш билан бошланади. Лекин бу ғазал матлаъсидаги маълумот гўзал бўёқлар билан тасвирланган полотнога ўхшайди. Фақат бу полотно қотиб турмай, ҳаракатланмоқда. Яъни, кўк оҳуси само узра югуриб юриб, оқлик, яъни кундузнинг устига мушк сепмоқда. Шу заҳотиёқ кун ботиб, оқшом чўкмоқда. Кўк оҳусининг бу ҳаракатига параллел тарзда ердаги бир паричеҳра юзларини парда билан беркитгач, унинг қаршисидаги ошиқнинг эса кўзларидан ёшлар қуюлиб келмоқда. Ажойиб тасвир шундай эмасми? Яна бу тасвирлар ёдингизга бошқа бир мисраларни келтирмаяптими? Янглишмадингиз:

*Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Уйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.*

Ушбу машхур байтдан ташқари “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг:

Тун оқшом бўлдию келмас менинг шамъи шабистоним,
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам қуяр парвонадек жоним

матлаъси билан бошланувчи ғазалининг учинчи байти ҳам юқоридаги байт англатган мазмунни билдиради ҳам ўша тасвирини ёдимизга солади:

Фалак ҳам тўлди кавкабдин, қуёш ҳам тушти ашҳабдин,
Келиб тушмас бу маркабдин менинг хуршиди рахшоним.

Демак, улуғ шоир тасаввурида маъшуқа жамоли қуёшга, ҳижрондаги ошиқ кўз ёшлари ёмғирга ўхшатилиши анъанвий ташбеҳлардан экан. Лекин кўк ғазоли ҳаракатининг тасвири бу анъанага ўзига хослик бағишлаб турибди.

Байтда кўк ғазоли бирикмаси, кофур, мушкафшон, кавкабафшон ва қуёш сўзлари орқали истиора, кўк, кофур, мушкафшон, кавкабафшон ва кўзларимдан сўзлари орқали эса “к” товуши такроридан тавзеъ санъатлари яратилмоқда.

Мунграйиб андоқ синук кўнглум бузулурким, сипеҳр
Булъажаб ҳолимга юз минг кўз била ҳайрон бўлур.

Қайғу ва ҳасратга ботган синиқ кўнглим шу қадар бузиладики, осмони фалак ҳам юз минглаб кўзи билан бу ҳолимга ҳайрон қолиб қараб турибди.

Байтда фалак ҳолати ошиқ руҳияти тасвирига параллел тарзда тасвирланиши давом этмоқда. Маъшуқа кетганидан сўнг ошиқнинг кўз ёшлари оқиб, кўнгли бузилиб, абгор аҳволда қолди. Унинг бу ҳолатига юз минг туман ҳодисотларни кўриб, пинагини бузмаган фалак – спеҳр ҳам юз минглаб кўз – юлдузлари билан ҳайрон бўлган ҳолда қараб турибди.

Байтда синук кўнглум, юз минг кўз бирикмалари орқали истиора, кўнгил ва спеҳр (фалак)ни жонлантириш орқали ташхис ҳамда муболаға санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Ғах юруб, ғах ўлтуруб, бир лаҳза тутмасмен қарор,
Ғусса бандидин бари олам манга зиндон бўлур.

Ғоҳ юриб, ғоҳи ўтирмоқдаман – бир лаҳза ҳам қарорим йўқ, ғам-ғусса бандидан олам менга бутунлай зиндонга айланди.

Маъшуқа ошиқ ҳузуридан тобора узоқлашиб бораркан, ошиқ руҳиясидаги ғалаёнлари ҳам кучаймоқда. У беқарорликдан маҳбусдай дам туриб, дам ўтираяпти. Олам эса унга гўё ғусса кишани билан бирга зиндондай туюлмоқда.

Байтда ғах сўзи такроридан такрир, ғусса банди бирикмаси ва зиндон сўзлари орқали эса истиора ва муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ғах кўнгул ўти урар кўксум шикофидин алам,
Ғах бағир парғоласи кўз йўлидин ғалтон бўлур.

Ғоҳи кўнглим ўти кўксим ёриғидан алам урмоқда, ғоҳи эса жигар қатралари кўз йўлидан думалаб тушади.

Ошиқ лаҳзалик висолнинг тутагани ва энди ҳижроннинг қачонгача давом этишини билмайди. Шунинг учун унинг кўнгли ёниб кетгандай, кўкси чок бўлиб, ундан алам ўтлари чиқиб бораётгандай, кўз ёшлари йўлидан бағир қони юмалаб чиққандай туюлади.

Байтда ғах сўзининг такроридан радд ул-садр илал ибтидо тури, кўнгул ўти, кўксум шикофи, бағир парғоласи ва кўз йўли бирикмалари орқали истиора ва икки ўринда муболаға санъатлари яратилган.

Ўлтурур уй сақфиға оҳим тафидин қатралар
Ё менинг ҳолимғадурким, тому тош гирён бўлур.

Уй шиғфига оҳимдан қатралар бориб қўнмоқдами ё менинг ҳолимга тому тош ҳам йиғламоқдами?!

Ошиқнинг оҳу ноаларидан уй тоmidан қатралар йиғилиб, тома бошляптими, дейди улуғ шоир тажохили орифона санъатига мурожаат қилган ҳолда, ёки менинг ҳолимга тому тошлар ҳам йиғляптимикин?

Байтда яна муболаға тому тош сўзлари орқали эса таъдид ва таносиб санъатлари ҳам юзага келмоқда.

Эйки, истарсен саломат, ишқ кўйин сўрмағил
Ким, бу йўлга ҳар кишиким, тушти, саргардон бўлур.

Эй (дўстим) саломатлик таласанг, ишқ йўлини талаб қилма, бу йўлга тушган ҳар (қандай) киши саргардон бўлади.

Ишқ йўли саломатликни, меъёрийликни ёқтирмайди. Соғломлик ишқсиз элнинг йўлидир. Шунинг учун “Лайли ва Мажнун” да Мажнуннинг рақиби бўлмиш, Лайлининг отаси хушлаб, узатган талабгорининг исми Ибн Салом, яъни саломатлик рамзидир. Демакки, саломат киши ошиқ бўлмайди. Ишқ йўли, аксинча меъёрийлик, саргардонлик йўлидир.

Байтда ишқ кўйи, бу йўл сўзлари орқали истиора, кўй ва йўл сўзлари воситасида таносиб, саломат, сўрмағил ва саргардон сўзлари воситасида “с” товуши такроридан тавзеъ санъатлари пайдо бўлмоқда.

Истаганга дўст комин истабон куймак не тонг,
Ғар тутун сунбул, ўтун ашжору ўт райҳон бўлур.

Дўст мақсадини истаб ёниш (яъни садоқат) нима деган гап: бу ҳол сунбулдан тутун, (ўсиб турган) дарахтдан ўтин, райҳондан олов бўлади, дегани-ку!

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий мавзудан чекиниб, ижтимоий мавзуда фикрляпти. Яъни, шоир дўстликни қадрлаган, вафони касб қилган кишининг оқибати қандай бўлишини алам билан тасвирламоқда.

Байтда истаган ва истабон ҳамда ўт ва ўтун сўзлари орқали икки ўринда иштиқоқ, куймак, тутун, ўтун ва ўт, ҳамда сунбул, ашжор ва райҳон сўзлари орқали икки ўринда таносиб, тутунни сунбулга, ўтунни дарахтга ва ўтни райҳонга ўхшатиш орқали эса уч ўринда истиора санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ични урён қилки тошинг зеби манъи фақр эмас,
Фақр эмастур, ғар ичинг мамлу, тошинг урён бўлур.

*Ичингни юпун ҳолга келтир, ташқаринг фақр зеби бўла олмайди,
ичинг лиммо-лим бўлиб, ташқаринг юпун бўлиши фақр нишони эмас!*

Навбатдаги маъвиза байтда улуғ мутафаккир энди орифона мазмунда фикрламоқда. Яъни, ҳақиқий фақр, фақру фано ҳолатига етмоқ учун юпун кийиниш, йиртиқ-ямоқ либос кийиш керак эмас. Асли фақирлик бу кўнгилни дунё буюмлари ва лаззатларидан узоқ тутишдир. Аксинча бўлса, у фақр рамзи эмас, балки тақлид ва кибр тимсолидир.

Байтда ични урён қилки, маъни фақр бирикмалари орқали истиора, тошинг сўзи орқали тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв, ични ва ичинг сўзлари орқали эса радд ул-садр илал ҳашв, фақр сўзи орқали бўлса радд ул-ҳашв илал ибтидо, мамлу ва урён сўзлари воситасида тазод санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Эй Навоий, ишқ манъин элга иршод айладинг,
Аллоҳ-Аллоҳ, бу не макру ҳийлаву дoston бўлур.

*Эй Навоий, ишқ маъносидан элга тўғри йўл кўрсатдинг, эй Аллоҳ
бу қандай макр, ҳийла ва дoston бўлди?!*

Одатда, ишқни ишқсиз эл тушунмайди, англамайди ва ҳис қилмайди. Шунинг учун ошиқлар нуқул ишқсиз элдан озор кўрадилар, қочадилар. Лекин бу ўринда Навоий бошқа йўлдан бормоқда. У ишқсиз элга ишқдан таълим бермоқчи. Натижада эса ишқсиз, дардсиз одамлар бу таълимни макр, ҳийла ва дoston, яъни уйдирма, афсона деб қабул қилмоқдалар. Яъни, бирибир ошиқни ҳам, унинг юрагини ўртаган ишқ дардини ҳам тушунмаяптилар!

Байтда эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, ишқ маъин бирикмаси ва иршод сўзи орқали истиора, макру ҳийлаву дoston сўзлари воситасида таъдид, Аллоҳ сўзининг тақриридан мукарир санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, еттинчи ва саккизинчи байтлардан ташқари бутун бошли ғазал бир ҳолатни – маъшуканинг кеч тушганлиги сабабли кетгани ва бунинг ошиқ кўрсатган таъсир борасида кетмоқда. Ҳолатнинг ошиқ рухиятига кўрсатган таъсири турфа ҳолатларда бор фожеаси билан намоён бўлмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ваҳки, майдон азмиға секретти ул чобуксувор...”

Ваҳки, майдон азмиға секретти ул чобуксувор,
Кимдурурким, асрағай эмди инони ихтиёр.

Кошу юзунгдин агар ортар жунунум не ажаб,
Телбаликка ҳам янги ойдур мадад, ҳам навбаҳор.

Чок этинг кўксумки, чиксун ўтлуғ оҳим шуъласи,
Бир нафас бўлғайки, бу андуҳ ўти топқай қарор.

Ақлу фаҳм ошуфтаҳол ўлди йигит жонинг учун
Ким, яна уйдин мунунгдек чиқмағил олифтавор.

Соқиё, чун ичкумиздур оқибат жоми ажал,
Бода тут андин бурунким, бизни ўлтурсгай хумор.

Бир замонлиғ ҳажр чун минг йилча бор, ўлсам не тонг,
Чунки бўлмас ҳеч кишининг умри минг йил пойдор.

Эй Навоий, шукрким, майдонға ул шаҳ қўйди юз
Ким, йўлида қолмади навмид жони хоксор.

–V-- –V-- –V-- –V~

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Секритти – от сакратти, от ўйнатди

Чобуксувор – чавандоз, отни маҳорат билан ўйнатувчи

Жунун – 1) Жиннилик, ақлдан озганлик, савдойилик;
2) ошиқлик, беқарорлик

Андух – ғам, алам, қайғу, дард, ранж

Ошғуфтаҳол – паришонҳол, кайфияти бузуқ, ғам босган

Олифтавор – олифталарча

Хумор – 1) Мастликдан кейинги бош оғриғи; 2) муштоклик,
зўр истак

Пойдор – асосли, барқарор, маҳкам; жовид, ҳамиша, доимий

Навмид – ноумид

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли ушбу ғазал мазмунан маъшуқ васфига бағишланган бўлиб, ошиқона, шаклан мусалсалдир. Такрор бўлса ҳам шуни айтиш ўринлики, мумтоз адабиётда, айниқса тасаввуф адабиётида севиклининг жинси, яъни аёл ёки эркаклиги аҳамиятсиз. Яъни, ошиқ унинг ғўзаллигига қараб, илоҳий ишқ завқини туяр экан, бошқа ҳар қандай ғараз кўнгилдан узоқ экан, сунбул сочли паривашлар ҳуснини куйлаш қанчалик жоиз бўлса, от миниб, чавгон ўйнаган шохсувор йигитлар мадҳини қулаш ҳам жоиз деб ҳисобланган. Демак, бу ғазалдаги севикли ҳам маъшуқ – яъни йигит кишидир. Матлаъдаёқ бу аён бўлади:

Ваҳки, майдон азмиға секретти ул чобуксувор,
Кимдурурким, асрағай эмди инони ихтиёр.

Воҳки, у чавандоз майдонга чиқиш учун от сакратмоқда, энди ким ўз инону ихтиёрини сақлай олади?!

Маъшуқнинг чиройли қадду-қомати, от устида ярашиб ўтириши, чавандозлик маҳорати – буларнинг ҳаммаси йиғилиб, ошиқнинг ихтиёридан чиқариши, нима қилаётганини билмайдиган ҳолатга келтириши турган гап. Матлаъ мана шу ҳолат тасвири билан бошланмоқда.

Байтда инону ихтиёр сўzlари орқали таносиб ва таъдид санъатлари яратилмоқда.

Қошу юзунгдин агар ортар жунунум не ажаб,
Телбаликка ҳам янги ойдур мадад, ҳам навбаҳор.

*Қошинг ва юзингдан телбалигим ортадиган бўлса, ажабланма,
яни ой ва навбаҳор телбаликни кучайтирадиган нарсалар-да ўзи.*

Иккинчи байтда маъшуқнинг қошлари янги чиққан ой – ҳил-лолга, юзи эса илк баҳорга қиёсланмоқда. Унинг бундай малоҳатини кўрган ошиқнинг телбалиги ортиши турган гап. Бунинг сабабини эса шоир жинниликнинг янги ой чиқиши ва баҳорнинг илк кунларида қўзиши билан мантикий тарзда исботламоқда.

Байтда қошу юзинг сўзлари орқали таносиб ва таъдид, ҳам сўзининг такроридан тақрир ва тамсил санъатлари вужудга келмоқда.

Чок этинг кўксумки, чиқсун ўтлуғ оҳим шуъласи,
Бир нафас бўлғайки, бу андух ўти топқай қарор.

*Кўксимни ёринг, оловли оҳимнинг шуъласи ташқарига чиқсин,
зора бир нафас бу дарднинг ўти ором олса (яъни тинса).*

Учинчи байтда ошиқ дўстларига мурожаат қилиб, ўтли ишқ дардидан ором беришни, бу йўлда, агар керак бўлса, кўксини ёриб, ундаги ўтли “оҳ” шуълаларини чиқариб ташлашни ўтиниб сўрамоқда. Чунки ишқ дардига висолдан бошқа даво йўқ. Агар висол бўлмаса, бу дард ошиқни охир ҳалокатга олиб бориши шубҳасиз.

Байтда ўтлуғ оҳим ва андух ўти бирикмалари орқали истиора, ўтлуғ ва ўт сўзлари орқали иштиқоқ ва тарсеъ санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ақлу фаҳм ошуфтаҳол ўлди йигит жонинг учун
Ким, яна уйдин мунунгдек чиқмағил олифтавор.

*Ақл ва фаҳмни ғам босди, ёшгина жонинг ҳаққи яна уйингдан
бундай олифталарча чиқмагин.*

Ушбу байтда иккинчи байтдаги фикр давом эттирилмоқда. Яъни, ошиқ маъшуқига мурожаат қилиб “юқоридаги ҳолатда от ўйнатиб, майдонга чиқмаки, ақл ва фаҳм, яъни идрок қилиш қо-

билияти паришон бўлди, энди навбат жону, дин ва имонга етмасин ахир!" – демоқда.

Байтда ақлу фаҳм сўзлари орқали таъдид ва таносиб, йигит жонинг бирикмаси орқали истиора, ақлу фаҳмни жонлантириш орқали эса тамсил санъатлари юзага келмоқда.

Соқий, чун ичкумиздур оқибат жоми ажал,
Бода тут андин бурунким, бизни ўлтурсай хумор.

Эй соқий, оқибат ажал жомидан ичадиган бўлганимиздан кейин хуморлик ўлдирмасдан олдин бода узат.

Навбатдаги байтда соқийга мурожаат қилган Навоий умрнинг ўлчовли эканлиги, шунинг учун хурсандчилик бодасини ичиш ғаниматлигини таъкидламоқда.

Байтда соқий сўзи орқали илтифот, соқий, бода, жом ва хумор сўзлари орқали таносиб, жоми ажал бирикмаси орқали истиора ҳамда муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Бир замонлиғ ҳажр чун минг йилча бор, ўлсам не тонг,
Чунки бўлмас ҳеч кишининг умри минг йил пойдор.

Бир лаҳзалик айрилиқ мен учун минг йилга тенг, (бу аҳволда) ўлсам керак, чунки ҳеч ким минг йиллаб яшамайди-да!

Навбатдаги байтда ҳижрон дамлари муболағавий тарзда кучайтириб, минг йиллик ҳижрон лаҳзаларидан ўтиб, висолга етолмай ўлсам керак, демоқда. Ошиқ учун висол бир лаҳзада ўтиб кетгандай, ҳижрон эса минг йилларга чўзилгандай бўлади-да, ўзи.

Байтда бир замон ва минг йил бирикмалари орасида маънавий тазод, минг йил бирикмасининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Эй Навоий, шукрим, майдонга ул шаҳ кўйди юз
Ким, йўлида қолмади навмид жони хоксор.

Эй Навоий, юз шукур деки, (ғўзаллар ичидаги) шоҳ майдонга юзланди ва бу ҳокисор жон ҳам йўлида умидсиз қолмайдиган бўлди.

Мақтада Навоий матлаъдаги тасвирга қайта мурожаат қилиб, маъшукнинг гарчи ошиқ юрагига ўт ёқиб, ҳаммадан инону ихтиёрини олса ҳам, ҳижронни минг йилга чўзмай, кўриниш бергани учун Навоий уни “шоҳ” деб эъзозлаб, келганлиги, оқибатда, ошиқи зор жонини ноумид қилмаганлиги учун шукрона билдирмоқда.

Байтда эй Навоий ундалмаси ёрдамида илтифот, ул шаҳ ва жони хоксор бирикмалари ёрдамида истиора, маъшук таърифи борасида муболаға санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Умуман, ушбу ғазал илоҳий гўзалликнинг инсон чеҳрасида акс этган заррасига ошиқлик ва бу ишқни ўз-ўзидан илоҳиётган боғлиқлигини акс эттирмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ваҳй нозил бўлди ёхуд ёрнинг пайғомидур...”

Ваҳй нозил бўлди ёхуд ёрнинг пайғомидур
Ким, ғамим таскини, ғамгин хотирим оромидур.

Сафҳайи кофур уза мушкин рақамким айламиш,
Гўйиё субҳи саодат узра давлат шомидур.

Ҳажридин жоним аросиға агар худ кирмади,
Нега шакли жон аро кирган алиф андомидур.

Кирди жон жисмимға хатти сафҳасин кўргач, магар
Элга жон бермакка меҳр узра Масиҳ арқомидур.

Ваъдаи васл эрди мазмун, гаҳ ўлутмен, гаҳ тириг,
Англаман қотилмудур бу мужда, руҳафзомидур.

Водийи ҳайратда қолганларга жон ҳирзи учун
Руқъайи мақсуд комил нутқи ё иълomidур.

Эй Навоий, нега суртуб кўзга солмай жонғаким,
Ҳам кўзумнинг нури, ҳам озурда жоним комидур.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Ваҳй – ваҳий, хабар

Пайғом – 1) Хабар, дарак; 2) башорат

Саҳфаи кофур – оқ саҳифа

Мушкин рақам – қора ҳарфлар

Андом – 1) Қадди-қомат, тана, бўй; бадан, жисм; 2) афт, ба-
шара, қиёфа; 3) оройиш, тартиб; ярашиғлик; 4) кўркамлик, ман-
зурлик; оройиш, тартиб; 5) кўриниш; 6) аъзолар, инсон аъзолари

Арқом – рақамлар, сонлар, ёзув-чизувлар

Мужда – хабар, суюнчли хабар

Руҳафзо – руҳлантирувчи, жонлантирувчи, тирилтирувчи

Руқъа – 1) Хат, мактуб; 2) ямоқ

Озурда – озор чеккан, ранжиган, хафа бўлган

Ком – 1) Оғиз, танглай; 2) мурод, мақсад, орзу, тилак, майл;
3) бахт; 4) етишиш, мойил бўлиш

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтдан иборат навбатдаги ошиқона ғазал мазмунан
ошиқона ва шаклан яқпора бўлиб, ёридан мактуб олган ошиқ ҳо-
лати тасвирига бағишланади.

Одатдагидек матлаъда тасвир этилаётган ҳодиса ўта муболаға
билан таърифланади:

Ваҳй нозил бўлди ёхуд ёрнинг пайғомидур
Ким, ғамим таскини, ғамгин хотирим оромидур.

*(Илоҳиётдан) ваҳий нозил бўлдим, ёки ёрдан хабар келдим?!
Бу хабар ғамимга таскин, хотиримга эса ором бағишлади.*

Ёридан мактуб келиши ошиққа худди илоҳиётдан ваҳий нозил бўлгандай кучли таъсир қилди. Унда қўрқув аралаш ҳаяжон, айни пайтда қувонч ва ҳайрат туйғуларини уйғотди. Айни пайтда аламзада кўнгилга ором ва ғамларга ниҳоя олиб келди. Шунинг учун у “Бу мактуб ёримнинг хабарими, ёки... илоҳиётдан ваҳий келдим?” – деб ажабланмоқда.

Байтда ружу, ғам ва ғамгин сўзлари орқали иштиқоқ ҳамда муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Сафҳайи кофур уза мушкин рақамким айламиш,
Гўйиё субҳи саодат узра давлат шомидур.

*Гўё кофурдай ифор сочувчи саҳифа устида мушк билан ёзилган
(бу мактуб) саодат тонги узра давлат шоми кабидир (мен учун).*

Маъшуқа мактуби ёзилган оппоқ қоғоз ошиқ учун саодат тонгига, ундаги ҳарфлар эса давлат – бойлик, мартаба шомига киёсланмоқда. Демак, ошиқ биргина шу мактуб ошиққа бахт-саодат, бойлик ва мартаба инъом қилган, гўё.

Байтда саҳфаи кофур, мушкин рақам, субҳи саодат ва давлат шоми бирикмалари орқали тўрт ўринда истиора ва муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ҳажридин жоним аросига агар худ кирмади,
Нега шакли жон аро кирган алиф андомидур?

*Ҳижронида жоним орасига кирмайдиган бўлса, нега “жон”нинг
орасидаги “алиф” ҳарфига ўхшаб ўралган?!*

Байтда ошиқ маъшуқа мактубини жонига оро кирган ва ҳажрдан қутқарган бир нажоткор сифатида қарши олиб, агар ундай бўлмаса, нима учун “жон” – جو – сўзи ўртасидаги “алиф” – ا – ҳарфига ўхшаб ўралган, деб ўз фикрини гўё савол билан исботламоқда.

Байтда муболаға, китобат ва жоним ва жон сўзлари орқали тақрир ҳамда тажохили орифона санъатлари яратилмоқда.

Кирди жон жисмимга хатти сафҳасин кўргач, магар
Элга жон бермакка меҳр узра Масиҳ арқомидур?!

Хатининг саҳифасини кўгач, жисмимга жон киргандай бўлди, элга жон бериш мақсадида Масиҳ қуёш устига хат ёздимикин?!

Хатининг мазмуни тугул, саҳифаси ҳам танимга жон киргизди, дея Навоий муболагани яна-да кучайтирмоқда, ё бу мактубни қуёш устига Исо Масиҳ одамларга жон бағишлайман деб, ёздимикин?!

Байтда жон ва жисм сўзлари орқали таносиб, жон сўзининг тақроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, Масиҳга мурожаат этиш орқали талмеҳ, тажохили орифона ҳамда муболаға яанъатлари юзага келмоқда.

Ваъдаи васл эрди мазмун, гаҳ ўлутмен, гаҳ тириг,
Англаман қотилмудур бу мужда, руҳафзомидур.

Хатдаги мазмун висол ваъдаси эди, уни ўқир эканман, гоҳ ўлик гоҳ тирик бир аҳволда эдим. Билмадим (бу) хабар қотилми ё жон берувчими?!

Ниҳоят шоир бизга ёр мактубининг мазмунидан хабар бермоқда. Ёр висолга ваъда қилган экан. Ошиқнинг ҳаяжония, хурсандчилигининг сабаби энди аён бўлди. Айни пайтда у бу хабарни ўқигандан сўнгги ҳолатини ҳам фақатгина ҳайрат деган сўз билан ифодалаш мумкин: ўзининг ўлик ё тириклигини англолмайлиган кучли ҳайрат! Шунинг учун у бу хабар қотил эканлигини ҳам, жон бағишловчилигини ҳам билолмай қолдим, демоқда ошиқ.

Байтда гаҳ сўзининг тақроридан тақрир, ўлут ва тирик ҳамда қотил ва руҳафзо сўзлари орқали икки ўринда тазод, муболаға ҳамда тажохили орифона санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Водийи ҳайратда қолганларга жон хирзи учун
Руқъайи мақсуд комил нутқи ё иёломидур.

Ҳайрат водийсида қолганларга жон тумори каби комил мақсадлар мактубими, ёки унинг эълони ми?!

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий, аини пайтда ғазал мавзусини давом эттирган ҳолда, ўзини ҳайрат водийси қолганлардан бири санаб, жон тумори каби йўлбошчи, ё комил мақсад нутқими, деб иккиланмоқда.

Байтда водийи ҳайрат, жон хизри, руқъайи мақсуд комил нутқи бирикмалари ва иълони сўзи орқали тўрт ўринда истиора, муболаға ҳамда тажохили орифона санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эй Навоий, нега суртуб кўзга солмай жонғаким,
Ҳам кўзумнинг нури, ҳам озурда жоним комидур.

Эй Навоий, нега кўзга суртиб, жон(ни ғилоф қилиб, ун)га солмай, ахир у кўзимнинг нурию, озорланган жонимга ором-ку!

Мақтаъда Навоий ёр мактубини васфини такомилга етказиб, хулосаламоқда. Бу мактубни кўзларимга суртиб, жоним ичига солмай қаёққа қўяй ёки нима қилайки, ахир у маъшуқамдан хабар келтириб, кўзларимга нур, озорланган жонимга эса мақсадни олиб келди-ку!

Байтда эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, жон сўзининг такроридан тақрир, муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал маъшуқадан висол тўғрисидаги хабар ёзилган хат олган ва бу қувончу ҳайратни яширолмаган кўнгил изҳоридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Бармоғи ҳайрат билаким лаъли хандон ичрадур...”



Бармоғи ҳайрат билаким лаъли хандон ичрадур,
Ул алиф янглиғдурурким, филмасал жон ичрадур.

Хони ҳусни завқини билмакка ёхуд бармоғи
Лаъли хандон ичра эрмаским, намақдон ичрадур.

Лаъли бир сўз бирла юз йиллиқ ўлугни Хизр этар,
Гўйиё Рухуллаҳ ушбу оби ҳайвон ичрадур.

Мунфаилдур юзу зулфидинки тебрангай насим,
Жилвагар товуским, фирдавси ризвон ичрадур.

Оразинг ҳажринда ҳар қонлиғ кўзумдур лолае,
Доғлар кўзнинг қорасин англаким, қон ичрадур.

Тутма улфат боғ ароким сарсари дайдин дурур,
Эмин ул қушким, анинг маъвоси вайрон ичрадур.

Эй Навоий, бирга юз жоми бало турмиш тўла,
Ҳар нечаким соғари ишрат бу даврон ичрадур.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Намақдон – туздон, туз идиши

Рухиллаҳ – Аллоҳнинг руҳи яъни Исо пайғамбар

Оби ҳайвон – тириклик суви, ҳаёт суви

Мунфаил – таъсирланган, ҳаяжонланган; ҳижолатда қолган,
уялган, шармсор; хижил

Фирдавс – энг олий жаннат

Ризвон – жаннат боғи

Сарсари – 1) Кучли ва совуқ шамол, даҳшатли бўрон, довул;
2) тўпалон, тинчсизлик

Дай – 1) Қиш мавсуми; 2) совуқ

Маъво – 1) Бошпана, макон; 2) макон, манзил

Соғар – май қадаҳи, косаси, май ичиладиган идиш

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан яқпорадир. У маъшуқанинг ҳайрон қолиб, кўрсатгич бармоғини тишлаб туришига ошиқнинг муносабати тарзида бошланиб, унинг гўзаллиги таърифи билан давом этади ва ижтимоий мазмундаги фикрлар билан якунланади:

Бармоғи ҳайрат билаким лаъли хандон ичрадур,
Ул алиф янглиғдурурким, филмасал жон ичрадур.

Ҳайрат бармоғининг кулиб турган лаълдек лабнинг ичида туриши, гўё “жон” сўзи орасидаги “алиф” кабидир.

Маъшуқа нимадандир ҳайратланиб, кўрсатгич бармоғини тишлаб, ҳайронлик ифодасини билдирди. Унинг бу биргина ҳайрати ошиқнинг минг ҳайрати устига яна ҳайронлик бағишлади. Бу ҳайронлик ҳолатидаги маъшуқанинг хандон лаблари жонга, бармоғи эса “жон” – جان сўзи ўртасидаги “алиф” – ا ҳарфига ўхшатилмоқда.

Байтда бармоғи ҳайрат, лаъли хандон бирикмалари орқали истиора, янгиғ сўзи орқали ташбеҳ, китобат ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Хони ҳусни завқини билмакка ёхуд бармоғи
Лаъли хандон ичра эрмаским, намакдон ичрадур.

Хуснининг дастурхонини завқини билиш учун бармоғи лаъли хандон эмас, туздон ичидамики ёки?!

Ушбу байтда ошиқ маъшуқа гўзаллигини ҳусн дастурхони деб, лабларини эса туздон деб баҳоламоқда. Гўё маҳбуба ўз гўзаллигини билиш учун лабларини туздонга солиб турибди. Байтда маъшуқани улуғлаш, осмонларга кўтариш эмас, Навоий ижодида камёб учрайдиган ҳодиса – ҳаётий далиллар билан эркалаб, тасвирлаш кузатилмоқда.

Лаъли бир сўз бирла юз йиллиқ ўлугни Хизр этар,
Гўйиё Рухуллаҳ ушбу оби ҳайвон ичрадур.

Лаблари бир сўз билан юз йиллик ўликка мангу ҳаёт бағишлашга қодир, гўё Аллоҳнинг сўзи (бўлган Исо пайғамбар) ҳаёт суви ичида турганга ўхшайди.

Энди маҳбубанинг лабларидан чиқадиган ширин сўзлари мадҳ этилмоқда. Яъни, лаблар тириклик сувига қиёсланиб, ундан ҳосил бўлган сўзлари Рухиллаҳ – Исо пайғамбарга ўхшатишмоқда.

Байтда Хизр ва Рухиллаҳ сўзлари орқали талмех, Хизр ва оби ҳайвон сўзлари орқали таносиб, гўйиё сўзи орқали ташбех, муболаға санъатлари пайдо бўлмоқда.

Мунфаилдур юзу зулфидинки тебрангай насим,
Жилвагар товуским, фирдавси ризвон ичрадур.

Юзингу сочларингдан тебранган шабада ҳам ҳаяжонга тушган, (улар эса) жилваданувчи товус фирдавс, яъни жаннати аълонинг боғи ичида юргани каби таассурот уйғотади.

Навбатдаги байтда тасвир объекти кенгайиб, маъшуқанинг юзи ва сочларини ҳам қамраб олмоқда. Яъни, гўзалнинг юзи фирдавс жаннатининг боғига, сочлари эса унда жилва қилувчи товусга ўхшатишмоқда. Бундай гўзалликни кўрган шабада ҳам ҳайратга тушиб, таъсирланмоқда.

Байтда юзу зулфи сўзлари орқали таносиб ва таъдид, шабаданинг ҳайратланиши орқали ташхис, жилвагар товус бирикмаси орқали истиора, муболаға санъатлари яратимлмоқда.

Оразинг ҳажринда ҳар қонлиғ кўзумдур лолае,
Доғлар кўзнинг қорасин англаким, қон ичрадур.

Юзингнинг ҳижрониди қонли кўзларим лолага ўхшайди, кўзнинг қорасини эса лола ичидаги доққа ўхшатавер.

Ушбу байт ғазалдаги ягона шарҳ ҳол тасвирланган байт бўлиб, унда ошиқнинг маъшуқа айрилиғидаги ҳолати ифодаланган. Ошиқ ҳижронда кўзларининг қонли ёшлар тўққанлигини ифодалаш мақсадида қизил лолага, қорачиғини эса лоланинг ичидаги қора доққа ўхшатмоқда.

Байтда оразинг ҳажринда, қонлиғ кўзим бирикмалари ва ло-
лае сўзи иштирокида истиора, ташбеҳ, муболаға санъатлари ҳо-
сил бўлмоқда.

Тутма улфат боғ ароким сарсари дайдин дурур,
Эмин ул қушким, анинг маъвоси вайрон ичрадуру.

*Макони вайрона бўлган озод қушни боғ орасида тутсанг, у гўё
қиш бўронида қолган каби бўлади.*

Мавзудан лирик чекиниш қилаётган улуг шоир озодлик, эр-
кинлик ҳақидаги тасаввурларини бир қушнинг ҳаёти мисолида
тасвирламоқда.

Байтда ташхис санъатига мурожаат этилмоқда.

Эй Навоий, бирга юз жоми бало турмиш тўла,
Ҳар нечаким соғари ишрат бу даврон ичрадуру.

*Бу замондаги ҳар бир хурсандчилик қадаҳида у билан бирга юз
бало шароби турган бўлади.*

Мақтаъда Навоий истеъдодларни, вафо ва садоқат аҳлини,
тўғри сўзларни кўра олмайдиган замонга киноя ва истеҳзо би-
лан, унинг бир хурсандлиги орасида юз бало турган бўлади, де-
моқда.

Байтда эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, соғар ва жом
ҳамда бир ва юз сўзлари орқали таносиб, жоми бало ва соғари
ишрат бирикмалари орқали истиора ҳамда муболаға санъатлари-
га мурожаат этилмоқда.

Умуман олиб қараганда, биргина ҳайрат тасвири билан бош-
ланган ушбу ғазал озодлик, замон ва инсон ҳақидаги фикрлар би-
лан якунламоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Қошинг кўздин ниҳон, андин ниҳонроқ холи мушкиндур...”



Қошинг кўздин ниҳон, андин ниҳонроқ холи мушкиндур,
Бу анинг нуқтасидур, гўйиё ул “нун”и танвиндур.

Кўнгул зулфунг ғамидин тоза-тоза доғ ила гўё
Ки, нисфи қону нисфи мушк бўлган нофаи Чиндур.

Итингнинг гоҳ изи, гаҳ панжасидиндур димоғим хуш,
Бу бирдур мушкбийд, ул бир анга гўёки насриндур.

Недин билман юзум сарғарди муҳриқ ишқ тобидин,
Юзи ўтқа яқинроқ бўлган элнинг чунки рангиндур.

Ичимда андоқ ўтдурким, туган жисмимда куйдурсам,
Анга бу ўтдин андоқким, судин бу ўтқа таскиндур.

Юзунгга боқса бўлғай ою кунча, нури ўқсулса,
Яқин эрмас бу ҳам, астағфируллоҳ, балки тахминдур.

Қизил тўн бирла чиқти, лоларуҳлар не кўрунғай, ваҳ,
Бу гулдин хилъат эткан сарв, алар ҳар ён раёҳиндур.

Жаҳон маккораси дилкашдур, аммо кимки ақд этса,
Ипак жон риштаси, ёрмоқ анга дин нақди кобиндур.

Қошинг меҳробига, эй муғбача, юз қўйғали қўйким,
Бу тоат дайр пиридин манга ишқ ичра талқиндур.

Юзунг кўрмак тилаб тинмас Навоий кўнгли солмоқтин
Худой учун олиб бурқабни анинг кўнглини тиндур.

V --- V --- V --- V ---

мафойлун мафойлун мафойлун мафойлун
хазажи мусаммани солим

Лугат

Танвин – араб тилида ноаниқ сўзларнинг охирини хатда ёзилмайдиган “н” билан айтиш, “қаламун” ва “китобун” каби, мажозан кўринмайдиган, пинҳон

Нисф – ярим

Нофа – киндик, мушк оҳусининг киндиги

Мушкбийд – мушк дарахти; гули хушбўй тол

Мухрик – куйдиргувчи; иссиқ, жазирама, ўртайдиган

Тоб – 1) Ҳарорат, иссиқлик; 2) иситма; 3) нур, товланиш, порлоқлик; ёруғлик; 4) куч-қувват; мижознинг муътадил ҳолати; 5) эшилма, ўрим, жингалик

Ўқсулмоқ – кам бўлмоқ, озаймоқ, камситилмоқ

Яқин – 1) Яқин (узоқнинг зидди); 2) тахминий; 3) Ишончли, қуаррар; 4) аниқ

Хилъат – 1) Уст кийим; ҳашаматли кийим, подшо ва амирлар томонидан мукофот тариқасида бериладигануст кийим; 2) ёпинчок, сарпо

Раёҳин – 1) Райҳонлар; 2) райҳонлар, гуллар

Ёрмоқ – пул, танга; олтин

Кобин – маҳр; никоҳ олдидан куёв томонидан келинга берилиши шарт бўлган мол, маблағ

Талқин – тушунтириш, талқин; таълим бериш

Бурқаъ – парда, ниқоб, ҳижоб

Шарҳ ва изоҳлар

Мазмунан ошиқона ва шаклан пароканда ушбу ғазал ўн байт-ли бўлиб, Навоий ижодида ноёб ҳодиса ҳисобланган жуфт байт-ли ғазаллар сирасига киради. Ғазал маъшуқа гўзаллиги таърифи билан бошланади:

Қошинг кўздин ниҳон, андин ниҳонроқ холи мушкиндур,
Бу анинг нуқтасидур, гўйиё ул “нун”и танвиндур.

*Қошинг кўздан панада, қора холинг эса ундан ҳам панароқдадир.
Гўё қошинг “нун” ҳарфи бўлса, хол унинг нуқтаси кабидир.*

Ўтмишда гўзалликнинг қадри уни кўздан пана эканлигида деб ҳисобланган. Маъшуқанинг ҳижрони ва эҳтиёжсизлиги унинг қадру қиммати, эътиборининг ошиқ наздида ошиши билан баҳоланган. Бу ғазал матлаъсидаёқ маъшуқанинг қошларининг, кичик холининг ҳам кўздан паналиги, худди шундай ошиқ кўнглига ғалаён солмоқда. Бу ҳолатда Навоий китобат санъатидан фойдаланган ҳолда қошни “нун” - о ҳарфига, холни эса унинг нуқтасига ўхшатмоқда.

Байтда яна кўз, қош ва хол сўзлари орқали таносиб санъати ҳам пайдо бўлмоқда.

Кўнгул зулфунг ғамидин тоза-тоза доғ ила гўё
Ки, нисфи қону нисфи мушк бўлган нофаи Чиндур.

Кўнгил сочингнинг ғам билан ярмиси қону, ярмиси қора мушк бўлган Чин оҳусининг киндигига ўхшайди.

Нима учун маъшуқанинг сочлари ғамидан қон бўлган кўнгил айнан Чин оҳусининг киндигига ўхшатишмоқда? Бундай оригинал қиёслашнинг сабаби, бизнингча, сочининг ҳам, мушкнинг ҳам қора ва ҳушбўй эканлиги. Шунинг учун маъшуқанинг тундек қора сочларини ўйлайверган ошиқ кўнгли қорайиб, ярми қонга айланиб, Чин оҳунинг мушк боғлайдиган киндиги ҳолига келади.

Байтда кўнгулнинг жонлантириш орқали ташхис, тоза сўзининг такоридан мукаррар, нисфи сўзи такоридан такрир, гўё сўзи орқали эса ташбеҳ ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Итингнинг гоҳ изи, гоҳ панжасидиндур димоғим хуш,
Бу бирдур мушкбийд, ул бир анга гўёки насриндур.

Итингнинг гоҳида изи, гоҳи эса панжаси билан димоғим чоғдир, чунки, уларнинг бири мушк дарахтига ўхшаса, иккинчиси насрин гулига ўхшайди мен учун.

Ошиқ учун маъшуқага тегишли ҳамма нарса қадрли ва гўзал. Унинг кўчасини муқаддас санайди, хоки пойини кўзга суртади, йўлида ғубор бўлишни хоҳлайди ва итини ҳам панжалари насрин ва излари мушк дарахти каби, деб ардоқлайди.

Байтда гоҳ ва бир сўзлари такроридан тақрир, истиора ва муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Недин билман юзум сарғарди муҳриқ ишқ тобидин,
Юзи ўтқа яқинроқ бўлган элнинг чунки рангиндур.

Куйдирувчи ишқнинг ҳароратидан юзим нега бунча сарғайганлигидан ҳайронман, балки ўтга яқинлашганларнинг юзи ранглироқ бўлиши учун шундайдир.

Демак, бу ўринда ошиқ ишқ ўт деб тасвирламоқда ва айрилиқ азобларидан эмас, юзим шу ўтга яқин юрганим учун юзларим сарғайган, дея поэтик далиламоқда.

Байтда тажохили орифона санъати яратилмоқда.

Ичимда андоқ ўтдурким, туган жисмимда куйдурсам,
Анга бу ўтдин андоқким, судин бу ўтқа таскиндур.

Ичимда шундай бир ўт борки, ундан тугундай жисмимни куйдирсаму, унга бу ўтдан шу қадар, сувдан бу ўтга ҳам таскин бўлар балки.

Навбатдаги байтда энди юқоридаги байтдан-да кучли муболағали фикр ўртага ташланмоқда. Яъни, энди ишқ ўти ошиқ яқинида эмас, балки ичида, жисму жонидадир. Бу ўтдан бутун жисмини ёндириб юборсагина у роҳат топади.

Байтда ўт сўзининг такроридан тақрир, ўт ва сув сўзлари орқали тазод ҳамда муболаға санъатлари юзага келмоқда.

Юзунгга боқса бўлғай ою кунча, нури ўқсулса,
Яқин эрмас бу ҳам, астағфируллоҳ, балки тахминдур.

Юзингга боқса ой ва қуёшнинг ҳам нури камайиб қолиши мумкин. Лекин бу ҳам ишончли эмас, балки тахминдир (шунинг учун ҳам) астағфириллоҳ дейман.

Ошиқ маъшуқа жамоли нурины ою қуёшдан ҳам порлоқ демоқда. Яна бу сўзидан ўзи истиҳола қилиб, бу ҳам аниқ эмас, балки тахмин бўлганлиги учун астафириллоҳ дейман, деб, фикридан қайтмоқда.

Байтда ою кунча сўзлари орқали таносиб ва таъдид, яқин (ишончли) ва тахмин сўзлари орқали шартли тазод, муболаға санъатларига муурожаат этилмоқда.

Қизил тўн бирла чиқти, доларухлар не кўрунгай, ваҳ,
Бу гулдин хилъат эткан сарв, алар ҳар ён раёхиндур.

(Маъшуқам) қизил либос кийиб чиқди, лолаюзли (гўзаллар) нинг кўринишга қандай ҳаддилари сиғсинки, э-воҳ, улар райҳон бўлсалар, (менинг гўзалим) гулдан либос кийган сарв(-ку ахир).

Байтда ошиқ лола ранг либос сарвдай қадди-бастига қўйиб қўйгандай ярашган маъшуқасини бошқа гўзаллар орасида кўриб, менинг севгилим лола кийган сарв бўлса, бошқа гўзаллар унинг оёғи остида қолиб кетадиган райҳонга ўхшайди, демоқда. Маъшуқа ошиқнинг кўзига бошқлардан ўзгача, гўзал ва улугвор кўриниши аниқ-ку, ахир!

Байтда муболаға, лола, гул, сарв ва раёҳин сўзлари орқали таносиб ва албатта, ошиқона ғазалларнинг биринчи ўриндаги санъати муболаға ўз ўрнида ишлатилмоқда.

Жаҳон маккораси дилкашдур, аммо кимки ақд этса,
Ипак жон риштаси, ёрмоқ анга дин нақди кобиндур.

Жаҳон маккораси кўнгил олувчи, бироқ унга (кимдир чиндан кўнгил бериб,) никоҳига олмоқчи бўлса, ипак (яъни сарпосига) жоннини нақд қилиб бериши, маҳр учун тилла (қалин) ўринга эса дину имонини топшириши керак.

Яъни, дунёга кўнгил қўйма, демоқда Навоий навбатдаги маъвиза байтда ғазалхонига насиҳат тарзида. У аввал дилкаш бўлиб кўринади. Бироқ унга кўнгил берганинг сари, сарпосига жонингни, қалин ўрнига эса имонингни сўрайди.

Байтда жаҳон маккораси, жон риштаси, дин нақди каби бирикмалар орқали истиора, жаҳонни шахслантириш орқали ташхис, муболага санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Қошинг меҳробига, эй муғбача, юз қўйғали қўйким,
Бу тоат дайр пиридин манга ишқ ичра талқиндур.

Эй май ташувчи бола, қошингнинг меҳробига юз қўйишга ижозат бер, бу ибодат майхона пиридан ишқ йўлида менга берилган таълим-тарбиядир.

Бу байт маъшуқага ҳам аталган бўлиши мумкин. Чунки мумтоз шеърятда маъшуқага ҳам муғбача, соқийи гулчеҳра деб мурожаат қилиниши анъанавий ҳодиса ҳисобланади.

Қош – илоҳий сифатлар, муғбача эса комил инсон, пири комилнинг каломларини толибларга етказувчи маъносида келишини инобатга олсак, байтнинг маърифий маъноси қуйидагича бўлади:

Куруқ шакл бўлган меҳробга эмас, комил инсон ахлоқида акс этган Яратганнинг сифатларига сажда қилиш, эргашиш, ибрат олиш ниятим. Бу ниятгина эмас, пири комилдан менга берилган таълимдир асли.

Байтда қошинг, қўйғали, қўйким сўзлари орқали “қ”, меҳробига, муғбача сўзлари орқали “м”, меҳробига, дайр, пиридин, ичра, талқиндур сўзлари орқали “р” товушлари орқали тўрт ўринда тавзеъ ва эй муғбача ундалмаси орқали илтифот санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Юзунг кўрмак тилаб тинмас Навоий кўнгли солмоқтин
Худой учун олиб бурқаъни, анинг кўнглини тиндур.

Юзингни кўрай деб, Навоийнинг кўнгли тинмайди, Худо учун пардани (юзингдан) ол-да, унинг кўнглини (бир бора) тиндириб қўй!

Мақтаъда қошлари кўзга кўринмайдиган, холи ундан ҳам пинҳон бўлган, уни деб оловда ёниб яшамоққа маҳкум этилган маъшуқасига мурожаат этиб, лаҳзалик висол дамларини инъом этишини сўрамоқда.

Шу ўринда матлғадаги ҳолат, яъни маъшуқа гўзаллигининг яширин эканлиги сабаби мақтаъга келибгина аён бўлади: унинг юзида оппоқ ҳарир парда – бурқаъ бор экан. Шу парда унинг ҳилдек қошларию, нуқта каби холини ошиқ юзидан пинҳон қилиб, жонига ўт ёқаётган экан.

Байтда тинмас ва тиндур сўзлари орқали иштиқоқ ва муболаға санъатларидан фойдаланилмоқда.

Умуман олиб қараганда, ушбу ғазал пинҳон гўзалликка бўлган гўзал ва ошқора ишқ таърифидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Нуқтайи холингки кўздин доимо маъдум эрур...”



Нуқтайи холингки кўздин доимо маъдум эрур,
Нуқтайи хол эрмас улким, нуқтайи мавҳум эрур.

Тонг эмас ул нуқта гар кўздин ниҳондур, ваҳ, не тонг,
Мардумин кўрмаклигидин кўз агар маҳрум эрур.

Баски холи кўздадур бўлмиш жаҳон бир сафҳаким,
Рамл машқи янглиғ анда нуқта-ўқ марқум эрур.

Ахтари бахтимдурур ул хол, йўкса кўрмадук
Кавкаб андоқ тийраким, хуршид уза маълум эрур.

Холи рухсоринг кумуш маснадда Ҳиндустон шаҳи
Оллида саф тортибон хат, тобиъу маҳқум эрур.

Эйки майдин холий эрмас, деб мени таън айладинг,
Боре кўргуз аниким, бу дайр аро маъсум эрур.

Доғи пинхондур Навоий кўнглида, эй лоларух,
Нуқтаи холингки, кўздин доимо маъдум эрур.

– V – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Маъдум – 1) Йўқ, йўқ бўлган; 2) йўқлик

Мавҳум – тасаввур, хаёлда гавдаланган, хаёлий

Мардум – 1) Кўз қорачик, кўз қораси; 2) одам, инсон

Рамл – қум; қум билан фол очиш; фолбинлик

Марқум – ёзилган, чизилган

Ахтар – 1) Юлдуз; 2) тақдир, қисмат; бахт; 3) юз, жамол, чирой, ҳусн; 4) байроқ, туғ; 5) манзил, макон; шуъла

Кавкаб – юлдуз, сайёра

Тийра – 1) Қора, қоронғи; 2) ғам-ғуссали, қайғули; 3) хира, нурсиз

Маҳқум – бирор ҳокимнинг ҳукми остидаги киши; буйруққа бўйсунган, муте, тобе

Таън – маломат, таъна қилиш; кишининг нуқсон ва камчиликларини юзига солиш

Маъсум – пок, бегуноҳ

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бу ғазал маъшуқа гўзаллиги, қора холлари таърифига бағишланган.

Матлаъдаёқ бу таъриф аён бўлади:

Нуқтайи холингки кўздин доимо маъдум эрур,

Нуқтайи хол эрмас улким, нуқтайи мавҳум эрур.

Нуқтадек холинг мудом кўзга кўринмайди, (гўё) у нуқтадек хол эмас, балки мавҳум нуқта кабидир.

Маъшуқанинг ҳуснига ҳусн қўшувчи қора холи гўзаллиги ми-
солида кўздан яширин. Шунинг учун ошиқ уни нуқтадек хол эмас,
балки яширин нуқтадир, демоқда.

Байтда нутаи хол бирикмаси ёрдамида тақрирнинг радд-
ус-садр илал ибтидо, нуқтаи сўзи тақриридан радд ус-садр илал
ҳашв, ружуъ санъатлари яратилмоқда.

Тонг эмас ул нуқта гар кўздин ниҳондур, ваҳ, не тонг,
Мардумин кўрмаклигидин кўз агар маҳрум эрур.

У нуқтадек холнинг кўздан паналиги ажабланарли ҳам эмас,
(ахир) кўз қорачиғини кўрмаслик ҳайратланарли эмас-ку!

Иккинчи байтда ошиқ маъшуқанинг қора холи панҳонлиги
сабабини қидирган бўлиб, ўзига тасалли бермоқда. Яъни, қора
холинг яширинлиги бежиз эмас, ахир, у менинг кўзим қорасига
айлиниб бўлган. Киши ўзининг кўзининг қорасини кўра олмай-
ди-да ахир!

Байтда тамсил ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Баски холи кўздадур бўлмиш жаҳон бир сафҳақим,
Рамл машқи янглиғ анда нуқта-ўқ марқум эрур.

Хол кўзда бўладиган бўлса, жаҳон бир саҳифа каби, гўё қум-
дан фол очиш машқи бўлаётган пайтда, (холинг ундаги) чизилган
нуқтанинг айнан ўзи кабидир.

Холинг кўзим қораси бўлса, жаҳон унинг олдида бир саҳифа,
яъни холинг орқали кўзингни кўрай, демоқда ошиқ навбатдаги
байтда. Ёки, ром машқида холинг инсон тақдирини белгиловчи
нуқтадир.

Байтда икки ўринда тамсил, жаҳон бир саҳфақим бирикмаси
орқали истиора санъатлари яратилган.

Ахтари бахтимдурур ул хол, йўқса кўрмадук
Кавкаб андоқ тийрақим, хуршид уза маълум эрур.

Холинг бахтим юлдузимикин, (ахир у) қоп-қора юлдуз (бўлиб)
қуёш устида ҳам кўриниб турибди.

Ёки холинг қорайган бахтим юлдузими, дея ошиқ хол таърифни давом эттирмоқда. Йўқса у қуёшдек юзинг устида ҳам қорайиб кўриниб турибди.

Байтда ахтар ва кавкаб ҳамда хуршид ва кавкаб сўзлари орқали икки ўринда таносиб, тамсил санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Холи рухсоринг кумуш маснадда Ҳиндустон шаҳи
Оллида саф тортибон хат, тобиъу маҳкум эрур.

Ё юзингдаги холинг Ҳиндистон шохимикн, олдида саф тортиб турган (тўғри чизикдек) хатинг (фуқаро ва аскарлардек) тобе ва маҳкум (ҳолда турарлар)!

Навбатдаги байтда маъшуқа лабларининг устидаги хатнинг бир саф бўлиб туриши холга нисбатан гўё тобеъликни билдирмоқда.

Байтда ташхис, хол ва хат сўзлари орқали таносиб, тамсил санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эйки майдин холий эрмас, деб мени таън айладинг,
Боре кўргуз аниким, бу дайр аро маъсум эрур.

Эй, майдан узоқ эмассан, деб менга таъна қилган киши бу дунёда пок ва бегуноҳ одамни кўрсат-чи!

Навбатдаги маъвиза байтда шоир ўзини таъна қилувчига ю дунёда май ичмаса-да, гуноҳсизман, деб айта олувчи киши борми, дея майпараст ринд каби савол бермоқда.

Байтда холий сўзи ғазал давомида ҳар бир байтда айтилган хол сўзи билан ғўзал сўз ўйини – тажнисни ҳосил қилмоқда. Бундан ташқари байтда май ва дайр сўзлари орқали таносиб санъати ҳам юзага келмоқда.

Доғи пинҳондур Навоий кўнглида, эй лоларух,
Нуқтаи холингки, кўздин доимо маъдум эрур.

Эй лолаюз(ли севгилим) кўздан пана бўлган холинг Навоий кўнглидаги яширин доғ(дир асли).

Мақтаъда Навоий матлаъдаги фикрга яна қайтиб, холингнинг, демакки ҳусну-жамолингнинг кўздан яширинганлиги, яъни ҳижронинг менинг кўнглимга озор беради, демоқда.

Байтда эй лоларух ундалмаси орқали илтифот, радд ул-матлаъ санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Умуман олиб қараганда, ушбу ғазал маъшуканинг арзимас кўринган бир жуъви – холи тасвирида унинг гўзаллиги таърифи, ҳижрони машаққати ҳақидаги ошиқ изтироблари ифодасидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Ҳар лабинг ўлганни тирғузмакда жоно, жон эрур...”



Ҳар лабинг ўлганни тирғузмакда жоно, жон эрур,
Бу жиҳатдан бир-бириси бирла жоножон эрур.

Жоним андоқ тўлди жонондинки, бўлмас фаҳмким,
Жон эрур, жонон эмас, ё жон эмас, жонон эрур.

Бўлса жонон бордудур жон ҳам, чу жонон қилди азм,
Жон кетиб жонон била, жондин менга ҳижрон эрур.

Жон манга жонон учундур, йўқ жонон жон учун,
Умр жононсиз қатик, жонсиз вале осон эрур.

Борса жон жонон йитар, гар борса жонон жон кетар,
Кимсага жонону жонсиз умр не имкон эрур.

Ҳушдурур жону жаҳон жонон била, жонон агар бўлмаса,
Жон ўйлаким ўлмас, жаҳон зиндон эрур.

Жоним ол, эй, ҳажру жононсиз манга ранж айлама,
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур. _

– V – – V – – V – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг лирик асарлари жамланган “Ҳазоим ул маоний” девонида икки ярим мингдан ортиқ ғазал бор. Шарҳ адабиётида бирор шоирга бунчалик кўп ғазал ёзиш насиб бўлмаган. Аммо гап фақат сонда эмас. Навоий қалбидан қуйилиб чиққан ғазалларнинг ҳар бири даҳо ижодкорнинг беназир санъати ва теран тафаккуридан гувоҳлик берадиган бадиий дурдона, мўъжизадир. Бу бадиий миниатюраларнинг яратилганига беш асрдан ошди, лекин кеча ёзилгандай ҳамон руҳимиз, шууримизни ғалаёнга солиб, дилларга ҳаловат бағишлайди, ўқиган сари яна ўқигингиз, байтлар қатидаги сеҳрли ва сирли маъноларни теранроқ, тўлароқ англаб олгингиз келади. Буюк ўзбек шоири салафлари ижод-хонасида камолга етган кўҳна жанрнинг имкониятларини истифода этиб, бемисл маҳорат кўрсатиш, хазоя билмас шеърий гулшанлар яратиш баробарида ўзи мустақил равишда янги ифода усулларию услублар ихтиро қилди, ижодий тажрибалар, улкан изланишлар йўлидан бориб, ғазал инкишофини баланд чўққиларга олиб чиқди.

Яхлит маъноли, воқеабанд ғазаллар яратиш улўғ Навоийнинг шундай услубий ихтироларидандир. Мақсуд Шайхзода биринчи бўлиб бунга эътиборимизни қаратган эди. Аввалги шоирларда аҳён-аҳён учраб турадиган бу хусусият Навоий ижодида изчиллик тусини олади, муайян равия, бадиий ифода тарзига айланади. Турфа инсоний ҳолатлар, воқеа-ҳодисалар тасвирига бағишланган туркум-туркум ғазаллар шундан далолат беради.

Яхлит маъноли ғазал радиф-сўзга урғу бериб, шоирона ваҳиятни намоён этиш, ё бирор-бир ҳодисадан таъсирланиб, ҳис-ҳаяжонни тўкиб солиш, шу воқеа моҳиятини очиш, ёхуд муайян анъанавий туркумча-тамсиллар, образ-ифодалар атрофида суҳансозлик қилиш. лутф кўргатиш ниятнинг мевасидир. Чунончи, улўғ шоир жон ва жонон мавзуида бир туркум дилбар ғазаллар яратганким, шулардан бирининг матнини юқорида келтирдик.

Ғазалда “жон” сўзи ўн тўққиз, “жонон” сўзи ўн олти марта так-
рорланиб келган. Бироқ бу қайтариқлар бизга нохуш туюлмайдиган,
аксинча, кучли завқ уйғотади, шоирнинг заковати, топқирлигига
қойил қоламиз, Қаршимизда ўзига хос бутун бир ғазал-тажнис,
яъни бир ўзакли, талаффузи, шакли ўхшаш, аммо маънолари хил-
ма-хил сўзлар воситасида барпо бўлган ҳайратомуз санъат наму-
наси. Аёнки, тажнис классик шеъриятимизда кенг тарқалган усул,
лекин етти байтли ғазалда икки жинодош сўзнинг бошдан-охир
ҳар гал янги маънода, янги жило, янги товланиш билан бундай
занжирланиб келиши фавқуллодда ҳодиса. Гўё уста заргар бир
бўлак жавахирдан турфа тароватли марварид доналарини суфта-
лаб, ипак ипга тизиб чиққандай. Ва лекин шу нарса ҳам эсда тур-
синким, улуғ шоир сўз соҳибқирони эканини кўз-кўз қилиш учун-
гина бу санъатга қўл урган эмас. Бу санъат замирида Навоий қал-
бида ҳамиша яшаб, кўкариб турган эзгу-ардоқли фикрлар: ишқ,
вафо, садоқат ҳақидаги мунаввар, муборак ғоялар порлаб диққа-
тимизни тортади. Сўз — тафаккур хизматида, санъат — фикр ва
ғоянинг кўрки, тарғиботчиси.

Бутун ғазал бўйлаб сўз додини бериб тажнисни узлуксиз да-
вом эттириш бир санъат бўлса, буни муҳим ижтимоий-ахлоқий
ғоя билан боғлаб ривожлантириш орқали гўзал бир тасвирни ву-
жудга келтириш яна бир санъат — юксак шоирлик маҳоратининг,
уйғоқ, уйғун тахайюл, табиатдай қудратли ва саҳий истеъдоднинг
нашъу намоси, сеҳркорлиги. Шоирнинг усталигини қарангки,
байтлар бир-бири ила мантиқан пайвандланиб, етакчи, сарбон
ғояни теранлаштира бориш асносида лирик қаҳрамоннинг туй-
ғулари ҳам байтдан байтга кучайиб, унинг юрагидаги дарди,
эҳтирос-ҳаяжонлари жўшиб бораверади, жон ва жонон можароси
зўраяди, висол шодлигига ҳижрон азоблари, ошиқ изтиробини ва ёр
истиғноси орасидаги драматик зиддият таранглашади.

Ғазални шарҳлаганимизда бу хусусият янада равшанроқ кўзга
ташлана боради. Аммо бу ишни бошлашдан олдин ҳамма гапла-
римиз келиб тақаладиган “жон” ва “жонон” сўзларига изоҳ бер-
моқчимиз. Жонон сўзининг жондан келиб чиққани аниқ. Лекин
қандай қилиб? Балки бу “жон каби”, “жонга ўхшаш” (жондан ши-
рин) деган маъноларни англатар? Яъни: жонмонанд — жонмон
— жонон тарзида бирикманинг ихчамлашиб бориши оқибатида

содир бўлгандир? Форс тилида сўзни мана шундай ихчамлаб, талаффузни енгиллаштириш ҳодисаси бор. Аммо Суддий Баснавийнинг фикрича, жонон жон сўзининг кўплигидир. Маҳбубни улуғлаш, унга чексиз ҳурмат-эҳтиром билдириш мақсадида шундай қилинган бўлса ажаб эмас, чунки бу яхши одатимиз ҳозир ҳам амал қилиб келмоқда. Бундан ташқари, жонон — жонларнинг жони (жони жонҳо, жони жонон) туганмас, ўлмас жон маъносида ишлатилиб, бора-бора тилда мустаҳкамланиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда барча маъноларда ҳам жонон (муаннас шакли жонона) инсон учун энг қимматли, азиз ҳисобланган жон билан баробар қўйилгани, ҳаттоки ундаи ортиқроқ билиб, эъзозланаётгани аён бўлмоқда. Жонон — маҳбуб, маъшук, дилбар, дилором, санам — буларнинг барчаси ёрнинг сифат-синонимлари. Улардан ҳар бири шеърятда ўз мавриди, ўз мақом-нисбатида қўлланиб келинган. Чунончи, жонон сўзи тилга олинганда албатта жон сўзи ҳам қўшиб зикр этилган.

Воқеан бир-бирига вобаста бу тушунчаларни яна ҳам тўлиқроқ тасаввур этмоқчи бўлсак, жон сўзининг келиб чиқиш моҳиятини ҳам билишимиз даркор. Зеро, қадимги аждодларимиз буни ҳозир биз тушунгандай талқин этмаганлар. Ҳозир биз жонни танадан ажратиб тасаввур қилолмаймиз. Жон, яъни тириклик материянинг олий даражада уюшган шакли бўлмиш биологик ҳаётнинг (демак инсон вужудининг ҳам) хусусияти деб қараймиз. Қадимгилар эса, жон бошқа, тана-жисм бошқа деб тушунганлар. Боз устига, уларнинг тасаввурича, жон, рух — олий неъмат, бирламчи борлиқ бўлиб, жисм қуйи ҳаюло — тўрт унсурдан таркиб топган бир қолип. Агар жон бўлмаса, вужуд ўзича яшай олмайди, дунё тимсоли бўлган бу “вайрона”ни жон обод қилиши мумкин. “Ошиқ дили дўстга мунтазир ва беқарор талпинганидай, жисм руҳга муштоқ ва муҳтождир”, дейди “Қашфул маҳжуб” китобининг муаллифи Шоҳ Иноятулло.

Алишер Навоий асарларида учрайдиган “жисми вайроним”, “тан уйн”, “вужуд хокистари” сингари ибораларни шу маънода англашимиз керак. Унингча, жонсиз жисм — қаро тупроқ:

“Жисмдан жонсиз на ҳосил, эй му-сулмонларки, ул бир қаро туфроқдурурким, гулу райҳони йўқ”. Жоннинг шоирлар кўп қўллайдиган иккинчи рамзий номи “равон” (юриб турувчи) эканини

эътиборга олсак, жон жисмга қарама-қарши ўлароқ доимо ҳаракатдаги нарса деб қаралгани маълум бўлади. Шунинг учун у жисм билан курашади, ўз асли — мутлақ руҳга бориб қўшилишга интилади, дея талқин қилинган. “Жоним оғзимга келди”, “жон риштаси”, “жони кирди” қабилидаги халқ иборалари ҳам шу тасаввурлар таъсирида туғилган. Мазкур тасаввурлар, шу билан бирга, абадий ҳаёт ҳақидаги, Масиҳ (Исо), Хизр тўғрисидаги армонли ривоятларнинг яратилишига ҳам сабаб бўлган. Гўё Масиҳ ўз нафаси билан ўлган одамни тирилтирар, Хизр бўлса оби ҳаёт — тириклик сувини топиб ичгани учун мангу яшаб, одамларни эзгулик манбаига етаклар эмиш...

Алишер Навоий тасвирлаган ошиқнинг севган ёри худди шундай нафасли киши, унинг лаблари ўликка ҳам жон бағишлай олади, бу лаблардан ўпган ошиқ абадий ҳаёт топади. Фақат бу эмас. Жонон лабларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида сеҳр кўрсатиш қудратига эга ва соҳирлик ишида улар ғоят иноқ-иттифоқдирлар. Қисқаси, газалнинг ушбу ривоятга асосланган биринчи байтининг мазмуни бундай: “Жонгинам, лабларингнинг ҳар бири ўлган одамни тирилтиришда жон ўрнидадир, улар иккови бу ишда жуда иноқдирлар”. Байтдаги “жонон” сўзининг иноқ, иттифоқдан ташқари, яна бир — жонга жон, жон бериб жон олиш деган қадимий маъноси ҳам бор. Масалан, урушда фидойилик кўрсатган кишиларга нисбатан шундай дейилган. Навоий газалга бу маънони ҳам сингдира олган: жононнинг икки лаби ошиққа жон бағишлашда бир-бири билан тортишиб, бахслашади — бири жон олса, иккинчиси жон ато этади. Ҳа, бу ёр дийдорига мушток, кўнгли муҳаббат бодаси-ла лиммо-лим одам учун табиий ҳолдир. Ошиқ жонон ёдида шунчалик азият чекадики, ўзининг бор-йўқлигини унутиб қўяди, бироқ жонон ҳузури, висол уни қайта ўзига келтиради, тирилтиради. Висол лаҳзасидаги бу руҳий ҳолат, қониқиш, ёр лабларидан олинган бўсанинг лаззати жонга беқиёс ҳузур бағишлайди. Жон жонон билан қовушиб, йўқ-йўқ, бирлашиб кетади. Улар орасида ҳеч қандай фарқ қолмайди: жон — жононга, жонон эса — жонга айланади. Яъни: “Жоним жонондан шу даражада тўйиб қоникдики, қайсиси жон, қайси бири жонон эканини билмай қолдим — жон бўлса, жонон қани, жонон бўлса, жон қани?”

Биринчи байтнинг бевосита давоми бўлмиш иккинчи байтнинг мазмуни шундан иборат.

Муҳаббат қиёмида ошиқнинг “буду нобуду тенг бўлиб” қолиши, жонон жилвасида эриб кетиши Навоий ижодида кўп маротаба учрайдиган хуш тасвирлардан. Чунончи, шоир бошқа бир ғазалида бундай дейди: “Ёр буди ичра нобуд ўлғаменким, ўртада ўзгаликдан демаким, ўзликдан осор қолмағай”. Ишқ тариқати шуки, агар бу йўлга кирган одам ҳақиқий ошиқ бўлса, у ўзини маъшуканинг бир бўлагига айлантириши, орада “у” — “мен” деган фаркланишга ўрин қолдирмаслиги керак. Ахир, висол чоғида юз берадиган муҳаббат қиёми “Ўзни унутиш ва маҳбубдан айри тасаввур қилмасликдир” (Шоҳ Иноятулло, “Кашфул маҳжуб”, 19-бет). Бу ошиқни беқарор орзиқиб кутган дам, унинг учун олий мукофот. Чунки ошиқнинг кўнгли ва жони тинимсиз равишда жононга қараб интилади, жононсиз яшашни дўзах азоби деб билади. Зотан, жононсиз жоннинг унга кераги йўқ. Жононсиз жон танни ҳам қийноқ ва уқубатлар гирдобига солади. Жоннинг доимий суратда жононга талпиниши, висолга ташналигини инсоннинг ўз Идеалига, бутун файзу фазилати, пок ахлоқи, ички маънавий дунёсининг кўркем, нурафшонлиги билан жозибали бўлган дўст сари интилиши деб билмоқ керак. Дўст — кишининг севган ёри ҳам, эътиқод-имон тимсоли ҳам, эзгулик, адолат ва ҳақиқат ҳамдир. Яхши инсонни севиш — ҳаётни севиш, ҳаётни севиш — ҳақиқатни, ҳақни севиш демакдир. Буюк Навоий ҳаёлотида етилган Жонон образида бу тушунчаларнинг бари мужассам. Шу маънода жононга бўлган муҳаббат реал турмуш, мухитдан қониқмаган, зулм ва зўрлик пажмурда этган, дунёнинг нотекис ва нотўқислигидан озурда кўнгилнинг қидирган оромгоҳи, сиғинадиган ва суянадиган ягона паноҳхонаси бўлганини унутмайди. “Ҳазоин-ул маоний” дебوحасида шоир ўз ғазалларининг ёзилишига сабаб бўлган ҳаётий турткиларни бундай қайд этади: “Олдимга анча душворликлар юзланди ва теграмга анча сазб гирифторликлар айланди ва бошимга сипеҳр анча бало тошини отди ва ишқ сипоҳининг лагадқўби заиф пайкарим била сўнгакларимни онча оёқ остида ушотдиким, не сўзимдан хабарим, не ўзлугим билан ўзумдин асар қолди”. Бу аҳволимни шарҳ этсам тушунадиган бир мушфиқ инсон тополмадим, шу боис дардларимни шеър қилиб ёздим,

дейди Навоий. Ёрга бўлган ишқнинг шиддат ва шарофатини шу тахлит камоли эътиқод билан таърифлаб келиб, улуғ шоир учинчи байтда фикрларини янада равшанроқ баён этади: “Агар жононинг бўлса — жонинг ҳам бор, агар жонон кетишга чоғланса, билгилки, жон ҳам жонон билан бирга кетади. Демак, жондан ажраласан ва ҳижрон азобида қоласан”. Жон билан жононнинг ажралмаслиги ҳақидаги бу ғоя кейинги байтларда янгича қиёсланиш ёрдамида давом этади. Масалан, тўртинчи байтнинг мазмуни бундай: “Жон менга жонон учун керак, аксинча, жонон жон учун эмас. Чунки жононсиз яшаш беҳад оғир, аммо жонсиз шу маромда ўртаниб-ўртаниб изҳор яшаш беҳад оғир, аммо жонсиз умр кўриш осон”. Жигарсўхта, шайдойи ошиқ кўнгил муножотини мана шу маромда ўртаниб-ўртаниб изҳор этган. Висолдан сархуш, бироқ ёрдан жудо бўлиш муқаррарлигини олдиндан сезгандай жон талвасада. Ҳижрон азобларига қайта гирифтор бўлмаслик учун жондан кечишга ҳам рози... Тўртинчи байтдаги “жонсиз умр осон эрур” жумласи бизга ғалатиноқ туюлиши мумкин.

Дарҳақиқат, қандай қилиб одам жонсиз яшай олади? Чама-си, бу ўринда шоир жон баҳсининг мажозий-ботиний маъносини чуқурлаштириб, инсон учун маънавий ҳаётнинг афзаллигини таъкидламоқчи бўлган. Унинг назарида ҳақиқий ҳаёт маънавий ҳаётдир, зероки, жонон, кўриб ўтганимиздай, ана шу маънавий фазилатларнинг умумлашма тимсоли. Навоий сўз ўйини — тажнисдан мантиқ силсиласига ўтади: модомики, жон билан жонон бир экан, бири иккинчисисиз тасаввур этилмас экан, жонони йўқ (ишқсиз) одамлар жонсиз кишилардир. Улар тирик юрадилару лекин руҳан, қалбан ўлганлар. Шунинг учун умрлари осон кечади. Аммо энг қизиғи шундаки, шоир ўзининг бу фикридан қайтади, ахир, ишқ барча махлуқотда бўлиши шарт, ишқсиз, жононсиз, умуман ҳаёт йўқ. бу хулоса бешинчи байтда ўз ифодасини топган:

“Жон кетса, жонон кетса, жон ҳам кетади. Шундай бўлгач, жононсиз ва жонсиз қандай яшаш мумкин?” Бу фикр олтинчи байтга келиб мазмунан яна кенгаяди, жонон фақат ошиқнинг жони билан баробар нарса бўлиб қолмай, балки “жону жаҳон”га тенг бутун мавжудотни ўз ичига оладиган тушунчага айланади. Энди ошиқ ўз жони, ўз шахсияти ҳақида қайғуриш билан чегараланмайди.

Унинг учун дунёнинг барча ширинлиги, лаззати, ҳатто азоб, хўрсиниқлари ҳам жонон билан хуш, жонон билан маъноли ва зебо: “Жону жаҳон жонон билан хушдир, агар жонон бўлмаса, жон бўлмайди деганинг кам, бу кенг жаҳон зиндонга айланади”. Навоий такрори бўлсада, ҳижрон оғирлигини бот-бот таъкидлаб, охирги еттинчи байтда илтижо ва тавалло оҳангини кучайтиради, ҳамда ғазални шу нафас билан якунлайди. Зору нотавон ошиқ жондан кечиш эвазига бўлса ҳам жонон васлидан маҳрум этмасликлари-ни ёлбориб сўрайди: “Эй, ҳижрон, майли, жонимни олгин, аммо жононсиз яшаш азобини менга раво кўрма. Чунки жононсиз Навоий жонидан безордир”. Маълум бўладики, таҳлил этганимиз ғазалда ошиқнинг икки ҳолати — висол лаҳзасидаги ҳаловат, жоннинг яйраши ва ёрдан ажралганда юз берадиган руҳий қийноқлар қиёслатиб тасвир этилган. Бошқача айтганда, жон ва жонон баҳси васл ҳамда ҳижрон қиёси негизига қурилган. Висолга мушарраф бўлган ошиқ бу бахтнинг абадий барқарорлигини истаб, агар жонон ташлаб кетса нималар бўлиши мумкинлигини зорланиб гапиради.

Бу – Алишер Навоийнинг айни шу ғазалда қўллаган бадийий усули. Жон ва жонон можаросига бағишланган бошқа ғазалларида шоир яна ўзгача санъат, ўзгача усуллари синаб кўрган. Масалан, “Қасди жоним қилди ҳажр, эй қотили хунхор, кел” сатри билан бошланадиган ғазалда жонондан ажралган фироқдаги ошиқнинг изтироблари ифодаланади. У ёрига ғойибона мурожаат қилиб, “Жон нақдини овучда ушлаб турибман, агар келсанг, йўлингга сочаман”, дейди. Руҳ ҳам, жон ҳам жонон йўлига мунтазир, ошиқнинг нияти бўлса жонини жононга топшириш: “Жон етибдур оғзима, дерман лабинга топширай, лутф этиб қилғил мени жон бирла тенгсиз неъмат! Ҳаётбахш нафасли маҳбуб ви-солига муштоқ ошиқнинг интизорликдан жони оғзига келган. Шу бетоқат жонимни келиб олгин, мени азобдан қутқар, сендан миннатдор бўламан, дейди, у.

Аммо бу айни ҳолатда ошиқ учун янгидан жон топиш ҳам. Чунки Навоий васф этган маҳбуб лаби жон бағишлаш қудратига эга-да! “Севингил, эй кўнгул, охирки, жисминг ичра жон келди”, деб бошланадиган ғазал эса бунинг акси ўлароқ жонон келгандан кейинги шодлик, руҳий кўтаринкилик кайфиятини тараннум этади. Ёр бемор бўлиб ётганда ошиқнинг жони ачишиб, баттар қий-

налади. Ёки ёрдан келган мактуб, ёрга юборилган нома, ёхуд ёр муждасини келтирган хабарчи кабуларлар тасвири ҳам Навоийда ошиқ қалби ҳаяжонлари билан қўшилиб кетади. Жонондан келган нома жон исини (ҳам хабар, ҳам хушбўй маъносида) келтирса, жавоб номасини ёзганда ошиқ уни жон риштаси билан чирмаб, ҳар бир сўзи, ҳарфи ёрдамида гўё қийналган жонининг нишонларини жўнатади. Бу каби газалларда муайян образнинг чизгилари намоён, тасвир характерли деталлар асосида давом этган ва шу ҳаётий ашё — сурат таъсири натижаси ўлароқ лирик туйғулар қулф уриб, қайнаб чиқади.

Хуллас, Навоийнинг воқеабанд, яхлит маъноли асарлари унинг лирик меросидаги ўзига хос ғоявий-бадий ҳодиса, туркумлар ичидаги ҳар бир газалнинг махсус усулда битилгани эса бутунлик, гармонияга интилган муқтадор шоирона тафаккурнинг рангин оламида алоҳида- алоҳида кўринишлардир. Шу сабабли улуғ шоир ижодининг тадқиқотчилари учунгина эмас, балки унинг асарларини ўқиб, баҳра олишни ният қилган китобхонлар учун ҳам бу хусусиятларни билиш зарур.

Нажмиддин КОМИЛОВ

Мундарижа

ШАРҲ ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР.....	3
“Ёп ул юз ойинасин чекса моҳи дард олуд...”	18
“Ёп ул юз ойинасин чексам оҳи дардолуд...”	22
“Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд...”	27
“Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд...”	33
“Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод...”	39
“Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод...”	44
“Оразинг муштоқидур бу кўзки, бўлмиш дардманд...” ...	48
“Унутмоғилки то ҳажр этти бедод...”	53
“Эмас ғамимни ёзар хатқа зарфишон коғаз...”	57
“Демагил кўйини беному нишонларға малоз...”	62
“Эй зотинга ҳар неча қилиб ақл тафаккур...”	67
“Парим бўлса учуб қочсам улусдин то қайотим бор...” ...	71
“Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чокидур...”	76
“Оғзим ачитқон дам-бадам ул лаъли шаккарханд эрур...”	83
“Эл тилидин жонима гар юз бало мавжуд эрур...”	88
“Йиғласам кўнглумга ишим оҳи дардолуд эрур...”	94
“Улки юз меҳнатқа жоним ишқидин помол эрур...”	100

“Йўқ ажаб, лаълингдин ар беҳудлуғум ойин эрур...”	104
“То лабинг шавқида жисмим ғарқайи хуноб эрур...”	109
“Ул парий кўнгли учун руҳум асиру зор эрур...”	114
“Кўнгулки, ишқида дерсен бало не бўлғусидур?...”	120
“Жафо қилур бари гулчеҳралар, вафо қилакўр...”	124
“Тутулмиш эрди ғазабдин улусни қилди асир...”	129
“Парийвашим қора бўркинки, бир ён эгри қилибдур...”	134
“Кўзи ул юз ўтидин халқ ичини доғ этадур...”	139
“Кундуз ул хуршиди рахшондин кўзумга ёш эрур...”	143
“Телбараб иткан кўнгул ёдима кирса гоҳлар...”	148
“Юз туман меҳнат ўқи андуҳлуғ жонимдадур...”	152
“Кирди сиймобий либос ичра яна ул гулузор...”	155
“Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар...”	158
“Ул малоҳат шамъидин мундоғки жисмим ёнадур...”	162
“То ҳаёлинг гаҳ кўнгул, гаҳ кўз аро меҳмон эрур...”	166
“Гунчайи хандон била ҳуснунг гули ҳуррам баҳор...”	171
“Ваҳки, кўнглум ғуссаси ҳар лаҳза қасди жон қилур...” ..	176
“Тарарда уқдалиғ зулфин мусалсал айлади чинлар...” ...	182
“Оллим ул ой саждасидин реш эрур ҳолим будур...”	189
“Тиргузур ҳар дам рақибларнию мени ўлтурур...”	194
“Яна сенсизин мунисим ғам бўлуптур...”	199
“Кўзунг не бало қаро бўлубтур...”	204
“Кўзунг не бало қаро бўлуптур...”	208
“Кўк ғазоли чунки кофур узра мушкафшон бўлур...”	212

“Кўк ғазоли чунки кофур узра мушкафшон бўлур...”	216
“Ваҳки, майдон азмиға секретти ул чобуксувор...”	223
“Ваҳй нозил бўлди ёхуд ёрнинг пайғомидур...”	227
“Бармоғи ҳайрат билаким лаъли хандон ичрадур...”	231
“Қошинг кўздин ниҳон, андин ниҳонроқ холи мушкиндур...”	236
“Нуқтайи холингки кўздин доимо маъдум эрур...”	242
“Ҳар лабинг ўлганни тирғузмакда жоно, жон эрур...”	246


Алишер Навоий

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

4-ЖИЛД

Монография



*Муҳаррир С. Абдунабиева
Бадий муҳаррир А.Набиев
Компютерда саҳифаловчи У.Рахматов*

**Нашр. лиц. АА №0038.
“О‘ЗКИТОBSAVDO” нашриёти**

Босишга рухсат 19.12.2020-йилда берилди.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет усулида босилди.
“PT Serif” гарнитураси. Шартли б.т. 10,75. Нашр ҳисоб т. 10,35.
Адади 40 дона. 16-бўлортма.

**“О‘ЗКИТОBSAVDO” нашриёти.
100000, Тошкент, Қуйлуқ даҳаси, 5.**

ISBN 978-9943-6858-8-8



9 789943 685888